

# АДАБИЙ ПОРТРЕТЛАР

---

ТУРОБ ТЎЛА  
РАҲМАТ ФАЙЗИЙ  
ОДИЛ ЁҚУБОВ  
ШОИСЛОМ  
ШОМУҲАМЕДОВ  
ЭРКИН ВОҲИДОВ

---

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1985

Адабий портретлар Туроб Тўла, Раҳмат Файзий, Одил Ёқубов, Шоислом Шомуҳамедов, Эркин Воҳидов.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. — 296 б. портр.

Ушбу тўпلامга адабиёткиъонинг турли жанрларида қалам суриб, унинг ривожига у ёки бу даражада ҳисса қўшиб келаётган бешта ижодкорнинг адабий портретлари киритилди. Қатор адабиётшунос олимлар қаламига мансуб ушбу портретларда Туроб Тўла, Раҳмат Файзий, Шоислом Шомуҳамедов, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидовнинг ижодига хос хусусиятлар, уларнинг асарларидаги ютуқ ва кусурлар ҳақида фикр юритилади.

Литературные портреты: Тураб Тула, Рахмат Файзи, Адыл Якубов, Шаислам Шамухамедов, Эркин Вахидов.

С 4603010000 — 170 172-85  
М 352 (04) — 85

ББК 83. 3У 37

© Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1985 й.

Дилбар Мўминова,  
Ўлмас Муҳиддинов

---

*ШОИР ДУНЁСИ*



ИККИ ОҒИЗ СЎЗ  
ШЕЪР ДИПЛОМАТИК БАҲСДА...  
ГРАЖДАНЛИК РУҲИ  
СУЛИМ ЛИРИКА  
ҚАНОТЛИ ҚУШИҚЛАР  
ЛИРО-ЭПИК ЖАНРДА МАҲОРАТ САРИ  
ЯРҚИРОҚ ЖИЛО  
ХОТИМА ЎРНИДА



## ИККИ ОФИЗ СУЗ

Ҳақиқий ёзувчи — халқчил бўлиши керак.

Халқнинг дилидаги, тилининг учидаги гапларни тоғиб айтиши, асарлари билан умуммаданиятни бойитишга хизмат қилиши зарур. У ижод дарди билан яшайди, бутун ҳиссиёт, эътиқод ва тафаккурини таланти орқали изҳор қилади. Туроб Тўла ана шундай ижодкорлардан биридир. У катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, ўз сўзи ва санъатини элига манзур қилиб, социалистик маданиятимиз гуллаб-яшнашида сезиларли роль ўйнаётган қалам соҳиби.

Туроб Тўла 1918 йили шундоқ Ўзбекистоннинг ёнбошидаги, ўзининг ажойиб ям-яшил боғ-роғлари, тоғли манзаралари, меҳнаткаш, покдил одамлари билан машҳур бўлган Турбат қишлоғида дунёга келган. Мурғаклигидан тиришқоқ, ҳар ишга куйди-пишди ва уринчоқ Туроб 30-йилларнинг яратувчан, орзуларга тўла жўшқин ҳаёти бағрида янги бир одам ва ижодкор сифатида шакллана борди. «Туроб Тўла асосан ва ҳаммадан бурун шоир!— дейди Ўзбекистон халқ шоири Уйғун,— унинг бутун қудрати, истеъдоди шеъриятда тўлалигича намоён бўлди. Унинг гафуруна ёзилган жўшқин, теран, фалсафий, нозик ва зўр мушоҳадалар натижасида яратилган ажойиб шеърлари шеърият шинавандаларининг қалбидан жой олган».

Чиндан ҳам Туроб Тўла адабиётнинг қай соҳасида қалам тебратмасин, шоирлигини унутмайди. У ҳар бир воқеа-ҳодисага шоир бўлиб ёндашади, замондошлари ҳаёти ва курашини ёниб, кўтаринки руҳда куйлайди. Ҳатто пьесалари, киносценарийларида, прозаси, публицистикасида ҳам шоирона қараши барқ уриб туради.

«Агар жоиз бўлса,— дейди ҳамкасб дўсти, Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати Мирмуҳ-

син,— атоқли шоиримиз Туроб Тўланинг ўзига хос, бошқа шоирларни асло такрорламайдиган ажойиб шеърятини қоракўл гўзаллигига қиёс этардим. Юрт, замин, халқу қардошлигимиз Туроб поэзиясига камол берди... Бошқаларга ўхшамасан бу шоир санъат ва адабиёт тоғи ораллиқларида чопқиллаб юрган оҳуга ҳам ўхшайди — бу «оҳу» анча-мунча зукко ва уста, тик қоялар бағрида яширинган шеърый мўмиёни топиб, юракларга қудрату завқ, саломатлик бағишламоқда. Унинг, айниқса, сиёсий лирикаси, қўшиқлари шеърый бўстони-мизнинг хазон билмас гулларидандир».

## ШЕЪР ДИПЛОМАТИК БАҲСДА...

Улуғ Ватан уруши тугаши билан халқаро вазият кескинлашди. Икки қарама-қарши лагерь тўқнашувида адолат кучлари қабохат устидан ғолиб келганлиги империалистик доираларни жазавага солди. Ҳар бир воқеага сезгир ўзбек совет поэзияси жаҳоннинг гоҳ у, гоҳ бу ерида бўлаётган сиёсий ўзгаришларга хушёр қарай бошлади. Тинчлик учун кураш кўпгина асарларда ўз аксини топар, баъзан ғоят интим-лирик шеърлар ҳам шу муқаддас ташвиш билан, осуда кунлар орзуси, соғинчи билан суғориларди. Бироқ шоирлар фақат бунақа кечинмалар изҳори билангина кифояланиб қолмади, балки талай-талай халқаро анжуманларнинг иштирокчилари, публицист ижодкорлар сифатида музаффар халқ номидан янги уруш хавфига қарши фаол курашди. Айниқса Ғафур Ғулом, Уйғун, Шайхзода, Зулфия, Ҳамид Ғулом, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Султон Акбарий каби шоирлар овози баралла янграб турди.

Ўзбек совет филологияси оқсоқолларидан бири Иззат Султон шу маънода «Бугунги ўзбек поэзияси жаҳон миқёсида фикр юргизувчи поэзиядир», деганда мутлақо ҳақли эди.

Ўзбек шоирлари орасида бу борада Туроб Тўла алоҳида ажралиб туради. У халқаро мавзуда бир қанча шеърлар ёзди. Бу асарларнинг аксарияти ўз вақтида поэзиямизда воқеа ҳисобланиб, адабиётимиз обрўсига сбрў қўшган.

Шоир публицистик шеърятда минбар формасини кенг қўллаган ижодкорлардан. У Маяковский, Ҳамид Олимжон ва Ғафур Ғуломлар жанговар аъёналарини давом эттириб, давримиз прогрессив кучлари зафарли

Ўналишини баралла овоз билан олқишлади, оёқ остида ўралашиб, инсоният олға ҳаракатига халақит беришга уринувчи қора кучларни эса кескир тил билан аёвсиз фош қилди. Шеъримизни дипломатик баҳс даражасига олиб чиқди. Унга сиёсий тус берди, курашчан руҳ ато этди.

Шу билан бир вақтда у поэзиямизда халқаро мавзу диапазонини ҳам кенгайтирди, унинг ғоявий мотивларини чуқурлаштирди. Шоирни гоҳ ғарб дипломатиясининг СССР халқлари тенг ҳуқуқлигини тан олмаслиги ғазаблантирса, гоҳ ўз эрки, мустақиллиги учун бош кўтарган Осиё ва Африка халқларининг метин иродаси беҳад қувонтиради. Унинг шеърларида нафрат билан шодлик, фахр билан меҳр-шафқат, киноя ва илтижо, ниманидир қоралаш билан кимнидир ёқлаш ёнма-ён юради. Булар ҳаммаси коммунизм диёрининг коммунист шоири тилидан халқаро минбардан туриб айтилгандай таассурот қолдиради.

Туроб Тўла 1948 йилда «Ит ҳуради, карвон ўтади» шеъри билан чиққан эди. Бу — социалистик воқелигимизни кўролмовчи ғарб дипломатиясининг маддоҳи — «шаллақи нотикнинг безори овози»га қақшатғич жавоб бўлганди:

...Ўттиз йилдан бери «финаншиэл Таймс»  
Тинмади,  
Жавради,  
Вайсади ҳадеб.  
Ўттиз йил ҳайқирди «Нью-Йорк Таймс»  
«Қўрқманг, большевизм умри қисқа» деб...

Шоирнинг ғазоби ва пичинги бизга тушунарли. Ахир ўттиз йилдан бери тузумимиз душманларининг «қора уяси тинмай гивирлаб», «итдай ҳуриб», бўҳтон ёғдиришига қарамай, большевизм яшаб, ҳатто қонли урушда қўли баланд келганидан фахрланиш мазкур шеърнинг ҳужумкор руҳини белгилайди. Ҳали бу сўзларни ёзганда шоир атиги салкам ўттиз ёшда эди.

Адабиёт мухлисларининг ёдида бўлса, Фафур Гуломдай буюк шоир Ўзбекистон Ёзувчилар Союзининг олдинги биносида поэзияга бағишланиб бирон-бир йиғилиш ўтказиладиган бўлса, гоҳо йиғилиш олдидан Туроб Тўладан «Макдональдга жавоб» ё «Ит ҳуради, карвон ўтади» шеърини ўқиб беришни илтимос қиларди. Туроб Тўла ҳам рад қилмай, чиқиб баланд овоз билан ўқиб берарди. Зал жимиб, жон қулоғи билан уни

тинглар ва дилларда қандайдир ғурур балқиб кетарди. Ада шундан кейин Ғафур Ғулом ажойиб бир завқ ила ишни давом эттиришга ишора қиларди

Бу бир кичик ҳаётий факт Туроб Тўлага публицистик минбар шеърлар устаси тарзида қаралганини, унинг гражданлик лирикасига қаламкаш ёру биродарлари, ҳатто бир кўйлакни ортиқ йиртган устоз шоирлар ҳам тан берганини, ёшларга ўрнак қилиб кўрсатганини билдирарди.

1950 йилда шоир «Макдональдга жавоб», «Имзо чекдим», «Курант занг уради» каби асарларини яратди. «Макдональдга жавоб» ўзининг мазмун ва руҳи жиҳатидан аввалги «Ит ҳуради, карвон ўтади» шеърига бир оз ҳамоҳанг, лекин бунда гражданлик пафоси анча юксак пардаларда давом этади. Бу ерда ҳам ўз юртининг оташин ватанпарвари, ленинча миллий сиёсатимизнинг тарғиботчиси сифатида автор Урта Осиё халқларини камситиб, дўстлигимиз ҳақида тухмат қилаётганларга қарши хитоб қилади:

Иўқ!

Иғво бу гаплар!

Беринг менга сўз!

Халқлар минбарини булғаманг, жаноб!

«Оқ уй» залиданмас,

Сизга халқларнинг

Буюк юрагидан қиламан жавоб!

Лирик қаҳрамон ўта дарғазаб. У ўз одамлигини яхши таниб олган, пешона тер ва қурбонлар эвазига эришган бахти, эрки ва тенгҳуқуқлигини оёқ ости қилдириб қўймоқчи эмас.

Шоир лирик қаҳрамони кўҳна Шарққа хос донолик, ўрни билан ишлатиладиган киноя-истеҳзо орқали мулоҳаза юритади:

Едингизда борми,

бешиқда эканман,

Бўғиб ўлдирмоққа пусиб келганингиз?

Аламзада, каззоб босмачиларга

Енг ичида қилич берганингиз?

Эсингизга солиб қўйдим, чоғимда,

Ўша абгор, қора кунингизни бехос?

Ўзи, қўпчилик вақт шундай бўлади:

Тамагир тумшуқдан илинур,

бу рост!

Ана ачиқ тил, заҳарли кесатиқ. Шу билан бирга кучли мантиқ ҳам бор бу ерда. Жўшқин, ўтли эҳтирос сингган бу асардаги публицистик руҳ катта эмоционал таъсир кучига эгадир. Халқаро лўттибозлар билан бундай очиқ мулоқотда совет кишисининг олижаноблиги, қонуний ғурури тўла намоён бўлиб, социалистик тузумимиз афзалликлари ва интернационализм ғояси улуғланади.

Туроб Тўла 50—60-йилларда Африка ва Осиё мамлакатларига кўплаб саёҳатлар қилди. Қўшни халқлар ҳаётини ўз кўзи билан кўришга, кузатишга муваффақ бўлди. Бу эса унинг ижодига янгидан-янги парвозлар берди, ижтимоий салмоқдор мавзулар бўлиб кирди. «Ўлган қисматимни кўрдим» шеърида шоир бунни шундай эслайди:

Мен бобом кўрмаган қитъаларни кўрдим,  
Саҳрои Кабирни чўрт кесиб ўтдим.  
Миср эҳромига — Қоҳирага кирдим,  
Уни сайёҳлардек яёв кезиб ўтдим...

Шоирнинг 1961 йилда ёзган «Африка силкинди» номли шеъри ҳам шу мавзуга бағишланган. Лекин бунда олинган объект кўлами кенг, бутун бир улкан қитъанинг сиёсий уйғониши тасвирланган. Шеър мажозий маъноларга бой, ҳаяжонли, жўшқин. Муаллиф минбар поэзиясининг характерли тактида қалам сурган:

Африка силкинди,  
Қора занжирлар —  
Тўс-тўс бўлиб кетди,  
Қўзғолди тўфон!  
Африка силкинди,  
Қора занжирлар —  
Эркин нафас олди, олмоқда омон!..

Агар адабий асар етуклигининг асосий шarti унда салмоқдор мазмун бўлса, бу ҳолда юқоридаги шеърларда тасвир этилган ҳодисалар ва ифодаланган ғоянинг жамият учун муҳимлиги ўз-ўзидан аён бўлади-қўяди. Жаҳон адабиётининг бақувват, умрбоқий асарлари доимо ўзларининг чуқур социал мазмуни билан, ўз замонаси кишилари ва умуман инсоният учун муҳим масалаларнинг ўткир ва юқори бадний даражада кўрсатилганлиги билан фарқланиб турадилар. Туроб Тўла

публицистик минбар шеърларининг ҳаққонийлиги, самимийлиги улар юксак бадиийлигидан далолатдир. Бу асарларда шоир объектив воқеликни бузмасдан, холисона тасвир йўлидан боради.

## ГРАЖДАНЛИК РУҲИ

Гражданлик руҳидаги сиёсий лирика ўзбек совет поэзиясининг ижтимоий салмоғини белгилайдиган мезон деса бўлади.

Туроб Тўла ижодида бунақа шеърлар талайгина. Бу асарларни шартли равишда тўрт гуруҳга бўлса бўлади; уларнинг бир хиллари («Мангулик қўшиғи», «Офтоб найзада»)да Ватанга муҳаббат куйланса, иккинчи бир хиллари («Қай тилда куйласам...», «26»)да Ленин ғояларига садоқат улуғланади, учинчи бир хиллари («Коммунизм кун тартибида», «Кунларимиз шундай»)да замондошимиз истиқболи олдидаги масъулият ва бурч, «Қаловланиб йиқилди мағрур», «Чекинма», «Сталинграддан хат» кабиларда эса халқимизнинг фронт ва фронт орқасидаги мислсиз қаҳрамонлиги тарафдорлиги этилади.

Шуниси характерлики, шоир муайян мавзуларга ўзига хос оригинал тасвирий воситалар билан қўл уради. «Офтоб найзада» шеърига эътибор беринг:

Офтоб найзада,  
кузга ҳали эрта!  
Дариф тутма хизматингдан, элим!  
Бўлсам ҳамки бағрингда эрка,  
Камарбаста,  
синалган белим!  
Истиқболингдан,  
Буюк Ленин ақли,  
Заковати ҳаққи, она тупроқ!  
Куйлайман,  
сўйлайман,  
ўйлайман,  
ардоқлим,  
Қалб қаламим бўлгунича адоқ!  
Адоқ бўлгунича салоҳиятим,  
Адоқ бўлгунича кинот,  
Сени куйламоқлик ягона ниятим,  
Ягона ниятим умрбод!

Бу—энди лирик қаҳрамоннинг нафақат азиз тупроққа сўнмас севгиси, ундан миннатдорчилиги, бу—унинг қалб сўзи, нияти, поэтик программасидир. Шеърдаги чиройли рамзий маъноларнинг биринчиси офтобнинг чиндан ҳам тиккага келганини билдирса, иккинчи офтоб найзадалиги улкан юртимизнинг ярим асрлик йигит ёшига ишора, учинчиси шу ҳар иккала маънонинг мантиқий хулосаси сифатида умум маъмурчиликни кўрсатиш («Офтоб найзада, азиз она тупроқ Маъмур қучоғидан мамнун, ораста. Тиниқ дарёсидан — порлоқ, ярқироқ. Бахтли манглайдан ғоят вобаста!»). Шеърдаги «Офтоб найзада, кузга ҳали эрта, дариф тутма, хизматингдан, элим!» мисраларидан худди шоир: айни иш қизиган, қайнаб яшаётган пайтим, кексаликка ҳали эрта, бундан кейинги хизмат қилишимга ҳам ризо бўл, элим!— деяётгандай... Туроб Тўла тасвирида барча нарсаси жонланиб кетади, тилга кириб, ўзининг энг яхши томони билан намоён бўлади. «Катта довон ошиб, омадидан рози Деҳқон елкасида ўлкаси қўлини» сезади, «қирмизи олмалар келтириб пардоз», «анор шарбат косасига зеб беради», беҳи «ёрини кутиб сарғаяди», «Ананас йигитдай кўрсатиб виқор, Дейди қуёш, қани, бағримни ёндир» ва ҳоказо. «Шоир умри қаламига монанд», дейлади шеърнинг бир ерида. Шу монандлик бошқа бир асари— «Момо ер»да ҳам учрайди. Лекин бунда тасвирланаётган ҳолатнинг моҳиятига чуқурроқ кириб борилади.

Маълумки, муқаддас Ленин мавзуида биздагина эмас, балки бутун совет ва ҳатто жаҳон поэзиясида ҳам куч синаб кўрмаган шоир оз учрайди. Гап ўз сўзини уддалаб айтиш, ленинномага муносиб ирмоқ бўлиб қўшила олишдадир. Бу нарсаси ҳамманинг қўлидан келавермайди. Маяковский ва Нозим Ҳикмат, Ёсенин ва Ғафур Ғулум даҳоси қаршисида янгироқ бирор нарсаси дейиш ғоят мушкул.

Туроб Тўла шундай ишга қўл уришга журъат этганлардан. Доҳий таваллуднинг 100 йиллиги олдидан шоир «Қай тилда куйласам» (олдинги варианты «Ленин ёди билан») шеърини эълон қилди. Асар анча каттагина, романтик услубда, шарқона одат ва удумлар руҳида ўзига хос ёзилган.

Туроб Тўла бунга қадар ҳам «Ленин ҳақида икки кўшиқ» (1953), «Ленин сўзлар эмиш бугун Тошкентда» (1956), «Ленин шарофати» (1960), «Ленин раёсатда»

(1960), «Ленин бобом қалами» (1964) шеърларида бу темага мурожаат қилган ва ҳар гал унинг янги-янги томонини, Ильич сиймосининг бирон-бир фазилатини очишга уриниб кўрган. Юқоридаги асар бўлса шоир ленинномасининг маълум даражадаги якуни, ижодий тажрибаларининг улкан самараси тарзида майдонга келди. Муаллиф доҳийни одамзод асрлар бўйи кутгани, бу йўлда заққумлар ютганини, лекин курашни тўхтатмай, йўлчи юлдузига интилганини уқтиради:

Форобий излади инсон бахтини,  
Торобий тилида қотди бахт.  
Чингизу Қутайба,  
Тожу тахт  
Қишанлаб ташлади инсон вақтини,  
Инсон бахтини.  
Тонгга қулоқ қоқди Беруний бўлиб,  
Юлдузлар чўтлади субҳидам,  
Ҳар юлдуз қўлида бўлди шам,  
Йўлчи юлдузига — Сенга интилиб!

Ҳамид Олимжонда Ленин вафоти куни Самарқандда зўр мотам гувоҳи бўлмиш бир чолнинг таажжубда «Самарқандда ўлмаган-ку ул» деб сўраганини биламиз. Туроб Тўла юқоридаги шеърининг бир жойида ўшал нуруний отага жавоб қилаётгандай туюлади. У Ильичга мурожаат қиларкан, дейди:

Сен бунда туғилдинг —  
Қўҳна Самарқандда —  
Шарқнинг буюк ипак йўлида,  
Инсон тақдирининг чўлида,  
Эрка ташна азим шу Ватанда!..

Туроб Тўла «Танланган асарлари»нинг биринчи томи (1978 йил) да «Ленинни кўрган кўзлар» номли янги шеърини бостирди. Бироқ, бу асар аввалги «Ленин сўзлар эмиш бугун Тошкентда» типидagi асар саналиб, асосий диққат доҳийни барҳаётлигида кўрган, у билан суҳбатлашиш, маслаҳатларини эшитиш бахтига муяссар бўлган, муҳтарама Тўраҳон ая Иброҳим қизи образини чизишга, унинг психологик ҳолатини гавдалантиришга қаратилган.

Мана, аёл Кремлдаги съездлар саройига кириб, муҳташам бино, зарҳал қандиллар, тантанаворликдан



хайратда, ҳангу-манг. Лекин шарқ оdatига кўра, энг орқа қаторга бориб ўтиради. Бу — камтарлиги. «Кўзойнагини олиб оҳиста артди», «Юзларини босди гудур кафтига...» Булар — портрет аломатлари. Энг муҳими — онанинг хайратомуз ўйлари, руҳий кечинмалари:

Олқини босиб кетди бирдан хаёлини,  
Давом этар эди съезд бу замон.  
Уша азиз ҳислар қамради уни  
Ильични минбарда кўргани у он!.

Туроб Тўланинг уруш давридаги ҳарбий лирикаси ҳам шоир гражданлик руҳидаги сиёсий поэзиясининг бир узвий бўлагини ташкил қилади. «Чекинма!», «Сталинграддан хат», «Қаловланиб йиқилди мағрур» ва бошқа қатор асарлари шулар жумласидандир. Буларда у энг характерли, энг муҳим фикрларни, уруш даврининг ғоят драматик моментларини қаламга олади. Дам жангчиларга Ўзбекистондан жанговор наказ йўлласа, дам фронт орқасида ишлаётган маъсума ёрига жангчи бўлиб гапиради, дам мардликларга тўла уруш эпизодларини ёниқ пафосда тасвирлайди...

Жанг кетяпти, қонли жанг... Мамлакатнинг ғарбий қисми ёвлар қўлида. Шоир жангчиларга қарата шундай дейди:

Ўзинг яхши кўрган лирик куйларинг;  
Гўзал гулшанларинг, ўсган уйлари  
Мозор жимлигига кирмасин, десанг,  
Фашист тепамизда ҳурмасин, десанг,  
Сопол тувакдаги азиз гул-лоланг,  
Жавонларда турган чинни пиёланг  
Агар чил-чил бўлиб синмасин, десанг,  
Дилга ғам-мусибат инмасин, десанг,  
Фақат, фақат олға, илгарига бос!  
Ҳар қатра қон учун ўч ол, ол қасос!  
(«Чекинма!»)

Салкам 40 йил бурун ёзилган ушбу шеърнинг пропагандистик жанговар руҳи, жарангдор оригинал қофиялаш системаси ўқувчини хайратга солади. Ахир у К. Симоновнинг шу тахлитдаги машҳур «Агар керак бўлса сенга ўз уйинг...», Ҳамид Олимжоннинг «Қўлингга қурол ол!» шеърлари билан қарийб бир вақтда яратилган ва ғалабамизга бебаҳо хизмат қилган эди. Та-

лант билан юзага келадиган шеърят на авторнинг ёшлиги ва на ўнлаб йиллар ўтишига қарамас экан.

«Сталинграддан хат» шеърининг ижтимоий жаранги «Чекинма!»нинг мазмунига бамисоли жавобдай. Бунда фронтнинг энг қизиган, энг даҳшатли жабҳасидан ўзбек жангчиси ватандошлари ва севимли ёрига ёзади:

Гарчи ортимдаги ерлар поёнсиз,  
Гарчи менинг билан жангчилар сонсиз.  
Гарчи севгим сенга зиёд бўлса ҳам,  
Айрилиқнинг номи фарёд бўлса ҳам,  
Чекинмадим, ёрим, орқага асло,  
Чекинмайман, асти, кўзлари шаҳло!

Шоир жангчидаги букилмас ирода, жасорат ва эрк йўлидаги онгли фидоийликни ана шундай оташ мисраларда реал беради. Уқувчи кўзи олдидан жасоратли ватанпарвар образи ўтади. Бу эса ўша даврнинг долзарб масаласи бўлиб, халқни тўғридан-тўғри қаҳрамонликка чақирар эди. «Қаловланиб йиқилди мағрур» шеъри эса ҳажм жиҳатидан ушоқ бўлса-да, совет жангчиси фидоийлигига бағишланган бақувват шеър эди. Шоир бунда уруш воқеаларининг ғоят драматик моментини тасвирлайди. Жангчи ўқ еб йиқилса ҳам, қўлида юрт тупроғи, шу йиқилишида Ватанни бермас бўлиб ётибди.

Юқоридаги ғоявий ўткир, бадий пухта, ижтимоий бақувват шеърлар умум ўзбек совет поэзиясига Туроб Тўла қўшган чинакам гражданлик лирикаси намуналаридир.

## СУЛИМ ЛИРИКА

Ҳақиқий санъаткорнинг замона билан алоқаси, ҳаётга муносабати давр аломатларини қаламга олишида бўлмай, оламни бадий кашф этишида ифодаланadi. Бундай кашфиётлар ўқувчини ўзига жалб қилиб, қалбини ларзага солиши, ишонтириш ва эмоционал кучи билан таъсир кўрсатиши, фикр уйғотиши, ҳаёт ва ўзлигини англаб олишга кўмаклашиши зарур. Агар кашфиётлар чинакамига ижтимоий салмоқли ва ёрқин бўлса, халқ юрагида яхши из қолдиради ва табиийки, умри боқий бўлади.

Туроб Тўланинг Ўзбекистон ФА Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали учун ёзган «Қалб қалами» мақоласи ҳам

бу фикрни тасдиқлайди: «Шеър гулмас, очилиб ўтиб кетадиган,— дейди шоир унда,— у мангуга қоладиган ихтиро, хотирада, тилда қоладиган, инсонга кераги бўладиган ихтиро, қаламидек, қоғозидек, ўй-хаёлидек!»

Партия ва давлатимиз дастёри, талабчан халқ илҳомчисидек масъулиятни олиб юрувчи шоир Ватан куйчиси, ғалабаларимиз шериги. Унинг мисралари оҳангида замон оҳанги, давр қадами эшитилиб туради. У 20-йиллар комсомоли сингари фидойи, бир сўзли ва донишманд, қалби тоза, муҳаббатдек теран, меҳрдай самимий; ҳаётни безатиш, қусурлардан тозалаш истаги учун ҳам ижодиётга ўта масъул, шеър заҳмати, яратиш машаққатини ғоят нозик фаҳмлайди. Шу сабабли унинг лирикаси ҳам ўзига хос фазилат касб этади.

Туроб Тўланинг «Ҳамзани ўлдирган тош» шеъри мажозий маънодаги шеърлардан бири. Шоир бунда халқ суйган, халқ дардидан бўлак дарду фикри бўлмаган Ҳамзадай буюк бир зотни тошбўрон қилишга, ўлдиришгача қўли борган кимсанинг бағри ҳам тошдан эканлиги, ёвуз одамлигини уқдиради:

Не фарқи бор ёвуз одамдан,  
Юрак экан тошдек қотибди.  
Мана энди, балки, аламдан  
Ер қучоқлаб йиғлаб ётибди.

Қизиғи шундаки, муаллиф шеърда антиқа бир эпизодни келтириб (бир вақтлардаги қотиллиги туфайли энди шоир қабри устидан изтироб чекаётган, умри афсуснадоматда ўтаётган унсур ҳолатини чизиб), мавзуга кўҳли хулоса қилади, яъни одамзоднинг аҳволи шу экан, унда ёмонлик эмас, фақат яхши хислатлар бўла қолса нима қиларкан?— дейди:

Қанча бўлди шоир қазосига,  
Уни қатл этганига тош?!  
Қотил ҳамон лаънат жазосида,  
Қабр устидан кўтаролмас бош.

Шундай тошлар камми оламда,  
Бири бошу, бири юрак, бағир.  
Нега шунча хислат одамда,  
Бир яхшиси етмасми, ахир?!

Туроб Тўланинг «Ота хотираси» («Қаҳрамоннинг буюсти»нинг кейинги варианты), «Парпи холанинг гина-

си», «Дала шийпон, ҳовуз бўйи, осмон тўлиб учган ғоз...» шеърларида ҳам замондошларимиз характери тасвири мавжуд. Албатта, характер очилиши учун шоир у одамни ундай, бу одамни бундай дейиш орқали ҳам ўз фикрини изҳор қилиши мумкин эди. Йўқ, у ана шу биз тилга олган ҳар бир шеъри учун ҳар қайсисининг ўзига яраша воқеа танлайди ва шу воқеани ифодалаш процессида унинг марказида турган қаҳрамон характери ё характернинг айрим қирраларини очиб боради. Натижада поэтик асар қандайдир сюжет линиясига эга бўлиб, ўқувчи кўзи ўнгида гавдаланади ҳамда эсида мустаҳкам ўрнашиб қоладиган ҳолга келади. Масалан, «Ота хотираси» шеърида чўлда «эмка» машинасининг ялтиллаб кўрингани, унда икки киши — бири Ўзбекистон оқсоқоли, иккинчиси фарғоналик, таниқли деҳқон кетаётгани, машина тепа бошида тўхтагач, ичидагилар тушиб, чўлнинг порлоқ истиқболи ҳақида суҳбат қуришгани ҳикоя қилинади.

Шоир «қош чимириб мўлжаллаб кўриш», чўлга «қуш қараши билан боқиш» каби психологик моментларни нафис кузатади, улар хаёлидан бир аснода нималар кечаётганини ишонарли тасвирлайди.

Бағишлов шеърлари Туроб Тўла ижодида анча сезиларли ўрин эгаллаб, шоирнинг талай ҳаётий кузатув ва бадий топилмалари у ё бу шахс, жой ва ҳодиса ҳақидадир. Булар элликка яқин бўлиб, аксарияти машҳур замондошлар, уларнинг меҳнат ва фронтдаги мислсиз қаҳрамонликлари, орзу-интилишлари, севги ва нафратлари борасидадир.

«Камол», «Унинг овози» номли шеърларда Камол Пулатов ва Зиёмат Ҳусанов каби ўзбек жангчиларининг Улуғ Ватан урушида кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари акс эттирилган. Шоир жанг эпизодларини жонли, таъсирли чизади, қаҳрамонлари характеридаги юрт ва халқ озодлиги учун фидоийлик хислатларини реалистик ифодалайди.

«Инсон фазилати» Мелиқўзи Умрзоқов, «Ассалому алайкум» Турсуной Охунова, «Ҳазрати инсон» Ҳамроқул Турсунқулов ҳақида. Шоир Мелиқўзини чўлда боғ яратган боғбонга, Турсунойни пахтадан осмонўпар тоғ яратган мўъжизакорга ўхшатади, тупроқ соҳибаси дейди уни.

1962 йил Туроб Тўла суюкли раққоса ва санъат арбоби Мукаррама Турғунбоева ҳақида «Парвона» шеърини ёзади. Унда шоир санъаткорни зулматдан нурга

интилган тиниб-тинчимас парвонага таққослайди. Оран икки йил ўтгач, яна шу қаҳрамонига аталган «Бойчечак» шеърини ҳам бостиради. Энди бунда муаллиф тили учуда турган, лекин қоғозга туширолмаган ташбеҳларини тўкиб солади: халқ назарида бойчечак ўзи нимжон эса-да, қуёшга талпиниб, қаттиқ ердан қазлаб чиқади. Бу ҳолат ўзини чироққа урадиган аввалги ожиз парвонага нисбатан анча кучли. Мукаррама Турғунбоева ҳаётидаги нурга, кенгликларга интилиш, халқи номидан унинг санъатини оламга танитай деб, шоир айтгандек «катта йўлни кўзлаб чиқиш» ғоят табиий ва чиройли мантиққа эга:

Қаттиқ ердан қазлаб чиққан бойчечак,  
Бўтакўздек бўзлаб чиққан бойчечак,  
Бахтим бор деб сўзлаб чиққан бойчечак,  
Катта йўлни кўзлаб чиққан бойчечак,  
Сен бойчечак, мен бойчечак, бойчечак,  
Назокатга, нафосатга бой чечак!

Халқ тушунчасидаги бойчечак тимсоли бу ерда ўринли қўлланиб, шеърнинг юксак бадий салмоғи таъминланган.

Шоирнинг олимлар ҳақидаги шеърлари орасида «Ҳоди ака тўйи экан, борайлик» асари ўзининг фольклорнамолиги билан эътиборни тортади. Шеър ўзбек фольклористикасининг отаси Ҳоди Зариф юбилеи (1967 йил) муносабати билан ёзилган. Муаллиф қаҳрамони ҳақида тўхталиб: «Бу олим меҳнатини,— деганди ўша вақт газеталаридан бирида,— Улуғбек расадхонасини топиб берган Вяткин, Афросиёбни очиб берган Ғуломов, Темур ва Улуғбек қиёфасини танитган Герасимов меҳнатига бараварлаштиргим келади! Балки ундан ҳам мушкулроқдир! Улар бор, аммо кўмилиб ётган тарих юзини очиб бердилар. Бу олим эса йўқ ердан бор қилди: асрлар бўйи шамолдай дайдиб, дийдираб, паноҳ излаб юрган даврлар мулкни хатга туширди, кашф этди. Жуманбулбул, Пўлкан шоир, Фозил бахши каби гигантларни берди бизга! У ҳали ҳеч ким бу илмга уннамаган, журъат этмаган маҳалда йўл олди, йўл солди! У олимларгагина эмас, адабиёт заҳматкашларига ҳам мактаб очди! У бу жиҳатдан ўттизинчи йилларда ёқ профессор эди. Абдулла Авлоний билан, Қори Ниёзий билан! Классик меросимиз, халқ дostonлари ва қўшиқларигинамас, «Алпомиш», «Гўрўгли», «Шайбо-

нийхон» каби улкан эпик гигант кашфиётларнинг ўзи қоматимизни таъзимга келтиради бу муҳтарам аллома олдида!»

Шеър халқ дostonлари услубида, қаҳрамон эса Ал-помиш таҳлотида жозибали талқин қилинади:

У — Чамбилнинг сендай, мендай боласи,  
Эртақларга тўлиб кетган даласи,  
Улоқ берса керак бугун қалъаси,  
Ҳоди ака тўйи экан, борайлик...

Узоқ-яқин келар бўпти, бўла қол,  
Бизни тилга олар бўпти, бўла қол.  
Дўмбирасин чалар бўпти, бўла қол,  
Ҳоди ака тўйи экан, борайлик.

Туроб Тўла 1966 йилда Минскдаги Ижод уйида дам олиб, Тошкентга олам-олам таассурот ва ижодий режалар билан қайтди. «Қардош белорус ёзувчиларининг Каралишчевичи ўрмонидаги Ижод уйи кўп меҳмоннавозлик кўргазди менга,— деб эслайди шоир.— Менинг деразам қуюқ ўрмон ичига қараб очилар ва унда айниқса бир қайин кеча-кундуз мандан кўз узмасди. Бу шимол келинчагига қўшиқ тўқимай бўлмади. Зотан у менинг юртимни, хонадонимни қиёс этарди ўзида».

Дарҳақиқат, шоир шу қисқа вақт ичида тўрт шеърдан иборат «Уч қайин ва бир эман» номли поэтик туркум яратди. Туркумдаги биринчи шеър қизига, иккинчиси ўғлига, учинчиси ёри ва тўртинчи шеър мезбон дўсти Пимен Панченкога бағишланган бўлиб, ҳар бири «Қайин», «Уша қайин», «Тагин ўша қайин» ва «Энди эман» номлари билан юритилган. Шеърлар ўйноқи, равон ва дилбар, ташбеҳларга бой. Ҳар бир дарахт, ҳар бир гиёҳ жонланади, тилга кириб, қўшиқ айтиб, рақсга тушади, шоир тасавури ва ўқувчи хаёлини қитқилайди. Эпиграфда айтилгандай, шоир деразаси рўпарасидаги ўша қайин гоҳ ҳар тонгда салом бериб қарайди, эркаланиб сочини тарайдиган қақаноқ қизчасини эслатади, гоҳ табиат сеҳридан лол шоир ўрмон кезаркан, олмахону қизилиштонлар гурунги, сайроқи қушлар гувури тили бийрон шўх ўғлига соғинчини оширади, гоҳ гулхан атрофида ловуллаб ёнган, қўшиғидан маст қайинзор товланиши «Баҳор» қизларининг ажиб рақсини, соғиниб кутаётган ёрини ёдга солади.

Бу шеърларнинг характерли жиҳати шундаки, улар ҳажман сиқик, миниатюрамамо, бироқ уларда шоир

турли-туман кузатувларини ўзига хос бадий воситалар билан ифодалашга ҳаракат қилади. Бу ижодий хусусият унинг партия, комсомолга, Москва ва бошқа шаҳарларга атаб ёзган шеърларида ҳам сезиларли даражада кўзга ташланади. Яна бир ижобий ҳол шуки, олдинги шеърларидаги каби, буларда ҳам бир мавзудаги кейинги шеър аввалгисидан жилла бўлмаса бадий бақувватлиги билан ажралиб туради. Олинг, масалан, партияга бағишланган асарларини. Шоирнинг «Машъал» (1959) шеъри унинг 1956 йилда ёзилган «Партияга ташаккур» шеърдан тубдан фарқланади. Агар аввалгисида партияга халқ ташаккури риторик тахлитдагина қофияга солиниб айтилган бўлса, «Машъал»да энди фикрлар поэтиклашган, образли тилда намён:

Сени машъал атаб янглишмади инсон,  
Тақдирини ортмоқлаб сенга умтилди.  
Умридан топмайин зарра эрк, имкон,  
Сени истиқболу раҳнамо билди.  
Сени излаганнинг ёруғ эди йўли,  
Аниқ эди йўли сомон йўлидай!

Туроб Тўла шеърларида аксар вақт фавқулодда гўзал қофияларга дуч келамиз. Классик бадий меросимизни яхши ўрганган шоир қўйма сатрларда бош ва оралиқ сўзларни ҳам келиштириб қофия қиладиким, бу ҳол асарга ажиб мусиқийлик бағишлайди.

Сеҳрли сийнамни билишмасиди,  
Сирли оинамни билишмасиди,  
Олтин хазинамни билишмасиди,  
Шунча дафинамни билишмасиди.  
Келишмасиди!

(«Мирзачўлга сўз»)

Қаранг, шу кичкина бир банднинг ўзида қофиялар жаранги, мазмуннинг равон оқиши, уни одамга сингишли бўлишига, пировард-оқибатда поэтик маъно жилланишига нақадар катта хизмат қилгётганини кўриш мумкин. Бу ердаги «сийна—онна—хазина—дафина» сўзлари ўзаро қофиядош келаётиб, «келишмасиди» сўзи ҳам бирдан аввалги радиф («билишмасиди»)ларга сҳангдош жаранглайди, банд бошидаги «сеҳрли» сўзи билан «сирли» сўзи ҳам ўзаро ҳамоҳанг бўлиб, шеър

мусиқийлигини оширган, сўнги сўз эса банд охирида портловчи хулосадай таассурот қолдиради.

Буларнинг бари одамзодга муштоқ Мирзачўлни инсон қилиб гапиртириш, одамлардаги жонли хусусиятларни табиатга кўчириш («сеҳрли сийна», «сирли онна», «олтин хазина»), уни булбулигўёга айлантириш орқали бўляпти. Ҳўноқи, дилга яқин қофия ва қофияланишлар шеърдаги Ҳўноқи, кўтаринки руҳга уйғун бўлиб тушиб, асарга оҳанраболик ва жозоба бахш этган.

Бундай чиройли қофияланишлар шоирнинг кўпчилик шеърларига хос фазилатдир. Умуман, Туроб Тўла қофияни ҳеч қачон шеър учун аосий мақсад қилиб қўймайди, ташқи ялтироқликка учмайди. Қофияга қул бўлиш, нотабийлик унга ёт. У қофияни асар мазмунининг зарурий бир оқими, эҳтиёжи таҳлитида ишлатади. Унинг қофиядош сўзларини ўқиган ёки эшитганинда булар ўз ўрнида, бошқача бўлиши мумкин эмас, дейсан. Чунки шоир қофиялари ундаги фикр ва ҳисларнинг янгилиги, бир-бирини тўлдиришдан табиий пайдо бўлиб, поэтик ғоя ва хоҳишга фаол хизмат қилади, бошқача айтганда, шакл ва мазмун узвий эгизак ҳолда келади. Туроб Тўланинг қофиядаги маҳорати ҳам ана шунда.

Шоир ижодининг оригиналлиги унинг кичик ҳажмдаги миниатюра шеърларида ҳам сезилиб туради. Биз рус совет поэзиясида Петр Комаровни, ўзбек совет поэзиясида эса Асқад Мухторни шу соҳанинг усталари сифатида яхши биламиз. Комаровнинг «Дуб», «Харбин миниатюралари», А. Мухторнинг «99 миниатюра» кабилари бунинг ёрқин мисолдир. Аммо Туроб Тўла миниатюралари ҳажман уларникидан ҳам сиқик.

Икки халқ даҳоси Ҳамза ва Айний,  
Айний ўзбекларга Ҳамза баайни!

Шеър — тугал, шу икки қаторда айтиладиган гап айтиб бўлинди. Бунда маълум бир маъно бор, ажойиб, оригинал қофия ҳам, ўта ихчамлик ҳам. Ёки:

Мақом талқинида рақслар суҳбати,  
Ўзбек санъатининг асрий ифати!

Гўзал, кўркем жонлантириш, кўҳли изоҳ, мусиқий қофия, мукамал шеър.

Шоир поэзияси банд, вазн, туроқ, ритм соҳаларида ҳам ўзига хослик касб этган. Бир шеърда ишлатилган



банд, вазн ё оҳанг бошқа бир шеърда деярли такрорланмайди. Ҳақиқий поэзияда бу компонентлар мазмун билан бир бутунликни вужудга келтириб, бадий асарнинг эмоционал таъсирини оширишга бўйсундирилиши керак. Акс ҳолда, шакл хилма-хил, вазн ва туроқлар турли-туман бўлишига қарамай, шеър эстетик ғариб ва бетаъсир чиқиб, мўлжалга бориб тегмайди.

Туроб Тўла поэзиясидаги бу шоён янгиликлар, ритмика-интонацион тузилишдаги бу ранг-барангликлар шоир ижодининг новаторлик томонларидан далолатдир. Шеърятга, замонга муносиб янги сўз ва ритмлар олиб кириш, уларни ўй ва кечинмаларимизни чуқур ва таъсирлироқ ифодалашга бўйсундириш ҳозирги замон адабиёти ифода воситалари ва имкониятларини бойитадиган омиллардан ҳисобланади.

Туроб Тўла фақат бадий ижод билангина шуғулланиб қолмай, замондош қалам аҳллари, салафлари ва халафларининг ҳам шеър санъати билан доимо бирдай қизиққани, тинмай ишлагани, изланганлигидадир. Зотан бусиз ҳар қандай талант ҳам кўлмак сувга айланиши, ривожланишдан тўхташи эҳтимолдан ҳоли эмас. Адибнинг «Нафосат», «Камалак» номли мустақил мажмуалари, улардаги катта-кичик мақолалар фикримизнинг далилидир. «Қалб қалами», «Темур Фаттоҳ баҳона» каби мақолаларда поэзиямизнинг умумсовет адабиётидаги ўрни, ижодкорларнинг давр ва келажак олдидаги масъулияти ҳақида, ижод заҳмати, ҳақиқий талант борасида гап кетса, «Нафосат даврасидаги ўйлар»да забардаст шоир Сўфизода, «Шеъримизнинг ҳабиб ва ҳафиф камоли»да кекса ғазалхон Ҳабибий, «Олтин балиқ эртаги»да бахши Фозил Йўлдош ўғли ва туркман ёзувчиси Берди Кербобоевлар ҳақида баҳс юритилади. Шоир адабиёт жонкуяри сифатида гоҳ Ҳамид Олимжон («Уч ҳайкал» мақоласи), Усмон Носир («Ташна кетган шоир») ва Зулфия («Бир дафтар қиссаси») шеърятининг муваффақият сирларини жўшиб таҳлил этса, гоҳ Эркин Воҳидовнинг матбуотда эндигина пайдо бўлган «Буюк ҳаёт тонги» поэмасидан қувониб редактор Асқад Мухторга очиқ хат йўллайди, «Юлдуз учди» мақоласида эса устоз Мақсуд Шайхзоданинг бевақт ўлими муносабати билан поэзиямиз оғир жудоликка учраганидан қайғуради. Туроб Тўла ҳар бир сўзи, ҳар сатри билан адабиётимизнинг ўзига хос камарбастаси, уни тебратиб, йўллаб турган қалам соҳиби тарзида гавдаланади.

## ҚАНОТЛИ ҚЎШИҚЛАР

«Унинг дилрабо қўшиқларини айтмайсизми?— дейди отахон шоир Уйғун.— Ажойиб қўшиқлари радио, телевизор орқали тонгдан кечгача янграгани-янграган! Туроб Тўланинг қўшиқлари хонандаларнинг оғзидан тушмасдан, дастгоҳлар ёнида, олтин далаларда, тўю томошаларда завқу шавқ билан куйланади. Бу — ижодкорнинг бахти! Бу шоирнинг халққа яқинлигидан, чинакам халқ шоири эканидан далолат беради».

Шундай юксак баҳони Миртемир ва Зулфиядан, Саид Аҳмад ва Пўлат Мўминдан ҳам эшитганимиз ёдимизда. Туроб Тўланинг қўшиқлари, Уйғун домла айтгандай, «тонгдан кечгача янграгани»нинг сабаби халққа яқинлигида, соҳибининг эса «чинакам халқ шоири»лигида.

Туроб Тўла Темур Фаттоҳ билан биргаликда Ўзбекистон Давлат гимнининг авторидир. Республика ҳукумати дохий Лениннинг муборак юбилейи йили Туроб Тўланинг «Гулёр» шеър ва қўшиқлар китоби учун унга республика мукофоти бергани, 60 йиллик тўйи олдидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси деган унвонга муносиб деб билгани ҳам шоиримизнинг поэзия ва хусусан қўшиқчилик фаолиятига юксак баҳо эди.

Туроб Тўланинг эл орасида маълум ва машҳур, севиб айтиладиган ўнлаб қўшиқлари бор. Буларда ижтимоий ва сиёсий, ватанпарварлик ва ишқий, қувноқ ва маъюс, интим ва қаҳрамонлик мотивлари куйланиб, шоир совет кишисининг нозик ва бой ҳис-туйғулари, кечинма ва кайфиятларини ранг-баранг поэтик жилоларда акс эттирган.

Туроб Тўла поэзияга, умуман ижодга енгил-елпи қарамаган, композиторга шошилиш, палапартиш текст битмаган, ҳар қандай шароитда ҳам ўйлаб, қалб изтироби билан, бирор янги гап айтиш иштиёқида ёзади.

Шоирнинг қўшиқчилик ижоди 50-йиллардан бошлаб ярқираб кўрина бошлади. Унинг ҳозирга қадар «Янгра, созим» (1950), «Қанотлан, қўшиқларим!» (1955), «Оромижон» (1961), «Гулёр» (1968) сингари махсус қўшиқ тўпламлари босилиб чиққан. Қўшиқ Туроб Тўла ижодининг улкан палласи, поэзиядаги бош майлларидан бири. Қўшиқ унинг стихияси. Шоир ижодни қўшиқсиз тасаввур этолмайди. Унинг таржимаи ҳоли қўшиқдан, оҳанглардан иборат деса бўлади. Қўшиқ қалбида, қони ва жонида. Шунинг учун ҳам Туроб Тўла қўлига қалам

олди дегунча дилдан равон сатрлар куйдай отилиб чиқаверади, бошқа шеърлари ҳам қўшиқ мисоли оҳанг таратади.

«Шеър бу музика,— дейди шоирнинг ўзи,— музика эса нафосат ва назокатни севади. Усиз шеър йўқ. Мен шеърни ўқиб ёзаман, ҳар бир мисранимас, ҳар бир сўзнини чиннидек чертиб оламан, ўқигандамас, қўлга олиш биланоқ жаранглаб туришини истайман».

Туроб Тўла қўшиқчи, яъни қўшиқ учун шеър ёзувчи шоирларнинг пешқадамларидан. У Ватан, табиат ва гўзаллик куйчиси, юксак инсоний туйғулар ифодачиси. У ўз қўшиқларида замондошларимизнинг мураккаб руҳий ҳолатлари — дарду севинчлари, изтироб ва алами, севги ва садоқати, ғазаб ва нафратини баён этади. Қўшиқлари худди парвозга тайёрланаётган қушлардай қанотли, эллардан элларга, диллардан дилларга ўтувчи сеҳрли қушлар.

Мана, шоирнинг «Олтин сандиқ», «Ўзбекистондан», «Ленин шарофати» асарларининг ўзи нималар ҳақида сўзлайди: еримиз хазина, олтин сандиқ, булар бизнинг социалистик Ўзбекистонда, булар ҳаммаси буюк Ленин шарофатидан...

Шоир туғилиб ўсган юрт гулларга бурканган, коммунистлар яшнатаётган чаманнинг бир бўлаги, булбуллар ошёни. Шу вайдан ҳам у бутун Осиёни ўз юртидек обод, халқини озод кўришни орзу қилади.

Шоир тасвирида бизнинг юртимизда озод инсон қаршисида чўллар асрий андуҳларини ташлаб, олтин сандиқларини жаранглатиб очиб юборяпти, бунда Ватан хазинасига ҳақиқий тилло ҳам, кўчма маънодаги оқ олтин — пахтамиз ҳам дарёдек тошиб қуйиляпти. Бу юрт — «Озод юртлар бекаси, тилло республикаси».

Яшна, бор бўл омонда,  
Озод юртлар бекаси!  
Озод — эркин замонда  
Тилло республикаси!—

деб куйлайди шоир. Чунки у озод — эркин, бахтиёр замоннинг, Шарқдаги тилло республикасининг газалхон булбули, суюкли куйчиси. Унинг қўшиқларидан «саодат сози янграб, партия мадҳи» бирдай тинмайди. Халқимизнинг бахту иқболи ҳурмати, «юртимизда, боғимизда, хонамизда файзу баҳор ҳурмати» Ленинни куйламай, уни шарафламай туролмайди, доҳиймизга атаб газал боғламаса юрагининг ҳумори ёзилмайди:

Куйламасам баҳри-дилним очилмайди,  
Дилгинамнинг ташналиги босилмайди,  
Доҳиймизга атаб газал боғламасам —  
Юрагимнинг хумори ҳеч ёзилмайди.

Яхши гулга болари парвона, Туроб Тўла шеърларига композиторлар илҳақ. Ёзилди — куй басталанади, эфирга чиқади, қалблар, хонадонларга йўл олади. Муҳаммаджон Мирзаев билан ҳамкорликда яратилган «Тошкент наҳори», «Уч дугона», «Булбул», «Гулруҳ» кабилар ана шундай барори келган, омадли, етук замонавий қўшиқлардир.

Буларнинг бири ажойиб пойтахтимиз наҳори, иккинчиси Попнинг попул қизлари, учинчиси севги саволи, тўртинчиси эса раққосанинг беқийёс санъати ҳақида лирик қаҳрамон тилидан жўшиб ҳикоя қилади. Муҳими шундаки, шоир қўшиқ жанрида ҳам шеърнинг поэтик томонларини такомиллаштиришга, ҳаётни рангбаранг кўринишларда чуқурроқ бадий тадқиқ этишга интилади.

«Тошкент наҳори»да дилрабо бир дам — Тошкент наҳори қуйидагича чиройли умумлаштирилади:

Тошкент қилур намойиш  
Бу озод Осиёда,  
Орзулари ушалмиш,  
Бўлмиш яна зиёда.  
Бу Осиё наҳори  
Тошкент наҳоридандир,  
Ороми ҳам баҳори  
Тошкент баҳоридандир.

Бу ерда наҳор баҳона пойтахтамининг орзулари ушалаётгани, унинг она мисоли меҳрибон ва лобарлиги, каттакон бир чаманнинг гули, гуллараро суманбарлиги тасвирланади. Шоир бу ерга келганининг ҳайратга тушиши, унинг тароватига тасанно ўқиши, гоҳ гўзал фароғатига ҳатто зимдан ҳасадда боқилини моҳирона нафис чизади.

Эътибор берган бўлсангиз, мазкур қўшиқда ҳам олдинги «Олтин сандиқ»да учраган «озод Осиё» образи бор. Бу шунчаки қайтариқ ёки Туроб Тўла ўзи кашф этган иборалиги учун келтириляётгани йўқ. Шоир бутун оламга жаранглаб тарқалаётган қўшиқда озод Осиё номидан, унинг нақ маркази — Тошкентдан туриб гапиришни хоҳлайди.

«Уч дугона» қўшиғи ҳам шоирнинг шеърӣ мате- рналга, мавзуга нақадар масъулият билан қарашини исботлайдиган фактдир. Хотиранингизда бўлса, Туроб Тўла 1958 йили ўзининг доврўқли қўшиғи «Ширмоной»ни ёзган ва бу қўшиқ халқимизга манзур бўлган эди. У ҳанузга қадар Коммуна Исмоилова ижросида суюкли ва қўшиқ фондимиининг дурдоналаридан саналади. Унда шоирнинг меҳнат гашти қайнаган Поп пахтазорлари- дан олган ҳаяжонли таассуротлари ва кунга қўлида 400 килограммдан пахта тераётган чевар келинчак Ширмоной таърифи берилганди:

Эй, субҳи сабоҳ еллари, тўхтанг, менга навбат,  
Тингланг мени, Поп ерлари, тўхтанг, менга навбат!  
Куйлай далалар созини, созим унга ҳамсоз,  
Серзавқ дала булбуллари, тўхтанг, менга навбат!  
Ширмон дея, Ширмон дея куйлаб ва этиб лол,  
Келтирди Хушон йўллари, тўхтанг, менга навбат!

Ғазал янги, радифи беназир ва энг муҳими қайноқ меҳнат нафаси, жонли одамлар шеърга кўчганди. У шундоққина пахтазорнинг ўзида, шоир сафардалигида яратилган ва Қаримжон Мансуров куй басталаб, ўша куннёқ Наманган радиосидан Онахон Тожибоева ижроси- да эфирга чиққан эди.

Ана шундан роса 13 йил ўтгач, Туроб Тўла яна шу Поп ерларига боради. Бир вақтлардаги қаҳрамонини кўрмоқчи, янгиликлар билан танишмоқчи бўлади. Ўша илғор теримчи келинчак энди уч фарзанднинг онаси, райижроком раисаси. Шоир бу гал Ширмонойнинг му- носиб издошларини кўриб, уларнинг қаҳрамонона иш- ларидан қувонади. Сафардан қайтиб, шулар ҳақида газетада очерк эълон қилади. Бу билан ҳам кифоялан- май, юқоридаги ҳозирги машҳур «Уч дугона»ни ёзади. Демак, мавзу мавзуга уланиб, қаҳрамон ва қаҳрамон- лар ҳаёти, характерлари тадрижий ўсишда тадқиқ эти- лади. Бу ҳол қўшиқчиликда камдан-кам бўладиган ҳодисадир. Умуман, шу ерда Туроб Тўла ижодида, ай- ниқса қўшиқчилик борасида учровчи бир яхши фазилат- ги айрича таъкидламоқчимиз. Бу — шоирнинг темани бевосита ҳаётнинг ўзидан излаши, қайноқ воқеа-ҳодиса- лардан илҳомланиб ижод этишидир. Ана шу воқеа-ҳо- дисаларда унинг ўзи актив иштирок қилади, гоҳ у, гоҳ бу жойга сафарга чиқади, одамлар билан суҳбатлаша- ди, ишларини суриштиради, ўрганади, маслаҳат бериб

қўлидан келганича руҳлантиради. «Ширмоной», «Уч дугона» қўшиқларининг Наманган пахтазорларида, «Олтин сандиқ» Мирзачўл диёрида, «Нон нашидаси» — нонвойлар конкурси ўтказилган ғаллазорлик нуроний момо хонадониди, «Бухоро», «Самарқанд», Бухоро ва Самарқанд боғ-роғларини кезганда, «Тонг» Фарғонада, «Қашқадарёдир» Қарши даштларидан ҳайратда ўтаётганида яратилганлигининг сабаби ҳам шунда. Бу — ижодкорнинг халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлигини, унинг замонаси, Ватани билан бирга собит қаддам ташлаётганлиги, ҳамнафаслигини кўрсатади.

Шоир Ширмоной издошлари — уч дугона пахтакорнинг тонгда теримга отланиш манзараси ва портретларини ажиб бир поэтик кўтаринки руҳда тавсифлайди:

Сарҳовузнинг бўйларидан учарми ғоз,  
Чаман бўлар уч дугона қилса парвоз,  
Уч дугона, уч моҳирўй, уч пахтакор,  
Уч даламиз таровати, уч сарвиноз!  
Попнинг попук қизларига яли-яли,  
Ширмонойнинг изларига яли-яли!

Қўшиқда қаҳрамонлар ўз аниқ исм-шарифлари билан берилади: Анорхон, Маҳфуза, Замира. Уларнинг пахтазорда жавлон уриши, куйлари ҳам худди Ширмонойникидек жараңдорлиги, «Меҳри билан яшнаганда далалари — йўллар нечук, диллар чаман, йиллар чаман» лиги мадҳ этилади.

Бу қўшиқ шунчалик оммалашиб, халқ дилига сингиб кетганки, унинг нақоратидаги «Попнинг попук қизлари» қанотли ибораси маталга айланиб кетиб, «Сарҳовузнинг бўйлари», «Ширмонойнинг излари» кабилар қандайдир сирли оҳанг таратиб туради.

Мазкур қўшиқ хушовоз хонанда Дилором Қажумовани элга танитган бўлса, «Булбул» қўшиғи иккинчи бир машҳур хонанда — Саодат Қобулова истеъдодининг янги қиррасини намойиш қилди. Бунда ошиқ қалб гулга мафтун булбулга қиёс қилинади. Шоир булбулга роз айтиб туриб, ички поэтик инверсия билан ўзига ўзи жавоб қайтаради:

Оҳ, бунча куйламасанг,  
Оҳ, бунча ўйламасанг!  
Ошиқлигингни элга  
Намунча сўйламасанг?!

Нега жим қолдинг, жоним?  
Е келдимн малолим?  
Оҳ, ўзимга эдимн  
Сенга берган саволим?

«Гулруҳ» қўшиғи бугунги етук, дилрабо рақс санъатимиз сеҳрига, унинг ўтли маликаси Дилафруз Жабборовага бағишланган. Ана, шоир қаршисида беқиёс санъат париси, «бахт отида бир дилхоҳ» хиромонда. Бутун борлиқни забт қилган, ҳамма маҳлиё. Бирдан пайдо бўлган бундай талантдан олам ҳайратда. Дилга ҳузур, чехраларга табассум инади. Шоир қалби кўксига сиймай, отилиб кетай дейди.

Едингизда бўлса, шоир шеърларидан «Йўлларим»га Мухтор Ашрафий, «Сарвиноз»га Муҳаммаджон Мирзаевлар куй басталашган. Ҳар иккала қўшиқ ҳам ўлкамизда сеvimли. Айниқса, «Йўлларим» хонанда Муҳаббат Шамаева, «Сарвиноз» эса Хайрулла Лутфуллаев ижросида ёқимли ва сержило жаранглайди.

«Йўлларим» ҳақида тингловчилардан бири мана нима дейди: «Нақадар серзавқ қўшиқ! Шеър ва оҳанг бир-бирига чунон мутаносиб тушибдики, тинглаганинг сари тинглагинг келади. Ҳар бир зарбда табиатнинг ёрқин бир ранги, қўшиқдаги ҳар сатрда гўзаллик жилвасини кўриб, эҳтиросинг жўшиб кетади. Қўшиқ сеҳрига асир бўлганингни пайқамай қоласан, киши».

Баҳор келса, гул бўлади бу тоғлар  
Булбуллардан эгилади бутуқлар.  
Баҳор бўйи адирларни тутганда  
Жаннатда ҳам топилмайди бу чоғлар,—

деб бошланадиган бу қўшиққа биз қиладиган илова шуки, бу мукаммал асарнинг текстологик асоси (яъни шеъри) ўзи бақувват, шунинг учун ҳам тингловчи айтгандай, ҳар бир зарбда табиатнинг ёрқин бир ранги, ҳар сатрда гўзаллик жилваси жилоланади.

Туроб Тўла бу қўшиқда ҳам чуқур ҳаётийлик ва юксак баднийликка эриша олган. Эътибор беринг, болалик йиллари жилғалардек, шаршарадек югурик ўтиб, ёлғизоёқ йўллармисол қаерларгадир элтади. Ҳали лирик қаҳрамон бу тойчоқдек шўх болалиги унинг бошларига не кунлар солишини билмайди. Лекин, мана — довон ошиб чанг кўринади, балки бу — муҳаббат ёшидан, саодат ёшидан хабардир... Гўзал, киши кайфияти

ға умр фалсафасини беришда бу асар ғоят нафис ва ўлмасдир.

Севги-садоқатни, вафодорликни улуғлаш — Туроб Тўла интим лирикасининг асосини ташкил қилади. Соф инсоний ҳис-туйғулар, бокира содиқ қалб кечинмалари, коммунистик меҳнат туфайлигина юзга келадиган покиза муносабатлар тасвири кучли. Қўшиқда ёр дийдорига муштоқ, висол айёмларига чанқоқ кимсанинг эҳтиросли дардлари берилган. Ошиқ севгилисини кутиш билан хушнуд ҳамда бахтиёр. Чунки шу ташналик уни толега, ёр васлига етаклайди. Қўшиқда лирик шеър ўйноқи куй билан уйғунлашиб, хонанданинг янгроқ, ширали овози орқали умрбоқийлик касб этган.

«У кишининг асл табиатлари ҳам шеърларидек тиниқ эканлигини пайқаганман,— дейди республика Ҳамза мукофоти лауреати, талантли шоир Абдулла Орипов.— Шоир ва инсон фазилатлари анчагина ноёб ҳисобланадиган бизнинг адабий жараёнда биз тенги ёшлар учун бошқалар қатори Туроб ака ҳам ўзига хос ибрат мактаби ҳисобланади».

Туроб Тўланинг «Кўчалар», «Гулёр» («Қайдасан, азизим, қора кўзлигим...»), «Навниҳол», «Муҳаббат мадҳи» сингари талай қўшиқлари ҳам ана шундай жозибали, оғизга тушиб ёд бўлиб кетган, шоир лирикасининг гўзал намуналаридир. Бу асарлар шеър сифатида ҳам, қўшиқ сифатида ҳам ўзбек қўшиқчилигида намуна бўларлидир.

«Ёр-ёр» кинофильмида ижро этиладиган «Кўчалар»ни таҳлил қилайлик. Қўшиқ шундай бошланади:

Кўчалар,  
Кўчалар,  
Ойдин кўчалар,  
Бунча ҳам гўзалсиз қайдин, кўчалар?  
Тагин у ўтдимн, ўша бепарво,  
Кўнгиллар соҳибн,  
Айтнинг, кўчалар.  
Кўчалар,  
Кўчалар,  
Ойдин кўчалар!

Қандай фусункор, оҳанрабо сатрлар. Буларда севгивчи қалбининг пинҳоний кечинмалари, ҳислар, ҳаяжонлар тўлқини тинимсиз жўшадн: қиз олдин кўчаларга мурожаат қилади, бу мурожаат «ойдин»га «қайдин»



қофияси билан мусиқийлашиб, кўчаларнинг ёруғ ва гўзаллигидан лирик қаҳрамон (куйлсвчи)даги ҳаяжон ортади. Бирдан қиз ўзи излаётган ёр «тагин ўтдимин»-кан деб туриб, уни тагин бепарволикда айблайди. Аммо у, бу ёр қизлар хаёлини олиб қочадиган «кўнгиллар соҳибни» эканлигини тан олиб, яна ойдин кўчаларга «айтинг» формасида ёлворишда давом этади. Қаранг-а, шоир қаҳрамони руҳиятидаги нозик тебранишларни санъаткорона кузатиб тасвирлайди. Ана шундай қиз яширин севиб, яширин ёниб, ёр билан бирга сайр қилиб юриши мумкин ойдин кўчага танҳо дард изҳор қилади. Шу билан бирга, у ўзи айтаётган «бепарво», «толен баланд» ёрга толе ҳам тилайди, ҳозир шу кўчалар учраштира-ю, ёр истиқболга пешвоз чиқа қолса,— «Етакланг, чиқайлик истиқболга», дейди у.

Одам психологиясини нозик кузатиш, нафис чиқиш — энг яхши лирик шеърлар фазилати. Лекин Туроб Тўла бир оддий қўшиқда ҳам шу вазифани кўхли ўтай олиши қўшиқчиликда ҳаётийлик ва психологизм масаласини тўғри тушунишидан гувоҳлик беради.

Туроб Тўла ғазалларидаги яна бир муҳим нарса — радиф масаласидир. Яхши топилган радиф қофиялар жарангдорлигини ошириб, қўшиқни тингловчига таъсирчан қилади, унинг ўйноқи ва мусиқийлигига нафи тегади ва асар ғоявий йўналишини ойдинлаштиради. Туроб Тўланинг «Бу чоғ», «Санам, ҳеч борми инсофинг», «Кам бўлмагин», «Тўхтанг, менга навбат», «Кўйдинг мени», «Билсанг-билмасанг», «Оҳиста-оҳиста», «Бўламан, дейди», «Бизга ҳам», «Раво кўрма», «Кўкарсин» радифли ғазаллари ана шундай бўлиб, булар ўзбек классик ва совет шоирларининг эл ичида куйланиб юрган ажойиб ғазаллари сингари ўзига хос ва қимматлидир.

Қўшиқда шоиримиз арсенали фақат шу билан чекланмай, поэзиянинг маснавий, мухаммас, мусаддас ва мурабба турларига ҳам бой. Унинг «Тошкент таронаси» (аа), «Сен бўлмасанг» (аааа, ббба), «Бир пиёла май» (ааабб), «Хунармандлар» (абаб), «Хаёлим сенда» (ааба), «Меҳмон» (аба) ва бошқа қўшиқлари бунинг ёрқин намуналаридир.

Туроб Тўла музиканинг ички қонуниятларини чуқур билади, нозик фаҳмлайди. «Туроб Тўла,— дейди республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, кўпгина қўшиқларни ҳамкорликда яратган таниқли композитор Икром Акбаров,— қўшиқ жанрининг барча турларига қўл уриб кўрган ва доимо муваффақият қозонган қў-

шиқчи шоир». Дарҳақиқат, ҳозирги ўзбек қўшиқчилигидаги ёр-ёр, ялла, лапар, айтишув, романс ва кантата сингари жанрлар қарор топишида Туроб Тўланинг роли катта. Унинг «Янги ёр-ёр», «Янгиер ялласи», «Мирза-чўлда тўй», «Оташ кўзларинг», «Эслайсанми?», «Шарқ машъали» асарлари бу баҳонинг тўғрилигини кўрсатиш билан бирга, қўшиқ жанримизнинг имкониятлари ҳали бениҳоялигини ҳам тасдиқлайди.

Миртемирнинг биз ёқтирадиган «Бир гўзал», «Боғ кўчадан», Туроб Тўланинг «Уч дугона», «Кўчалар», «Сабо», «Газли», Пўлат Мўминнинг «Анор», «Индамади», Саида Зуннунованинг «Ёр кезар», «Сув бўйида мажнунтол», Эркин Воҳидовнинг «Гуллар базми» ва бошқалар ўзбек қўшиқчилиги бисотидаги ана шундай воқеабанд, сюжетли асарлардандир. Бундай қўшиқларда мавзу тегран қамраб олинган ва керагича хулссаланган бўлади. Улардан шеър — қўшиқнинг ғоявий-бадий қиммати нимадалигини сезиш қийин эмас. Негаки, айтилаётган гаплар қўшиқчи — шоирники, ўзи яратган, унинг кашфиёти бўлади.

Туроб Тўлада бундай қўшиқлар кўп. Бу латиф, инжу қўшиқлар шоирнинг халқ юрагига кириш йўлидаги сеҳрли калитидир. «Бу оддий сўзлардан тўқилган, лекин ҳақиқий санъат, шеър ҳаёти билан яшайдиган қўшиқлар,— деган эди. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия у ҳақидаги «Гўзаллик шайдоси» мақоласида.— Сизнинг ҳам юрагингизни қўшиб олиб ҳалиги уммонга (шеърят ва санъат уммонига) йўлдош қилади, бошқача сўз билан айтганда, ўша шеърят уммонини юрагингизнинг ҳамроҳи, йўлдоши қилиб қўяди, мен ўйлайманки, ижодкор учун бу ҳавас қиладиган сийрак ва гўзал толе».

Бу ерда шуни ҳам айтиш мумкинки, Туроб Тўла бундай «сийрак ва гўзал» толега бирдан эришиб қолгани йўқ. Шоир қўшиқчилик ижодининг дастлабки даврлари одатда бўладиган қийинчиликлар, нуқсонлар ва камчиликларсиз ўтмаган. Темага юзаки ёндашиш, фикрий саёзлик, қалб ва ҳиссиётга ҳеч нима бермайдиган, трафарет сўзлар йиғиндисидан иборат, фақат айрим қофияларгина эса қоладиган шеърлари ҳам учраб қоларди. Уларда жарангдорлик ва оҳангдорлик кучли бўлиб, шеърнинг ташқи безакларига диққат қилинарди, холос. Шоир ойлаб ва йиллаб ўз устида муттасил ишлаши, ўзига талабчан бўлиши орқасида булардан аста-секин қутула борди. Унинг қўшиқлари ҳам яхши шеърлари каби юқори савияда бўлиб, нимаси биландир ажралиб

турадиган, ёрқин образли, психологизмга бой, таъсирчан бўла борди.

Туроб Тўла фақат қўшиқчи шоиргина эмас, шу ажиб санъат тарғиботчиси ҳамдир. Шоирнинг «Камарбаста», «Китобда йўқ қўшиқлари», «Кимни куйлатмаган бу ер, бу тупроқ», «Лутфи лазиз хонанда» мақолалари шундан далолат беради. Тўғри, ўзбек адабиётида Абдулла Қаҳҳор, Ўткир Рашид, Мамарасул Бобоев кабилар ҳам бу жанр ҳақида ёзишган. Аммо Туроб Тўла мана неча йилдирки, қўшиқчилик санъатимиз ривожига ўз салмоқли, улкан ҳиссасини қўшишдан ташқари, унинг жонкуяр ташвиқотчиси, гамхўр билармони.

«Яхши қўшиққа тўйиб бўлмайди!— дейди шоир.— Қанча бўлса шунча оз! Шоирларимиз ёзишдан, бас-такорларимиз басталашдан толмайдилар, ижрочиларимиз ижро этиш билан, томошабинларимиз тинглаш билан хурсандлар.

Масала бундамас бугун, масала яхши қўшиқ қанча кўп бўлса — шунча озлигинда.

Қўшиқ бир тиниқ дарё, у ҳамиша оқиб туриши керак, лиммо-лим оқиши керак! Унинг ватани бор, ватанини шарафлаши лозим, халқи бор, халқини куйлаши керак, партияси бор, партиясига хизмат қилиши зарур, у уларнинг энг яқин дастёри, камарбастаси!»

Бу сўзлар қўшиқ жанрининг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини шоир нақадар тўғри ва чуқур англаганлиги, юқори баҳо берганлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, Туроб Тўла қўшиқлари Ватанни шарафловчи, халқни куйловчи, партияга хизмат қилувчи асарлардир.

## ЛИРО-ЭПИК ЖАНРДА МАҲОРАТ САРИ

Баллада жанри совет поэзиясида, жумладан ўзбек совет поэзиясида шоирлар кўп бор мурожаат қилган, кенг тараққий этган соҳадир. У кўп жиҳатлари билан поэма жанрига анча яқин. Зотан поэма ёзган шоир баллада, баллада ёзгани эса поэма жанрига қўл урмай қолмайди. Шоирлар ижодига назар ташлаб, бунинг ҳар қалай шундайлигига иқрор бўлиш мушкул эмас.

Рус совет поэзиясида Николай Тихонов, Александр Твардовский, Лев Ошанин кабиларнинг бу жанрда ба-ракали ижод қилгани ва кўпчилик асарлари адабиёти-

мизда воқеа бўлганлигининг шоҳидимиз. Биз ана шу шоирларнинг «Ўн икки баллада» (Н. Тихонов), «Балладалар» (Л. Ошанин), Москва ва Қизил Байроқ ҳақидаги балладалари (А. Твардовский)ни кўзда тутяймиз.

Ўзбек совет адабиётида ҳам бу соҳанинг Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Шуҳрат, Ҳамид Ғулом сингари ўз усталари бор. Зеро лиро-эпик жанримизни мазкур шоирларнинг балладаларисиз тасаввур этиш қийин.

Ана шу баллада заҳматкашлари ичида шоир Туроб Тўланинг оғизга тушган «Курант занг уради», «Волокаламск тош йўли», «Қайнар булоқ, аскар йигит, соҳибжамол беном қиз», «Икки булбул», «Деразам ёнидаги ўйлар», «Номаълум қаҳрамон» ва «Чақар» асарлари баллада жанри тараққиётига сезиларли туртки берган ҳодисалардир. Уларнинг айримлари ҳақида матбуотда ўз вақтида мана нималар дейилган:

«Улуғ Ватан уруши йилларида... поэзиянинг лиро-эпик тури сифатида баллада ривожланди. Поэзиямизда... Туроб Тўла томонидан яратилган баллада («Волокаламск тош йўли» ва бошқалар...) умумсовет адабиётининг олтин фондига қўшилган бебаҳо дурдоналардир» (М. Иброҳимов).

«Тўпламнинг ютуқларидан бири — унинг «Жавоб» бўлимига кирган шеърлардир. Бундаги... «Курант занг уради»...ни жанговар публицистик асар... деб ҳисоблаш мумкин. Шоир ўз халқининг куч-қудрати, эришган ютуқлари ҳақида фахр ва қувонч билан баралла сўзлайди, тинчлик душманларига хитоб қилиб, уларни аямай фош қилади... Баллададаги кўп бандлар «Курант занг уради!» деб бошланади. Бу сўзлар ҳар банднинг бошида қайтарилиши орқали шоир Советлар Ватанидаги тинч ва салобатли, ҳур ва қувноқ ҳаёт музыкасини беради. Бу музыка бутун элларга тарқалади, ҳамма халқларга эшитилади ва уларни янги ҳаёт қуришга чақиради». (А. Ҳайитметов).

«Ватанпарварлик мавзунда салмоқдор ҳамда гўзал шеърят намуналарини ўқир эканмиз, шоир ўзбек адабиётида гражданлик — сиёсий лириканинг намояндаларидан бири бўлиб етилганга имонимиз комил бўлади... «Волокаламск тош йўли», «Деразам ёнидаги ўйлар...» каби балладаларни эслатиш маъқул». (Ёнғин Мирзо).

Шоир ижодидаги гўзал баллада намунаси «Волокаламск тош йўли»да (1942) характерли ҳолат — Москва

қахрамонона мудофааси эпизоди тасвирланади. Душман қанча қутуриб ҳужум қилмасин, панфиловчи гвардиямиз сўнгги қони қолгунча жанг қилгани жўшиб ҳикоя қилинади:

...Гвардия постида,  
Қасам ичар, қурум босган юзлари,  
Бир оҳангда — Москванинг остида  
Такрорланар қасос тўла сўзлари:  
«Чекинмоққа бир қадам ҳам тупроқ йўқ,  
Орқамизда Москва бор, Ватан бор.  
Жанг қиламиз қолгунича сўнгги ўқ  
Она-Ватан мангу бўлсин барқарор!..  
Взвод жангда ҳалок бўлди,  
        аммо у —  
Сақлаб қолди Москванн офатдан.  
Москва тинч,  
        яшар Москва мангу,  
Евуз қадам тозаланди сарҳаддан!..

Асарда совет кишиларидаги Ватан тушунчаси билан маслак бирлиги, интернационализмнинг кучлилиги жўшиб тараннум қилинади.

50- йилларнинг биринчи ярмида Туроб Тўлани кўпроқ хорижий Шарқ мавзун қизиқтирган эди. Сабаби — халқимиз уруш харобаларини қайта тиклаб, Октябрь берган эрк, социализм келтирган фаровон турмуш ҳузур-ҳаловатини тортаркан, шоир кўзи ўнгида ҳануз империализм исканжасида инграётган кўшнн Шарқ халқларининг аччиқ ҳаётн гавдаланарди. У шу мавзуга бағишлаб «Курант занг уради» (1950), «Икки булбул» (1952), «Аму» (1953) каби йирик балладаларини ёзди.

Одатда яхши поэтик асар китобхон қалби ва онига инмадир янгилик бериши, эстетик завқ бахш этиши керак. Акс ҳолда, ғоявий-бадний наст савияда ёзилган баллададан унинг кўнгли қолиши, пировард-оқибатда умуман поэзиядан безиб кетиши ҳеч гап эмас. Туроб Тўла шеърятн, айниқса юқоридаги балладалар бундан мустасно. Уларда ё бир қизиқарли сюжет — воқеа танланади ёхуд мавзу ҳаётнн сержозиба контраст ва муқоясаларда очилади. «Икки булбул» билан «Аму» биринчи ҳолатга мансуб бўлса, «Курант занг уради» учун ҳаяжонли контраст приёми характерлидир.

Мана, икки булбул «Чаман излаб, истаб ошён, гул эмас, ҳатто бахтсизликдан ҳаёт қуриган», хорижий

келгиндилар касофатидан «ниҳол эмас, тош ҳам чириган» мазлум Шарқдан кўтарилмишди.

Шоир ҳикоя қилади:

Шунинг учун қушлар ҳам тўзиб,  
Ҳаёт излаб кетишди ночор.  
Кенг ва бахтсиз ватанларига  
Ҳаёт тилаб, тилаб бахт, гулзор.

Шу тариқа булбуллар бепоен чўлу саҳролар устидан узоқ учишади. Йўлда ҳолдан тоясзган она булбул: олисдаги жаннат бир диёрга етиб бора олармиканмиз, дейди. Яна учишади. Охир чегарадан ўтиб, орзу қилган диёрларига келиб етишади.

Она булбул кўтарилди тик,  
Кўз олдида яшил бир чаман!  
«Наҳот,— деди,— озод Ватанда  
Болагинам, яна яшайман!..  
Ҳаёт, ором, бахт излаганлар  
Шу томонга келурлар ҳар ёз.  
Оҳ, қачон биз ўз юртимизда  
Шундай қилар эканмиз парвоз?»

Асарнинг сюжети равон, бадний умумлашмаси чиройли ва салмоқлидир. «Аму» балладасининг ғоявий лейтмотиви ҳам «Икки булбул»никига яқин.

«Курант занг уради» балладасида нур ва знёга, эрка интилувчи прогрессив кучлар билан уни зулмат ва зиндонларга кўмишга жон-жаҳди билан уринувчи қора гуруҳлар муқоясаси ҳар гал курант занг уриши билан эслатилиб туради. Балладада жанговар публицистика дилбар лирика шарбати билан йўғрилгандай:

Курант занг уради!..

Денгиз довулидай

Турк тупроғига ҳам боради бу бонг.  
Туни қувиб борар нурдай шиддат билан,  
Қиличдай ярқираб отар оппоқ тонг.

Ўхшатишлар устма-уст келаётган бу бадний баркамол асар Туркиянинг атоқли революцион шоири, тинчлик курашчиси, халқ бахт-саодати йўлида турма ва терговлар азобини чекавериб, кечагина озод этилган Нозим Ҳикмат ҳақида эди. Балладада қаҳрамон ҳаёти-

нинг хавфу хатарларга тўла фактлари атай тилга олинади, унга совет халқи, бутун дунё меҳнаткашларининг муҳаббат ва хайрихоҳлиги, Нозим Ҳикматнинг эса Советлар мамлакатига севгиси, социализм ишига садоқати тасвирланади. Шоир асарни озодлик кучларининг реакция устидан ғалабаси, адолатнинг тантанаси билан якунлайди.

Асардаги «Курант занг уради!» нақорати қаҳрамон ҳаётидаги керакли моментлар тасвирлари орасида ўринли ишлатилиб, балладага мансуб ички ҳаяжонни, романтик кайфиятни таъмин этган. Демак, воқеа-ҳодисалар жанр талабига амал қилинган ҳолда танланиб ифодаланган. «Номаълум қаҳрамон» — лиро-эпик характердаги асарлардир.

«Чақар» (1962) балладаси она-юрт мадҳи, шу юрtnинг ажралмас бўлагн — Тошкентнинг собиқ машҳур маҳалласи Чақар хусусида. Бу асар олдинги «Деразам ёнидаги ўйлар»га нисбатан анча салобатли, тантанавор формада битилган.

Биз поэзиямиздан Шайхзоданинг «Тошкентнома», Султон Акбарийнинг «Менинг маҳаллам» лирик поэмаларини яхши билардик. Буларнинг бирида пойтахтимизнинг аянчли ўтмиши билан ҳозирги яшнаётган қиёфаси, иккинчисида шоир болалиги кечган Сақичмон маҳалласининг мунг тўла тарихи ва ҳозирги ҳаётдан айрим лавҳалар тасвирланарди.

Туроб Тўланинг асари бир қарашда худди шунақа мавзуда, худди шундай лирик таҳлитда бажарилгандай кўринади. Лекин бунда балладанинг ички қонун-қоидаларидан келиб чиқиб, Чақар маҳалласи баҳона ундаги турли-туман одамлар психикаси, қаҳрамонлар руҳий сламига асосий эътибор қаратилади, воқелик юксак пафос билан, ҳаяжон тўла инверсия ва қайтариқлар орқали ифодаланади. Чунончи, домком Мирҳидой образини олинг. У баллададаги Раҳим сартарош, чойхоначи, пенсионер Усмон, Ғаффорнинг декан келини, саҳархез нуроний чоллар, ёр йўлига оқшом сув сепувчи Қиз образлари ичида марказийси деса бўлади. Шоир домкомнинг роса қирқ йиллик ҳаёти эл хизматида ўтганлиги, маҳаллага оталик қилганлигини гапиради. Мана, мўъжаз ҳовлиларда тонг оқариб:

Дегрез отланади, кондуктор йўлда,  
Шофёр аллақачон тайёрдир рулда.  
Ҳндой-домком эса, ҳозир у нозир,

Ҳаммани кузатар, кузатар бир-бир.  
...Тағни Ҳидой-домком кўча бошида,  
Ҳориб қайтганларнинг юракдоши-да!  
Кимнинг гази-пази ёнмоқда ёмон,  
Кимнинг суви камчил, унгадир аён!  
Дарди-зарра дилда ғашлик бўлмасин,  
Ҳеч на фалокатни эсга солмасин!  
Ана шундай, Чақар — машҳур маҳалла!

Туроб Тўла балладада Чақарнинг, чақарликларнинг чиройли миллий урф-одатлари, ажойиб интернационал фазилатлари тўғрисида ҳам тўхталади. Шу бир маҳалла тимсолида халқимизнинг ўзаро аҳиллиги, оқибатлилиги, яхши-ёмон кунда бир-бирини қўллаб-қувватлаши, сеники-менкилик унга ётлиги, лафзи ҳалоллиги улуғланади.

«Чақар» тасвир эътибори билан рсаллистик тарзда ёзилган бўлса, «Қайнар булоқ, аскар йигит, соҳибжамол бепом қиз» (1948) балладаси услубан ишқий-романтик руҳдадир. Чунки унда сўйланаётган воқеанинг ўзи шундай кўтаринки ҳолатни тақозо қиларди. Шоир буни тўғри пайқаган ва чиройли амалий ҳал қилган. Аскарликдан қайтаётган йигит қишлоғига кириб келяпти:

Мана қишлоқ, мана тошлоқ,  
Қайнарбулоқ, кекса тол.  
Тол тагида турар қувноқ —  
Бир мунис соҳибжамол.  
Қараб турар оғиб эси,  
Қани энди кўз олса,  
Бир қўлида ёғлогиси,  
Бир қўлида кўзаси.

Йигит эса роса чанқоқ! Нима қилиш керак бундай пайтда? Одатда йўловчи сув сўрайди, соҳибжамол эса сув тутиб, орада севгига ўхшаш бир нима пайдо бўлади... Худди шундай ҳол 1939 йилда Михаил Исаковский томонидан «Шёл со службы пограничник...» («У колодца») шеъринда қойилмақом қилиб таърифланган эди. Унда воқеа қудуқ олдида бўлиб, сув сўраган чегарачи ва қиз мулоқоти берилганди. Шеър шу қадар оммалашиб, ҳатто қўшиқ қилиб ҳам айтилди. Шу-шу поэзияда сув ё бирор нарса сўраган йўловчи йигит билан унга ёқиб қолувчи қиз ҳангомаси гоҳ у, гоҳ бу алфозда кўзга ташланиб қоларди.



Туроб Тўлада ҳам йигит, табиийки, сув сўрайди.  
Қиз сув тутадими? Йўқ!

«Хўп» деди-ю, қушдай учиб  
Қириб кетди боғига,  
Қараб қолдим бир хил бўлиб  
Орқасидан мен танҳо.  
Бир нафасда яна кулиб  
Пайдо бўлди у барно.

Баллададаги қиз ўзбек меҳмоннавозлиги таомилига кўра сув эмас, бир бош карсиллаган узум олиб чиқиб тутади. Оригиналми? Ҳа. Шоир шу бир кичик деталнинг ўзида чуқур халқчиллик, миллийликни кўрсата билган.

Навбатдаги «Номаълум қаҳрамон» (1944) асарининг қаҳрамонона поэтик материали ва бу материални лиро-трагик тарзда тасвирлаш жиҳатдан диққатни тортади. Баллада Улуғ Ватан уруши давридаги характерли бир эпизодни ҳикоя қилади.

Энг даҳшатли кун эди,  
Туман босган тун эди...

Бу — асарнинг шиддатли кечаётган воқеаси сатрларини шиббалаб турувчи бадий такрор — ўзига хос афористик қайтариқдир. Бир бола ёндирилган шаҳар, қишлоқлар, ўлдирилган ота-оналар, ватандошлар ҳаққи-ҳурмати фашистлардан ўч олишга қарор қилади ва қўйнида хавfli мина билан Дон соҳилидаги йўлда пайдо бўлади.

Шундан кейин балладанинг ягона «ўзак» сюжети шиддатли, тезкорлик билан давом этади. Фашистлар болани машинага солиб олиб, йўлда улоқтириб овунмоқчи бўладилар. Ёш қаҳрамонга эса бу жуда маъқул ва қўл келарди: у пайт пойлаб туриб пинжидаги минаси билан ўзини олд томонга отади.

Асар эртакнамо, фольклор соддалиги руҳида ёзилган. Шоир воқеани қаҳрамонини руҳиятидан, ички драматизмдан келиб чиқиб тасвирлайди. Ўзи ҳам ўрни келганда воқеага муносабат билдириб, фаол аралашади. Бу ҳол лиро-эпик балладада эпик асос билан лирик элементлар узвийлигини, бири иккинчисисиз очилмаслигини тасдиқлайди.

Балладанинг яна бир фазилати — ундаги асосий образлар ёрқин, қабарик ва такрорланмас қилиб чизи-

лишида. Икки-уч сатрни ўқишингиз билан айтилаётган шахс бутун борлиғи-ла кўз олдингизда гавдаланади кўяди. Масалан:

Машинадан тушган бир —  
Жиккаккина офицер  
Ранги заҳил, сап-сарик,  
Чиллак каби кўп ориқ,  
Ялтираган пагонли,  
Қора, ялпоқ наганли —  
Фриц аста тиржайиб  
Болага бир гердайиб,  
Ер тагидан қаради,  
Аста савол сўради....

Қисқаси, Туроб Тўла балладалари индивидуал услуб борасида ҳам, материални ёритиш ва тасвирий воситаларида ҳам, воқеаларни бандларда бериш ва қофияланиши системаларида ҳам хилма-хил ва ранг-барангдир. Шоир асарлари совет даври баллада жанри эришган ижобий фазилатларни ўзида мужассамлантиргандир. Уларда ҳаётдаги қаҳрамонона, олий моментлар, характерли кўриниш ва ситуациялар, кучли драматик кечинмалар асос қилиб олинади. Бошқача қилиб айтганда, воқеалар шиддатли романтик услубда ривожланади, лиризм ва драматизм омухта келиб, қаҳрамонлар қалби, ички оламини очиш, хатти-ҳаракатларини шарҳлаш, характерларини кескин ифодалаш йўли билан кўрсатилади.

\* \* \*

Ўзбек совет адабиётининг элга манзур бўлган, унинг маънавий мулкига айланиб, маданиятимиз хазинасини бойитган «Зайнаб ва Омон» (Ҳамид Олимжон), «Кўкан» (Ғафур Ғулом), «Жонтемир» (Уйғун), «Тошкентнома» (Шайхзода) сингари ажойиб поэма намуналари бор. Шулар ичида шоир Туроб Тўланинг лиро-эпик ижоди ҳам алоҳида ўрни тутади. Унинг турли йилларда ёзган «Шаҳло», «Хат», «Сўнгги кўрак», «Замон ҳукми» ва «Суюк момо» каби асарлари ана шулар жумласидандир. «Шаҳло» (1930)да Шаҳло исмли ғўзал чўрининг чўпон йигит билан севги саргузаштлари, бой ва босмачилар қўлида тортган изтироблари ва ниҳоят, қизил аскарлар тарафидан халос этилиши,

ҳозирги бахтли турмуши тилга олинган. «Хат» (1948) да эса урушдан қайтган Ҳайдарнинг яна пахтачилик звеносига бошчилик қилгани ва социалистик мажбуриятни бажариш учун курашгани сўзланади. Бу икки асарда муаллиф воқеликни эпик таҳлитда тасвирлаш, қаҳрамонлар психологиясини поэтик ифодалаш сирларини эгаллашга ҳаракат қилди. Лекин уларда баёнчилик кучлилиги, характерлар шаклланиши ривожда берилмай, мантиқ бузилгани туфайли, мазкур поэмалар шоир ижодида маҳорат сари интилиш қадамлари бўлиб қолди.

Шунинг учун Туроб Тўла кейинги 3 жилдлик «Танланган асарлари»ни нашрга тайёрлашда бу поэмалардан «Хат»ни қайта ишлаб, «Ҳамият» номи остида тавсия қилди. Асарнинг бу вариантыда Дилдор образидagi шубҳа — гумон кайфиятлари, Ҳайдар психологиясининг эса товланишлари, характеридаги янги сифат ўзгаришлари пайдо бўлиши анча тузук далилланган. Фронтида Ватан эрки учун фидойи жанг қилган йигит меҳнат фронтида ҳам жонбозлик кўрсатиши, донбаслик дўсти Иванга ўхшаб хосиятли ишлар қилиши турган гап эди, буни тушунган шоир ситуациянинг мураккаблиги собиқ фронтовик Ҳайдар юрагидаги ўқда деб тўғри тузатади, дostonнинг янги сарлавҳаси ҳам қаҳрамонлар ўзаро муносабати, меҳру оқибати ва ҳамиятини ифодалайди.

Маълумки, Туроб Тўлани кўпдан бери Ҳамза фожиаси билан алоқадор воқеа-ҳодисалар қизиқтириб келарди. Зеро бу машъум фактда янгилик билан эскилик, зиё билан асрий бидъат, илм билан хурофот, инсонийлик билан ваҳшийлик тўқнашиб, буюк Ҳамза курашган янги тузумимизнинг дўст ва душманлари ўз қиёфаси билан гавдаланиши мумкин эди.

Шоир катта бир бадийи полотнога журъат қилиб, ҳар сафар нима биландир уни тўлдирар ва лекин қолганига юраги дов бермай, ташлаб қўярди. Бу орада «Ҳамзани ўлдирган тош» сингари кичик-кичик ҳажмдаги нарсалар ёзилиб, матбуотга ҳам чиқиб кетаверарди. Ниҳоят, Туроб Тўла 1969 йилда ана шу фундаментал асарига охириги нуқта қўйди ва «Замон ҳукми» номи билан эълон қилди.

Ҳамза Ҳакимзода тўғрисида совет адабиётида талай бадийи асарлар яратилган. Тихонов, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Смеляков, Яшин, Амин Умарий, Ғайратий, Зулфияларнинг шеър, поэма, повесть ва пьесалари соци-

листик адабиётимиз яловбардорига шогирдлик ҳурмати сифатида ўқувчиларга аён эди. Агар Ҳамза фожиаси билан боғлиқ факт «Ҳамза» (Ойбек) ва «Шоҳимардон» (Ҳ. Олимжон) поэмаларида пафосли бир кульминация тарзида ҳикоя қилинса, «Ҳамза» (Ярослав Смеляков) асарларида муаллифлар Ҳамза қабрини зиёрат қилиш орқали қалбларида юзага келган туғёнли контраст кечинмаларни қоғозга туширадилар. Туроб Тўланинг поэмаси эса ўзининг материалга ёндошиши жиҳатидан бутунлай бошқачадир.

Асар — лиро-эпик планда. Унда 30-йиллар Шоҳимардон ижтимоий-сиёсий ҳаёти кенг қамраб олинади. Ҳамза қотилларининг кейинги тавба-тазарруси, виждон азоби ва янги тузум олдидаги маънавий мағлубиятини, янги замон, янги сиёсат — Коммунистик партия сиёсати тантанасини кўрсатиш — поэма ғоясининг асосини ташкил қилади. Демак, Ҳамза қотиллари кўрсатилар экан, ижобий қутб сифатида Ҳамза образи, яъни тарихий қаҳрамон характерини яратиш муаммоси туради. Шоир бунини ўзига хос бир услубда ҳал этади: икки қарама-қарши қутбларни характерлараро тўқнашув ҳолида эмас, балки салбий қаҳрамонлар ички олами, руҳий изтиробларини тасвирлаш орқали беради. Бошқача қилиб айтганда, асарда конфликтнинг коллизия формаси қўлланилади.

Туроб Тўла Ҳамза фожиаси фактига бевосита мурожаат қилмайди, у билан боғлиқ шахсларни тасвир объектига айлантормайди ҳам. Ҳатто шоирнинг ўзини ҳам марказий ё бош қаҳрамон қилиб олмайди, воқеалар давомида иштирок эттirmайди. Бу табиий ва тушунарли. Муаллиф ана шу маълум ва тарихга кирган фактни ўзинча яна бир бор қайтаришни истамас. Ҳамза орзуларининг совет кншилари, янги авлод томонидан рўёбга чиқарилаётганини тараннум қилмоқчи. Бунда фожиа факти бир туртки ё сабаб вазифасини ўтаб, асосий эътибор Ҳамза курашган коллективлаштириш, янги ҳаёт, янги одамлар тақдирига қаратилади. Бу эса шоир томонидан факт ва тўқима (фантазия) масаласига муносабатга бориб тақалади. Зотан адабий асарни «лойиҳалаш»да, ижодкор яратадиган бадний кашфиётларда муҳим роль ижодий ўй-хаёлга, тўқимага ҳам таллуқлидир.

«Замон ҳукми», «Ҳамза» сарлавҳали киришдан ташқари 10 бобдан иборат. Унда йигирмага яқин персо-

наж иштирок қилади. Воқеалар характерли моментларда тасвирланадимики, бу материал поэма учун ўринли танланганлигини, шоир уни жанр талабларидан келиб чиқиб тўғри талқин этганлигини билдиради.

Асар гўзал Ҳамзаобод мадҳи билан бошланиб, бир вақтлари собиқ чорикор, чўри, қарол бўлган, «ўзи буғдой экиб, оч пахта экиб юпун қолган» деҳқонлар, «ўз тупроғини ўзининг қони-ла озод қилган, босмачилар билан тоғма-тоғ олишиб, қутлуғ бахтларини сақлаб» қолганлар, энди эса узоқ қиш кечалари «ухламай, тинмай, юртимнинг тирағи бўламан» дейдиган, «оппоқ ойнавандлик уйда, нурлар остида ўтириб китоб ўқийдиган», «янги рўзғор учун минглаб, ўн минглаб пул санайдиган», юрағида «қурмоқ, қидирмоқ, хаёли ижод ва ихтиро» билан банд, «паноҳида улуғ мамлакатнинг бахти, истиқболи, эрки бехатар» шонли одамлар таърифига ўтилади. Сўнг чойхонадаги суҳбат-гурунг, бу орқали колхоз тузумининг жонкуярлари (Кенжа полвон, раис Холис ака, Маҳкамшер, Отахўжа мироб, Валидов) образлари, фаровон ҳаёт, яратиш завқи берилиб туриб, кейин бу ҳолатга контраст равишда «тоғ бошида тун даҳшати қучиб ётган, қишлоққа баджаҳл, бадбин, хўмрайиб қарайдиган» мазор ва ундан ҳамон шайхлар васвасаси эшитилиши айтилади:

...Соч-соқоли ўсган, мисоли дарвиш,  
Йўлнинг чойхона томонга солди.  
Колхоз идорасин ойнасидан тушган —  
Шуъла қаршисида тўхтади қолди.  
Худди телбалардек аланглади аввал,  
Музлаб ётган ойна тагига борди.  
Бирпас қулоқ солди ичкарига жимиб  
(Ичкарида бу вақт мажлис борарди).

Шарпа-гадой либосидаги бир вақтдаги қотиллардан бири Очилдев, мажлис эса ана шу қотилнинг қизи — донгдор колхозчи Баҳорни партиёга қабул қилаётган коммунистлар йиғилиши эди. Ота — янги тузумнинг ашаддий душмани, қизи — шу тузумнинг фидойиси. Бири — маҳкум этилган, мағлуб, иккинчиси — ғолиб ва келажаги норлоқ.

Юқоридаги ички зиддият энди кучая бориб, қаҳрамонлар характери йўналишида сифат ўзгаришларини вужудга келтиради. Чунончи, Баҳорнинг аризаси кўриляётганда (анкетадан унинг отаси босмачилар билан ку-

рашда ўлган дейилганда) Тоға таклиф киритиб, «қабул масаласи кечиктирилса, қизнинг ўзи эртага партбюрога келса...» дейди. Ҳамма ҳангу манг, юракларда гулгула, бир гап боракан-да, деган гумонда. Қиз ўтда қовурилади, ўртанади, бутун ҳаёти, ҳар бир босган қадамини, болалигида негадир сирли йўқолган отасини эслайди. Таклиф киритган Тоғанинг ўзи ҳам бундан бешбаттар қийноқда. У ҳам ўзини қўярга жой топмай, тун билан кечинмалар гирдобида ағанаб чиқади:

Боғдан боққа ўтди, далага чиқди,  
Қор босиб ётарди далани — даштни —  
Тоғ оралаб кетди шундай совуқ тунда,  
Қим билади балки йўлдан адашди...  
Ниҳоят етди у тоғ тепасига,  
Ҳамза қабри узра турди у қотиб.  
Кекса кўзларида ёш ўйнар эди,  
Турар эди қотиб, ўзин йўқотиб.

Тоға — Ҳамзанинг айнан қотили эмас, балки унга қўл кўтарган, унинг жонига қасд этганлар тўдасида бўлган, собиқ босмачи. Аммо тезда ақлини йиғиб олиб, пушаймон еган, Ватан ва халқ олдида ҳалол ишлаб (соҳибкор бўлиб) гуноҳларини ювишга астойдил интилган, 1940 йилда партияга кирган, 1941 йилда урушга кетиб, юрт ҳимоясига отланган, шу қишлоқда уйланиб, бола-чақа, уй-жой орттирган, бироқ ҳар гал мудҳиш ўтмиши ёдига тушса ич-ичидан руҳан эзиладиган киши. У, қотил Очилдеври, ўзининг ундан тубдан фарқ қилишини ҳам, Баҳорнинг мутлақо бегуноҳлигини ҳам яхши билади. Шундай бўлса-да, ўша мажлисда оғайнисининг қизи партияга қабул қилинаётгани сабаб бутун эски хотиралари ёпирилиб келиб, ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлини бир-бир кўз олдига келтирмай илож йўқ.

Асар сюжети шундай тузилганки, у ўқувчига композицион сингишли, қизиқтирарли ва характерлар очилишига хизмат қилган. Поэманинг учинчи бобида келтирилган шарпа образи воқеалар ривожини давомида ўша Очилдев бўлиб чиқади. У. Баҳорга «бир бурда қоғоз» (мактуб) йўллаб, унда эл-юрт олдида гуноҳи беҳадлиги, одам ўлдирган, қишлоқ ёндиргани, бўрилар сўқмоғига кириб адашгани, Қизилларга бориб таслим бўлгани, Аму ёқасида қочқинларни уларга тутиб бер-

гани, ёвлар ўрдасига ҳатто ўт қўйгани, бироқ қора ўтмиши бошига даҳшатли қилич бўлиб қайтаётгани, кейинчалик тентираб бормаган жойи қолмагани, зикрхона, ҳалимхоналарда кун кечиргани, ҳозир аламини нашадан олаётгани ҳақида сўзлаб қизидан кечиришини ўтинади. Қутилмаганда бу хабар воқеанинг ойдинлашишига, Баҳор, Тоға ва Очилдевлар характери янги бир алфозда гавдаланишига нафи тегади. Натижада қизнинг ажойиб меҳнаткаш, бегуноҳ инсон эканлиги, отаси ва Тоға кабиларнинг эса «Советлар бахтига отган тошлари энди ўзлигининг бошини еяётгани», умрлари афсус-надомат, тавба-тазарруда кечаётгани, Ватан ва халқ кечирса ҳам ўзларини ўзлари кечирмаётганликлари очилади. IX бобда тасвирланган ҳолат, яъни Очилдев Ҳамза қабри устида ўлиб («умрини тугаллаб оёқ остида») ётиши асар сюжетига ва шу билан бирга бу мураккаб образга ҳам мантиқий хулосадай жаранглайди.

Демак, асар босмачилар ҳақида эмас, босмачилар етагида адашиб қўли қон бўлганлар, ўз халқига қараб тош отганлар, кейин бахтини кўриб кўзи куйган бадбахтларнинг фожиавий ўлимлари тўғрисида. Поэмада адолатга тош отганлар иши ўнгмаганлиги ифода қилиниб, ватан ва унинг бахти учун қурбон бўлганлар ардоғланади. Ҳамзага бевосита тош отганлар унинг ё Совет давлатининг душманларимиди? Йўқ! Адашганлар эди улар. Унинг ҳақиқий қотиллари буни уюштириб, ўзлари йироқда турганлар.

Поэмада бош қаҳрамон Баҳор кўзда тутилган бўлса-да, авторнинг асосий диққат-эътибори адашганлар фожиасини кўрсатишга, улар устидан замон ҳукмини чиқаришга қаратилган. Тоға ва Очилдев тақдирлари тасвири ва уларни ижобий шахслар фонидида ҳал этиш — асар лейтмотиви ва муваффақиятини таъминлаган. У камсуқум, камгап, сўзи билан иши бир, гўзал, шаддоду қайсар. Лекин одоб ва истеъдод, ҳусн ва хатда ҳазрати Навоий қаламига лойиқ ягона қиз.

Баҳорга ўхшаган қиз борақанми?  
У Хубон кийинги,  
Қишлоқ эркаси,  
Уни қишлоқ ювиб-тараб ўстирган,  
Газет мақтаб ёзган — «Қишлоқ эртаси!»

Асардаги бошқа образларга, жумладан, Кенжа полвон, Вали ҳофиз, Уста Мамат бобо кабиларга ҳам ан-

чагина ўрин берилган. Улар ўзларининг нимаси биландир ёрқин, ҳаётий, ҳар қайсиси ўзига хос фазилатларга эга. Кенжа — бошқаларга қараганда бир оз мақтанчоқ, дангалчи, дилидагини шартта айтиб юборадиган меҳнаткаш йиғит. Аммо у онгли, асосли фикрлайди.

Пахта экканимда — ерим текис эди,

Пахта терганимда — ерим тоғ бўлди.

Ахир мақтанмоқдан нега тўхтатасиз,

Бахтимга ёр бўлдим, вақтим чоғ бўлди.

Вали эса, аксинча, камтар, бамаъни, қувноқ, Ҳамза таълимини олган, Ҳамзадай бошлаб дутор ҳам чертадиган, бинойи хиргойи қиладиган, гурунгларнинг жонини киритадиган, ранг-рўйи қип-қизил, қўл-оёқлари сертомир, серпай.

Поэмада Ҳамза бевосита қатнашмаса-да, воқеа-ҳодисалар баёни, персонажлар нутқи, масалалар моҳиятида иштироки ҳаминша сезилиб туради. У адолатли ишни бошлаб бергани, янги фаровон турмуш, озод замон учун жон фидо қилгани, бугунимиз орзуси билан яшагани, ниятлари энди тантана қилгани куйланади. Бу улуг шахсга нисбатан шоир «кўп фозил, ҳозиржавоб, хушчақчақ эди,— дейди,— ёвига даҳшатли ёв, дўстига суянчиқ буюк тоғ эди». Унинг машҳур беқасам чопон, гимнастёрка, фарғонача дўппи ва этикда юриши эҳтиром ила самимий таърифланади.

Мазкур асар қаҳрамонлар руҳий оламини нафис кузатиш, мураккаб ҳаётий ситуацияларни психологик планда тасвирлаш жиҳатидан нафақат Туроб Тўла ижодида, балки бутун ўзбек совет поэзиясида ҳам сезиларли воқеа бўлди.

Бадий ижодда шундай адабий жанр, шундай соҳалар бўладикки, қалам соҳиблари уларга қўл уришга анчагача истиҳола қилишади. То муайян бир тажриба тўплаб, ўзида беҳад ёзиш иштиёқи пайдо бўлмагунча бу ҳол давом этаверади. Трагедия, эпос, трилогия, дилогия, роман ё поэмалар туркуми, шеърин роман ёки шеърин драма кабилар ижодиётнинг ана шундай олий мартабали гултожларидир.

Бизнинг ўзбек совет адабиётимизда уларнинг қарийб бариди куч синаш бўлди. К. Яшиннинг Ленин сиймоси гавдалантирилган «Йўлчи юлдуз» ва «Инқилоб тошги» драматик дилогияси, Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна», Уйғун ва Иззат Султонларнинг «Алишер Наво-



ий» шеърӣ драмалари, Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияси, Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогияси, Муҳаммад Али ҳамда Барот Бойқобиловларнинг шеърӣ романлари ва бошқаларни тилга олсак бўлади.

Туроб Тўла «Шарқ юлдузи» журналида ўзининг энг йирик поэтик асари «Суюк момо»ни «янги эпос» деб эълон эта бошлаганда адабий жамоатчилик бунни катта қизиқиш билан кузатди. Бойси ҳозирги адабиёт ва китобхон учуи эпос сўзи асл маънода бир оз архаикроқ эшитилар ва шунинг учун шоир асарини «янги» ёзоҳи билан замонавийлаштириб атаганди. Воқеа-ҳодисалар кўлами, персонажлар сони ва асар ҳажми одатдаги (ҳозирги) поэмалардан анча катта, ҳикоялаш услуби, композицион кўринишлари эса поэмаларга қараганда фольклор ва классик дostonларга яқин, айни вақтда яхлит сюжетли, драматик тарздаги қадимги росмана эпосларга ҳам ўхшамасди. У ҳақиқатан ҳам янги тахлитдаги замонавий асар эди. Шунга қарамай, муаллиф китоб ҳолида босилган нашри сўзбошиенда асарни дoston деб атабди. Бу шартли равишда, албатта. Ўз вақтида Твардовскийнинг машҳур «Василий Тёркин» ва «Олис-олисларда» асарлари ҳам муайян жанр рамкасига сиғдирилмай, кейинчалик шартли тарзда поэма ва лирик поэма деб атала бошланганди... Одатда йирикроқ, ҳикоялаш услуби ва шакли бошқачароқ, оригиналроқ поэтик асарлар шундай қисматни бошдан кечиради. Бунда шоирнинг бирдан-бир мақсади — ҳаётий кузатувларини ўзига хос ифодалаш, материални шаклга сиғдириш эмас, аксинча, шаклни материалдан келтириб чиқариш бўлади. «Суюк момо»га асос қилиб олинган материал граждaнлар уруши ва буюк инқилоб туфайли туғилган янги одамлар характери, психологиясига кўз ташлаш, коммунистик жамият қураётган ҳозирги кишиларимизнинг қасрдан, қандай пайдо бўлганлиги илдизини қаламга олиш, иродаси мустаҳкам, бир сўзли фидойи халқимиз умумлашма образини яратишга интилишдир. Қаҳрамонона воқеа-ҳодисаларга бой яқин ўтмишга мурожаат, демак, тарихни ҳозирги кунга хизмат қилдириш учунгина эмас, балки янги давр деб курашганлар букилмас прода ва характерини мадҳ этиш учун керак.

Агар «Алпомиш» ёки Гомер қаҳрамонлик эпосларида ўзидан 3—4 аср ва ундан ҳам аввалги воқеа-ҳодисалар ривоят тахлитида жонлантирилган бўлса, «Суюк момо»да социалистик тарихимизнинг кунни кечаги шон-

ли саҳифалари бевосита етти гувоҳи тилидан ҳикоя қилдирилади. Бу етти бобо — тарихий шахслар; бор, яшаб, шоирга ҳамсуҳбат бўлган, асар битганда автори оғзидан тинглаб унга самимий фикр билдирган, қўлидан келганча кўмаклашган, тонготар меҳмоннавозликлар ҳам кўрсатган бахмаллик нуроний замондошларимиз. Демак, асар — тарихий, фактик материал заминидан яратилган. Тарихий воқеа-ҳодисанинг адабий асарга кўчиши, бадий ҳақиқатга айланиши ёзувчидан улкан ҳаётий тажриба ва жанр тақозосини ҳисобга олишни талаб қилади.

1966 йили «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Чучук момонинг жасорати» номли очерк босилиб, унда 20-йиллар Самарқандда қишлоқларни талаб, совет активлари ва янги тузум хайрихоҳларини ваҳшийларча ўлдирётган босмачилардан мулла Турсун шайкаси оддий бир ўзбек аёли Чучук момо Бозорбой қизи томонидан катта тадбиркорлик ва жасорат эвазига маҳв этилгани хабар этилганди. Шу-шу шоир юрагига ғулғула тушди. Ғайритабий бу ҳодиса уни кўп ўйлатар, нимадир ёзишга ундарди. Туроб Тўла композитор Ҳамроев билан «Бўзўғлон» деган опера ҳам ёзмоқчи бўлиб кўрди. Бу 70-йилларнинг бошларида эди. Туроб Тўла воқеа бўлиб ўтган Жиззах даштига сафарга отланди, Зоминни, ҳозирги Бахмал совхозини ерларини бориб кўрди; Момонинг барҳаёт сафдошлари Неъматилла бува Қаршибоев, Умар ота Жайноқов, Ашурали бобо Беги-мов, Абдусаттор ота Мирзакаримов, Тилов бобо Яхшибоев, Абдурахмон бува Шомирзаев, Шодмонқул бува Маматкаримовлар билан учрашди, суҳбатлашди.

Асар ёзилди. Шоир момо қаҳрамонлигини ифодаловчи кульминацион моментларни олиб, сафдошларининг ҳар бири иштироқи тасвирида шу марказий образ характерининг маълум бир қиррасини очишга ҳаракат қилган. Чунончи, Саттор бобо орқали момо ёшлигининг оловлиги, «ёв пичоғи ўтмаган инқилоб лочини» эканлиги таърифланса, Умар ота орқали бутун умри халқ бахт-саодати йўлида куйди-пишди ўтгани, меҳрибон оналиги, Неъматилла бува тасвирида эса бевақт йўқолган ўғли дардида изтироб чеккани, Шодмонқул ота орқали сабр косаси тўлган аёл энди аламзада эл номидан босмачилардан ўч олишга киришгани ва қалтис бир ишга бел боғлагани кўрсатилади.

«Суюк момо» бир қарашда Туроб Тўланинг олдинги «Замон ҳукми» поэмасида кўтарилган янги ҳаёт учун

кураш мотивининг ўзига хос давомидай фикр қолдиради. Бироқ, бунда янгича эпос-роман тақозосидан келиб чиқиб, воқеалар поэмага нисбатан бир парда баланд ва кенг олиниб, ҳатто тарихий ўринлар ҳам афсонавий тарзда, муболағаларга тўла фольклорнамо ёритилган. Бош қаҳрамон Суюк момонинг босмачилар галасини хоин Турсун ва қўрбоши билан қўлга тушириши, халқ дostonларидагидек фантастик баён қилиниши, грек эпосларидагига ўхшаш кўҳли бир композицион шакл қўлланиши ва автор услубидаги романтик бўёқлар ана шундан далолатдир.

Муҳими шундаки, «Суюк момо» даям, «Замон ҳукми» даям бир муштараклик мавжуд. Бу ҳам бўлса, тарихий қаҳрамон характери масаласи. «Замон ҳукми» да шоир Ҳамзанинг муборак образига диққатимизни қаратиб, буни унинг издошлари орқали билвосита ифодалаган бўлса, «Суюк момо» да бош қаҳрамон — Момо характери унинг бевосита хатти-ҳаракатлари, қаҳрамонликлари орқали очади. Ҳар иккаласида ҳам тарихий қаҳрамон характери у ёки бу кўринишда реалистик тадқиқ этилади. Муайян тарихий шахслар ҳаёти ва фаолиятидаги аҳамиятли томонларни катта бадий полотнода керагича, юксак бадий савияда ёритиш бениҳоя меҳнат ва маҳоратга боғлиқ. Туроб Тўла эса бундай мураккаб ишнинг уйдасидан чиқа олган. Зотан тарихий тематикадаги асарларда яратилган миллий характерлар санъат асарининг туб бадий қимматини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланади. «Суюк момо»нинг сюжети пухта, кўркем тузилган, воқеалари драматик тарзда ривожланади. Ўқувчи кўзи олдидан Момо уйдаги ўғли Топил (марказдан вакил) билан Турсун (Раис)ларнинг босмачилар ҳақидаги суҳбати, тунда ўғлини босмачилар хоинона олиб қочгани, Кенжа (Қўрбоши) ҳузурдаги сўроқ, онанинг қизи ва Аваз жасадини қабристонга судраб олиб бориши, кейин уйда ошга наша ташлаб, босмачиларни маст қилгани ва йигитлари ёрдамида каллаларини олгани бирма-бир кинолентасидай ўтади. Воқеалар даҳшатли ва тасвири ҳам ўта таъсирли.

Сюжет характер тобланиши учун ҳаракат майдони, конфликт шу характер (ва характерлар) орқали ўша даврнинг муҳим масаласи кўтариб чиқилаётганига хизмат этган. Она, Топил, Аваз, Бахмал каби ижобий образларда автор ғоявий позицияси ифодаланиб, янги социалистик тузум душманлари (Кенжа, Турсун ва

бошқалар)га қарши курашда улардаги ватанпарварлик, эрк ва бахтга ташналик, севги-садоқат, халққа хос фавқулодда тадбиркорлик ва жасорат каби фазилатлар улуғланган. Халқи, Ватани, замонасини англай олган, уни ҳимоя қилишга қодир жанговар момолар мубораклиги, бугунги шу момолар неварачевараларининг мубораклиги ўша алғов-далғов давр, даҳшатли воқеа-ҳодисалар, муросасиз курашлар ҳосиласи тарзида ишонарли кўрсатилган.

Шоир қаҳрамонларини таништираркан, улар ҳаёти ва фаолиятидаги энг муҳим хислатларни қисқа, лўнда қилиб таърифлайди:

Бу — Жилва, Суюкнинг ёлғизи!  
Бу — Аваз, Жилваннинг бор-йўғи!  
Аваз бу — шу қишлоқ юлдузи,  
Жилва бу — табиат тортиғи.

Мазкур приём ўзбек совет адабиётида кам учраб, персонажлар ҳаётининг қай хусусияти асар учун зарурлигини таъкидлаш билан бирга, шу жиҳатлар ўқувчи хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қоллишига ҳам нафи тегади.

Салбий тип — Турсун характери тасвирланган жойлар ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Шоир асл башараси ниқобланган хонини таърифида заҳарли сўзларини тўкиб солади:

Эски ахта аламзада,  
Болтаси йўқ бир жаллод,  
Ҳикмати йўқ ҳаромзода,  
Мааҳабни йўқ бир зурёд,

Амир Олим ҳарамини  
Қизлар билан тўлдирган,  
Инсонийлик қарамини,  
Ҳарамиди ўлдирган.

Туроб Тўла қаҳрамонлар портретини чизганда ҳам ана шундай қабарик, образли тасвирдан усталлик билан фойдаланади. Натижада 3—4 мисрадаёқ кишига яхлит тасаввур берадиган у ёки бу типнинг ташқи қиёфаси намоён бўлади-қўяди. Масалан, Моме сафдошларидан бири ҳақида:

Саттор бобо — кўнгли катта кенг яйлов,  
Тоғ бўлмаса — агарда!..  
Миқти келган, қорамғиз, хушмўйлов,  
Лочин, дейсиз, эгарда,—

дейилади.

Шоир персонажлар характеридан гап кетса, халқ оғзаки ижодиётидаги юракка яқин, чиройли иборалар, мақол ва маталларни ўринли ишлатади. Тилов бува Яхшибоевнинг ёшлиги ҳақида «тегирмонга тушганда ҳам бутун чиққан, чаптаст одам» дейди. Бўлак бир жойда «Дейдиларки, одам ичи оламинш, Ичи ранжу разолатга тўламинш, Гўрков бўлиб бамисоли каламуш, Кемирармиш юрагингни бир оғу» деб халқ мақолидаги «Сигирнинг олеси сиртида, одамники — ичида» мақолига ишора қиляпти. Асардаги «Ишламаган тишламайди бундан буён», «Сабр таги — раҳмон дерлар», «Хамирдан қил суғураминз», «Қўли калта бўлиб қолди ўшанинг», «Шарти кетган амин, парти қолган бек»лар ана шулар жумласидан.

Муаллифнинг фольклорни пухта билганлиги, қўшиқчи шоирлиги шундай улкан, бағри кенг эпик асар ёзишда ғоят қўл келган. Талай-талай бандлар, бобларда сатрлар ўйноқи, равон, шу билан бирга мазмунга бой афористик ифодаланган:

Олатовдан от келади, от келади,  
Деманг, энди ёт келади, ёт келади.  
Қизил байроқ бошларида қуёш бўлиб,  
Қатор-қатор қизил аскар шод келади,  
Шод келади!

Ички ритм, мусиқийлик кучлилигидан буларни фольклор дostonларидаги парчалардек ашула қилиб айтиш ҳам мумкин. Асар композициясидаги аввал кетма-кет кириш қилиш (ёзишдан мақсадни англатиш, сна-Ер ва дўмбирага, бахшиларга бағишловлар), сўнг воқеаларга ўтиш кабилар классик адабиёт ва фольклор асарларидаги ижобий аънанани, лирик ва реалистик кўламини янгича давом эттириш, ривожлантиришдир. Бу ва шу каби мисоллар асарга ҳусн бўлиб, унинг ғоявий-бадий қимматидан далолат бериб турибди.

Бу муваффақият осонликча қўлга киритилгани йўқ. Шоир мазкур улкан асарнинг ҳар бир боби, ҳар бир образи устида ойлаб, йиллаб ишлади (ҳаммаси бўлиб 6 йил!), унинг вазни, ҳатто номига ҳам қайта-қайта

тузатишлар киритгани бизга маълум. Асарнинг аввалги вариантыда ҳар қайси боб кичикроқ бирон ғазал билан тугарди; китоб вариантыда бу Навоий, Горький, Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон каби улуғ зотлардан Онани шарафлайдиган фикрлар билан алмаштирилди. Шеърӣй киришлардан олдинги прозаик эпиграф ҳам бирмунча тузатилган, ортиқча жойлари олиб ташланиб, тобига келтирилган. Асар мусиқий ритмларга бой ва ўқимишли — оғзаки халқ ижодидаги энг яхши вазн танланиб, ўрни келганда 7 дан 16 ҳижогача қўлланилган; булар ҳикоя қилинаётган воқеа руҳига мос тушиб, поэзиямизнинг деярли барча ритмик ранг-баранглигини ўзида мужассамлаштирган. Шонр асарни дастлаб «Суюк момо — буюк момо» деб атади. Кейинчалик бу ўзига ёқмади, «Суюк момо — буюк момо ёки Новдабулоқ ҳикояси» деб ўзгартирди.

Бора-бора шонр сарлавҳада умумийроқ ном қолдириб, момонинг буюклиги, бир оддий аёл бўлса-да мардликларга тўла ишлар қилганлигини асар ичида айтиш кераклигини тушунди ва матбуотга бериш олдидан қисқа ва лўндагина қилиб «Суюк момо» деб номлади. Кейинги китоб вариантыда танқидчилик ҳамда ўқувчиларнинг мулоҳаза ва таклифларини эътиборга олиб, у журнал вариантыга ҳам жуда кўп ўзгартиришлар, тузатишлар киритди.

«Суюк момо»ни поэзия мухлислари ва танқидчилик илиқ қарши олди, поэзиямизда лирик тасвир билан эпик кўлам омухталиги ва айниқса эпиклик кучайганлигига намуна сифатида мисол қилиб келтирилиб, юқори баҳоланди.

«Ўтган йилларда поэзиямизнинг тематик доираси, интеллектуал уфқи кенгайди,— дейди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик К. Яшин республика Ёзувчилар союзининг VII съездида қилган докладыда.— Интернационализм, халқлар дўстлиги, тинчлик учун кураш, гигант қурилишлар, ишчи инсон, зиёлиларнинг шаклланиши, ҳаёт, олам, келажакни меҳнат, турмуш, инсоний муносабатлар орқали ҳис этиш сўнгги йиллардаги лирикамизда ўз ифодасини топди, поэтик эпосларга мавзу бўлди... Туроб Тўла жарангдор ва жўшқин лирикаси, «Суюк момо» деб номланган ажойиб поэма-си... ҳозирги поэзиямизнинг олдинги марраларида вужудга келган асарлардир».

Шеърятга бағишланган 1977 йил Донра столи атрофидаги расмий мунозаралар ҳам шуни тасдиқлайди.

«...Мен,— дейди машҳур танқидчи, Беруний мукофоти лауреати, профессор Озод Шарафиддинов,— шеъримиз комил ишонч билан юксалиб бораётганлигига, янги-янги поэтик кашфиётлар содир бўлаётганлигига, адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олгудек асарлар яратилаётганлигига аминман... Булар қаторига... Туроб Тўланинг ўзига хос шаклда ёзилган «Суюк момо» достонини... киритиш керак».

Филология фанлари доктори Салоҳиддин Мамажонов ва бошқалар ҳам «Суюк момо»ни юксак баҳолаган.

20-йилларнинг қаҳрамонона воқеаларини фольклор услубида афсонамо қилиб тасвирлаш эса эпос ҳуснига ҳусн бўлиб турибди. Хуллас, Туроб Тўланинг бу йирик поэтик асари унинг «Замон ҳукми» поэмасидан кейин биргина муаллиф ижодида эмас, бутун ўзбек совет адабиётида ўзига хос салмоқли, умри боқий бадний полотно бўлиб қолди.

## ЯРҚИРОҚ ЖИЛО

Бадний асар ўқишли бўлиши керак. Бошидан ўзига тортиши, дарров воқеалар гирдобига олиб кириши, ҳамма нарсани унуттириб ўқишга мажбур қилиши лозим. Бўлмаса мавзунинг ўткирлиги, авторининг машҳурлиги ҳам иш бермай қолади. Ҳатто баъзи бир номи оғизга тушган ёзувчилардан китобхон кўнглининг қолиш сабаблари ҳам ана шунда бўлса керак.

Адабиётимизда турли жанрлар қатори. қиссанинг яхши ривожланаётгани, шу жанрдаги энг яхши асарлар чиндан ҳам ўқишли, юксак савияда ёзилаётганини биламиз. Жанр замонанинг долзарб масалаларини кўтариб чиқиши билан бирга, ёзувчилар учун каттароқ ўлчовда маҳоратларини синаб кўриш майдонига айланмоқда.

Кунинча яна бир антиқа асарни ўқишга муяссар бўлдик. Бу — «Шарқ юлдузи»да ва китоб ҳолида босилган Туроб Тўланинг «Етти зоғора қиссаси». Асар шоирнинг катта прозадаги илк машқи. Бунгача ёзувчи очерк, лавҳа, эссе сингариларда иш кўрган, тажриба орттирган, аммо қисса жанрида бунақанги улкан, бунақанги ўқишли ва ўзига хос асар ёзмаган эди. Демак, тайёргарлиги, материал ва истеъдоди етарли, ичидан пишиб юраб экан.

Асар Октябрдан олдин ва кейин кечган яқин ўтмишимиз ҳақида. Бахшилла бува болалигидан билган, эшитган, бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар асосий мазмунни ташкил қилиб, чол ва набира Турбатга саёҳати процессида гоҳ ривоят, эртақ, гоҳ ҳикоя тарзида жонланаверади.

Қисса йиғирма икки бобчадан иборат. Ҳар бир боб воқеаси сўнгида нимаси биландир кейинги бобга уланиди ва кейингиси яна бир янги воқеа билан ўқувчи тасаввурини кенгайтириб, ҳаяжонга солиб боради. Асар давомида Турбат қишлоғига оид ўнлаб одамлар тақдирини, хилма-хил урф-одати, ҳаёти реалистик ифодаланади. Булар фониди севги, вафо, ҳалоллик, меҳнат, одамийлик, бахт ва бахтсизлик, ҳижрон ва изтироб каби умумбашарий масалалар ёритилади.

Қиссадаги ҳамма воқеа-ҳодисалар негизда ҳаётдаги зиддиятларни рўй-рост кўрсатиш ётади. Ёш Бахшилланинг севгилиси гўзал Ҳадияхон хониларча олиб қочилса, Тешиктош сайилида келин-куёвлардан йигит фотиҳага келмай, асрий одатдан чекинади; дунё кўраман деб уйдан чиққан шўрлик Шоди бақироқ соддалигидан уйига қайтиб келиб қолганини билмай қолади; отбоқарни ўлимга юборган подшонинг ўғли унинг чоҳига йиқилиб қатл этилади; Санобарлар бахти яшнаб, энди оғзи ошга етганда уруш Дмитрийни юлқиб кетади ва ҳоказо. Ёзувчи бундай ҳаётнинг контрастлар орқали ўз қаҳрамонларидаги характер товланиши ва замон муносабатларини ҳаққоний чизади.

«Етти зоғора қиссаси»нинг асосий ғояларидан бири — ёш авлодни ҳалолликка, покликка чақириш, нопоклик, ҳар хил ҳаром-ҳаришлардан эҳтиёт қилишдир. Бу ғоя ҳар бир боб мағзига сингган бўлиб, бутун асар мазмунининг лейтмотивидай жаранглайди.

«Ҳамма ерда имон поклиги керак. Имон поклиги бу эътиқоддан иборат. Эътиқод эса ишонч. Иқрор бу — тавба, амал дейишади, бу ҳам хайрли иш. Юрт хизматига камарбаста бўлмоқ. Шуларни ёдингда тутсанг, болам, ҳаминша ҳалол бўласан. Дунёга келишдек бахт сенга муяссар бўлган экан, шундай яшагинки, сендан кейин дўстларинг зеркиб қолишсин».

Повестнинг кўпчилик боблари ҳақиқий новелла даражасига кўтарилган. Уларни ҳузур қилиб ўқийсан, киши. Айниқса «Шоди бақироқ», «Ҳадия», «Отбоқар ва Шаҳзода», «Шайтон кўприк», «Бузоқ қувлаган бола», «Тешиктош сайли», «Бодомбека» саҳифалари ғоят таъ-



сирчан ёзилган. Буларнинг баъзиларини, чунончи, Бодомбека билан Мулла Тилак ораларидаги муҳаббат саргузаштлари тасвирланган боб шу қадар мукамал ва улканки, муаллифнинг ўзи уни беихтиёр қисса деб атаган. Қаранг, қисса ичида қисса.

Туроб Тўла қиссасидаги юқоридаги аламли саргузаштнинг ўзи бир мустақил асар, новеллалар новелласи. Унда қиз суйганига етишолмай, баджаҳл ота амри билан бой ўғлига эрга берилади. Зерикарли ҳаёт манзаралари. Мулла Тилак мардикор ниқобида Бодомбека билан сўзлашиш ва учрашиш бахтига эришади. Эр ойлаб бошқа шаҳарларга савдогарлик ишлари билан кетганда булар қисқа муҳаббат сурурини тортишади. Ва лекин, ўз ҳолатларидан виждонан қийналишади. Мулла Тилак бошқа юртларга қочиб кетишни таклиф ҳам қилади: «Ибн Сино домлам бўлади, сиз эса шогирдим. Мен табобат билан шуғулланаман. Сиз менинг ёрдамчим бўласиз. Икковлашиб одамларга хизмат қиламиз, Бодомхон», дейди.

Аmmo иккиси ҳам эл-юрт ичида сазойи бўлишдан қўрқади. Ноилож қолган ошиқлар охири заҳар ичиб ҳамма дарду аламлардан қутулмоқчи бўлишади. Йигит олдин ичиб қийналганда, қиз қўрқиб кетиб ичолмайди ва ўлмай қолади. Қозихонадаги терговда Тилакнинг жасади боғдаги ёнғоқ тагига кўмилгани очилиб, аёл ҳомиладорлиги туфайлигина қишлоқдан бадарга этилади.

Бу икки ёш тақдирида Гофур ва Жамилалар, Йўлчи ва Гулнорлар армони бордай, бу асрий армонни Туроб Тўла ҳам ўзича куюниб, гўзал қилиб куйлаётгандай туюлади. Ўтмишдаги муҳаббат фожиаси бу бобда, кўр-япсизки, ғоят зўр чиққан. Қисса сўнггида «Муҳаббатсиз бахт йўқ, дейди эскилар. Аммо бахтсиз бўлса ҳам, муҳаббат гўзал», деган ажойиб, бақувват хулоса чиқарилади.

Характерлиси шундаки, асарда қиссадан олдин унда бўлажак воқеа-ҳодисаларга ҳамоҳанг, уларга эшдош келин-куёвнинг трагик тақдири («Тешиктош сайли» боби) кириш ролини ўйнаган. «Бодомбека»да бу ҳолат яна ҳам кенгайтирилиб, даҳшатли тусга киради. Икки бахтсиз нотавоннинг аянчли қисмати бир оний қўшилиши, муҳаббатнинг қулф уриши ва жувонмарг бўлиши кўрсатилади. Шу бобдаям қаҳрамонлар ҳалоллик ва покликка, бундоқ одамдай яшашга интилишади, орзу қилишади, бироқ ўша бўғиқ замон ва унинг ярамас урф-одатлари уларни аёвсиз топтайди.

Ўмуман, ёзувчи ҳаммавақт асар мазмунига катта эътибор беради. Асарнинг бошида Бахшилла бува кўҳна Турбатга отланишини сир тутади ва шундай бир оврагарчиликдан мақсад нималиги китобхонни шубҳасиз ўзига тортади. Муаллиф бирор воқеани сўзлаб туриб, шунинг орасида уни тўлдирадиган, унда олға суриляётган ғояни янада ойдинлаштирадиган лавҳа ёхуд латифанамо парчага ўхшаганларни қистириб ўтади. Бундай ҳолни биз «Шоди бақироқ» новелласидаги Чорпўлатлик билан қизиқчи мулоқати, темирчи ва Хизр учрашуви, қарға латифаларида, «Тешиктош сайли» ривоятидаги қози ва ака-ука Шоди бақироқлар савол-жавоби, «Етти зоғора»да эса Отойи билан айғоқчи афсонаси сингариларда кўрамиз.

Санобарнинг ёри доғида ниҳоят қора кийиб, Любарникига кириб келиш асноси, отбоқарни ўлимга юборган подшонинг ўз ўғли ўлдирилиши картинаси, Бахшиллабекнинг отаси кечаси Шайтон кўприкда сеҳрли йўловчини отига мингизиб олиш эпизоди кабиларни ўқиганингизда этлар жимирлаб, даҳшатга тушасан киши. Бадиий прозанинг сеҳргарлик кучи ҳам ана шунда бўлиб, бу, албатта, адибнинг насрдаги тасвирлаш маҳоратидан далолатдир.

Туроб Тўла шу дастлабки йирик прозасидаёқ ҳозирги қисса жанримиз эришган ютуқлар даражасида туриб қалам тебратади. Асарни бошидан-охиригача завқу-шавқ билан ўқийсан. Тўғри, ҳамма боблар ҳам бир хилда таъсир ва жозиба кучига эга бўлмаслиги мумкин. Аммо биз кўриб ўтганимиздек, талай-талай салмоқдор новеллалар ва булар туфайли бутун асардан қоладиган таассурот яхши. Қиссанинг ўзига хослик фазилатларидан бири ҳам ана шу билан белгиланади.

Ёзувчининг маҳорати, ҳар қайси персонажи учун керакли хислат, такрорланмас белги топа олиши ва шуни ўринлатиб тасвирлай билишида. Бахшилла бува образини олинг, у халқ ривоятлари, афсона ва эртаклари хазинаси. Бутун бошли қисса унинг ижоди. У ёшлигида ошиқ қалб эгаси бўлган. Ҳадияхон олиб қочилмаганда, эҳтимол, унга уйланарди. У — ўқимишли, ҳатто ўзига яраша атенст. Набираси Хизр қанақа одам бўлган, деб сўраса, «Э, у ҳеч қанақа одам эмас. Уни ҳалиги Шоди бақироқлар ўйлаб чиқаришган», дейди.

Муаллиф қаҳрамонлари портретларини чизишда ҳам маҳорат кўрсатади. Масалан, Митя тўғрисида гап кетганда унинг хислатларини бир жойга бирдан уйиб

бермайди, балки воқеалар давомида ора-чора очиб бо-  
ради. Бир ерда арман боланинг кучлилиги, иккинчи жой-  
да уддабуронлиги, учинчисида одамийлиги ва ҳоказо.  
Ёхуд Мулла Тилакнинг табибчиликдаги доврўғи ҳақида  
бошқалар оғзидан: «Шундай табиб ҳам олиб қололма-  
ди,— деди кимдир бақалоқ самоварга ўт ташлаётиб,—  
бўлмаса қанақаларини олиб қолган. Тошкандай шаҳри  
азимдан ҳам уни излаб келишади. Шўрлик, тўрт кечаю  
тўрт кундуз олишди ажал билан, на у ухлади, на ажал.  
Ахийри бўлмади олиб кетди».

Бодомбеканинг юраги ачишиб кетди, табибнинг аҳ-  
волига, бироқ унинг иқтидорига, овозасига ичида ғурур-  
ланди ҳам, дейди. Муҳими — қаҳрамони характерида-  
ги яхши фазилат атроф-муҳит билан узвий алоқада  
тавсифланади.

Ёзувчи деталь топишга уста. Бир кичкинагина деталь  
билан образни характерлайди-қўяди. Арман боланинг  
тақачилик соҳасидаги тadbиркорлиги ҳақида шундай  
дейди: «Бир кун и асов бир отга тақа қоқаетганларида  
от асти оёғини беравермади. Эгаси ҳам, темирчилар ҳам  
бас келишолмади. Митя ўрнидан турди-да, босқонни Аҳ-  
мад айиққа бериб, «ушлаб туринглар», деди; аста орқа  
оёғидан бир силтаган эди, от оёғини қайириб берди-  
қўйди. От эгаси ҳам, темирчилар ҳам «баракалла» де-  
йишди бараварига».

Туроб Тўла қаҳрамонлари психологиясини нозик ку-  
затади ва нафис тасвирлайди. Улардаги кўз илгамас  
қалб тебранишлари, шубҳа ва самимият ишонарли ифо-  
даланади. Санобардаги ички ёниш, Бодомбеканинг из-  
тироблари, Бахшилла буванинг ўйлари, Бойбуванинг  
йўлда кечаси отда келаётгандаги ҳолати сингарилар бу-  
нинг яхши мисоли.

Қисса бошдан-оёқ қувноқ юмор билан суғорилган.  
Енгил ва хушчақчақ кулги воқеа-ҳодисаларни тўғри ид-  
рок қилишимизга, қаҳрамонларни қай тарзда тушуни-  
шимизга ёрдам беради. Муса бува хотинига ҳаётда од-  
дий миҳ деган нарсанинг ўрни катталиги ҳақида айтса,  
содда ўғли Кенжа «демак, ярамас бойўғли ақли етиб,  
михларни суғуриб ташласа, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб  
кетар экан-да» дейиши, Шоди бақироқнинг қишлоғига  
қайтиб келиши, ёш Бахшилланинг эски мактабга бор-  
маслик дардида оғилхонада жилдни алмаштириб юри-  
ши кабилар ўқувчида бенхтиёр кулгу уйғотади. Қисқа-  
си, ёзувчи керагида кулги, керагида даҳшатли воқеалар-  
дан сизни ҳаяжонга сола билади ҳам. У қушлар, ҳай-

вонлар табиатини чуқур билади. Отнинг вафодорлиги тасвирланган, бургутни овга қандай ўргатиш борасидаги саҳифалар ғоят таъсирли чиққан.

Қиссада гўзал Турбат ва Тешиктош манзаралари қаҳрамонлар руҳияти ёрқинроқ очилишига тўла бўйсундирилган. Тўйлар, маросимлар тасвири шеърдай ёқимли. Асарнинг тили ширали ва образли. Бу ўринда муаллифга етук шоирлиги қўл келган, албатта. Ҳожатсиз тузилган айрим кесими олдинда жумлаларни ҳисобга олмаганда, ёзувчи нутқи шоирона жозибали, сингишли; халқчил ибора мақол ва маталларга бой. Персонажлар нутқи эса қарийб ҳар қайсиси ўз индивидуаллигига эга. Уларнинг нутқларида характер ва кайфиятлари яққол сезилиб туради.

«Етти зоғора қиссаси» ҳақида кўпгина кўзга кўринган олим ва танқидчиларимиз яхши гаплар айтишди, уни ўзбек адабиёти сўнгги йилларда қўлга киритган муваффақиятлардан бири сифатида баҳолашди.

Хуллас, «Етти зоғора қиссаси» серқирра ижодкор Туроб Тўла талантининг яна бир ярқироқ жилоси бўлиб майдонга келди ва энг яхши прозаик асарларимиз қаторидан жой олди.

## ХОТИМА УРНИДА

Туроб Тўла ўзи севган шоири Усмон Носирнинг бир вақтлари «Ёш ленинчи» газетаси қошида ишлаган адабиёт тўғараги ва унинг иштирокчиларини эслаб: «Ўзбек совет адабиётининг келажаклари шу машғулотларда басталанаркан, энди билсам»,— дейди.

Ҳақ гап. Ҳозирги адабиётимизнинг байроқдорлари, ўз катта-кичик асарлари билан унинг обрўсига обрў қўшиб, маданий хазинамизни бойитаётган Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Шукрулло ва Шухрат кабилар ўшанда ҳали ёш бўлишларига қарамай, ўзларини ижоддай масъулиятли ва инжиқ, ижоддай буюк ишга бағишлаган эдилар. Мана, йиллар, ўн йиллар ўтиб, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжонлар ортидан борган бу авлод адабиётимиз билан бирга юксалди ва дадил парвозда. Халққа меҳр, юртга садоқатини бадий асарлари, илмий чиқишлари ва ижтимоий фаолиятида самимий изҳор қилиб келаётган Туроб Тўла ҳам шу сафда. У ўзининг ранг-баранг, сермахсул ижоди билан социалистик адабиётимиз тир-

гакларидан бирига айланган. Энди унинг ўзи ёшларга устоз, мухлислари ҳам беҳисоб.

Ўз вақтида республика театрларида қўйилган «Қари қиз», «Қизбулоқ» пьесалари адибимизнинг драматург сифатидаги изланишларидан дарак беради. Унинг «Фурқат» бадий, «Шашмақом» телефильмларига ёзган сценарийлари-ку муаллифини ўзига хос тажрибали кинодраматург тарзида эл орасига танитди.

Туроб Тўла сўзсиз ўз овози, ўз ижодий манераси, ўз мавзу ва дунёқараши бор, талантини устоз ва шоғирдлар олдида, халқ, партия ва Ватан олдида намойиш қила олган, ўзбек совет адабиёти ва маданияти тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатаётган ижодкор, ҳақиқий халқ ёзувчисига айланган қалам соҳиби. Уни халқ севади, китобларини орзиқиб кутади, шеърларини ўқишни, қўшиқларини тинглашни, фильмларини кўришни истайди. Санъаткор учун эса бундан кўра юксак, бундан кўра муқаддас бахт бўлмайди.

Шоиримиз ҳозир айни қизгин ижод палласида. У шеър кетидан шеър, қўшиқ кетидан қўшиқ, дoston кетидан дoston битяпти. Қўлини нимага урса етадиган, ақли тўлишиб, маҳорати ортиб бораётган пайт. Биз ундан кўп сонли мухлисларини ҳали кўз кўриб, қулоқ эшитмаган фавқулодда ажойиб асарлари билан хушнуд қилди, деган умиддамиз.



Лазиз Қаюмов,  
Талъат Солиҳов

---

*МЕҲРИ ДАРЁ АДИБ*



ҲАЁТ САБОҚЛАРИ  
ЗАМОН ҚАҲРАМОНЛАРИ ИЗИДАН  
ЧУЛГА БАҲОР ОЛИБ КЕЛГАНЛАР ҚИССАСИ  
ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ — ҲАЁТ ТАРЗИ  
ЭКРАН САНЪАТИНИ ЭҒАЛЛАШ ФИЎЛИДА



## ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Ўзбек совет адабиётини Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг маҳсули деймиз. Инқилоб ўзбек халқининг маданияти ва адабиёти тараққиёти учун тарихда кўрилмаган имкониятлар яратиб берди. Инқилоб ёғдуси туфайли адабиётимиз тараққиётнинг олий чўққиларига кўтарилди, унинг шуҳрати бутун жаҳонга танилди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Абдулла Қодирий, Ойбек ва Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Ҳамид Олимжон, Шайхзода ва Уйғун, Миртемир, Назир Сафаров, Зулфия, Яшин яратган шоҳ асарлар кўп миллатли совет адабиётининг олтин фондини ташкил этган дурдоналар қаторидан ўрин олганлиги Октябрь ғояларининг, Ленинча миллий сиёсат ғояларининг буюк қудратидан далолат беради.

Ўзбек совет адабиёти Октябрь инқилобидан кейинги бир неча авлод ижодкорларининг меҳнати ва таланти маҳсулидир.

Раҳмат Файзий 1940 йилларнинг бошларида адабиётимизга кириб келган ва ҳозирги кунда маданиятимиз тараққиёти йўлида асосий масъулиятни елкасида кўтариб турган авлодга мансуб ёзувчидир. Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Шуҳрат ва Рамз Бобожон, Мирмуҳсин ва Мамарасул Бобоев, Туроб Тўла ва Шукрулло — буларнинг ҳаммаси ўзининг бетакрор овозига, ўзига хос дунёқараш ва ёзиш манерасига эга ижодкорлар. Шулар қатори Раҳмат Файзий ҳам ҳозирги адабиётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган, устозларнинг традицияларини давом эттириб ва янада бойитиб, маълум даражада ўз мактабини яратган адибдир. Унинг кўп қиррали, бой ижоди ҳавас қилса, ўрганса арзигулик ижод.

Раҳмат Файзий 1918 йили Тошкентнинг Бешёғоч мавзуидаги ҳозирги Қоратош маҳалласида ишчи оила-сида дунёга келди.

Унинг онаси — Саломат опа тикувчилик фабрикаси-да ишлар, оқу қорани таниган, Октябрь инқилобининг ўзбек хотин-қизларига келтирган озодлигидан баҳра-манд бўлган оқила аёллардан эди.

Бўлажак ёзувчининг отаси — Файзулла ака эса Тошкент трамвайида ишлар ва ҳамма ишчилар каби газета-журналларга қизиқар, сиёсий воқеалардан яхши хабардор, санъат ва адабиётга ихлосманд зот эди. Раҳ-мат Файзийнинг адиб бўлиб етишишида, кейинчалик эса унинг ижодига хос асосий йўналишининг шаклланишида отасининг, отани ўраган ишчилар муҳитининг таъсири катта бўлди. Раҳмат Файзийнинг ўзи ҳам мактабни би-тирганидан сўнг ишчи бўлишни орзу қилар эди. Шу ор-зу уни дастлаб фабрика-завод ҳунар билим юртига (ФЗО мактаби) олиб келди. Сўнгра у Тошкент электр-механика техникумида ўқишни давом эттирди.

Лекин худди мана шу йиллари Раҳмат Файзийда матбуотга, журналистикага қизиқиш пайдо бўлди; бу қизиқиш тобора чуқурлашиб борди ва ниҳоят 1937 йили уни газета редакциясига етаклаб келди. Шу йили у «Ленин учқуни» газетасига ишга кирди.

Раҳмат Файзий болалигиданоқ адабиётга ихлос қўй-ган, мактабдаёқ у шеърлар ёзиб юрарди.

Шундай қилиб, Раҳмат Файзий дастлабки ижод мактабини республика пионерларининг севимли газета-си — «Ленин учқуни» газетаси редакциясида ўтди. Бу мактаб сабоқлари бир умрга унинг эсида қолди. Раҳмат Файзий газетанинг қирқ йиллик юбилеи муносабати билан ёзган мақоласида шуларни эслайди:

«Болаларимиз, эркатойларимизнинг устози, масла-ҳатчиси, дўсти — «Ленин учқуни»нинг қирчиллама ёши-га тўлган кунда, шу редакциянинг тупроғини ялаб, тузини тотганлардан бири сифатида унинг дорилфуну-нидан бир умр миннатдорлигимни изҳор қилмоқчиман, ҳозирги қирчиллама ёшидаги йигит-жувонлар биринчи синфга қадам қўйганда, «Ленин учқуни» ҳам етти ёшга тўлиб, уларга ҳамроҳ бўлиб синфга кириб келган кез-ларда, мен мана шу севимли газета редакциясида жур-налистикани бошлаган эдим. Ҳамон уни севаман, бирон сонини канда қилганимни эслолмайман. Газетанинг ҳар сонини қўлга олганимда ижодий фаолиятимнинг бешиги бўлганлиги учун ҳам ундан миннатдор бўламан. Қўлим-

га қалам тутқазган бу газетага икки қўлимни кўксимга қўйиб миннатдорона таъзим қиламан».

1938 йили Раҳмат Файзий «Ёш ленинчи» газетасига бўлим бошлиғи бўлиб ишга ўтди. Ёш адибнинг дастлабки лавҳа ва очерклари, шеърӣ машқлари ана шу газеталар саҳифаларида босила бошлади.

Шундай қилиб, Улуғ Ватан уруши арафаларида Раҳмат Файзий журналист ва умидли ёш ижодкорлардан бири сифатида жамоатчиликнинг назарига тушиб қолган эди.

1939 йили Ватан олдидаги муқаддас бурчини адо этиш учун Раҳмат Файзий Қизил Армия сафига чақирилди. Армиядаги хизмат ҳар бир йигит учун катта ҳаёт мактаби эканлиги, унинг шахс тарбиясидаги роли ҳаммага маълум. Раҳмат Файзий армия сафидаги хизмат йиллари ҳам ҳикоя ва шеърлар машқини давом эттирди. Армиядан демобилизация қилингандан сўнг Ўрта Осиё ҳарбий округининг газетаси — «Фрунзевец» газетаси редакциясига ишга келган Раҳмат Файзий энди анча қалами пишиб қолган ижодкор эди. У урушнинг охирларигача шу редакция даргоҳида газетачиликнинг, суронли йилларнинг барча машаққатини ўз касбдошлари билан бирга тортди.

1944 йили журналистикага бўлган муҳаббат уни республикамизнинг отахон газетаси — «Қизил Ўзбекистон» редакциясига олиб келди. Ёзувчи ижодининг шаклланиши ва ривожиди, бадиий маҳорат сирларини ўрганишда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг роли катта бўлди. Редакцияда талантли ижодкорлар: Асқад Мухтор, Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳимлар ишлашарди. Раҳмат Файзийнинг ёзувчилик шахсига хос муҳим хусусиятлар: синчковлик, замонавий темага ихлос, актуаллик, ёзилган нарсани эълон қилишга ошиқмаслик ўша йиллари шаклланди. Газетанинг собиқ бош муҳаррири Мақсуд Қорнев адибимизнинг редакциядаги иш фаолиятини эслаб, қуйидагиларни ёзади: «У ўз ижодига жуда синчковлик билан қарарди. Газета учун бирорта очерк ёки ҳикоя ёзмоқчи бўлса, олдиндан кўп ўйлаб-пишитиб юрар, кейингина ижод қилишга ўтирарди. У бирорта очерк ёзса ҳам баъзиларга ўхшаб дарров теришга тушириб юбора қолмас, қўлёзмасини бир неча кун кўтариб юрар, иложи борича қайта-қайта кўрар, бўяр, пишитар, сайқал берарди. Шундан кейин ҳам тайёр бўлган очерк ёки ҳикояни секретариатга топширмас, балки қаламкаш дўстларига бериб ўқитар, ҳеч зе-

рикмай уларнинг фикр ва мулоҳазаларини эшитарди. Ижодкор дўстларига ёққан нарсанигина теришга топширар эди». («Ўзбекистон маданияти» газетаси, 15. 9. 1978.)

Ёзувчининг ўзи ҳам кўплаб ҳикоя ва очерклари, қиссалари «ана шу даргоҳда узоқ йиллар давомида қилган хизмати» туфайли вужудга келгани ҳақида гапирди.

Шу йиллари ёзувчининг дастлабки китоблари: «Тўёна» (1950), «Улғайиш» (1950), «Биринчи баҳор» (1951) номли ҳикоя ва очерклар тўпламлари, «Чўлга баҳор келди» (1951) повестининг биринчи варианты матбуотда эълон қилинди ва китобхонлар меҳрини қозонди.

Раҳмат Файзий машҳур адиб бўлиб кенг китобхонлар оммасига танилгандан сўнг ҳам журналистик фаолиятини давом эттирди, 1951—1954 йиллари республика Ёзувчилар союзининг органи «Шарқ юлдузи» журналида проза бўлими бошлиғи сифатида, 1959 йилгача «Ўзбекистон маданияти» газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлади. У ҳозирги кунгача газета ва журналлар билан алоқасини узмайди, ўзининг очерк ва публицистик мақолалари билан матбуот саҳифаларида тез-тез кўриниб туради.

Раҳмат Файзий деярли қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида элликка яқин очерк, олтмишдан ортиқ ҳикоя, ўнлаб публицистик мақолалар, «Чўлга баҳор келди» повести, икки роман, иккита киноповесть яратди. Катта ижодий меҳнат маҳсулоти бўлган бу асарлар ёзувчига республикамиз, Иттифоқимиздагина эмас, чет элларда ҳам шуҳрат келтирди, минглаб китобхонларнинг ҳурмат, эътиборини қозонди.

## ЗАМОН ҚАҲРАМОНЛАРИ ИЗИДАН

Лотин Америкасининг машҳур ёзувчиси Габриэль Гарсиа Маркес журналистлар билан суҳбатда: «Мен «фантазия» сўзини ёқтирмайман. Бу сўз ёлғонни билдиради. Мен реалликка асосланган ва у билан боғланган тасаввурни қадрлайман»,— деган экан. Раҳмат Файзий яратган бадий образлар асосида реал характерлар, конкрет шахслар фаолияти ва тақдири ётади.

Раҳмат Файзий республика матбуотининг фаол ходими сифатида ном қозонган давр — Улуғ Ватан урушидан кейинги дастлабки йиллар халқимизнинг мардондор меҳнати жараёнига тўғри келди. Бу пайтдаги бош вазифа урушдан чиққан мамлакатимизнинг хўжалигини

тиклаш ва мустаҳкамлаш учун курашдан иборат эди. Шунинг учун ҳам ёш адибнинг очерклари ва ҳикоялари Фарҳод ГЭС қурувчилари, пахтакорлар, завод-фабрикаларимизнинг илғор ишчилари, Мирзачўлни ўзлаштираётган комсомол-ёшлар, маданият соҳасининг илғорлари ҳаётидан олиб ёзилган эди.

Раҳмат Файзий бу даврда яратган очерк ва ҳикояларнинг тематик доираси анча кенг, уларнинг қаҳрамонлари ҳаётнинг турли соҳаларидан танлаб олингандир. Лекин шундай бўлса ҳам ёзувчининг ўша давр ижоди йўналиши учун икки теманинг муҳимлигини кўрсатиш тўғри бўлади. Буларнинг бири ишчи синфининг ҳаёти билан боғлиқ бўлса, иккинчиси миллион тонналик Ўзбекистон пахтаси учун кураш олиб бораётган қишлоқ одамларининг, айниқса, Мирзачўлни боғу бўстонга айлантириш учун отланган ёшларнинг жасоратини тасвирлашдан иборат эди.

Ўзбек адабиёти учун бу даврда ишчи темасини акс эттириш, айниқса муҳим эди. Танқидчилик бу даврда адабиётимизда ишчилар ҳаётини тасвирловчи асарлар кам, борлари ҳам бадиий жиҳатдан заиф эканлигини таъкидлаганда жуда ҳақли эди.

Маълумки, ёзувчи ўзи яхши билмаган нарса ҳақида бадиий пишиқ асар ёза олмайди. Шунинг учун, ишчи темасини акс эттириш учун бу соҳада шахсий тажрибага эга бўлган ёзувчилар лозим эди. Раҳмат Файзийнинг ишчилар ҳаётидан олиб ёзган очерк ва ҳикоялари анча муваффақиятли чиққанлигининг сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Қирқинчи йилларнинг иккинчи ярмида Раҳмат Файзий моҳир очеркчи сифатида шухрат қозонди.

Бадиий очеркни адабиётнинг разведкачи жанри дейишади. Маълумки, уруш даврида ҳужумнинг ёки мудофаанинг аҳамияти қанча бўлса, разведканинг аҳамияти ҳам улардан қолишмайди.

Баъзи ёзувчилар очеркни воқеликни бадиий идрок этишдаги ёрдамчи восита деб камситишади. Бундай камситишни қоралаб, марҳум Абдулла Қаҳҳор мақолаларидан бирида: «...очерк ҳам адабиётда тўла ҳуқуқли жанр. Очеркист—ёзувчидир»,— деган эди.

Раҳмат Файзийнинг очерк жанри ҳақидаги фикрлари бу тўғридаги Абдулла Қаҳҳор фикрларига жуда ҳам ҳамоҳанг. Урушдан кейинги дастлабки йиллар каби долзарб, драматик давр «воқеаларнинг нафасини», кун сайин, соат сайин рўй бераётган қаҳрамонликнинг мо-

ҳиятини, янгиликларни китобхонга имкони борича тезроқ етказишни талаб қилар эди. Ҳикоя, қисса ёки роман жанрлари воқеликни бадий идрок этишига, ҳодисалар ва қаҳрамонлар характерини типиклаштиришга асосланган. Бу эса маълум муддатни талаб этади. «Шундай пайтда очерк жанри қўл келади»,— дейди Раҳмат Файзий.

Раҳмат Файзий очерк жанрининг бадий «сирларини», унинг хусусиятларини чуқур эгаллаб олган ёзувчи. Бу соҳада унга газетачилик фаолияти катта ёрдам берди. Газетада ишлар экан, у очеркка хос муҳим талабларни: ҳозиржавобликни, кузатувчанликни, оперативликни, воқеа-ҳодисалар оқими ичидан муҳим нарсани ажрата олишни ўрганди.

Адибнинг дастлабки очерклари: «Минг процентчи», «Биринчи бўлиб кетмон урган азамат», «Шукурахоннинг ҳиссаси», «Фарҳод ГЭС ёшлари» 1945—1947 йиллари «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилиб чиқди. Бу очерklar ўша пайтларда рўй бераётган долзарб воқеаларга, ҳаётдаги янгиликларга бағишланган. Лекин уларда ёзувчининг тажрибасизлиги сезилиб туради. У кўпинча воқеаларни санаш билан чекланади, узундан-узоқ рақамлар келтиради, ишлаб чиқариш жараёни қаҳрамонлар қиёфасини тўсиб қўяди.

Мана, «Ота муҳаббати» очеркидан бир мисол: «Соат 10 гача Мавлон ота бошлиқ звено аъзолари 360 кубометр ер қазиб, 145 машинага тупроқ тўкиб бердилар. Бу — айтишгагина осон, холос. Аммо тонг ёришмасдан то эрта соат 10 гача ҳар бир кишининг 36 кубометрдан тупроқ қазиб, 15 машинага тупроқ ортиб бериши жуда кўп куч-қувват, ғайрат, шижоат, талаб этади». Бу — ҳақиқатан қаҳрамонлик. Лекин ёзувчи воқеаларни фақат баён қилади, процентларни келтиради. Очеркда қаҳрамонликнинг моҳияти очиб берилмаган, ҳодисалардан бадий умумлашмалар чиқарилмаган, фактларни регистрация қилган, холос. Очерк эса ёзувчидан мушоҳада ва муҳокама қилишни, хулоса чиқаришни, ўз фикрини баён қилишни талаб этади.

Ёзувчининг Фарҳод гидроншооти қурилишига бағишланган «Минг процентчи», «Фарҳод ГЭС ёшлари», «Тўёна» очеркларида ҳам шундай камчиликлар мавжуд.

Синчковлик, замона қаҳрамонларига бўлган меҳр, ўз устида ишлаш, тинмай ўқиш-ўрганиш Раҳмат Файзий қаламини қайраб борди ва у 40-йилларнинг охири, 50-

йилларнинг бошларига келиб моҳир очеркистга айланди.

Ёзувчининг эллигинчи йилларда яратган очеркларида тематик диапазон кенгайганлигини кўрамиз; очеркист қаҳрамонларининг ички дунёсига кира олади, хусусий ҳолатлар, конкрет фактлардан чуқур хулосалар чиқаради.

Бу даврда ёзилган «Раис», «Улғайиш», «Раққоса», «Дўрмонлик йигит» очеркларида давримизнинг ажойиб қаҳрамонлари: пахтакорлар, ишчи синфининг вакиллари, санъатимиз юлдузлари образлари акс этди.

Раҳмат Файзий очерклари ичида «Улғайиш» ана шу даврда ёзувчи эришган бадий камолотнинг мисоли сифатида муҳим аҳамиятга эга. Очеркда ўттизинчи-қирқинчи йилларда бутун республикамизга шуҳрат таратган, ўзбек қизларининг нималарга қодир эканлигини дунёга намойиш қилган Башорат Мирбобоевнинг жозибали ва ибратли образи яратилган. Бу қаҳрамон қиз ҳақида жуда кўп журналист ва адиблар ёзишган. Лекин Раҳмат Файзийнинг очерки уларнинг ичида энг бақуввати ва жозибалигидир.

Башорат ўттизинчи йилларнинг ўртасида ўзбек қизларидан биринчи бўлиб парашют билан сакрайди, кейин ўнлаб дугоналарини ҳам бунга ўргатади. Кейинчалик унинг бошқа орзуси ҳам амалга ошади — Башорат биринчи бўлиб паровоз машинисти ҳунарини эгаллайди, бу билан қаноатланиб қолмасдан, аёллардан бригада тузади. Булар ҳаммаси ҳаётдан олинган факт. Лекин ёзувчини қизиқтирган нарса фактларнинг ўзи эмас, балки уларнинг социал ва маънавий моҳияти. Башоратларни келтириб чиқарган нарса нима, уларнинг жасорати сирини нимада?

Очеркда ҳам реал қаҳрамонлар характериغا мос, воқеалар мантиқига мос ҳолда ёзувчи ижодий тасаввурдан фойдаланиши мумкин. Раҳмат Файзийнинг энг яхши очерклари, шу жумладан, «Улғайиш»да шундай элемент мавжуд. Масалан, ёзувчи реал Башорат характерининг мантиқига мос ҳолда унинг хаёлларини шундай тасвирлайди: «Шундай қобилиятга эга бўлсамки, ҳамма ҳунарни билсам. Учувчи бўлсам-да, ана шу юлдузлардай баландга парвоз қилсам, машинист бўлсам-да, узоқ-узоқ шаҳарларга йўловчилар ташисам, шунақанги ойдин кечаларда локомотивнинг юриши роса завқли бўлса керак...» («Биринчи баҳор» тўплами, 153-бет).

Бундай хаёл қилиш учун ва хаёлларни амалга ошириш учун Башоратга қанот берган, ишонч ва жасорат бағишлаган нарса — совет воқелиги, социалистик тузум эканлигини ёзувчи эски замоннинг уқубатларини бошидан кечирган Абдукарим ота билан суҳбатида тасдиқлайди. Ота инқилобдан аввал паровоз ҳайдашни орзу қилганда уни бу ишга яқинлаштиришмайди. Станция бошлиғи, ўзбекнинг поездда ишлашга ақли етмайди, деб жавоб беради. «Совет ҳукумати бўлмаганда шунчалик довруқ чиқариш сенга қаёқда эди-ю, роҳатда бўлиш менга қаёқда эди»,— дейди ота Башоратга.

Башорат образининг муҳим хусусиятларидан бири— унга хос бўлган оташин ватанпарварлик ва интернационализм ҳиссидир. Уруш бошланган пайтлари у фронтга юборишларини сўраб икки марта ариза беради. У Москва сафарларидан бирида госпиталда ётган дугонаси Надяни кўргани борганида ярадорларга қараб ўйлайди: «Булардан менинг қаерим кам. Ватанимиз, халқимиз озодлиги учун майиб бўлганлар, фронтда жанг қилаётганлар, «Башорат, сен нима қилаётирсан?» деб сўрамайдиларми?» (ўша китоб, 176-бет). Энди унинг бутун мақсади, орзу-умиди фронтга ёрдам бериш билан боғлиқ. «Биз фронт орқасида шундай ишлайликки, урушдан ғалаба билан қайтиб келган баҳодирларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлсин»,— дейди у хотин-қизларнинг Бутуниттифоқ митингида сўзга чиқиб.

Очеркда совет кишиларига хос бўлган интернационал бирлик, халқлар дўстлиги ғояларини ёзувчи қалб ўти билан, юракдан тасвирлаган. Башоратнинг темир-ўлчи устозлари Иван Сергеевич Леонидов, Тимофей Максимович Решетник, телефончи қиз Надялар билан дўстлигини акс эттирувчи саҳифалар очеркнинг энг жозибали саҳифаларидандир.

60—70-йилларда яратган очерклариди адиб маҳоратининг тинмай ўсиб борганини кўрамыз. Бу йилларда очеркларнинг тематик диапазони кенгайиб, қаҳрамонларнинг жозибаси ортиб борди. Адиб ижодида очерк жанрининг янги формалари шаклланди, фалсафий мазмуни чуқурлашди, публицистик руҳ кучайди, сафар эсдаликларига асосланган янги типдаги асарлар вужудга келди (масалан, Қирғизистон сафари ҳақида — «Ён қўшни — жон қўшни», Мўғулистон тўғрисида «Ҳамон юракларда», Канададаги халқаро кўргазмага сафар ҳақида «Заранг барги» очерклари).



Бу даврда ҳам Раҳмат Файзий очеркчилик ижодига хос замонавий тема, интернационализм руҳи сақланиб қолди.

Ёзувчининг публицистик руҳда ёзилган қатор очерклариди («Таъзим», «Бирлик», «Зоти башарнинг меҳри ошар») воқелигимиздан олинган ажойиб мисоллар, конкрет фактлар, реал одамларнинг тақдирлари заминиди жамиятимизнинг етакчи ғояси — интернационализм ғояси, унинг ҳаётбахш кучи, бу ғоялар совет кишиларининг қонига, ҳаётига, қалбига сингиб кетганлиги очиб берилади.

Москвада ўқиётган ўзбек йигити, отасининг пойтахтлик дўсти ҳақида, «Бу кимингиз бўлади?»— деб сўраганда «Отам» деб жавоб беради. «Отанинг, яъни менинг дадамнинг қиёматли дўстлари бўлганларидан кейин менга ким бўладилар? Ота бўладими, ахир?» («Таъзим».)

Ўзбек йигити рус кишисини «отам» деб аташи, тошкентлик оддий темирчи ўнлаб миллатларнинг етим қолган болаларини асраб олиб тарбиялаши, бир халқнинг қувончи ёки қайғуси иккинчи халқнинг қувончию қайғусига айланиши — булар фақат коммунистик жамиятдагина бўлиши мумкин ҳодисалардир. «Дўстлик — мамлакат, давлат бойлиги, унинг куч-қудрати, дейди халқимиз. Инсон ҳаёти учун қуёш, ҳаво, сув қанчалик зарур бўлса, инсоният ҳаёти учун дўстлик шунчалик зарурдир»,— деб ёзади адиб «Таъзим» очеркида.

«Заранг барги» очерки ўзбек адабиётида халқаро темада яратилган энг яхши асарлардандир. Очерк 1967 йили Монреалда (Канада) бўлиб ўтган жаҳон виставкасига сафар таассуротлари асосида ёзилган. Каттагина бу очеркда ватанга муҳаббат туйғуси, улуғ ватанимизнинг ютуқларидан ғурурланиш ҳисси ҳукмрон. Ёзувчи Канада бўйлаб саёҳатга чиқадими, совет павильонини, унинг мазмундорлигини, ажойиб экспонатларни бошқа мамлакатлар павильонларига солиштирадими — ватани кўз олдида туради. Очерк ёзувчи ижодида интернационализм ғоялари чуқурлашганини, унинг кўлами ошганини кўрсатиб турибди. Раҳмат Файзий, масалан, Чехословакия павильонини томоша қилаётганида, қардош халқнинг ютуқларидан ўз ютуқлари каби қувонади. Бу — табиий ҳодиса. Чунки социалистик мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва интернационал дўстлиги ҳозирги ижтимоий тараққиётнинг етакчи тенденциясига айланиб бормоқда.

Очеркда ёзувчи диққатини жалб этган яна бир тема бор. Бу — бир вақтлар ватанини ташлаб кетган ўзбек муҳожирлари темаси. Ёзувчи ёрқин, эса қоладиган деталлар ёрдамида муҳожирлар орасидаги турли типларнинг қиёфасини чизиб беради. Улар турли касбдаги, ҳар хил эътиқодга эга бўлган шахслар. Баъзилари ҳали ҳам тугилган ватанига душманлик билан қарайди. Бир хиллари ватандошларини учратиб, суҳбатлашгандан ўзини бахтли сезади. Ёзувчи буларни тасвирлар экан, муҳим бир фикрни илгари суради: ватандан жудолик — инсон учун улкан фожиа. Анча ёшларга бориб қолган муҳожир делегация аъзоларига қараб: «бир парча мана шу атласдан, ё беқасамдан бўлса... тобутимга солиб беармон кетардим», — дейди.

Очерк Совет ватанига бўлган улуғ муҳаббат, совет кишисининг ғурури, туйғулари билан йўғрилган.

\* \* \*

Раҳмат Файзийнинг дастлабки ҳикоялари унинг очерклари билан бир даврда ёзилди. Шу сабабли уларнинг тематикасида, қаҳрамонларида маълум ўхшашлик бор. Лекин ёзувчининг ҳикояларида бадий умумлашмалар чуқурроқ, қаҳрамонларнинг ички дунёси, психологияси ёрқинроқ очиб берилади. Унинг ҳикояларида совет кишисининг меҳнатга коммунистик муносабати, коммунистик ахлоқ, одамларимизнинг маънавий дунёси гўзаллиги, ҳаётимизга кириб келаётган янгича нормалар ўзининг бадий аксини топди. Унинг барча ҳикоялари марказида Ҳазрати Инсон туради.

Раҳмат Файзийнинг биринчи ҳикояси «Тўй тараддуси» номи билан 1948 йили «Коммуна» газетасида босилиб чиқди. Лекин ёзувчи ижодида ҳақиқий ҳикоянависликнинг шаклланиши эллигинчи йилларга тўғри келади.

Раҳмат Файзий ижодининг эстетик принципларини тушунишда «Гўзал» ҳикоясининг аҳамияти катта. Ҳикоянинг бош қаҳрамони тўқимачилик фабрикасининг рассоми Мақсуджон. У фабрикада тўқиладиган матоларга гул чизади. Қаҳрамоннинг фикри зикри — шундай расмлар чизсаки, бу расмлар туширилган матолар хотин-қизларимизнинг ҳуснига ҳусн қўшса. Мақсуд одамларга ёқадиган гўзалликни қидиради, шу йўлда тунларни бедор ўтказади.

Рассомга пахтакор қизлардан хат келади. Улар Мақсуддан «асл гўзалликни акс эттирадиган расмлар» чишини илтимос қилишади. «Билингки, гулнинг гўзаллиги ҳам инсоннинг гўзаллиги туфайлидир»,— дейилади хатда («Қишиларимиз қиссаси», Ўзадабийнашр, 1962 й., 54-бет. Бундан кейинги парчалар шу тўпلامдан олинди). Мақсуд энди тушунадик, у ташқи гўзалликнигина тушунар, ҳақиқий гўзаллик бошқа нарсада экан. Унинг бундан кейинги мақсади ана шу гўзалликни қидириб топиш ва қоғозга тушириш.

Қанчадан-қанча тунларни бедор ўтказиб, ниҳоят у кўнглидаги нухани қоғозга туширади. Хотини бу расмни кўриб, «ижод қилмасангиз расм шунчалик гўзал бўлармиди»,— дейди. Мақсуд тушунадик, ҳақиқий гўзаллик — меҳнатда (ижодда). «Дарҳақиқат, меҳнат...» (61- бет.)

Раҳмат Файзийнинг ҳикоядаги гўзаллик ҳақидаги эстетик тушунчаси Ғафур Ғуломнинг «Гўзаллик нимада» шеърдаги фикрларга жуда ҳамоҳанг. Бу — тасодиф эмас. Унинг адиб сифатида ҳам, шахс сифатида ҳам шаклланишида Ғафур Ғуломнинг, улуғ шоир ижодининг таъсири баракали бўлди. «Ғафур Ғуломни ҳозиргача мен ўзимнинг биринчи устозим деб ҳисоблайман»,— дейди адиб мақолаларидан бирида.

1953 йили «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилиб, кейинчалик қатор тўпламларга кирган «Она» ҳикояси Раҳмат Файзий ижодида муҳим воқеадир. Бу ҳикояда кейинчалик «Сен етим эмассан», «Ҳазрати инсон» каби асарларнинг яратилишига сабаб бўлган тема — урушда ота-онасиз қолган болаларнинг тақдири темаси шаклланди.

Ҳикояда совет халқларининг улуғ дўстлиги, одамларимизнинг олижаноблиги, уруш етимларига бағрини очган ўзбек хонадонларининг дарёдай меҳри тасвирланган. Ҳикоя репреспектив планда қурилган. Меҳри опага ўғли Валидан хат келади. Вали Меҳри опанинг уруш йиллари асраб олган ўғли, кейинчалик туққан онаси топилиб, ўз юртига кетган. Лекин у ҳозиргача бу олижаноб аёлни «она» деб атайти, келиб туради, хат узилмайди.

Меҳри опа хатни ўқир экан, уруш йилларини, ҳар бир боласининг тақдирини эслаб кетади...

Меҳри опа эри билан болалар уйига келганда, касал ётган, нимжон чақалоққа кўзлари тушади ва шу гўдакни асраб олишга қарор қилишади. Лекин врачлар ундан умидини узган, тузалишига ишонишмайди. Лекин она

қатнайвериб, охирида гўдакни олиб кетади. Кейинги эпизодларда Меҳри опанинг улкан меҳри, иродаси, жасорати акс этган. Унинг «бутун вужуди, фикр-хаёли чақалоқда бўлиб қолди. Кечалари боланинг тепасида ухламай чиқар, қалбининг ҳароратини, кўзининг нурини болага ўтказмоқчи бўларди гўё. Меҳри опа, бола кўрмаган аёл, нима қилишни билмасдан, болага кўкрагини тутлади. Кутилмаган воқеа рўй бериб, онанинг кўкрагидан сут келади. «Меҳр сути бу. Шунини кутиб турганингни билардим»,— ўйлайди Маҳкам ака она меҳрининг қудратидан ҳайратга келиб (49- бет).

Шундан сўнг эр-хотин маслаҳатлашиб, етим болаларнинг яна бир нечасини олиб келишди. Бу — уларнинг фронтга берган ёрдамлари эди.

Ҳикояда Меҳри опа она меҳрининг қудрати, она қалбининг буюклиги тимсоли сифатида, дўстликни ҳаётининг қонунига айлантирган ўзбек аёли сифатида тасвирланади.

«Раянинг арчаси» ҳикоясида шу теманинг бошқа бир қирраси очилади. Бу ҳикоядаги тасвир марказида ота — Маҳкам ака образи туради. Ҳикояда эдиб қаҳрамоннинг ички дунёсини, унинг маънавий гўзаллигини, психологик ҳолатини очиб беришга диққат қилган. Маҳкам аканинг етим болаларга муносабати фақат ҳиссиётнинг оқибати эмас, унинг руҳан, маънавий жиҳатдан шундай одамлиги, улкан шахс экани тасвирланади ҳикояда.

Маҳкам акалар оиласида янги йил байрамига арча ясаш одат тусига кириб қолган. Бу уларнинг қизи Раядан бошланган. Маҳкам ака қизчанинг илтимоси билан бириччи марта арча олиб келади. Рая ва унинг акаси Алиқдан кейин яна етти ўғил-қизни тарбияга олишади. Рая энди ёши улғайиб, мактабни битириш арафасида, лекин болалар ҳали ҳам янги йил арчасини «Раянинг арчаси», дейишади.

«Ота-боболаримиз арча байрамини билармиди? Ўзимиз-чи? Мана шу болалар кирди-ю, хонадонимизга арча байрами кирди, бахт кирди» — дейди Маҳкам ака (77-бет).

Бу икки ҳикоя қаҳрамонлари учун ҳам, ёзувчининг ўзи учун ҳам инсондан улуғроқ, қимматлироқ нарса йўқ. Шунинг учун ҳикоялар Ҳазрати Инсоннинг гимнига айланади.

Раҳмат Файзийнинг «Қузатиш» (1953) ҳикояси ўзбек адабиётида ишчи темасига талаб ошган йиллари яра-

тилган бўлиб, шу темадаги энг яхши асарлардан биридир.

Ҳикоянинг бош қаҳрамони — заводнинг ёш, илғор инженери Зокиржон партиянинг қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш ҳақидаги машҳур қақирғини эшитиб, МТСга бориб ишлашга қарор қилади. Унинг бу ватанпарварлик ташаббусини заводдаги ёр-биродарлари маъқуллашади, баъзилар унга қўшилади ҳам. Лекин хотини Хайрихон бунга нима дер экан? Зокиржонни ташвишга солган муаммо мана шунда. Хайрихон бу хабарни ҳақиқатан ҳам нохуш қабул қилади. «Бораверинг, мени нима қиласиз»,— деб жавоб беради у эрига. Зокиржон ватан олдидаги ўз бурчини адо этмоқчи, шунинг учун Хайрихонга мақсадини тушунтириш керак.

Кўриниб турибдики, ҳикояда ўша давр адабиётида кўп тилга олинган, қолипга тушган конфликт туғилляпти. Лекин аслида бундай эмас. «Кузатиш»даги конфликтнинг моҳияти бошқачароқ. Зокиржон билан Хайрихоннинг боласи йўқ, аёл бунга ўзини маълум даражада айбдор ҳисоблайди. Шунинг учун у истамаса ҳам баъзан Зокиржоннинг севгисига шубҳа билан қарайди, ўз бахтидан ажралиб қолишдан қўрқади. Зокиржоннинг қишлоққа бориб ишлаш ҳақидаги қарори бу гал ҳам ундан ажралиш учун баҳонадай бўлиб кўринади. Хайрихон янглишганини англагач, Зокиржон билан қишлоққа отланади.

Раҳмат Файзий ҳикояларига асос бўлган темалардан бири — янги оилавий муносабатлар, эски урф-одатларга қарши кураш билан боғлиқ. «Қайнона», «Янги йил оқшомида» ҳикоялари шу типдаги асарлардандир. Бу ҳикояларнинг марказида она образи туради. Ҳикояларнинг ўзига хослиги шундаки, эскиликка, алмисоқдан қолган урф-одатларга қарши курашувчилар ёшлар эмас, аксинча, қария оналар бўлиб чиқади. Агар қарияларнинг янгилик учун олиб бораётган курашига уларнинг допишмандлигини, турмуш тажрибасини қўшсак, бу ҳикояларда илғари сурилган гоёнинг нақадар таъсирчан чиққанини тасаввур қилиш мумкин.

Раҳмат Файзийнинг интернационализм, халқлар дўстлиги темасида ёзилган энг ажойиб асарларидан бири «Чаноққа томган қон» (1958) ҳикоясидир. Ҳикоя қардош халқларнинг жуда кўп тилларига таржима қилинди, бир қатор хорижий тилларда ҳам босилиб чиқди. Германия Демократик Республикасида 1957 йилда чоп этилган ўзбек ёзувчиларининг ҳикоялари тўплами шу асар номи

билан аталди. ГДР танқидчилари, китобхонлари Раҳмат Файзий ҳикоясига юқори баҳо беришди.

Воқеалар санаторийга дам олиш учун борган одам тилидан баён қилинади. Виктория исмли ҳамшира уни бир куни хат орқали уйига таклиф қилади. Ҳикоячи танимаган одам уйига таклиф қилганидан ҳайрон бўлади. Ҳамхоналар ҳазил қилиб, «Юрагидан урибсан», дейишади ҳам. Лекин у таниши Александр Павловичнинг қистови билан меҳмонга боришга мажбур бўлади. Уларни уй олдида «анча ёшларга бориб қолган, ушоққина бир кампир», Викториянинг онаси кутиб олади. Меҳмонлар хонага киришганда унинг деворда осилиб турган чуст дўппили йигитнинг расмига кўзи тушади — ҳайронлиги яна ортади. Маълум бўлишича, уни кампир таклиф қилган: «Шу томонларга ўзбеклардан келганини эшитсам, бир кўргим, суҳбатлашгим келади»,— дейди кампир. Сўнгра кампир суратдаги йигит — Викториянинг севгилиси, уруш пайти шу қишлоқда ҳалок бўлган ўзбек йигити Қамолиддин ҳақида, унинг мардлиги, ватанига муҳаббати, Виктория билан иккови бир-бирини севгани тўғрисида ҳикоя қилиб беради. Улими олдидан Қамолиддиннинг кўкрак чўнтагидан унинг юрак қони томган бир чаноқ пахта чиқади. Йигит пахтасида юрак қони ялтираб турган, аммо ғубори йўқ чаноқни «яшириб қўйинг», деб кампирга топширади. Кампир Қамолиддиннинг суратига қараб туриб, уни ўғлим бўларди, дейди. Ўзбек йигити ҳам бу қалби пок аёлни «она» деб атаган.

«Чаноққа томган қон» ҳикояси ўзбек йигитининг ажойиб қаҳрамонлиги, унинг буюк ватанига бўлган меҳри, халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг башарийлиги ҳақидаги ажойиб асар сифатида минглаб китобхонларнинг меҳрини қозонди.

Раҳмат Файзийнинг ҳикоялари ёзувчи ижодининг муҳим бир қисмидир. Ҳикояларсиз бу ижод тўлиқ бўлмас эди. Шу билан бирга адибнинг энг яхши ҳикоялари ўзбек совет прозасининг тараққиётига қўшилган муносиб ҳисса ҳамдир.

## ЧУЛГА БАҲОР ОЛИБ КЕЛГАНЛАР ҚИССАСИ

Раҳмат Файзийни шахс сифатида ҳам, адиб сифатида ҳам характерли белгиларидан бири унинг ўз ижодидан доимий қониқмаслигидадир. «Чўлга баҳор кел-

ди» романининг (1972) яратилиш тарихи шу фикримизни тўла тасдиқлайди.

Маълумки, Улуғ Ватан урушидан кейинги совет адабиётида қишлоқ мавзун, қишлоқ хўжалигини кўтариш, янги ерларни ўзлаштириш темаси муҳим роль ўйнайди. Бу темада прозамизда яратилган бадий полотнолар китобхонларга маълум ва мақбул. Ўзбек адабиётида ҳозирги кунгача ушбу теманинг конкрет кўриши — асрлардан бери қақшаб ётган Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ҳақида, чўл қаҳрамонларининг ажойиб жасорати, қаҳрамонона меҳнати тўғрисида қатор ҳикоя, повесть, романлар вужудга келди. Ҳамид Ғуломнинг «Сенга интиламан» ва «Бинафша атри», Абдулла Қаҳҳор, Ҳаким Назир, Одил Ёқубовнинг ҳикоя ва очерклари китобхонларнинг ҳурмат ва муҳаббатини қозонди.

«Чўлга баҳор келди» романи ҳам шу типдаги асарлардандир. Дастлаб ёзувчи шу темада «Биринчи баҳор» номли катта ҳужжатли ҳикоя яратди. Бу асарда бўлғуси роман қаҳрамонлари — Муҳиддин ва унинг ўртоқларининг партия чақириғига жавобан Мирзачўлга келишлари тасвирланган эди.

1951 йилда Москвадаги ўзбек адабиёти ва санъати декадаси арафасида Раҳмат Файзий «Чўлга баҳор келди» повестини эълон қилди. Бу асар адабий жамоатчилик томонидан ҳам, китобхонлар томонидан ҳам анча илиқ кутиб олинди. Лекин танқидчилик ва декада муҳокамаси пайтида сўзга чиққан қаламкашлар повестдаги баъзи образларнинг схематик эканлиги, Ҳосилот ота образи билан боғлиқ конфликтнинг ишончсиз чиққани ҳақида фикр билдирдилар, асар камчиликларини кўрсатиб, маслаҳатлар бердилар.

Раҳмат Файзий повестни қайта ишлади. Лекин танқидчилик таъкидлаган камчиликларининг кўплари кейинги вариантда ҳам сақланиб қолди.

Бизнинг назаримизда ўша давр танқидчилиги повестга муносабатда бир хатога йўл қўйган эди: асарнинг қатор заиф томонлари тўғри кўрсатилгани ҳолда, асосий камчилик назардан четда қолган эди. Бу камчилик асарга асос бўлган ҳаётий материал билан унинг жанр имконияти ўртасидаги қарама-қаршиликдан келиб чиққан эди. Повесть жанрининг имконияти кўламли, кенг масштабдаги ҳаётий материални ўзига сиғдира олмади. Бу — роман жанри орқали қамраб олиш мумкин бўлган ҳаётий материал эди.

Шунинг учун асарнинг роман вариантыда повестда мавжуд бўлган камчиликларни учратмаймиз. «Чўлга баҳор келди» романи Мирзачўлни ўзлаштириш мавзудида адабиётимизда яратилган бақувват асарлар қаторидан ўрин олди.

Повесть эълон қилинганидан сўнг чорак асрдан кўпроқ вақт ўтди. Бу давр ичида биз халқ жасоратининг моҳиятини, чўлни бўстонга айлантирганлар қаҳрамонлигини чуқурроқ тушундик, бепоён Мирзачўлни ўзлаштиришнинг тарихий кўламини тўлароқ тасаввур қила бошладик. Ёзувчининг ҳаётни тушуниши, фалсафий тафаккури, бадий маҳорати ҳам ўсди. Буларнинг ҳаммаси романда ўзининг аксини топди. Роман қаҳрамонларининг характерлари повестдагига қараганда чуқурлашди, конкретроқ ва кўламлироқ акс этди; ёзувчи қаҳрамонлар руҳий дунёсига, уларнинг психологиясига катта эътибор берган, асосий конфликтни равшанлаштирган, янги эпизодлар, янги қаҳрамонлар олиб кирган.

«Чўлга баҳор келди» романига ўхшаган асарларда кўзга ташланмиш муҳим бир хусусият — инсон тақдирига чуқур қизиқиш билан қараш ёзувчи олдинга қаҳрамон дунёсини, унга хос бўлган ғоявий ҳамда маънавий қарашларнинг мураккаб бирлигини тадқиқ қилиш соҳасида янги-янги имкониятлар қидириш вазифасини қўяди. Бу вазифа эса, ўз навбатида, ҳаётий материални эстетик тафаккур этиш соҳасидаги изланишларнинг характерини белгилайди. Воқеликни бадий тадқиқ қилишнинг энг муҳим шартларидан бири эса, биз «Чўлга баҳор келди» романида кўрганимиз каби тасвирий формаларнинг, жанр формаларининг ҳаракати, ривож билан боғлиқ. Жанр соҳасидаги изланишлар ёзувчига замонамиз қаҳрамонларининг, коммунизм жамияти янги одамининг характерини чуқурроқ ва кенгроқ кўламда, эстетик жиҳатдан ишонарли ҳолда идрок этиш учун зарурдир.

Ҳозирги адабиёт замонавий воқеликнинг муҳим бир хислатига чуқур диққат билан қарамоқда: бу ҳам бўлса инсон ижодий имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга интилиш жамиятимиз учун реал ва амалий аҳамиятга эга бўлган эҳтиёжга, ривожланган социализмнинг қонуниятига айланиб бораётганидир.

Социалистик реализм прозаси инсон талқинида замонавий воқелик талаблари ва характеридангина эмас, балки унинг келажак имкониятлари ҳамда эҳтиёжла-



ридан ҳам келиб чиқишга ҳаракат қилмоқда. Ривожланган социализм жамияти ижтимоий тараққиётимизни инсон ривожининг даражаси билан боғлайди.

Раҳмат Файзийнинг «Чўлга баҳор келди» романини ўқир эканмиз, ҳозирги адабиётимизга хос бўлган бу тенденциялар ҳақида ўйламай илож йўқ.

«Чўлга баҳор келди» Коммунистик партия чақириғига жавобан Мирзачўл ерларини ўзлаштиришга отланган ўт юракли комсомол-ёшларнинг меҳнатдаги жасорати, ватанга муҳаббати, орзу-умидлари, дўстлиги, севгиси, авлодларнинг тақдири туташ эканлиги, социалистик интернационализм ғояларининг буюк қудрати ҳақидаги романдир.

Романининг структураси қаҳрамонлар тақдирини узвий очиб беришга, воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кет динамика тасвирига асосланган. Тўғри, бу асарда эмоционал элемент маълум роль ўйнайди, бу аввало авторнинг воқеалар йўналишига, тасвирий структурага бевосита аралашуви билан боғлиқ. Лекин на характерлар тасвирида, на воқеалар оқишда эмоционал портлаш ҳолатларига дуч келмаймиз. Албатта, Муҳиддин бошлиқ комсомол-ёшларнинг мақсади, орзу ниятлари курашсиз амалга ошмайди. Аммо бу кураш ички яширин энергияга эга бўлган салобатли кураш.

Романдаги комсомол-ёшлар (Муҳиддин, Юлдузхон, Собир, Риза, Солижон, Аъзам) характерлари шаклланиб бораётган, тараққийдаги характерлар сифатида берилади. Лекин улар асосий, принципиал масалаларда ўз эътиқодларига эга ва бу эътиқодга ҳар қандай шароитда ҳам хиёнат қилишмайди. Даставвал улар социалистик жамият тарбиялаб етиштирган совет ёшлари, ҳақиқий ватанпарварлардир.

Романининг муҳим ҳусусиятларидан бири шундаки, ёзувчи чўлқувар ёшлар образларини тасвирлашда улар яшаётган ва меҳнат қилаётган шароитни осонлаштирмайди, қийинчиликларни, ҳаёт машаққатини яширмай кўрсатади. Мана, Муҳиддин чўлни вагон ойнасидан кўргандаги биринчи таассуроти:

«...ҳаво булут, қуёш қоғозга тушган бир томчи ёғдай кўринади. Бепоен чўлда на одам ва на ҳайвон бор. Қаҳратон қишда ҳам без бўлиб ётадиган тиканаклар, янтоқ... ер худди оҳак тўкиб қўйгандай оппоқ. Муҳиддиннинг назарида, вагон бир жойда тўхтаб турибди-ю, ер чир айланаётгандай. Юраги орқасига тортиб кетди» (Раҳмат Файзий. Танланган асарлар, 2-том, «Чўлга

баҳор келди», Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1972 йил 16-бет. Романдан келтирилган парчалар бундан кейин шу нашрдан олинади).

Қишлоққа етиб келишганда шароитни кўрган Аъзам: «Биз бир янглишиб келиб қолибмиз-да, бўлма-са одам келадиган жойга ўхшамайди»,— деб ўйлайди (37-бет).

Қирқинчи йилларнинг охирларидаги Мирзачўл шароитини, бу ерларда яшашга, фақат яшашгагина эмас, янги ер очиб, пахтадек сермашаққат нарсани ўстиришга унча-мунча одам чидай олмаслигини Раҳмат Файзийга ўхшаган синчков, газетадан чиққан ёзувчи жуда яхши билади. Муҳиддин ва унинг ўртоқлари ҳам Мирзачўлнинг Фарғона эмаслигини аввалдан биладилар. Лекин чўлнинг нима эканлигини улар бу ерга келгандагина тўла тасаввур қиладилар.

Раҳмат Файзийнинг ёш қаҳрамонлари баъзи асарлардагига ўхшаган барча қийинчиликларни бир зарба билан енгиб кетадиган афсонавий шахслар эмас. Улар реал, жонли одамлар. Уларнинг ҳар бири ўз характери, ўзининг феъл-атвори, ички дунёсига, психологиясига эга. Ёш қаҳрамонлар баъзан янглишади, қизиққонлик қилади. Лекин уларнинг барчаси учун муҳим бир хислат хос — бу чуқур ватанпарварлик ҳисси, жасорат. Бу ёшлар Мирзачўлга ватани олдидаги, халқ олдидаги ўз бурчини бажариш учун қалб даъвати билан келган. Шу тариқа романда ватан, ватанпарварлик мотиви муҳим ғоявий-эстетик аҳамият касб этади. Бу ўринда асарнинг бош қаҳрамони Муҳиддиннинг фикрлари диққатга сазовор:

«Водил-ку — меники,— ўйлайди у,— Мирзачўл-чи? Нина Алексеевна (у, қишлоқдаги севимли ўқитувчисини эсларди) Водил меники эмас, менинг Ватаним Вязьма, демайди-ку?— Муҳиддин Ватан сўзини такрорлар экан, унинг мағрур жаранглашидан шунчалик фахрландики, кўз ўнгиди улуғвор, бепоён, қудратли совет Ватани, жаҳонга тинчлик ва бахт нуруни сочиб турган гўзал Ватан намоён бўлди, демак, Ватанимнинг бир қисми Мирзачўл. Нега у чўлнингича қолсин? Бўлмаган гап!» (18-бет).

Романнинг ғоявий-бадий мазмунини тушунишда Муҳиддин образининг моҳияти катта. У совет ёшларига хос энг яхши хислатларни ўзида мужассам қилади. Мирзачўлни ўзлаштириш, чўлни Водилга ўхшаган гу-

листонга айлантириш унинг учун муқаддас инсоний бурч; ватанга муҳаббат уни шунга даъват этади.

Муҳиддин образи — чуқур индивидуаллаштирилган образ. Басавлат, ўрта бўйли, кенг ва гўштдор юзлари қуёш иссиғидан тўқ мағиз рангга кирган бу йигит дастлабки саҳифаларданоқ китобхон диққатини ўзига тортади. У сокин табиатли, ҳар бир ишни чуқур ўйлаб қиладиган йигит. Чўлни обод қилишдек катта ишга отланаркан, у кўп ўйлайди — бориш-бормаслик тўғрисида эмас, йўқ, келажакдаги ишларнинг режаси, ўзи билан кетаётган дўстлари тўғрисида ўйлайди.

Муҳиддин образининг муҳим томонларидан бири — унинг яратувчи, бунёдкор эканлигидадир. У «ниморат қуришни, ҳовлининг саҳнини гулзор қилиб безашни» яхши кўради. Чўлни ўзлаштириш, боққа айлантириш мақсадни ҳам унинг шу хислати билан боғлиқ.

Муҳиддин, ҳозирги психологлар тили билан айтганда, лидер шахс. Шунинг учун ҳам район комсомол комитети уни Мирзачўлга кетаётган ёшларга бошлиқ қилиб тайинлаганда, ҳеч ким бунга ҳайрон қолмайди. Муҳиддин образи муносабати билан романда агротехника, агрономия илми тўғрисида кўп гапирилади. Роман қаҳрамони аввал агрономлар курсини битиради, кейин қишлоқ хўжалиги институтига сиртдан ўқишга киради. Бу — бежиз эмас. Ҳозирги пахтакор, айниқса Мирзачўлда, чуқур агрономик билимга эга. Лекин романдаги воқеалар содир бўлаётган даврда бу ҳали фавқулодда ҳодиса эди. Демак, Раҳмат Файзий Муҳиддин образида характер ривожининг келажакини, воқелик тараққиётининг перспективасини кўрсата олган.

Муҳиддиннинг ажойиб хусусиятларидан бири — унинг камтарлиги. У комсомол-ёшлар звеносининг бошлигини бўлишига қарамай, дала меҳнатида ўзини ҳаммага тенг деб билади. Ҳатто ишдан бўшаган пайтларда кечалари ишлаб, шийпон атрофини гулзорга айлантиради. Унинг камтарлиги, бошқа ҳамма хислатлари каби ясама эмас, туғма, самимий. Романда буни тасдиқлайдиган муҳим бир эпизод бор. Муҳиддинлар звеноси биринчи бўлиб чигит экишни тамомлаганда, газетага расм олиш учун мухбир келади. Илғорларнинг расмини газетада чиқариш аслида одатий бир ҳодиса. Лекин Муҳиддин расмга тушишдан бош тортади. Мухбирнинг саволига у: «Ҳа, фақат менинг звеном, аммо колхоз эмас-ку», — деб жавоб беради. Фотограф ҳайрон бўлди.

— Қолхоз бажарса яна суратга олаверамизда.

— Йўқ, аввал колхоз бажарсин, сўнг оларсин.

— Яхши бўлмайди,— деди фотограф,— атайин сиз учун келганман.

— Сиздан бир илтимосим шуки, мен шахсан рози эмасман. Ҳали чигит бўлганича неча озиб, неча семирамиз (136-бет).

Муҳиддин образи романда динамик тарзда тасвирланган. У ишда, меҳнатда, қийинчиликлар билан курашда, одамлар билан муносабатда пахтакор сифатида комсомоллар раҳбари сифатида, энг муҳими — шахс сифатида ўсиб, улғайиб боради. Лекин ана шу динамика, назаримизда, бир ўринда бузилган — бу, Муҳиддиннинг институтга имтиҳон топшириш учун Тошкентга бориш эпизоди билан боғлиқ. Шу муносабат билан Муҳиддин образи анчагача романинг диққат марказидан тушиб қолади. Натижада характер эволюциясида маълум узлиш келиб чиқади.

Раҳмат Файзий Муҳиддиннинг дўстлари: Солнжон, Собир, Риза образларида ажойиб совет ёшларининг тимсолини акс эттиради. Ёзувчи бу образларни индивидуаллаштиришга катта эътибор берган. Солнжон — куйни, қўшиқни яхши кўрадиган, хушчақчақ, аскиячи йигит. Собир кўп жиҳатдан Муҳиддинга ўхшаб кетади, камгап, ишга берилган, лекин арзимас сабаб билан ёш хотини Водилда қолиб кетганида кўп қайғуради. Риза — бир оз нимжонроқ бўлса ҳам, ишда ўта фидойи, меҳнатсевар йигит. Бу йигитларнинг ҳаммасини бир қишлоқда туғлиб-ўсгани эмас, балки ягона мақсад — чўлни ўзлаштириш нияти бирлаштиради. «Чўлга баҳор келди» романининг жиддий муваффақиятларидан бири колхоз партия ташкилотининг секретари Тошпўлатов образидир. Тошпўлатов — ленинча услубда иш олиб боровчи партия ходими. Ёзувчи бу образда Мирзачўлнинг эртанги кунни учун қайғурадиган партия раҳбари типини тасвирлайди. Тошпўлатовни колхозининг ҳозирги муваффақиятларидан кўра келажак қизиқтиради. «Қачон қараса планни бажараётганимиз билан ўзимизни юпатамиз. Эртани ўйламай яшаб бўладими? Агар биз шу бугунни ўйлар эканмиз ва бугунги ишимиз билан қаноатланиб қолар эканмиз, эртага ҳам худди шу бугунги иш такрорланаверади, на силжиш бўлади-ю, на ўзгартириш», — дейди у ранс Акрамов янги ер ўзлаштиришга эътироз билдирганида (68-бет).

Тошпўлатов колхознинг, қолаверса, бутун Мирза-чўлнинг эртанги куни Муҳиддинга ўхшаган комсомол-ёшлар қўлида эканлигини яхши тушунади, шунинг учун ҳар ишда уларни қўллаб-қувватлайди.

Колхоз раиси билан парторг ўртасидаги муносабат ҳам романда янгича ҳал қилинган. Кўпгина асарларда ишлаб чиқариш конфликтни консерватор раис билан илғор парторг ўртасидаги қарама-қаршиликка асослангани сир эмас. Раҳмат Файзий романининг қаҳрамони бўлмиш колхоз раиси Исмоилжон Акрамов эса билимдон, колхоз хўжалигини яхши биладиган, ҳар бир ишни ақл тарозусига солиб кўрганлиги учун ўз камчиликларини тезда тушунадиган ва тузатишга ҳаракат қилладиган одам. Бу икки характер раҳбар ходимлар сифатида бир-бирини тўлдиради.

Романнинг асосий конфликтни эса ҳосилот советининг раиси Рихсивой ака образи билан боғлиқ. Бу одам колхознинг ҳамма ютуқларини ўзи туфайли деб биледи. У икки гапнинг бирида, пахта ҳосили учун мен жавобгарман, деб туради.

Рихсивой ака ўзининг шахсий тажрибасига қаттиқ ишонади, тажриба эса эскирганни, пахтачилик илми илгарилаб кетганини тушунмайди. Унинг камчиликларини Тошпўлатов, Муҳиддинга ўхшаган янги типдаги пахтакорларгина эмас, ҳаётнинг ўзи фош қилиб боради. Натижада колхозчилар унинг маслаҳатларига, буйруқларига амал қилмайдиган бўлиб қолишади.

Лекин романда Рихсивой ака образининг тасвирида меъёрдан четга чиқиш ҳоллари ҳам мавжуд. Ёзувчи бу образга хос қора бўёқларни бир оз қуюқлаштириб юборган. Янги ердаги қизил чойхонада бўлган очиқ партия мажлисида колхозчилар Рихсивой акага унинг камчиликларини очиқ айтишади. «Рихсивой ишончимизни оқлай олмади»,— дейди ёшлар билан янги ерга кўчиб чиққан кекса пахтакор Абдуғафур ота. Бу — Ҳосилот устидан чиқарилган ҳукм бўлиб жаранглайди. Рихсивой акани ҳеч ким амалидан олиб ташлагани йўқ. Лекин ҳаётнинг ўзи уни бу ишдан озод қилади. Конфликтнинг мантиқий якуни ҳам мана шунда. Лекин ёзувчи бу билан чекланмай, бу образни колхоз мулкни талон-торож қилиш билан боғланган сюжет линиясига олиб киради. Натижада образнинг мантиқий йўналиши маълум даражада бузилади.

«Чўлга баҳор келди» романида яна бир қатор муваффақиятли чиққан образлар бор: Муҳиддиннинг сев-

гилиси Юлдузхон, ажойиб она образи — Ҳосият хола, ёшларнинг дўсти, кўмакдоши ва маслаҳатчиси кекса пахтакор Абдуғафур ота, бригадир Қомилжон Мирзачўл фидойиларининг жасоратини, қаҳрамонлигини ўзида мужассам қилган.

Раҳмат Файзийнинг «Чўлга баҳор келди» романи социализм воқелигини бадиий идрок этишда адабиётинмиз эришган катта ютуқ сифатида муҳим аҳамиятга эга.

## ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ — ҲАЁТ ТАРЗИ

«Ҳазрати инсон» романи устида Раҳмат Файзий ўн йилдан кўпроқ (1957—1968) иш олиб борди. Роман жуда катта ижодий меҳнат, замонамиз қаҳрамонлари, совет халқининг буюк матонати ва қаҳрамонлиги бора-сидаги фикрларнинг маҳсули сифатида бунёдга келди.

«Ҳазрати инсон» — совет кишиларининг фронт ичка-рисидаги қаҳрамонлиги ҳақида ҳикоя қилувчи асар. Лекин ромanning ҳар бир саҳифасида, ҳар бир қаҳрамоннинг тақдири, кундалик ҳаётида уруш фожиаси, уруш оловининг нафаси уфуриб туради. Шу сабабли бу асарни ҳарбий прозамизнинг мисоли сифатида баҳолашга тўла ҳақлимиз.

\* \* \*

Улуғ Ватанимиз халқлари герман фашизмга қарши олиб борган урушнинг тугаганига қирқ йилдан ошди. Бундан қирқ йил бурун Берлин кўчаларида тўплар ҳайқириғи тинган, Рейхстаг қуббаси тепасида голиб қизил байроқ ҳилпираган эди.

Қирқ йил... Лекин шунга қарамасдан ўтган уруш даҳшати инсоният хотирасидан ҳали кўтарилгани йўқ. Минглаб оналар ҳали ҳам дараксиз йўқолган фарзандларини кутадилар. Муқаддас тупроғимиз танасидаги уруш жароҳатлари изи ҳали ўчмаган. Европа йўлларидаги совет солдатларининг минглаб қабрлари ўтган урушни эсдан чиқармайди.

Ватан уруши ўзининг кўлами ҳамда Европа халқларини фашизм қуллигидан озод қилишга қаратилган улуғ мақсади билан инсоният тарихидаги барча урушлардан ажралиб туради. КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги ғалабасининг 30 йиллиги тўғрисида» чиқар-

ган қарорида фашизм устидан эришилган ғалаба оламшумул тарихий аҳамиятга эга бўлиб, инсоният тараққиётининг барча соҳаларига таъсир кўрсатганлиги таъкидлаб ўтилади.

Шу сабабли совет ёзувчиларининг уруш даври воқелигига қайта-қайта мурожаат қилиши бежиз эмас. Улуғ Ватан уруши даври воқелиги ўзининг оламшумул тарихий аҳамияти жиҳатидан адабиёт ва санъатнинг энг актуал темаларидан бири бўлиб қолди.

Улкан урушнинг барча оғирликларини ўз елкасида кўтарган, ғалабанинг сабабкори ва шоҳиди бўлган авлод учун ҳарбий темадаги адабиёт ўтган урушнинг фалсафаси, маънавий-ахлоқий қирраларини, даврнинг катта йўлию сўқмоқларини қайта мушоҳада қилишга имкон берса, 1945 йилдан кейин ҳаётга кириб келган авлод учун буюк совет ватанпарварлиги ва халқимиз қаҳрамонлигининг, коммунистик ғояларимиз мангулиги ва Ватанимиз қудратининг жонли тимсоли бўлиб хизмат этади. «Китобларим бошқа авлод вакиллари учун, урушни кўрмаганлар учун уруш ҳақида тасаввур бериши менинг назаримда жуда муҳимдир»<sup>1</sup>,— деб ёзади Константин Симонов. Ҳақиқатан ҳам ҳарбий темадаги адабиёт урушдан кейинги совет кишиларининг авлоди учун ғоят улкан аҳамият касб этади. Гап уруш ҳақидаги асарларнинг тарихий аҳамияти ҳақидагина эмас, бундай асарлар ҳозирги кунимиз билан ҳам боғлиқдир. Чунки тарихни билмай туриб, бугунининг қадрига етиш қийин. Зотан, Ватан уруши унчалик тарих ҳам эмас ҳали — ҳозирги ҳаётимизнинг қадри ва қимматини, тараққиётимизнинг йўлини, тақдиримизни белгилаб берган кечаги кун.

Ёзувчиларимизнинг ҳарбий темадаги асарлари жанг майдонларида олиб борилган аёвсиз курашда, душман вақтинча эгаллаган қишлоқ ва шаҳарларимиздаги партизанларнинг жасурлиги, мардлигида, фашист концлагерларида туриб курашдан тўхтамаган кишиларимизнинг ватанга садоқатида, фронт ортидаги қаҳрамонона меҳнатда мужассам бўлган совет халқининг маънавий-сиёсий бирлиги, қардошларча дўстлиги ҳақида ҳикоя қилар экан, бу кунги авлоднинг тарбиясига улкан ҳисса қўшади.

---

<sup>1</sup> К. Симонов. Сегодня и давно. «Советский писатель», М., 1974, стр. 363.

Ватанимиз бошидан кечирган уруш ҳозирги кундаги ҳаёт билан узвий боғланиб кетган, чунки жамиятимиз ҳаётида содир бўлаётган баъзи муҳим ҳодиса ва принциплар ҳамда келажак тараққиётимиз кўп жиҳатдан уруш даври воқелигида шаклланган янгиликлардан келиб чиқади. Уруш даври воқелигини қайта бадиий яратиш фақат қаҳрамонлик ва мардликни, фидокорлик ва садоқатни куйлаш билан чекланиб қолмасдан, балки ўша давр кишилари образлари ва қарама-қаршиликлари мазмунидан ҳозирги кунимиз учун хос бўлган баъзи актуал масалаларга жавоб қидириб кўриш билан ҳам боғлиқдир. Шунинг учун Ватан уруши даврига бағишланган энг яхши асарлар ҳозирги кун зарурати билан ҳам вужудга келган бўлиб, уруш ҳақидаги шиддатли ҳақиқатни очиб берибгина қолмасдан, ўша ҳақиқат ёрдамида замонимиз идеалларини ҳам активлик билан тасдиқлайди.

«Ҳозирги замоннинг бош проблемаси — уруш ва тинчлик проблемасидир, — деб ёзган эди уруш ҳақидаги энг яхши асарлардан бирининг автори К. Симонов. — Инсоният янги уруш гирдобига ташланишини истамаган ёзувчи уруш нима эканини эслатиб туриши лозим. Уруш нима эканини унинг ўзи қанчалик яхши билса, буни у тинмай эсга солиб туришга мажбур. Ўтган урушнинг қатнашчиси сифатида мен ўзимнинг ёзувчилик бурчимни шундай тушунаман, назаримда бу бурч замонимизнинг энг ҳаётий проблемаси билан бевосита алоқадордир»<sup>1</sup>.

Шу сабабли ҳам уруш темасидаги адабиёт, ҳарбий проза қарама-қарши икки идеология ўртасидаги курашда, демократия билан реакция, тинчлик кучлари билан уруш тарафдорлари ўртасидаги курашда муҳим қуроллардан бирига айланиб қолди. Совет адабиёти урушнинг инсон табиатига ва ҳаётнинг маъносига бутунлай ёт нарса эканлигини тасвирлаб, Ватанимизнинг муқаддас тупроғига кўз олайтирувчиларга ўтган урушнинг аччиқ сабоқларини эслатиш ёрдамида ўзининг ижтимоий вазифасини шараф билан бажариб келмоқда.

Уруш ҳақидаги қаҳрамонлик эпосини яратиш учун босиб ўтилган тарихий йўлнинг кўлами, унинг умуминсоният тараққиётидаги аҳамиятини идрок этишга им-

---

<sup>1</sup> К. Симонов. Сегодня и давно. «Советский писатель», М., 1974, стр. 287.



кон берувчи маълум муддат керак. Лекин Улуғ Ватан уруши ҳақидаги бадиий солнома совет адабиётида, жумладан ўзбек адиблари томонидан ҳам урушнинг дастлабки давриданоқ яратила бошланган эди. Совет ёзувчилари жанговар ҳодисалар изидан бориб, халқ қаҳрамонлигини куйловчи, инсониятнинг ашаддий душмани — фашизмга қарши нафрат уйғотувчи, совет ватанпарварлиги руҳи билан суғорилган оташин асарлар ижод қилдилар.

Совет жангчисининг мардлиги ва ватанпарварлигини улуғлаш, душманга нафрат, фронт орқасидаги фидокорона меҳнатни акс эттириш уруш даври ва урушдан кейинги дастлабки йилларда яратилган «Рус характери» (А. Толстой), «Ёш гвардия» (А. Фадеев), «Волоколамск тош йўли» (А. Бек), «Қамалак» (В. Василевская), «Кўк конверт», «Асрор бобо» ва «Олтин юлдуз кавалери» (А. Қаҳҳор), «Қуёш қораймас» (Ойбек), «Ўлим босқинчиларга» ва «Генерал Раҳимов» (К. Яшин) каби ўнлаб асарларга хос бўлган умумий мотив эди. Бу асарлар кейинчалик, совет адабиёти тараққиётининг янги босқичида уруш темасида яратиладиган асарлар учун катта йўл очиб берди. Бу даврдаги совет ҳарбий прозасининг асосий мотивларидан бири — совет халқларининг метиндек мустақкам дўстлигини куйлаш бўлди.

Улуғ Ватан уруши совет жамияти ва давлат системаси учунгина эмас, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарлик учун ҳам улкан синов бўлди. Маълумки, фашизм идеологлари уруш бошланиши билан совет халқлари ўртасида низо чиқади, шу билан совет давлат системаси ўз ичидан емирила бошлайди, деб ишонган эдилар. Йўқ, бундай бўлмади. Улуғ Ленин асос солган халқлар дўстлиги уруш оловлари ичида янада мустақкамланди, пўлатдек тобланди. Бу дўстлик ғалабаизмининг энг муҳим омилларида бирига айланди. Совет ёзувчиларининг бу темага алоҳида аҳамият берганлиги ва бераётганлигининг маъноси ҳам шунда. Ҳамид Олимжон:

Бу уруш кўп халқларнинг  
Озорини ҳам қўшди,  
Тақдирини қилди тенг,  
Мозорини ҳам қўшди,

деганида барча совет кишиларининг қалб сўзларини  
изҳор этган эди.

Уруш ва урушдан кейинги дастлабки йилларда яратилган асарлар учун хос бўлган бу тенденциялар совет адабиётининг 60-йилларда бошланган янги тараққиёт босқичида давом этди ва чуқурлашди. 60—70-йиллар совет ҳарбий прозаси учун, бизнинг назаримизда, икки муҳим тенденция хосдир. Буларнинг бири уруш даври воқелигини кенг кўламда, панорамали тасвирлашга мойиллик бўлса, иккинчиси уруш шароитидаги совет кишини характерининг маънавий қирраларини идрок этишга ҳаракат қилиш билан боғлиқ.

Уруш ва урушдан кейинги даврда ёзилган асарларда совет жангчиси, халқимизнинг қаҳрамонлиги ёзувчининг диққат марказида турган бўлса, ҳозирги кундаги адабиётимиз фақат қаҳрамонликни тасвирлаш билан чеклана олмайди. Чунки урушдан кейинги ўтган давр ичида эришилган тарихий тажриба жамият ва халқимиз ҳаётининг ҳозирги босқичи уруш даври воқелигини бутун сиёсий-фалсафий чуқурлиги билан, маънавий мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, янада ҳаққонийроқ реалистик тасвирлаш имконини беради.

«Ҳозирги китобхон учун қаҳрамонликни... тасвирлашнинг ўзи етарли эмас,— дейди машҳур белорус ёзувчиси Василь Биков.— Китобхон қаҳрамонликнинг маънавий илдизларини тушунишни, унинг табиатини идрок этишни истайди. Унинг бу истаги табиий ва қонунийдир; чунки у адабий қаҳрамоннинг «сирини» очиш учунгина эмас, балки ўзини унга «солиштиришга» ҳаракат қилади»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам совет жангчисининг ва умуман совет кишининг уруш шароитидаги руҳий ва маънавий ҳаётини тадқиқ этиш қаҳрамон характерини очиб беришнинг, фидокорлик ва қаҳрамонликнинг илдизларини идрок қилишнинг асосий омилдир. Бу — ҳарбий проза-мизнинг жуда муҳим масаласи. Чунки совет кишини урушнинг энг машаққатли, фоживий шароитларида ҳам ўзининг инсонлигини йўқотмади, душманга қарши курашгагина эмас, ҳаёт ҳақида, халқ ва ватан тақдири тўғрисида фикрлашга, келажак орзуси билан яшашга қодир эканини кўрсатди.

Улуғ Ватан уруши даврининг улкан ҳаётний материали ёзувчига инсон турмуши қонуниятларини мушоҳада қилиш имконини беради. Ёзувчи учун энг муҳими — уруш даврининг гоёвий, маънавий-фалсафий моҳиятини

<sup>1</sup> «Известия» газетаси, 27 февраль, 1975 йил.

тушунишда ҳамда бу даврда ҳар бир одамнинг онгида рўй берган ўзгаришларни, уларнинг хатти-ҳаракати ва ўзининг ҳақлигига нишончини белгиловчи омилларни идрок этишдадир.

Совет ҳарбий прозасига хос инсон концепциясининг энг муҳим хусусияти шахсининг қадр-қиммати, унинг ўзига хос дунё эканини англаш билан, ҳар бир одам фақат тарихий шароитнинг маҳсулигига бўлиб қолмасдан, тарихнинг яратувчиси ҳам эканини тушуниш билан боғлиқ. Инсон ва тарих, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатни шу хилда идрок этишгана «оддий одам»нинг қадрсизланиши, сийқаланишига, ушш бир «винт» сифатида тушунишга йўл қўймайди.

Совет ёзувчиларининг уруш темасидаги энг яхши асарлари шахс тақдирининг жамият, давр тақдирини билан узвий алоқада эканини тасдиқлайди. Ёзувчи Асқад Мухторнинг романларидан бири «Давр менинг тақдиримда» деб аталганининг сабабларидан бири ҳам шунда бўлса керак.

Улуғ Ватан уруши совет одамнинг маънавий активлиги ва курашчанлик туйғусини кучайтириб юборди, унинг атрофида рўй бераётган воқеаларга нисбатан жавобгарлик ҳисси янада ошди.

Уруш шароитида инсоннинг гражданлик активлиги ёки лоқайдлиги, шахс дунёқарашининг эволюцияси проблемаси ҳозир кўп ёзувчиларни қизиқтиради (эстон ёзувчиси П. Куусбергнинг «Айни ёз пайти», литвалик И. Авижюснинг «Йўқотилган ватан» романларини эслаш kifоя). Уруш ҳар бир одамни баррикаданинг у ёки бу томонига ўтишга мажбур қилди.

Улуғ Ватан уруши даврининг бадиий солномаси совет халқининг фронт ортидаги қаҳрамонона меҳнатини тасвирловчи асарларсиз етарли бўлмас эди. Ҳарбий проза асарлари фронт ва фронт орқасининг узвий бирлиги, ғалабани яқинлаштириш учун завод ва фабрикаларда, совхоз ва колхоз далаларида олиб борилган фидокорона меҳнат ҳақида ҳикоя қилар экан, Ватан урушининг умумхалқ уруши эканлиги ғоясини илгари суради. Адабиётимиз фронт орқаси воқелигини тасвирлашда ҳали уруш ҳақидаги асарлар даражасига етгани йўқ. Лекин кейинги пайтда бу камчилик йўқолиб бормоқда. Сўнги йиллар ичида ўзбек адиблари томонидан яратилган асарлар — Саид Аҳмаднинг «Уфқ» ва Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романларини эслаш kifоядир.

Халқлар дўстлиги, совет кишиларининг интернационал бирлиги, умуман Раҳмат Файзий ижодининг пафосини, етакчи тенденциясини ташкил этади. Бу тенденция айниқса «Ҳазрати инсон» романида ўз ифодасини топди.

Ҳақиқий санъаткор фақат ижоддагина эмас, балки биринчи навбатда шахс сифатида чуқур интернационалист бўлади. Интернационализм санъаткор яратган асарларнинг тематикаси, қаҳрамонлар олами, қаҳрамонларнинг турли миллат вакиллари эканлигидагина эмас, балки унинг (санъаткорнинг) дунёқарашида, фикрлаш тарзи ва кўламида, ўй-фикрларининг мазмуни ва йўналишида намоён бўлади.

Совет ёзувчиларининг энг яхши асарларида конкрет бир миллатнинг ҳаётига хос хусусиятларгина эмас, балки совет халқларининг барчасига хос бўлмиш умумий хусусиятлар, уларнинг маънавий бирлиги, ҳаёт тарзи ва тафаккуридаги умумийлик ҳам акс этди. Бундай асарларда воқеа ва ҳодисалар, қаҳрамонлар тақдири — уларнинг миллий ўзига хослиги, кўлаמידан қатъий назар — давримизнинг етакчи революцион тенденцияларни нуқтаи назаридан акс этади, бу хил тенденциялар, тараққиёт қонуниятлари эса ҳамма халқлар ҳаёти учун умумийдир.

Лекин интернационализм ҳақиқий бадний асарга хос бўлган миллий руҳни инкор этмайди. Интернационализм ва миллийлик совет ёзувчисининг ижодида бир бутунликни, ғоявий-бадий синтезни ташкил этади. Чунки совет адабиётининг қаҳрамони бўлмиш социалистик жамият кишисининг ҳаёт ва тафаккур тарзи миллий чегарасини шу қадар кенгайтирганки, интернационалистик хусусиятлар касб этган. Шунинг учун интернационализм миллий бадний тафаккур, миллий маданият эришган бойликларни баҳолашдаги энг муҳим майдонга айланади. Социалистик интернационализм турли халқларга хос бўлган миллий интилишларни, орзу-умидларни бирлаштириб ягона тўғри йўлга — социализм ва коммунизм учун курашга йўналтиради. Интернационализм — янгича инсон психологиясини, янги тафаккур ва дунёга муносабатни, турли халқлар ўртасидаги алоқаларнинг янгича формаларини вужудга келтиради. Интернационализм шахснинг қадрини кўтаради, унинг кўламини оширади.

Кейинги йилларда совет ёзувчиларининг энг яхши асарларига хос бўлган интернационализм пафоси тобора ўсиб борапти. Совет халқларининг интернационал дўстлигини тасвирлаш кенгайиб, чуқурлашиб, яна ҳам ёрқинлашиб, турли-туман бадий формалар, беқиёс бўёқлар касб этиб бормоқда.

Ана шу хусусиятларининг ҳаммаси Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романида ҳам намоён бўлади.

\* \* \*

Конкрет бадий асарнинг бунёдга келиши — мураккаб жараён. Биз юқорида «Ҳазрати инсон» романининг 1957—1968 йиллар давомида ёзилгани ҳақида гапирдик. Лекин Раҳмат Файзий асарининг бунёдга келиш жараёнини фақат шу йиллар билангина чеклаш тўғри бўлмаса керак. Ёзувчида шу темада бадий асар яратиш нияти ва ғояси анча аввалроқ пайдо бўлган. Натигада юқорида тилга олинган «Она» (1953), «Раянинг арчаси» (1956), «Эл меҳри» (1962) ҳикоялари, «Сен етим эмассан» (1960) киноповести бунёдга келди. Шуниси қизиқки, романда ҳатто «Она» ҳикоясидаги бош қаҳрамонларнинг номлари — Меҳри опа ва Маҳкам акалар ҳам сақланиб қолди. Шундай қилиб, «Ҳазрати инсон» романининг бош темаси — совет кишиларининг фронт ичкарасидаги қаҳрамонона меҳнати ҳамда урушда ота-онасиз қолган болаларнинг тақдирини тасвирлаш — умуман Раҳмат Файзий ижодининг асосий темаларидан бири дейишга тўла асос бор. Албатта, мазкур асарларда, уларнинг жанр хусусиятлари ва имкониятлари, ёзувчининг нияти билан боғланган ҳолда темани бадий ишлашда катта фарқлар бор. «Она», «Раянинг арчаси» ҳикояларида, маълум даражада «Сен етим эмассан» киноповестида ҳам тема локал ҳолатда бадий намоён бўлади. Бу асарларнинг марказида, асосан, етим болалар тақдири туради. Она образининг бош ғояни ўзида мужассам қилган асосий образ сифатида акс этиши ҳам шу билан боғлиқ.

«Ҳазрати инсон» романида эса ота-онасиз қолган гўдакларнинг тақдири мотиви — жуда муҳим, лекин ягона мотив эмас.

«Ҳазрати инсон» — уруш даври совет воқелигини, халқимизнинг фронт ичкарасидаги буюк қаҳрамонлигини, урушнинг фожиаси ва одамлар бошига тушган кулфатларни, совет халқи бирлигини кенг планда, бутун

мураккаблиги билан акс эттирувчи эпик полотнодир.

Мазкур тема тақдирни ва ижодидаги ўрни ҳақида ёзувчининг ўзи шундай ҳикоя қилади:

«Уруш кезлари Гафур аканинг «Сен етим эмассан» шеъри босилган, шеър ёд бўлиб қолган эди. Шеър чиққандан кейин Гафур акани бир неча марта кўрдим, «жуда яхши шеър, менга жудаям ёқди, ёд бўлиб қолди»,— дегим келарди. Лекин ҳар гал айтолмасдим... Бир вақт ўзлари гап очиб қолдилар ва «Сен етим эмассан»ни йиғлаб ўтириб ёзганликларини айтдилар. Кейин: «Хув анави сзда мурғаклар уйи бор. Вақт топиб, албатта киргин. Уша ердаги болаларни кўргин!»— дедилар. Эртасига ҳалиги «мурғаклар» уйига кирдим, у ердаги аҳволни кўриб, ўзимни тугулмай чиқиб кетдим. Шеър таъсири, Гафур аканинг, йиғлаб ўтириб ёздим, деганлари — ҳаммаси бу ерда кўрганларим олдида ҳолва эди».

«Кейинчалик менда бу ҳақда бирон нарса ёзиш нияти пайдо бўлди. Аммо бу ниятимни ҳадеганда рўёбга чиқаролмай юрдим. Орадан анча вақт ўтиб, бу фикримни Гафур акага айтувдим, жуда маъқулладилар, эшитиб туриб, бир оз хаёл суриб қолдилар... Шу темада киноповесть ёзиб, шеърдан парча киритдим».

Кўринадики, мазкур тема «Ҳазрати инсон» романигача жуда мураккаб ва катта эволюция йўлини босиб ўтди. Бу жараёнда тема янги-янги қирралар билан бойиди, чуқурлашди, эпик кўлам касб этди, ёзувчи назарида ўзининг бутун мураккаблиги билан намоён бўлди.

Ёзувчининг юқорида келтирилган сўзларида «Ҳазрати инсон» романининг муҳим бир хусусиятига ишора бор: бу ҳам бўлса — асарнинг (зотан, ҳикоя ва киноповестнинг ҳам) документал асосга эга эканлигидир. Роман воқелигига асос бўлган ҳодисалар ҳаётда ҳақиқатан ҳам рўй берган: тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва Баҳри Акрамовалар оиласи ўн тўрт етим болани асраб олиб, тарбиялагани бутун мамлакатга маълум.

Лекин «Ҳазрати инсон» романи ҳозир кенг тарқалган документаль проза намунаси эмас.

Раҳмат Файзий, Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда — «янги приёмлар»дан фойдаланиб, романинг структурасига уруш давридан сақланиб қолган ҳужжатларни киритиши мумкин эди (бу хил ҳужжатлар газета хабарлари, турли қарорлар, ёзишма ва хатлар, эсдаликлар, ўнлаб китобларни ташкил этади).

Ёзувчи бу йўлдан бормади. Раҳмат Файзий воқеликнинг ўзига мансуб бўлган хусусий ҳолат ва ҳодисалардан бадний умумлашмалар чиқаради. Романда фавқулодда ҳодисалар оддий воқеалар билан, турмушнинг кундалик икир-чикирлари юксак қаҳрамонлик билан қўшилиб кетадиган бу роман поэтикасининг ўзига хослигини ташкил этади. Шунинг учун ёзувчи фантазияси билан ҳақиқатда бўлган воқеалар ўртасига чегара қўйиб, уларни бир-биридан ажратиш олиш мумкин эмас.

«Ҳазрати инсон» романининг бош қаҳрамонлари Маҳкам ака ва Меҳриниса образларига реал воқелик қаҳрамонлари: Шоаҳмад Шомаҳмудов ва Баҳри Акрамовалар асос бўлган. Лекин роман қаҳрамонлари ана шу шахсларнинг ўзи эмас, улар типиклашган, умумлашма образлардир. Маҳкам ака ва Меҳриниса образларида ёзувчи ўнлаб, юзлаб Шоаҳмад ва Баҳриларнинг матонати ва мардлигини, ватанпарварлигини ва инсонийлигини мужассам қилади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки Шомаҳмудовлар оиласи — якка эмас, уруш даврида Ўзбекистонда ота-онасиз қолган болаларга ёрдам қўлини чўзмаган, уларнинг тақдиридан четда турган оилани учратиш қийин эди.

Асарнинг интернационалистик, гуманистик пафоси ҳам мана шунда. «Бу романим фақат ҳужжатли асар эмас,— деб ёзади Раҳмат Файзий мақолаларидан бирида,— унинг тасвир доираси бир оила тарихига нисбатан кенг. Унинг қаҳрамонлари мен урушнинг машаққатли йилларида яқиндан билган ва жондан севган оддий кишилар. Мен «Ҳазрати инсон» романида урушнинг оғир машаққатларини бошидан кечирган, аммо ҳамма қийинчиликларни енгиб, душман устидан бўлажак ғалабани яқинлаштириш учун мардонавор меҳнат қилган совет кишиларини тасвирлашга интилдим».

Раҳмат Файзий «Ҳазрати инсон»да муҳим бир ғояни илгари суради: Маҳкам ака ва Меҳринисаларнинг қаҳрамонлиги — фавқулодда ҳодиса, лекин шу билан бирга бу қаҳрамонлик — совет кишилари учун нормага, ҳаёт тарзига айланиб қолган. Олий маънодаги гуманизмнинг, инсонийликнинг типик кўриниши ҳам шунда эмасми? «Ҳазрати инсон» романига хос мазкур тенденция, назаримизда ёзувчини улуғ М. Горький традициялари билан боғлаётганга ўхшайди. М. Горькийга хос бўлган гуманизм («Инсон — мағрур жаранглайди») таъсири Раҳмат Файзий ижодида ҳам айниқса ушбу романида яққол сезилади. Лекин Раҳмат Файзий

романидаги гуманистик концепция инсон шахсини романтиклаштириш орқали эмас, балки қаҳрамон образини традицион формаларда, ишда, оилавий ҳаётда, турмуш иқир-чиқирларида тасвирлаш орқали очиб берилади.

Зотан, «Ҳазрати инсон» — традицион структурага эга бўлган роман. Асарда воқеалар бир текис, маълум сокинлик билан, эпик тарзда бири кетидан иккинчисини тасвир этилади. Асарда эмоционал портлашларни келтириб чиқарадиган паузалар, ретроспектив чекинишлар, аритмия ҳоллари учрамайди. Бир сўз билан айтганда, «Ҳазрати инсон» традицион типдаги романлардан фарқ қилмайди. Шу билан бирга роман тематик жиҳатдангина эмас, балки структура жиҳатдан ҳам том маънодаги замонавий асар. Унда ҳозирги совет романичилиги поэтика соҳасида эришган энг яхши ютуқлар мужассам бўлган.

«Ҳазрати инсон» романи структурасининг замонавийлиги даставвал ёзувчи позицияси, тасвирланаётган ҳаётний воқеликка ҳозирги кун тафаккури, тушунчаси, интеллектуал-фалсафий даражасидан туриб муносабатда бўлиши орқали белгиланади.

Ёзувчининг маҳорати яна шунда кўринадики, китобхон улкан ҳаётний материални зарур бўлган эстетик формага солиш, ҳаёт ҳақиқатини бадиний ҳақиқатга айлантириш соҳасида ёзувчи сарфлаган меҳнатни, унинг уринишларини сезмайди, романдаги барча воқеа-ҳодисалар, унинг ҳамма қисмлари гўё оддий ва табиий. Раҳмат Файзий асарини моҳирона тўқилган каштага қиёс қилсак, ана шу каштанинг ортидан биронта тугунни учратмаймиз.

Китобхоннинг кўз ўнгидан оддий, ҳаммага таниш воқеалар, қаҳрамонлар ўтаётгандай бўлади. Биз шу воқеаларда гўё ўзимиз қатнашамиз, қаҳрамонлар тақдирини, уларнинг кечинмалари бизнинг тақдиримизга, кечинмамизга айланади, улар билан бирга кулфат чекамиз, қувонамиз. Анҳор бўйида «шаҳарнинг кўрки» бўлмиш толзордаги чойхона сўрасида ўтириб, «гул шайдоси Ориф ота» дамлаб келган чойни ичамиз, ота эккан райҳонларнинг муаттар ҳиди димоғимизни қиқилтилади.

Меҳриниса ва Маҳкам акалар билан минглаб одамлар тирбанд бўлган Тошкент вокзалига бориб, етим болаларни кутиб оламиз, уларнинг аҳволини, кўз ёшини кўриб, қалбимиз исёнга келади.



Раҳмат Файзий ҳодисалар моҳиятини очиб беришда, қаҳрамонлар характерини яратишда «турмуш икир-чирларидан», деталлардан усталик билан фойдаланади. Ҳаттоки, баъзан ёзувчи деталларни сунистеъмом қилаётганга ўхшайди: лекин аслида бундай эмас — роман поэтикасида ҳар бир деталнинг ўз ўрни, бадий вазифаси бор.

Мана, ёзувчи китобхонни Меҳриниса билан таништирамоқда: «Ўрта бўй, тўлалиги саҳти-сумбатига жудаям ярашган, агар сал эт қўйса ёки ташласа қоматининг бу хушсуратлигига путур етгудай. Ҳаёт тирноғи ҳам пешонасига чизиклар тортиб улгурмаган... Қошларидан ҳаммиша ўсма аримаганиданми ё асли ўзи шундайми, унчалик қуюқ бўлмаса ҳамки, тери қўйгандек, терганда ҳам биронта толаси чизикдан чиқмайди, текис. Кўзлари ҳаммиша ёшларникидек тийрак, кулиб туради. Кулганида икки юзининг кулчасидаги кулгичлари тағинам чуқурлашиб, чап юзининг пастидаги ярим палла мошдек холини беркитиб юборади. Кўкрак бурма кўйлак қопга ўхшайди дейишгани бекор экан. Сумбатга қараркан. Саҳт-сумбати келишган жувон шу кўйлакда ҳам манаман деб тураркан. Уйга ҳам, тўй-ҳашамларга ҳам шу кўкрак бурмани кияр, бошқасини ёқтирмасди. Ўсма қўйнишдан бошқа пардозни билмаган Меҳринисани атлас кўйлак, почаси жиякли лозим, амиркон ковушда кўрган қари ҳам, ёш ҳам ҳавас билан унга суқланиб тикиларди» (Раҳмат Файзий, «Ҳазрати инсон», Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1975 й., 10-бет. Бундан сўнг мисоллар романнинг шу нашридан келтирилади).

Бадий деталлар миллий анъаналар, урф-одатлар, миллий ҳаёт тарзини тасвирлашда ҳам, оламшумул воқеалар кўламини, барча совет халқларига хос умумий белгилар — қаҳрамонлик, матонат, буюк ватанпарварлик, интернационал дўстликни акс эттиришда ҳам бир хил муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Меҳринисалар бола асраб олганини эшитиб, Маҳкам аканинг синглиси Адолатхон совға-салом билан «тугун кўтариб» келади. Қўни-қўшнилар эса эрталабдан «муборак бўлсинга кириб кела бошлашади» (135—136-бетлар).

Романнинг иккинчи бобида совет кишиларига хос буюк гуманизмни ўзида мужассам қилган ажойиб детал бор. Ишдан қайтаётиб, Маҳкам аканинг кўзи «Бир қўлида чақалоғини кўтарган, иккинчи қўлини чўзиб, кўрсаткич бармоғини найза қилган аёл» тасвирланган

плакатга тушади. «Йўлкадан юриб борар экан, ҳамон хаёли бояги суратдаги гўдакда эди. Аввалига кўзига гира-шира кўринган бола энди тирикдай унга талпиниб, мадад кутаётгандай».

Романнинг баъзи саҳифалари ҳақиқий фожиавий пафос касб этади, китобхон қалбини, асар қаҳрамонлари билан бир қаторда ларзага солади. Масалан, отонасиз қолган бегуноҳ гўдакларни Тошкент вокзалида кутиб олиш эпизодини эслайлик.

«Маҳкам ака билан Меҳриниса трамвайдан тушишганда вокзал майдони одамлар билан тўла эди. Оппоқ соқолли қариялар, докарўмолининг икки учини орқасига ташлаган кампирлар, ишхонадан ёхуд уй-рўзгор юмушини ташлаб, тўғри келаверган аёллар туришибди». Хуллас, ҳукумат бошлиқларидан тортиб, оддий темирчи Маҳкам акагача — ҳамманинг кўзи йўлга тикилган. Ниҳоят, состав перронга келиб тўхтади. «Узундан-узоқ составда биронта соғ вагон йўқ, ҳаммаси мажакланган, ҳаммаси ўт-олов ичидан гилдираги бут бўлса судралиб чиқиб, жон сақлаб қолган-да...»

«Вагон деразалари ёнига гужанак бўлиб тўпланиб олган болалар нимжон қўлларини чиқариб талпинишади. Юз-қўллари кир, кийимлари йиртиқ, баъзиларнинг қўли, кўзи, юзлари дока билан боғланган. Қуруқ суяк бўлиб қолганлари ҳолсизликдан ўртоқларининг елкасига қўлини ташлаб, зўрға бошини кўтариб туришибди» (97-бет).

Мана шунга ўхшаш деталь ва эпизодлар давр руҳини, ҳаёт ҳақиқатини англаб олишга ёрдам беради.

Маҳкам ака ҳам Меҳриниса ҳам, романнинг бошқа қатор қаҳрамонлари ҳам асосан шаклланган характерлар. Ёзувчи рўй бераётган улкан воқеалар, ҳаёт-мамонт кураши фонида ва таъсирида ана шу характерларнинг ҳали рўёбга чиқмаган, яшириниб ётган имкониятларини, хусусиятларини, уларнинг қалб бойлигини оча бориш йўлидан фойдаланади.

Меҳриниса минглаб ўзбек аёлларининг бири. Унинг «айби» боласи йўқ. Баъзилар: «Гулдай жувон-а, шундай ўтаётибди... шўрлик»,— деса, бир хил қўни-қўшнилар: «Ғоз юриб, санаб қадам босиши тўлғоқ емаганидан-да»,— деб таъна қилишади.

Меҳриниса характеридаги хусусиятлар, баъзи танқидчилар ёзганидек, уруш воқелиги таъсирида шакланмайди, улар потенциал равишда мавжуд, социалистик жамият, янгича ҳаёт тарзи совет кишиси характе-

рида шакллантирган хусусиятлар бўлиб, уруш уларнинг рўёбга чиқишига, реаллашишига олиб келади.

Болажонлик, болага бўлган улкан меҳр — ўзбек аёлига хос миллий хусусиятлардандир. Совет воқелиги, социалистик жамият бу хусусиятга умумбашарийлик билан боғлиқ бўлган янги қирралар бахш этади, сайқал беради. Шунинг учун ҳам бутун роман давомида Меҳринисанинг бир боласини рус, иккинчисини — яҳудий ёки қозоқ, деб ажратганини учратмаймиз.

Меҳриниса ҳам, Маҳкам ака ҳам ана шундай қаҳрамонлардир. Раҳмат Файзий ўз қаҳрамонларини донмо ҳаракатда тасвирлайди. Қаҳрамонларнинг донмий ҳаракатда эканлиги, уларнинг ўзаро муносабатлари, воқелик билан мураккаб алоқалари романда акс этган ҳаётий ҳақиқатни келтириб чиқаради.

Меҳриниса образида, бошқа асосий образларда бўлгани каби чуқур индивидуал, ҳатто интим хусусиятлар билан умуминсоний белгилар — совет кишиларига хос бўлмиш белгилар бирлашиб кетган. Бу, биринчи навбатда Она қалби, Она меҳри масаласи билан боғлиқ.

Мисол учун Меҳриниса — Ботир муносабатларини олиб кўрайлик.

Ботир — Меҳринисанинг жияни, бевақт вафот этган опасининг ўғли. Меҳриниса опасининг ўғлини ўз фарзандидек кўради, лекин фарзанд меҳрини у ҳали тўла ҳис қилмайди. Бу меҳр ҳали Меҳриниса қалбининг аллақаерида яшириниб ётибди.

Меҳриниса қалбида оналик меҳрининг рўёбга чиқиши учун қандайдир туртки зарур. Ботирнинг фронтга кетиши ана шундай воқеага айланади. Энди Ботир билан боғлиқ ҳамма нарса Меҳриниса учун бошқача маъно касб этади. Қўшни хотин Ботирни нима деб дуо қилди, севгилини Салтанат билан йигит ўртасидаги кўз илғамас муносабатлар, унинг сочини олдирганигача — барчаси Меҳриниса учун муҳим, гўё қалбига муҳрлаб олаётгандай.

Ва ниҳоят: «Меҳриниса ҳарчанд уринмасин, ўзини тутиб туролмади. Ботирни бағрига босиб, юм-юм йиғлайверди» (64-бет).

Меҳринисада уйғонган оналик меҳрининг яна бир мисоли:

«Ботир кўчанинг муюлишига бориб қолганида ундан кўзини олмай йиғлаётган Меҳриниса овози борича қичқирди:

— Ботиржон, болам, узум эсимдан чиқибди.

Йигитлардан бири орқасига қайтмоқчи эди. Ботир уни тўхтатди, ўзи югуриб келди.

— Ма, муздаккина, ўртоқларнинг билан еб кетарсан.

Ботир холасининг юзига тикилиб туриб, онасини кўрди. Гўдаклардек унинг бағрига отилиб, маҳкам қучоқлади» (64—65-бет). Кичик бир деталь (узум), лекин унда қанчалик чуқур маъно яширинган: Она меҳри, фарзандини урушга жўнатаётган она фожиаси, умид, ишонч.

Меҳриниса характеридаги улкан гражданлик ҳиссининг, ватанпарварликнинг рўёбга чиқишида бу эпизод ҳал қилувчи эмас, лекин ҳар қалай муҳим роль ўйнайди. У бундан кейин Ботирни кузатиш соатини қалбида бир умрга сақлаб қолади. Меҳриниса энди Ботирни навқирон йигит сифатидагина эмас, она меҳрига, онанинг ҳимоясига зор мурғак сифатида тасаввур қила бошлайди (74-бет). Ундаги бу ҳолат, тасаввур жуда муҳим — бу фарзанди Ботир билан уруш етим қолдирган болалар ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайди. Меҳриниса уруш даҳшати ҳақида, урушнинг гўдаклар бошига солаётган кулфати, одамлар уларни ўз бағрига олаётгани ҳақида ҳар куни эшитади, вокзалда ўз кўзи билан кўради.

Ва ниҳоят Маҳкам ака Витя номли болани болалар уйидан келтиради.

Эр-хотин кўчада араваларда келаётган етим болаларга дуч келишади. Аравалардан биридаги боланинг чинқариб йиғлаётган овози эр-хотиннинг эътиборини тортди. Боятдан бери жим турган одамлар орасида ғовур-ғувур бошланди. Бирн-бирига нотаниш, бегона одамлар бир нарса тўғрисида гаплашишарди, бир нарсанинг ташвишини қилишарди (156-бет). Бу гал улар бола олиш-олишмаслик тўғрисида маслаҳатлашиб ўтиришмайди — уларнинг фикри ҳам, ўйи ҳам битта. Маҳкам ака яна болалар уйига йўл олади ва энди икки болачи: Галя ва Абрамни бошлаб келади.

Улардан сўнг Сарсонбой, Остап... Кейин бутун шаҳарни ахтариб Остапнинг синглиси Лесяни топишади.

Романда ҳар бир боланинг келтирилиши бутун тафсилоти билан тасвирланади. Меҳриниса ва Маҳкам аканинг болалари турли миллат вакилларигина эмас, уларнинг характерлари, тақдири, кечинмалари ҳам турлича, фақат фожиалари, кулфатлари бир хил — уруш келтириб чиқарган.

Энди Меҳринисанинг турмуши, ташвиши ўзгарди. «Болаларнинг ғалва-ташвиши эр-хотинни олиб бориб, олиб келарди. Тонг отади, кун ботади, қуш тинади, қурт-қумурсқа тинади, Меҳринисада тиним йўқ. Куннинг қандай қилиб ўтганини билмайди... Меҳриниса буларни ўйламасди ҳам, нолимасди ҳам» (248-бет). Ҳаёт Меҳринисанинг олдига энди янги-янги муаммоларни қўяди. Келинлик кезларидан бошлаб рўзғор нималигини, танқисликни билмаган аёл энди кунда қозон қайнатиш ташвишини торта бошлайди. Шунча болани кийинтириш, қорнини тўйдиришнинг ўзи бўлмайди. Лекин у нолимайди. Чунки болаларнинг бахти — унинг бахтига, болаларнинг қувончи — унинг қувончига айланади. Фақат бугина эмас. У энди бола тарбияси ҳақида ҳам қайғуради, чунки тарбия — кийинтиришу едирш эмас. Энди Меҳриниса характерининг янги қирралари очила боради, унда тарбиячи истеъдоди намоён бўлади. Меҳриниса яхши биладикки, бола оиласида кўрганини қилади, ҳар бир ишда ота-онасидан мисол олади: «Опа, ҳаммаданам энди зарур бўлиб қолибди ўзимга қараб туришим. Болалар бор, ўсишвотти, кимга қараб ўсишади, ахир», — дейди у Йқбол сатангга.

Меҳриниса образи ёзувчи томонидан асосан оила доирасида, асраб олган болалари билан муносабатда тасвирланган. Лекин худди ана шу оила доирасида унинг энг яхши инсоний хусусиятлари, буюк қалби, гражданлик ва ватанпарварлик ҳисси намоён бўлади. Ана шу оила уни бутун мамлакат тақдири билан, қолаверса, бутун дунё билан боғлайди. Зотан Меҳриниса оиласи — оддий оила эмас, бу — интернационал оила, ватанимиз тақдирини, бахти ва кулфатини, унинг келажagini ўзида мужжасам қилган оила.

Авваллари Меҳриниса ўзининг кимгадир зарурлиги, кераклиги ҳақида (Маҳкам ака бундан истисно) балки ўйлаб ҳам кўрмагандир. Энди у руҳан, бутун қалби билан болаларига инсон сифатида ҳам, она сифатида ҳам (зотан, буларнинг иккаласи ҳам бир нарса) зарур эканини ҳис қилади. Бу айниқса касалхона эпизодида яққол кўринади.

Маҳкам ака фронтга кетгандан сўнг Меҳриниса оғир бетоб бўлиб, касалхонага тушади. Лекин бу ерда ҳам ўз дарди ҳақида эмас, болаларнинг тақдири ҳақида ўйлайди.

Болалар уни кўргани келишади. Улар бирин-кетин чиқиб кетишгач, «қандайдир ғойибона куч уни дарддан

фориг қилди, фикр-ўйлари равшанлашди, кўзлари чарқлаб, қувноқ ёшлик, дуркун келинчаклик, оламнинг бутун нашъу намосига гарқ бўлган давридек ҳис этди ўзини. Бу нима ўзи? Бахтми? Толеми? Қувончми ё сароб?.. «Бахт!» деб юборди бехосдан. Ирғиб ўрнидан турмоқчи, ҳар бирини битталаб бағрига босмоқчи бўлди...» (432-бет).

Она қалбининг буюк қувончи ва қудрати романда ана шундай эпизодларда намоён бўлади.

«Ҳазрати инсон» романи гоявий-бадний мазмунининг рўёбга чиқишида Маҳкам ака образи муҳим ўрин тутди. Бу образ, даставвал, романининг аналитик йўналиши, фалсафий асоси билан мазкур темада яратилган ҳикояларда, айниқса киноповестда эмоционал пафос кучли бўлгани сабабли, она образи биринчи планда турар эди. Романда эса фалсафий-аналитик ибтидо олдинги планга чиқади.

Маҳкам ака характери Меҳринисага ўхшаб асосан ҳамда бир-бирига яқин, улар оила тарзидаги бир бутунликни ташкил қилади. Лекин улар характер сифатида ўз дунёқарашига, тафаккурига, интеллектуал даражасига, ички дунёсига индивидуал хусусиятларига эга. Бу образлар ижтимоий тараққиёти жиҳатдан, воқеликка муносабат даражаси ва кўлами жиҳатидан ҳам фарқ қилади.

Маҳкам ака характери Меҳринисага ўхшаб асосан оилавий муносабатлар фондидагина эмас, кенгроқ планда очиб берилади.

Маҳкам ака — кўп қиррали, эпик планда тасвирланган, бой ва бадний мураккаб характер.

Маҳкам ака образида «Ҳазрати инсон» романининг бош гояси — социалистик интернационализм, ватанпарварлик, жамиятимизга хос бўлган актив гуманизм бошқа образларга қараганда кенгроқ планда, чуқурроқ очиб берилган.

Маҳкам ака образининг энг муҳим томонларидан бири шундаки, ёзувчи бу образда фақат унгагина хос бўлган индивидуал хусусиятлар билан бирга, юзлаб-минглаб совет кишилари учун табиий бўлмиш қардошлик ҳиссини, чуқур ватанпарварликни, жасорат ва матонатни — социалистик жамият тарбиялаб етиштирган хислатларни мужассам қилади. Унинг кўз ўнгига одамлар фронтда, меҳнат жабҳасида жасорат, мардлик кўрсатишмоқда — бу кундалик ҳаётнинг нормаси бўлиб қолган. Маҳкам ака ана шу минглаб одамлардан ўзини

ажрата олмайди. Шунинг учун у бир ярим-икки смена-лаб, бир неча кунлаб корхонада қолиб кетар экан — бу нарсани фавқулодда ҳодиса, қаҳрамонлик деб тушунмайди. Романда шундай эпизод бор: Маҳкам ака сурункасига бир ҳафта икки сменадан ишлайди, натижада иш пайтида ҳушидан кетиб йиқилади. Бир оз ўзига келгач, одамлар тепасида тўпланиб турганини кўриб, хижолат чекади:

«Ие, ҳаммани ишдан қўйибман-ку, а. Ҳеч нарса қилгани йўқ. Сал кўзим тингандай бўлди-да...» (393-бет). Бу сўзлар — қуруқ сафсата ёки ўзининг шундай одам эканини таъкидлаш эмас. Маҳкам ака ҳақиқатан «касава»ларни олдида «ҳаммани ишдан қўйгани» учун хижолатда. Шунинг учун ҳамшира қиз: «Бугун ишламай-сиз. Дам олинг!»— деб буюрганда:

«Барака топкурлар, тепамиздан ўқ ёғилиб, ўлим билан юзма-юз келаётганимиз йўқ-ку. Шу арзимаган от анжомлариниям вақтида етказиб бермасак; айб бўлар»,— деб жавоб беради (393-бет). «Айб бўлар». Шу икки оғиз сўзда Маҳкам ака характерининг маънавий сирни яшириниб ётибди. У ҳар бир ҳаракатини, қилаётган ишнинг «ўлим билан юзма-юз» келаётганлар жасорати мезони билан ўлчайди.

Адабиётшунос Георгий Ломидзе «Улуғ бирлик туйғуси» китобида Маҳкам ака «ўзи қилаётган ишнинг маъно ва мазмунини ақл тарозусига солиб ўлчамайди. У социалистик жамият шароитида тарбияланган инсоннинг қалби нимани буюрса, шуни қилади. Унинг қилмишлари фавқулодда, ўз-ўзидан туғилади»,— деб ёзади. Бу фикр унчалик тўғри бўлмаса керак. Ҳа, Маҳкам ака қалби буюрганини қилади. Лекин ҳар бир ишни, қилмишни қалби билангина эмас, ақл-идрок торозуси билан ҳам ўлчайди. Шунинг учун «Ҳазрати инсон» романидаги аналитик йўналиш кўп жиҳатдан Маҳкам ака образи билан боғлиқ.

Масалан, одамлар фронт ичкарасидан келтирилган етим болаларни асраб олишаётганини Исмоилжондан эшитиб, ўзини-ўзи қийди:

«Чиндан ҳам эсимни еб қопман. Шу фикр нега миямга келмади. Серфарзанд кишилар шуни ўйласа-ю, менинг хаёлимга келмаса. Ахир, бизга лозим-ку...» (84-бет).

Бола тарбияси борасида ҳам Маҳкам ака фақат ҳиссиёт билан эмас, чуқур фикрлаб, ўйлаб иш тутадиган

одам эканини кўрамиз. У хотинга, ота-она болаларига ҳар ишда ўрнак бўлиши лозимлигини уқтиради.

Маҳкам аканинг болаларга муносабатида Раҳмат Файзий унинг характериға хос бўлган муҳим бир белгини қайта-қайта таъкидлайди: у етим болаларни уларға раҳми келганидан, ачинганидан бағриға олган эмас. Маҳкам акада уларға нисбатан чуқур меҳр ҳисси бор. Шунинг учун уни эски қадрдони, касбдоши Исмоилжон машҳур педагог Макаренкоға қиёс қилади: «Бир одам шунча ишға қодир бўлишиға ақлим бовар қилмайди. Биттасиға қониқмай, иккинчисини, учинчисини олди, сал ўтмай тўртта бўлди. Мана, ҳозир олтига болани бағриға олиб ўтирибди. Едириб-ичириб, кийинтиришни қўяверингу ҳар биттасининг ташвишини айтмайсизми? Войбўй... дарё, юраги дарё экан бу одамнинг. Уйиға борганимда болаларға қилаётган муомаласини кўриб оғзим очилиб қолади... Макаренко бор-ку... ўшанга ўхшатаман... Бунчалик раҳм-шафқат, оқибат, сабр-тоқат, чидамни қаяқдан олади бу одам дейман. Икки гапнинг бирида: «Ҳозир энг зарури мана шулар, шуларнинг тақдири» дейдиган бўлиб қолган. Назарида қулочини ёзса-ю, жамки етимларни бағриға ола қолса...» (220—221-бетлар).

Муҳими шундаки, «жамки етимларни бағриға» олишға тайёр «юраги дарё» — фақат Маҳкам ака эмас, Исмоилжоннинг ўзи ҳам, завод директори Қодирхўжа, Туробжон, Абдулҳафиз, юрт оқсоқоли Йўлдош Охунбоевгача — ҳаммаси шундай одамлар. Маҳкам аканинг ўзи ҳам бошқалар ҳақида худди шундай фикр юритади. Шундай қилиб романда хусусий ҳодиса замирида жамиятимизға, совет кишисига хос бўлган умумий белгилар тасдиқланади.

Маҳкам аканинг болаларига қилаётган муомаласи, муносабати унинг ақл-заковатидан, туғма тарбиячилик истеъдодидан далолат беради. У ҳар бир боланинг ўзи «бир дунё» эканини, ўз характери, ўзининг хулқ-атвори, ички дунёси, психологияси мавжудлигини яхши биллади.

Маҳкам ака характерининг энг муҳим хусусиятларидан бири интернационализмдир. Интернационализм — унинг дунёқарашини, ҳаётға, одамларға муносабатини белгилайди. Интернационализм Раҳмат Файзий яратган характернинг моҳиятини, мазмунини белгилаб беради. Бир миллатни юқори, иккинчисини паст қўйиш, миллат ажратиш унга бутунлай ёт. Болаларнинг орасида рус



ҳам, украин ҳам, қозоқ, татар, яҳудийси ҳам бор — уларнинг ҳаммаси Маҳкам акага бирдай қадрли, азиз.

Қаҳрамон характерининг бу хусусиятлари болалар уйида рўй берган бир воқеада яққол кўринади. Маҳкам ака дастлаб асраб олган ўғли Витяни етаклаб яна болалар уйига боради. Унинг илтимосини эшитган тарбиячи жувон: «Қайси миллат боласи бўлсин»,— деб сўрайди. Шунда «Маҳкам аканинг аъзойи бадани титраб кетди. Ранги оқарди. Жувон буни пайқадими, йўқми, қўлидаги дафтарга алланималарни ёзишдан тўхтамади.

— Қизим,— деди зўрға ўзини босиб Маҳкам ака,— мен мол бозорига келганим йўқ. Тушундингизми?

— Ахир, отахон...

— Ахир-пахирни йўқ! Индамасам, ориқми-семизми, кемшиқми-пучуқми, қорамн-сарнқми деб сўрайдиганга ўхшайсиз?

— Вой, отахон, миллатини сўрасам сиз...

— Ҳамма миллат боласи бир! Ҳаммасини худо яратган! Ҳаммаси одам боласи!» (160—161-бетлар).

«Ҳаммаси одам боласи!»— деган тушунчага Маҳкам акани катта ҳаёт йўли олиб келган, социалистик жамият унда шу тушунчани тарбиялаган. Бу — Маҳкам акага ўхшаган миллионлаб совет кишиларининг ишончи, имони, жамиятимизнинг муқаддас қонуни бўлиб жананглайди романда. Бу ўринда Йўлдош Охунбобоевнинг Маҳкам ака ҳақидаги сўзлари диққатга сазовор:

«Оддий бир темирчи оиласи олтига гўдакни бир дастурхон атрофига ўтқазиб, ризқ-насибасини баҳам кўраётган, уларга оталик, оналик меҳри тушган экан, биз бундай одамларга сажда қилишимиз керак. Халқимизнинг ана шу инсоний фазилатларини, бебаҳо ташаббусларини қўллаб-қувватлашимиз, уларга бошчилик қилишимиз керак. Асил қавм-қариндошлик, дўст-биродарликнинг таомили шу. Бу ҳам қарз, ҳам фарз. Янги замоннинг янги одамларига хос удум бу. Бу удумни эл-юрт, инсоният қадрляпти, маъқулляпти, таҳсин айтяпти...» (232—233-бетлар).

Раҳмат Файзий роман воқелигининг эволюцияси жараёнида Маҳкам ака характерининг янги-янги қирраларини оча боради. Борган сари китобхон кўз ўнгиде Маҳкам ака шахси кўламлироқ, қудратлироқ бўлиб, ўсиб, улғайиб боради. Маҳкам ака образи орқали инсон ҳар ишга қодир эканига, унинг имкониятлари, саховати, меҳри чексиз эканига, халқлар дўстлигининг енгилмас куч эканига ишонамиз.

Маҳкам ака ва Меҳриниса образларида Раҳмат Файзий халқ характери эволюциясининг, социалистик жамият ҳаёт тараққиётининг бош тенденциясини мужассам қилади. Ана шу тенденциянинг турли қирралари «Ҳазрати инсон» романининг бошқа қаҳрамонлари характерида ҳам акс этган. Бу ўринда, айниқса, республика раҳбарлари Йўлдош Охунбобоев ва Усмон Юсупов образларининг муваффақиятли чиққанини таъкидлаш лозим.

Бу икки образда ёзувчи партиянинг халқни бирлаштирувчилик қудратини, партия донолиги ва саховатини акс эттирган. Усмон Юсупов билан Йўлдош Охунбобоев образи романда баъзи эпизодлардагина (вокзалда етимларни кутиб олиш, шу ердаги катта йигин, Маҳкам аканинг уйига Йўлдош отанинг келиши) учрайди. Лекин бу эпизодлар асар ғоявий-бадний мазмунининг очилишида муҳим роль ўйнайди.

Раҳмат Файзий «Ҳазрати инсон» романида, бошқа асарларида бўлгани каби, «меҳр» сўзини кўп ишлатади. Бу — бежиз эмас. «Меҳр» тушунчаси романнинг ғоявий-бадний структурасида муҳим ўрин тутаяди. Бу тушунчага ёзувчи жуда катта интеллектуал ва эмоционал вазифа юклайди. Меҳр — Раҳмат Файзий қаҳрамонлари ўртасидаги инсоний муносабатларни белгилаб беради.

Биз юқорида «Ҳазрати инсон» — мураккаб ва кўп қиррали структурага эга бўлган асар дедик. Романда лирик йўналиш ҳам мавжуд бўлиб, бу биринчи навбатда Ботир билан Салтанат ўртасидаги нозик, ўта соф севги тасвири билан боғлиқ. Ёзувчи икки ёшнинг севгисини тасвирлашда инсон қалбининг ичига кира олган. Ботир билан Салтанат севгисини маълум фожиавий мотив ҳам бор. Ботир фронтга кетгач, Салтанат ҳомилдор бўлгани учун, одамларнинг таънасидан қўрқиб ўзини ҳалок қилади. Лекин Ботир қайтиб келганда, қизнинг ўлмагани, фронтга кетиб, партизанларга қўшилгани, кейин фарзанд кўргани маълум бўлади. Ёзувчи бу саргузаштларни тасвирлашда изчилликдан чекинади, характер мантиқини бузади. Бу, албатта, роман структурасида маълум даражада ожизликни келтириб чиқаради.

Лекин «Ҳазрати инсон» романининг ғоявий-бадний таъсир кучи ва аҳамияти бу тонфа камчиликларга боғлиқ эмас. Асарнинг аҳамияти ёзувчи халқ характерини, халқ ҳаётининг етакчи тенденцияларини катта маҳорат билан, меҳр билан тасвирлай олганида. Шу хусусиятла-

ри билан «Ҳазрати инсон» ўзбек адабиётининг романчилик соҳасида эришган муваффақиятларини, ривож чўққисини намойиш қилади.

Раҳмат Файзий романининг китобхонлар ўртасидаги шуҳрати ҳам шу билан боғлиқ.

«Ҳазрати инсон» қисқа муддат ичида ўзбек тилида бир неча марта нашр этилди, рус тилига, мамлакатимиз халқларининг турли тилларига таржима қилинди. Роман кейинчалик инглиз, француз, вьетнам, форс, испан, поляк, немис, словак, болгар каби бир қатор хорижий тилларда ҳам босилиб чиқди ва чет элларда ҳам минглаб китобхонларнинг қалбига етиб борди.

Совет танқидчилари ҳам, чет эллик адабиёт намоёндалари ҳам Раҳмат Файзий романининг кўп миллатли совет адабиётининг катта муваффақияти эканлигини бир оғиздан таъкидлашди. Машҳур рус ёзувчиси, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Георгий Марков «Ҳазрати инсон» романини «истеъдод билан ёзилган китоб, кўп миллатли совет адабиётимизнинг катта ютуғи, адабиётимиз ривожининг ажойиб мисоли»,— деб атади.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, ўзбек адабиётининг катта дўсти Вадим Кожевников роман ҳақида чуқур ифтихор билан шундай деб ёзади: «Ҳозирги кунда кўп миллатли совет адабиётини авторга фақат бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам ҳақли равишда шуҳрат келтирган бу асарсиз тасаввур қилиш қийин».

Роман ўзбек тилида босилиб чиққанидан сўнг ўн йилча вақт ўтди. Лекин ҳозирги кунгача Раҳмат Файзий номига бепоён мамлакатимизда ҳамда чет элларда яшовчи ўнлаб, юзлаб китобхонлардан хатлар келиб туради. Улар «Ҳазрати инсон» романининг қаҳрамонлари Маҳкам ака ва Меҳриниса қалбларига ўрнашиб қолгани, бу қаҳрамонлар совет халқининг буюк жасорати ва саховатини, интернационал дўстлик туйғуларини бутун дунёга намойиш қилаётгани ҳақида ёзишадди.

«...сизнинг романингиз бу олижаноб оилани (Шомаҳмудовлар оиласи назарда тутиляпти — Л. Қ., Т. С.) қалбимизга янада яқинлаштирди. Улар биз учун ҳамisha азиз одамлар бўлиб қолди. Улуғ Ватан уруши йилларидаги ўзбек халқининг жасоратини баҳолашдан ожизмиз. Негаки мингларча болалар сизларнинг иссиқ, оташин, ота-оналарча муҳаббат билан суғорилган меҳрингиз туйғули вояга етди... Бизга ота-оналаримизнинг уруш

йилларидаги оғир қисматларини ҳаққоний тасвирлаб берганингиз учун сизга катта раҳмат», дейилади Днепрпетровскдаги мактаб ўқувчиларидан келган хатда. Ёзувчига хат йўллаган китобхонлар орасида «Ҳазрати инсон» романида тасвирланган воқеаларда, қаҳрамонлар тақдирида ўз ҳаётининг, тақдирининг бир парчасини кўрган одамлар ҳам учрайди. Мана, Винница шаҳрида яшовчи Мария Шафрановадан келган хатдан бир парча:

«Романингизни ўқир эканман, 1941 йилдаги Тошкентнинг гавжум вокзали, унинг ёнидаги майдон, немис босқинчиларининг хонавайронгарчилигидан сарсон бўлган болалар ва оналар бутун борлиғи билан хаёлимдан ўтди. Уша гавжум вокзал майдонида тўрт яшар ва икки ойлик эмизикли болаларим билан мен ҳам бор эдим. Ҳа, узоқ, жуда узоқ йўлларни босиб келган бизга ўхшаб минглаб оила, минглаб болаларни Тошкент ва унинг аҳолиси олижаноблик билан кутиб олган, ўзининг иссиқ бағрини очган эди».

Раҳмат Файзийга чет эллик китобхонлар — ёр-дўстларимиз, биродарларимиздан ҳам кўплаб хатлар келиб туради. Масалан, болгариялик йирик давлат арбоби, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Болгар — Совет дўстлик жамиятининг кўп йиллик раҳбари Цола Драгойчево ўз мактубида шундай деб ёзади: «Ҳурматли Раҳмат Файзий! Оддий совет кишисининг улуғворлиги ҳақидаги ҳаққоний дoston бўлмиш «Ҳазрати инсон» китобингиз учун менинг самимий миннатдорчилигимни қабул қилгайсиз».

Китобхоннинг завқи, унинг миннатдорчилиги — ёзувчи учун улкан бахт, ижодий камолотга чорловчи рағбатдир. «Ҳазрати инсон»нинг автори ана шундай бахтга эришган адибдир.

## ЭКРАН САНЪАТИНИ ЭГАЛЛАШ ЙЎЛИДА

«Сен етим эмассан» ва «Ёр-ёр» киноповестлари Раҳмат Файзийнинг 60-йиллар ижодида муҳим ўрин тутади. Аввало ёзувчи ўзи учун янги бўлган санъат соҳасига қўл урди.

Кино санъатининг ўзига хос хусусиятлари, ўз қонуниятлари бор. Бу санъат техникасини эгалламай туриб, яхши сценарий яратиш мумкин эмас. Раҳмат Файзий сценарийлари айниқса «Сен етим эмассан» сценарийси

асосида бунёдга келган фильмларнинг катта шуҳрат қозонгани адибни ўзи учун янги бўлган санъат сирларини яхши ўрганганидан далолат беради. Бу борада унинг «Ўзбекфильм» студиясида ишлагани катта ёрдам берганлиги аниқ.

«Сен етим эмассан» киноповести 1960 йили «Шарқ юлдузи» журналида босилиб чиқди, 1962 йилда эса алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Шундан кўринадики, бу асарнинг машҳур фильмга асос бўлган сценарий сифатидагина эмас, бадий прозанинг намунаси сифатида ҳам қиммати катта.

Раҳмат Файзий сценарийси асосида талантли кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов томонидан ишланган фильм жаҳонни кезиб чиқди, ўзбек киносанъатининг, совет киноклассикасининг ажойиб намунасига айланиб қолди. Фильм қатор кино фестивалларида мукофот олди. Раҳмат Файзий сценарийси эса икки Бутуниттифоқ кинофестивалининг сценарийлар учун бериладиган алоҳида мукофотига сазовор бўлди.

Раҳмат Файзий асарида оддий темирчи Маҳкам ака, унинг рафиқаси Фотима опалар тимсолида совет кишисига хос буюк гуманизм, пролетар интернационалиزمи ғоялари, меҳр-оқибат, одамийлик ўзининг бадий аксини топди.

«Сен етим эмассан» тематик жиҳатдан Раҳмат Файзийнинг «Она» ҳикоясига, «Ҳазрати инсон» романига ҳамоҳанг, уларнинг қаҳрамонлари ўртасида умумийлик бўлса-да, ўзига хос услубга, воқеликни акс эттириш манерасига эга бўлган мустақил бадий асар.

Киноповестда воқеалар, аввало, кучли драматизмга асосланади, ритмикада шиддат ҳукмрон. Асарнинг бошланишидаёқ шуни сезамиз: Осмондан фашист самолётлари бомба ёғдирыпти. Аёл боласини қучоқлаб қочиб келмоқда. «...Хотиннинг кўзларида ва вужудида даҳшат, қўрқув. Самолётдан ёғилиб, ерни чўқиляётган ўқлардан бири хотинга тегади. Аёл боласини қаттиқроқ бағрига босади, тўхтайтиди. Кейин оёқлари қалтираб, бирикки одим ташлайди-да, қайин дарахтига суяниб йиқилади.

Яна самолёт кўринади. Дарахтзор ёнидаги сайхонликда чопиб бораётган бола овози борича қичқиради. Самолёт пастга шўнғийди. Бола додлаб йиқилади». («Сен етим эмассан» 3—4-бетлар).

Бадий сценарийда прозанинг кўп имкониятлари йўқ — лекин ўзига хос устунликлари мавжуд. Юқорида-

ги парчадан кўрганимиздек, бу асарда динамика, драматизм, экспрессия ниҳоятда кучли.

«Сен етим эмассан» киноповестида она — Фотима опа образи биринчи планда тасвирланади. У ҳамма ўзбек аёллари каби фарзанд меҳри билан яшайди. Якка ўғли фронтга кетгандан сўнг ҳамма нарса кўзига қоронғи бўлиб кўринади.

«Ҳа, сендаги меҳр бамисоли дарёдаги сувдек — йигирмата ўғилнинг қалбини суғорсанг бўлади. Ҳаммасига етади»,— дейди эри Маҳкам ака унга (7-бет). «Кошкийди, қани, биттасиям йўқ,— дейди хўрсиниб Фотима опа» (7-бет).

Бундан кейинги воқеаларнинг калити мана шу диалогда. Бундан кейин Фотима опа билан Маҳкам акани болалар уйида кўрамиз. Фотима опанинг оналик меҳри ҳақиқатан ҳам дарё сувидек — ҳам сахий, ҳам улуғвор. Бу меҳр тарбияга олинган ўн тўрт болага етиб ортади.

Ёзувчи болалар образларини тасвирлашга ҳам катта эътибор беради. Улар баъзан фожиавий, баъзан юмор билан суғорилган, драматик асосга қурилган картиналарда намоён бўлади.

Маҳкам ака образи ҳам ёзувчининг катта муваффақиятидир. Адиб бу образдаги ватанпарварлик ҳиссини, меҳнатсеварлик, саховат, адолатлилик каби белгиларни бўрттириб кўрсатган.

«Сен етим эмассан» фильми экранларга чиққанидан сўнг, унинг авторлари юзлаб хатлар олишди. Бу хатларда меҳри дарё ўзбек халқининг уруш йилларидаги жасорати учун миннатдорлик акс этди. Фильм томошабинларнинг назарида урушга, урушни яна бошламоқчиларга қарши курашга чақириқ бўлиб жаранглади. Ленинградлик студент қиз Хетагурова ўз хатида шундай деб ёзади: «Сен етим эмассан»— бу, чақириқ. Бундай воқеалар ҳеч қачон қайтарилмаслиги керак». «Правда» газетаси фильм қаҳрамонларининг кўрсатган жасоратини «сиёсий жасорат» деб атади.

Фильм ҳақида, айниқса, Фафур Фуломнинг «Литературная газета»да эълон қилинган (1963 й. 14 март) мақоласида айтган фикрлари диққатга сазовор: «Сен етим эмассан» фильмининг фожиавий характерига қарамай, томошабинлар қалбида келажакка ишонч билан қарайдиган олжаноб ва самимий таассурот қолдиради. Фильм Улуғ Ватан уруши йилларида фарзандларимизнинг оғир, машаққатли кунларидан ҳикоя қилибгина

қолмай, айна пайтда оддий совет кишиларининг етимлар қалбини ота-она меҳри билан иситганини тасвир этади, инсониятни олижанобликка, қийинчиликларни мардонавор енгишга ундайди».

Раҳмат Файзийнинг иккинчи киноповести — «Ёр-ёр»да адиб талантининг юмор билан суғорилган янги қирралари намоён бўлди. Маълумки, кино томошабинлари ҳар доим комедия жанридаги асарларга чанқоқ бўлишади. Ўзбек киносига эса бундай асарлар унча кўп эмас. «Ёр-ёр» фильми томошабиннинг ана шу чанқоқлигини қондиришга хизмат қилди.

Бу асарда иккита маънавий конфликт бор. Биринчиси оила бошлиғи, трамвай ҳайдовчи ишчи Соғиб аканинг ота-бобосидан қолган пастқам ҳовлисига ёпишиб олгани-ю, иккинчиси мустақил фикрли ўғил уйланиши масаласи. Бахтиёр ўзи телевизор экранига кўриб қолган қиз — Зулфияни севади ва фақат унга уйланишга рози. Зулфияни қидириб, ота ва ўғил прокатга олинган машинада сафарга чиқишади. Улар бўлажак келинни излаб, бутун республикани кезиб чиқишади. Йўлда турли кишилар билан учрашишади, баъзан кулгили, баъзан жиддий воқеаларга дуч келишади.

Ёзувчи бу икки қаҳрамоннинг сафарини тасвирлар экан, Ўзбекистоннинг кишини мафтун этадиган ажойиб қишлоқ ва далаларини, тоғ ва дарёларини кўз олдингизда гавдалантиради. Халқимизнинг нафис, дилрабо қўшиқларини тинглаймиз, меҳнатсевар, қалби пок одамлар билан танишамиз.

Бу икки сценарийнинг муваффақияти, кино санъати соҳасида орттирилган бой тажриба адибдан янги-янги асарлар кутишда катта умид туғдиради.

\* \* \*

Совет ёзувчисининг бахти шундаки, у она халқини, ажойиб замонасини, жонажон партиясини улуғлайди ва айна вақтда улар ижодкор фарзандларини ардоқлайдилар, тақдирлайдилар, қадрлайдилар. Ёзувчининг кўксига даги орден ва медаллар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби фахрий унвони ана шу бахтнинг нишонасидир. Партия ва ҳукуматимиз уни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирлади. Раҳмат Файзий совет ёзувчиси эришиши мумкин бўлган энг юксак мукофотга — Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонига сазовор бўлди.


Ёзувчи ёшлик жўшқинлигини сақлаб қолгани ҳолда бадий маҳоратнинг, донишмандликнинг юксаклигига кўтарилган даври. Адибга бизнинг тилагимиз ижодда янги парвозлар, яхши асарлар тилашдир. Ишончимиз комилки, ўзбек совет адабиёти деб аталадиган улкан китобнинг бир саҳифасини ташкил этувчи Раҳмат Файзий ижоди баркамолликка томон бўлган ривож йўлидан дадил давом этаверади.



Ҳакимжон Каримов

---

*ИЖОД ВА ИСТЕЪДОД*



МУҚАДДИМА

ОДДИЙ ҲАЕТДАН КАТТА ҲАҚИҚАТ

ҲАЕТ ВА МУҲАББАТ ТАЛҚИНИ

ДАВР ВА ҚАҲРАМОН

ҲАЕТ ЗИДДИЯТЛАРИ ВА ИНСОН ҚИЕФАСИ

## МУҚАДДИМА

Ёзувчи иқтидорининсон руҳий оламини қай даража таҳлил қилолганлиги, унинг серқирра ва мураккаб фаолиятини қай даражада очиб беролганлиги ва тасвирлай олганлиги, шунингдек, ўзи қаламга олган воқеа-ҳодисалар заминида кишиларга қандай янги гап айтолганлиги билан белгиланади. Биз ёзувчи талантига баҳо берганда, унинг асарларига мана шу мезон бўйича ёндошамиз. Одил Ёқубовни талантли ёзувчи деймиз, чунки унинг асарлари юқоридаги мезон талабларига тўла жавоб беради.

Одил Ёқубов 1926 йил Чимкент областининг Қарноқ қишлоғида хизматчи оиласида туғилди. Урта мактабни битиргач колхозда ишлади. Ун саккиз ёшида, яъни 1944 йили Совет Армиясига кўнгилли бўлиб ёзилиб, Улуғ Ватан урушида қатнашди. Урушнинг сўнгги йилларида Ватанни Япон милитаристларининг ҳужумидан ҳимоя қилди. Уруш тугагач, хийла вақт, яъни 1951 йилгача Узоқ Шарқда совет кўшинлари сафида хизмат қилди. Армия хизматидан қайтгач, СаГУнинг (ҳозирги ТошДУ) рус филологияси факультетига ўқишга кириб, 1956 йилда тугатди. У Ўзбекистон Ёзувчилар союзида адабий консультант, «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги махсус муҳбири бўлиб ишлади. 1970 йилдан 1982 йилгача Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари вазифасида ишлади. Ҳозирги кунда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бош муҳаррир.

Ижоди студентлик йилларида бошланган. Дастлаб йирик жанрда ижод қилган, яъни 1951 йилда «Тенглошлар» қиссасини ёзган. Сўнг бирин-кетин 1953 йилда «Дастлабки қадам», 1955 йилда «Икки муҳаббат» ҳикоялар тўплами, 1958 йилда «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим», «Юрак ёнмоғи керак», 1961 йилда «Олма

гуллаганда» пьесалари яратилди. 1960 йилда «Муқаддас», «Тилла узук», 1962 йилда «Ларза», «Бир фельетон қиссаси», 1968 йилда «Қанот жуфт бўлади», 1970 йилда «Матлуба», 1971 йилда «Излайман», 1975 йилда «Биллур қандиллар» қиссалари эълон қилинди. Одил Ёқубов прозанинг энг йирик жанри — романчиликда ҳам ижод қилди. 1966 йилда «Эр бошига иш тушса», 1973 йилда «Улуғбек хазинаси», 1977 йилда «Диёнат», 1982 йилда «Қўҳна дунё» романларини ёзди. Шунингдек, адиб «Дилбарим», «Баҳор ёмғирлари» каби киносценарийларнинг ҳам авторидир.

Биз ушбу ижодий портретимизда адибнинг деярли барча ижодини қамраб олган ҳолда унинг бадиий маҳоратини адабиётшуносликнинг бир қатор проблемалари — инсонни бадиий тасвирлаш принципи, характер яратиш санъати, тема танлаш, сюжет ва композицион қурилиш ва ҳоказолар асосида ёритамиз.

## **ОДИЙ ҲАЁТДАН КАТТА ҲАҚИҚАТ**

Одил Ёқубов дастлабки ижодини муқаддимада айтганимиздек йирик жанрдан, яъни повестдан бошлади. Бироқ ҳали ижодий тажрибаси камлигидан, бадиий ижод сирларини мукамал эгалламаганидан қисса унча муваффақиятли чиқмади. Лекин ёзувчи бу билан дарров давоқаламни йиғиштириб қўймади, аксинча, қаламини чархлаш учун ҳикоя жанрида ижод қилишга ўтди. Ҳикоя ҳаётнинг маълум бир томонини қамраб олади ва асосида инсон ҳаётининг бир бўлагин ётади. Агар ҳикоя асосидаги факт катта бир ҳақиқатга эга бўлмаса, унинг ифодаси ҳикоя бўлмай, шунчаки бир лавҳага айланади, ўтган воқеанинг оддийгина баёни бўлиб қолади. Одил Ёқубов ҳикоя жанрига қўл урад экан, жанрнинг бу хусусиятига катта эътибор берди.

Болалар учун ёзиш ҳам қийин, ҳам осон. Қийинлиги шундаки, болалар ҳамма нарсани тушунавермайдилар. Шундан уларнинг руҳи ва онига мослаб ёзиш керак. Осонлиги шундаки, улар ҳамма нарсага ишонаверишади. Лекин мана шу ишонувчанлик ҳам ёзувчига яна масъулият юклайди, яъни эҳтиёткорлик ва сезгирлик талаб қилади. Акс ҳолда тўғри тарбия ўрнига, нотўғри тарбия бериб қўйиш мумкин. Чунки улар ҳамма нарсани тўғри қабул қилишади. Одил Ёқубовнинг ютуғи шундаки, болалар ҳақидаги дастлабки ҳикояларидаёқ бу нарсага катта эътибор берди. У болалар учун ёзилган асарлар

асосида, дидактика ётишини ҳам англади. Лекин у айрим ёзувчиларга ўхшаб, дидактикани қуруқ баён қилмади, балки асар воқеасига сингдириб юборди. Бу эса бадий ижодда жуда тўғри йўлдир. Чунки бунда асар воқеаларига хулосани биров эмас, балки ўзи ясади. Бунинг таъсир кучи каттадир.

Унинг илк ҳикояси «Дастлабки қадам»да шу ҳолни кўрамиз. Ҳикоя бир қараганда жуда оддийдек туюлади, яъни бир отряд вожатийнинг қандай қилиб болалар билан тил топишиши-ю, ишни яхши олиб кетишидан-бошқа нарса эмасдек. Лекин диққат билан қаралса, бу воқеа заминида инсон тарбияси, унинг камол топишида қандай йўл тутиш масаласи ётибдики, албатта, бу оддий нарса эмас. Ҳикояда болаларга хос психологияга ҳам эътибор берилганлиги учун унда ҳаётнийлик кучли. Бу нарса Аҳмад ва Анвар образларида аниқ сезилади. Лекин отряд вожатийси Сайёранинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари ёшига мос эмас. Ҳаётда Сайёра ёшидаги бола ҳикоядагидек гапирмайди ва йўл тутмайди. Сайёранинг ҳаракатлари, гап-сўзлари 14 ёшдаги қизни эмас, ёш ўқитувчини эслатади. Бадий асарда, айниқса, болалар учун ёзилган асарларда қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатлари унинг ёши ва савиясига мос бўлиши керак. Одил Ёқубов бадий ижоднинг бу сирини, тўғрироғи талабини кейинги асарларида англаб олди. «Қантар», «Гоголь тирик», «Ларза», «Дўстлар», «Имтиҳон», «Мустақиллик» каби ҳикояларда бу ҳол кўринмайди. Мазкур ҳикоялардаги қаҳрамонларнинг юриш-туриши, гап-сўзи, хатти-ҳаракати ўз ёшига мос. Айниқса, бу ҳикоялар ичида «Дўстлар» номли ҳикоя ўз темаси, болалар психологияси ёрқин очиб берилганлиги, тарбиявий аҳамияти жиҳатдан алоҳида ажралиб туради.

Лекин бу ҳикоялар Одил Ёқубов номини оммага кенг танитмади. Сабаб, бу ҳикоялар ҳали у қадар бадий мукамал, катта ҳақиқат асосига қурилмаган эди. Адиб изланишда давом этди. Ва ниҳоят, «Икки муҳаббат» ҳикояси юзага келди, Одил Ёқубов номини элга машҳур қилди. Ҳикоя муҳаббат мавзусига бағишланган. Бундай қараганда бу мавзу адабиёт учун янгилик эмас. Бироқ Одил Ёқубов бу мавзу орқали катта ҳақиқатни айтолди, яъни муҳаббат билан «ҳазиллашиб» бўлмаслигини, башарти шундай қилинганда ҳаётнинг ўзи ундан қаттиқ ўч олишини жуда ёрқин лирик лавҳаларда ифодалади. Собиржон студентлик йилларида Насиба номли қизни севиб қолади. Насиба ҳам унга мойиллик билдиради.

Насибанинг муомаласидан Собиржон унинг севгисига ишонади. Насибанинг Собиржонга мойиллик билдириши унинг келажакда олим бўлиши учун эди. У Собиржоннинг аспирантурада қолмаганлигини эшитади-ю, тўнини бутунлай тескари кийиб олади. Собиржоннинг сўнги илтимосини ҳам бажармайди, яъни кетиши олдида хайрлашгани келмайди. Мазкур ҳикояда биз икки севгини кўрамиз: ҳақиқий ва сохта севгини. Собиржон Фаргонанинг бир колхозига ишга боргач, ҳақиқий севгига дуч келади. Бу севги уни қанотлантиради, парвоз сари ундайди, ҳаёт гўзаллигини чуқур ҳис қилишга кўмак беради. Бу унинг Маҳбуба билан бўлган севгиси эди. Киши ҳаётда ҳамиша ўзининг тўғри йўлини топгандагина олдин қанчалик янглишиб юрганини ҳис қилади, ўзига-ўзи ҳисоб беради. Собиржон ҳам Маҳбуба билан танишгандан кейингина ҳақиқий севги нима эканлигини билади. Шундан кейингина Насиба билан бўлган муносабатларини, тўғрироғи, унинг ўзига бўлган муносабатини таҳлил қилишга журъат этади. Насибадаги сохталикларнинг илдизини топади. Мазкур ҳикоянинг машҳур бўлишига сабаб, муҳаббат фониди инсон қалбини теран таҳлил қила олганлиги, шунингдек, даврнинг муҳим, долзарб масаласини кўтариб чиққанлиги бўлди. Ҳикояда Насиба салбий тип сифатида тасвирланади. Шундай бўлишига қарамай ёзувчи унинг юзига қора бўёқ чапламайди ёки қилмишини қоралаб хитобнома сўзлар айтмайди. Балки уни қандай инсон эканлигини хатти-ҳаракатида кўрсатади. Киши ишонган нарсасидан кўпроқ таъсирланади. Демак, Насибанинг Собиржонга муносабати киши қалбини ларзага келтиради, айниқса, Собиржоннинг қишлоқда тажриба участкасида олиб борган ишлари институтда профессорлар томонидан тилга олингач, ёзган хати унинг инсон сифатидаги инқирозидир. Албатта, бу ҳол киши қалбидан бежиз ўтмайди. Ҳикоянинг яна бир муҳим томони, таъкидлаганимиздек, давр талабига мослиги ҳам бўлди. Чунки эллингинчи йилларда олий ўқув юртини битириб чиққан ёшларнинг деярли жуда кўпчилиги қишлоққа бориб ишлашни истамасди. Қишлоқ деса лабига учуқ чиқарди. Қишлоқда ишлаш худди бир даҳшатдек қўрқинарди. Ҳикояда бу масала ҳам жуда яхши ёритилган. Қишлоқ ҳаёти, бу ерда меҳнат қилаётган одамлар қиёфаси илиқлик билан тасвирланганки, буни ўша давр учун аҳамияти жуда катта бўлди. Ҳозир ҳам каттадир, албатта.

Одил Ёқубов муҳаббат темасида қатор ҳикоялар ижод қилди. Бу ҳикояларда адиб ижодининг янги қирралари кўрина бошлади, яъни инсон психологиясини чуқур очишлик, характер руҳий ҳолатини турли бадний воситалар билан ифодалаш катта ўрин тутди. «Янги йил кечасида» номли ҳикояда ёзувчи Ваҳоб билан Дилбарнинг руҳий ҳолатини табиат манзараси билан боғлаб тасвирлайди. Янги йил кечасидаги ҳолатни кўча, шаҳар манзарасини, ҳатто шаҳар ўртасига ўрнатилган катта арча кўринишини ўқир эканмиз икки ёшнинг қалбида нима кечаётганини аниқ ҳис қиламиз. Чунки бу воситаларнинг барчаси қаҳрамонлар қалбини, руҳий дунёсини очишга бўйсундирилган. «Тоғ қизи» номли ҳикоясида ҳам биз шу ҳолатни кўрамиз. Бу ҳикояда аёл қалби жуда нозик ҳис қилинган ва унинг нималарга қодирлиги чуқур очиб берилган. Ҳикояни ўқиб тугатгач, киши сергак тортади. Ҳар бир аёлнинг илиқ муомаласидан менда кўнгли бор дейишдан тортинади. Бу хусусиятлар зоотехник қиз Санобар образида қиёмега етказиб очиб берилган. «Аямажуз» ҳикоясида киши қалби, унинг нозик туйғуларини ҳис қилмовчи, умуман бундай туйғулардан бебаҳра кимса образи ниҳоятда ҳаётини яратилган. Мазкур ҳикояда ёзувчининг ўзинга хос маҳоратини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу шундан иборатки, адиб ўзи фош қилаётган образнинг қилмишини қуруқ сўзда баён қилмайди, балки бадний лавҳаларда кўрсатади. Биз аслида Темир, лекин ўзининг ўта қитмирлиги ва ҳиссиз, шафқатсизлиги туфайли «оқсоқ Темир» лақабини олган образнинг қандай одам эканлигини, унинг хатти-ҳаракатидан билиб оламиз, натижада қалбимизга чуқур таъсир қилади. Ҳаётда шундай одамлар борлигидан нафратланамиз, ўзимиз эса ҳушёр тортамиз, сезмаган ҳолда бировнинг қалбини жароҳатлаб қўймадикми, деб ўйлаб кетамиз. Ҳикоянинг бадний кучи ҳам шундадир.

«Лирик ва физик қиссаси»да ҳам муҳим ҳақиқат бор. Ҳаётда ўзининг айби билан бахтидан жудо бўлувчи, лекин шунга бошқаларни айбдор санаб юрвчи кишилар қиёфаси Қаҳрамон образида инкишоф қилинган. Қаҳрамон умуман яхши йиғит, адабиётга қизиқадн, тузукчи вазифада ишлайди. Лекин ўта журъатсиз, характерида қатъийлик йўқ. Шу туфайли бош бухгалтер бўлишига қарамай одамлар орасида обрўин йўқ. Характеридаги шу заифлик туфайли шахсий ҳаётида бахт кулиб боқмаган. У дастлаб Латофат исмли қизни яхши кўради. Лекин юрак дардини биргина хат билан, хат бўлганда

ҳам мужмал, дўст бўлайлик, хат ёзиб туринг, деган жумладан нарига ўтмаган битик билан изҳор қилади. Унинг нима демоқчи бўлганини тушулмаган Латофат Нормат исмли чўлоқ, лекин учар бир йиғитга турмушга чиқиб кетади. Латофат эса кейинчалик Қаҳрамоннинг ўша ёзган хатидан фойдаланиб, кўп маротаба битмайдиган ишларини (Латофат магазинда ишлайди) битириб юради. Қаҳрамон кейин Малика исмли давлат банкида ишлайдиган қизга кўнгил қўяди. Малика ҳам кўнгил боғлайди. Бироқ характеридаги заифлик туфайли ундан ҳам қуруқ қолади. Ҳикоя кишини ўйлантиради. Бир Қаҳрамон характеридаги соф кўнгиллик, виждонийликни пазарга олиб унга хайрихоҳлик билдиргани, Маликага эса унинг бу фазилатларини тушуниши керак эди, деган мулоҳазада таъна қилгани келади, кишининг. Лекин чуқурроқ мулоҳаза қилинса, Қаҳрамонга ўхшаш характер туфайли киши ҳар бир масалада панд ейиши, умуман бундай характерли кишилар ҳаётда худди кўлмак сувдек пўпанак босиб, қуриб кетиши мумкинлиги, улардан жамиятга ҳеч наф йўқлигига киши қатъий ишонч ҳосил қилади. Бу билан ҳикоядан ёзувчи чиқарган хулосага қўшилади, уни оқлайди.

«Видо» ҳикоясида муҳим масала кўтарилган. Фарзандлик бурчи, умуман инсонийлик масаласи ўртага ташланган. Уста Қобил бобонинг аҳволи оғирлашиб қолади. Шаҳарда яшайдиган ўғли Нодирни чақирришади. Бу ҳаётда учрайдиган оддий воқеа. Лекин адиб мана шу оддий воқеа зиммасига кишини ўйлантирадиган, уни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга соладиган катта ҳақиқат юклайди. Адибнинг ютуғи шундаки, мазкур ҳикояда айтмоқчи бўлган гапни ўзи баён қилмай, қаҳрамонларнинг зиммасига юклайди, яъни қаҳрамонлар гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари билан ўз қиёфаларини очиб берадилар.

Уста Қобил бобонинг кичик ўғли Нодир Тошкентда туради. Уша ердан уйланган. Ишининг кўнглигини баҳона қилиб қишлоққа жуда кам келади. Унинг охириги келганига тўрт йўл бўлган, шунда ҳам онаси вафот қилганда келган. Лекин чол ундан хафа эмас, иши кўп. Олим бўлиш осон эмас, деб ўзига-ўзи тасалли беради. Уни кўргиси келади. Мана, ниҳоят Нодир хотини билан келади. Уни азалдан яхши кўргани учун устанинг анча чиройи очилади. Узоқ вақт келмаганини юзига солмайди. Бироқ ундаги ўзгариш, жуда ғалати семириб кетганлиги, ўзини бошқача тутини чолга ўтиришмайди. Лекин



шунда ҳам Нодирдан фазилат қидириб, унинг ёшлигини эслайди. Ўзига тушлик олиб келишларини ёдига тушириб таскин топади. Бироқ китобхон ҳикояни ўқиган сари Нодирдан нафратлана боради. Бунга сабаб Нодирнинг хатти-ҳаракатлари. У отасининг бу аҳволда ётишига ачинмайди, балки чолга бирор нарса бўлиб қолса, диссертацияси орқага сурилиб кетишидан қўрқади. Олдин буни имо-ишораларда билдирса, кейин очиқ айтади. Бундан хижолат тортмайди.

Ҳикояда Нодирга қарама-қарши акаси Абдуллажон, хотинига контраст Абдуллажоннинг хотини Гулжаҳон берилган. Бу образлар Нодир ва унинг хотини қиёфасини тўлароқ очишга хизмат қилган. Ёзувчининг бу услуби жуда тўғридир. Ҳар бир нарсанинг яхши ёки ёмонлиги қиёслаганда билинади ва бўртиб, ёрқин кўринади. Масалан, яхшилиқ-ёмонлик, гўзаллик-хунуклик, катта-кичик олдида кўзга яққол ташланади. Сабаб, ҳаётда ҳамма нарса нисбийдир. Абдуллажон чолнинг катта ўғли. У ота касби устачиликни олган. Эртадан кечгача гишт териб, пойтеша чопади. Ишдан қайтгач, хўжалик билан шуғулланади. Лекин бирор марта ишидан нолимайди. Отаси ётиб қолганда ўзини қаерга қўйишни билмай қолади. Кунига икки мартадан келиб ҳолидан хабар олади, қилган ишлари ҳақида ҳисоб беради. Гулжаҳон чолнинг катта келини, яъни Абдуллажоннинг хотини. У ҳақида чолнинг кўнглидан шундай гап кечади: «Гулжаҳоннинг келин бўлиб тушганига йигирма йил бўлди. Аммо уста унинг лоақал бир кун тиниб-тинчиганини билмайди. Йигирма йилдан бери ҳам уйнинг, ҳам даланинг ишини ўтайди. Ҳар куни эрта наҳорда туриб, ярим кечада ётади. Кампири раҳматли кўзини юмибдики, бутун рўзгор, ҳатто Нодиржоннинг қизи ҳам унинг зиммасида. Шундай бўлса ҳам уста на бир марта унинг турмушидан нолиганини эшитди, на бирор муносабат билан қовоғини солганини кўрди. Аммо уста энди ўйлаб қараса, унга жабр бўлибди! Абдуллажонга айтиш керак: жонига ора кирсин, у ёқ-бу ёққа олиб борсин...» Уста Қобил бобонинг кўнглидан бу гап Нодирнинг қилмишларини кўргандан кейин кечади. Нодир шаҳардан келган кунининг ўзида дада дейиш ўринга, бобой деб мурожаат қилади, келганига икки кун ўтар-ўтмас кетиш тараддудини кўради. Ҳикояни ўқиб бўлгач, китобхон тўрт образни бири-бирига қиёслайди. Нодир арзимас меҳнатидан нолийди, меҳнатини ҳеч ким ҳис қилмаётганидан одамлардан хафа. Аслида унинг меҳнати ўзи учун. Диссертацияни ҳам

фанга, элга, давлатга нафи тегиши учун эмас, ўзининг пули кўпайиши учун ёқламоқчи. Буни ўзи очиқ айтишдан ор қилмайди. Абдуллажон бир умр эл учун меҳнат қилади, лекин ҳаётдан нолимайди. Икки аёл ҳақида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин. Гулжаҳон чолга йигирма йилдан бери қарайди. Нодирнинг хотини эса чол яктагини елкасига ташлаш ўрнига, қўлининг учи билан ушлаб, стул суюнчиғига илиб кетади.

Ёзувчини Нодир устидан чиқарган ҳукми ҳам жуда тўғри: «Уста Қобилнинг кўмиш маросимига бутун қишлоқ кўчиб чиқди, атроф қишлоқлардан ҳам жуда кўп одам келди, фақат бир киши — Нодир бўлмади, лекин унинг йўқлигини ҳеч ким сезмади ҳам». Демак, бундайларга ҳаётда ўрин йўқ.

«Яхшилик» ҳикояси уруш даври ҳаётига бағишланган. Унда шаҳардан келин бўлиб тушган келинчакнинг биринчи тунда тўшалган кўрпаси йигилмасдан севгилисини фронтга жўнатиши, жудоликдан кейинги ички изтироблари ниҳоятда ҳаётий, ишонарли тасвирланадики, инсон Навоий айтганидек, ҳақиқатан «оламнинг гули» эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилади. Ҳикояда мана шу гўзаллик, нафосат барбод бўлади. Севгилисидан қорахат келади. Энг даҳшатлиси шундаки, қорахат ҳақида севимли қайниси Мансуржон хабар беради. Мансуржон авваллари тоғасидан хат келганда келинкойнсининг қанчалик хурсанд бўлганлигини болалик қалби билан ҳис қиларди. У қаердан билсин хат билан хатнинг фарқи борлигини. Мансуржон келинкойнсининг қалбини яралади, яхшилик қиламан деб ёмон хабар етказди. Маълумки, ҳаётга, инсонга муҳаббати кучли одамнинг нафрати ҳам кучли бўлади. Келинчак шу тонфадаги инсон. У қайнисининг совуқ хабар олиб келганлигини кечиролмайди. Ҳикоя шундай финал топади: «Орамиз яқин қолганда мени кўрган аравакаш чол келинкойнмга бир нима деди. Келинкойнм секин бурилиб қаради, қаради-ю, яна тескари ўгирилди. Назаримда, унинг йиғидан қизариб, шишиб кетган кўзлари қайта ёшга тўлгандай бўлди.

Арава ёнгинамдан ўтиб кетди. Мен дилим қон, унга илтижо қилганимча орқада қолдим. Арава муйилишдан бурилиб кетди, келинкойнм ҳатто қўлини ҳам силтамади. У менинг «Яхшилингим»ни кечирмаган, кечиролмаган эди». Аслида гап бу ерда қайнисини кечиролмаганлигида эмас, балки уруш оқибатини кечиролмаслигида. Уруш унинг севгилисидан, ўзига жуда яқин бўлиб қолган қай-

нонасидан, қайниси Мансурдан жудо қилди. Унинг қалби нафратга тўла. Маълумки, киши қалби нафратга тўлган пайтда қалби тошга айланиб қолади.

«Йўқолган юлдузим» ҳикояси болалик дунёсига сайр қилдиради. Болаларнинг қордек оппоқ қалбида балоғат туйғуси — эндигина ниш уриб келаётган илк севги гоят самимий тасвирланади. Ҳикоя ўша туйғуни аерашга даъват этадики, бу ҳол инсониятнинг кейинги ҳаёт йўлини гўзаллик билан чулғанишида трамплин ролини ўтайди.

«...Суръатжон, қўлида жинғил сопли узун қамчи, жийдага ортки оёғидан осилган «Қоравой»ни қулочкаш-лаб урмоқда эди!

Суръатжон қулочини ёзганда кўзи косасидан чиқаёзган «Қоравой» гужанак бўлиб осмонга сапчир, арқондай эшилиб тўлғанар, қамчи текканда одамдай зорланиб чинқирар, сўнг оғзидан қон келиб, бир зум тинчиб қоларди...» Бу парча «Бахт қуши» номли ҳикоядан олинди. Албатта, бу парчани ўқиган китобхон Суръатжоннинг бу қадар шафқатсизлигидан нафратланади. Аслида у ёмон одам эмас. Олий маълумотли врач, «ман-ман деган йигитлар, казо-казоларнинг ўғиллари унинг изини... унинг бир оғиз сўзига зор» бўлган Тамилладай гўзал, врач қизни ром этолган йигит. У қишлоққа йўлланма олганда Тамилла ҳам ҳеч бир эътирозсиз у билан қишлоққа келган. Қишлоққа дастлабки келган пайтларида Суръатжоннинг Тамиллага бўлган меҳрига, уларнинг жўшқин севгисига бутун қишлоқ ёшларини ҳавас қилишган. Бироқ олдин таржиба учун бошланган иш, кейинчалик уни ўз тўрига ўраб олади. Яъни яхши ниятда боқилган тўртта қуён тез кўпайгач, Суръатжон уни даромад манбаига айлантиришга киришади. Тез кунда тўрт қуён юзтага етади, илгари ўз ишидан завқ оладиган йигит энди қуён болаларидан, уларнинг эшак аравага юклаб келган ўтини чайнашидан завқ олади. Қуёнларни қишлоқ одамларининг томорқасига зарар келтираётганлиги билан иши бўлмай, бир қуёнча камайганидан куйинади. У ўзининг бу ишини олижаноблик деб билади. Чунки, у бу ишни севиклиси Тамилла учун қилади, яъни шаҳарга қайтганларида машинада олиб юриш учун. Лекин Суръатжон Тамилланинг халқнинг таънасига қолиб, бундай бойлик тўплашни ор деб биллишини, у бундай бачканалик билан топилган даромаддан устун туришини сезмайди. Бойликка интилиш уни тобора худбинлаштиради. Йўқолган қуён болаларини қўшинининг

мушуги, яъни болаларнинг севиқли «Қоровой»идан кўриб, уни шафқатсизларча ўлдирди. Тамилла бундай шармандачиликка чидай олмай ўша воқеа юз берган куннинг эртасига шаҳарга отланади. Шундан кейингина Суръатжон ақлини йиғиштириб олади. Қўёнларни бир кечада йўқотади. Суръатжон бекорга бойликка интилди, аслида унинг катта бойлиги бор эди. У Тамилла эди. Суръатжон кеч бўлса ҳам буни англаб етди. Уни омонат бойлик деб абадий бойликдан ажраб қолишига бир баҳя қолди. Ҳикояни ўқиб тугатар эканмиз, ўйга толамиз ва шундай хулоса ясаймиз: ҳаётда энг қимматбаҳо бойлик бу маънавий бойлик. Агар кишида шу бойлик мукамал бўлса, у ҳеч қачон ҳеч нарсага зориқмайди, турмуши ҳамниша тотли бўлади. Ундан эл ҳам катта наф кўради. Ҳикоянинг тарбиявий кучи ҳам шундадир.

## ҲАЁТ ВА МУҲАББАТ ТАЛҚИНИ

Одил Ёқубов китобхонларга манзур бир қатор ҳикоялар ёзгач, ўз истеъдодини драма жанрида синаб кўришга уринди. Маълумки, «драма — бу ниҳоятда талабчан жанр. Сюжетнинг аниқ йўлли, ривожнинг тез суръатли, характерларнинг мустаҳкам мантиқли бўлиши драматик асарнинг талабидир. Бу жанрнинг хусусиятлари ёзувчинини чеклаб, жиловлаб қўяди, ортиқчаликка йўл қўймайди. Одил Ёқубов драма жанрининг шу хусусиятларини яхши сеза олди ва ижодга масъулият билан қараб, яхшигина драматик асарлар»<sup>1</sup> яратишга эришди.

«Чин муҳаббат» пьесаси ўз номидан ҳам маълумки, соф севги мавзунга бағишланган. Бироқ ёзувчи асарда фақат шу мавзу билан чекланиб қолмасдан, балки унда ҳалоллик ва меҳнат улугланади, шунингдек, пул, амал бўлса ҳамма нарсага эришиш мумкин деган ақидани кўтариб юрувчи ҳозирги кунда ҳам учраб турувчи кимсаларнинг маънавий қиёфасини фош қилишни олдига мақсад қилиб қўйган. Лекин олдиндан айтиш мумкинки, асарда бу масалалар фақат ниятлигича қолган. Автор ўз мақсадига тўлиқ эриша олмаган.

Пьесада, шунингдек, ўша давр учун муҳим масала, яъни ёш мутахассиснинг қишлоққа қайтиб келиб ишлаши масаласи ҳам ўз ифодасини топган. Асар сюжети Муқаддаснинг олий ўқув юртини битириб, ўз қишлоғига агроном бўлиб келишидан бошланади. Муқаддас илғор

<sup>1</sup> М. Қўшжонов. Ҳаёт ва маҳорат, Т. 1962, 195-бет.

агротехника қондаларига риюя қилган ҳолда иш юрита бошлайди. Звеновой Раҳимжоннинг тутган ишларини — уялаб экишини, кечикиб суғоришини қоралайди, Олимжоннинг янги сорт яратишини қўллаб-қувватлайди. Лекин очиқ эътироф қилиш керакки, бу ҳолатлар асарда жуда юзаки берилган. Олимжоннинг қанақа сорт устида иш олиб бориши номаълум, фақат бир марта асар ўртасида бу йил пахта 15 кун олдин гуллади, деган ахборот берилади, лекин бунга қандай эришилганлиги очиб берилмаган. Пьесадаги иккинчи асосий сюжет линияси Муқаддаснинг Олимжон билан бўлган муҳаббати ва бу муҳаббатнинг баъзи қаршиликларга учраши. Лекин бу масала асарда ёрқин кўринмайди. Қуруқ баён қилинади. Пьесадаги Нейматжон образи ҳам анча схематик берилган. У колхозда бош бухгалтер бўлиб ишлайди, Зулфия деган қизга кўнгили қўйган, Зулфия ҳам уни яхши кўради. Ҳатто улар оила қуришга ваъдалашган. Бироқ Нейматжон Муқаддасни кўргач, Зулфиядан воз кечиб, унга уйланишга уринади. Муқаддаснинг ота-онаси келган совчиларга розилик беришади. Лекин бу масаладан Олимжон ҳам, Муқаддас ҳам тамоман четда. Асарда 50-йиллардаги конфликтсизлик назариясининг таъсири бўлса керак, конфликт йўқ даражада. Ҳамма нарса жуда осонлик билан ҳал қилинган.

Одил Ёқубов орадан анча вақт ўтгач, «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим» деган драмасини ёзди. Бу асарда автор олдинги пьесасида йўл қўйган хатоларини тuzатди. Аввало, пьесада кўтарилган масала муҳим, иккинчидан, драматизм, конфликт кучли. Драма марказида ҳалоллик ва виждонийликни ҳамма нарсадан, ҳатто қариндош-уруғчиликдан ҳам юқори билувчи Комил образи туради. Комил иқтисод фанлари кандидати, ишини давом эттиришга факт тўплаш учун акасининг колхозига келади. Комилнинг дадаси ялгор ранслардан бўлган эди. Комилнинг акаси Юсуфни халқ дадаси изидан боради деб, дадаси ўрнига ранс қилиб кўтаринганди. Комил келиб кўрса, иш ўзи кутганча эмас, тамомла бошқача. Колхозда талон-тарожликка йўл қўйилган. Бунга акаси Юсуф имкон берган. Комил бунга чидамайди, комиссия тузиб, колхозни ревизия қилдиради ва жуда катта талончиликни очади. Комилнинг хатти-ҳаракати туфайли акаси Юсуф ва жияни Эркиннинг жабр тортиши асар драматизмининг ғоятда кучайтирган. Комил ва Юсуфнинг онаси Меҳри опа, холаси Ойша ўзларининг тил хусусиятлари, шунингдек, характерлари билан бир-бирдан

фарқ қилади ва киши ёдида қолади. Умуман, драма кўп планли. Оилада эр-хотиннинг бир-бирига ишончи масаласи ҳам кўтарилган. Бу масала Муяссар билан Умаржон образида ишонарли очиб берилган. Комил Муяссар билан касбдош. Улар олий ўқув юртини бирга битиришган. Комил колхозга келгач, ўз иши юзасидан колхоз келажаги тўғрисида Муяссарга тез-тез мурожаат қилиб туради. Лекин бундан Юсуфнинг хотини Ҳурига ўхшаган бекорчилар турли гап юритишади. Умаржон ҳам дастлаб бунга ишониб, Муяссарни ўринсиз тергайди. Натижада оилада анча совуқчилик рўй бериб, маълум муддат улар айрим яшай бошлашади. Бироқ ҳақиқат тантана қилгач, улар хатоларини англашади. Бу масала асарда ишонарли ва ёрқин бўёқларда берилгани учун кишига таъсири кучлидир.

«Олма гуллаганда» пьесаси назаримизда Одил Ёқубовнинг барча драматик асарларидан устун туради. Асарнинг афзаллиги унинг заминида ётган теманинг муҳим ёки номуҳимлиги билан белгиланмайди, балки уни қай даражада ёритилганлиги, тўғрироғи, қаҳрамонлар фаолияти орқали илгари сурган ғоясини киши онгига қай даражада етказа олганлиги билан белгиланади. Драматург мазкур асаридан бунга жиддий эътибор берган.

Пьеса яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш асосига қурилган. Яхшилик, яъни инсонийлик Машрабжон Қаландаров образи орқали илгари сурилса, жамиятимиз ахлоқига зид бўлган пасткашлик, худбинлик, янгиликка тўсқинлик қилиш ҳолати фан кандидати Азиз тимсолида фош қилинган.

Машрабжон Қаландаров софдил, янгиликка интилувчи йигит. Қандай ишга қўл урмасин, у аввало халқни ўйлайди, шахсий манфаат унинг учун иккинчи даражали иш.

Азиз унинг қарама-қаршиси. Унинг учун муҳими шахсий манфаат. У ўта шахсиятпараст, қуруқ шуҳрат, шон-шавкат кетидан қувадиган олим бўлса ҳам одам бўлмаган шахс. Олимлик даражаси унинг учун халқ фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилишга хизмат қилмайди, аксинча шахсий шуҳрат, келажакдаги мансаб-мартаба учун бир суянчиқ родини ўтайди. Диссертацияни ҳам худди шу мақсадда ёқлаган. Бу одамга бас келиш, унинг шохини қайириш осон эмас. Бундан кўриняптики, пьесада воқеалар шиддатли кечади, кескин даражада драматик тус олади.

Ўз йўлини бирдан-бир тўғри йўл деб билган Машрабжон Азиз томонидан қилинган ҳар қандай тўсиқларга қарамай мақсад сари интилади. Ҳатто риёкорлик билан мансаб курсисига ўтирган, яъни директорлик лавозимини эгаллаган Азиз Машрабжонни ишдан бўшатганда ҳам у тушкунликка тушмайди. Балки яна зўр шижоат билан ўзи олиб бораётган таржиба устида ишлайди. Ниҳоят унинг ихтироси профессор Муса Йўлдошевчи Воҳидов томонидан тан олинади, қўллаб-қувватланади. Бу тан олинишлик ўз навбатида Азизнинг инқирозидир. Чунки бу ихтиро унинг ёзган асарини, назариясини пучга чиқаради. Бундай бўлиши табиий. Чунки ҳаётда эзгулик ҳамиша ғолиб.

Пьесада муваффақиятли чиққан образлардан яна бири профессор Воҳидов образидир. Буни ўз вақтида драматург, адабиётшунос олим Турсун Собиров ҳам таъкидлаган: «Профессор Воҳидов образини драматург эришган муваффақият деса арзийди. Совет олимларига хос бўлган кўп хусусиятлар — чуқур мулоҳазакорлик, соддалик, ҳалоллик, дадиллик, беғаразлик Одил Ёқубов талқинида ўзининг табиий ва самимий ифодасини топган. Муаллиф ўз қаҳрамонининг характерини, руҳий ҳолатини очиш учун зарур бўлган ҳаракат ва деталларни топган. Шунинг учун ҳам Воҳидов образи асарга бошидан охиригача кучли маъно ва ҳаётбахш нур бағишлаб турибди»<sup>1</sup>. Бу фикрга биз ҳам тўла қўшиламыз.

Пьесадаги профессор Воҳидовнинг хотини Хосият, қизи Маъсуда, Ашур мўйлов, Машрабжоннинг онаси — Башорат, Салим, унинг хотини Васида каби персонажлар ҳам маълум ғояни ўзларида ифодаллагани учун кишида яхши таассурот қолдиради.

Муаллифнинг олдинги пьесаларида кўринган умумий камчилик бу пьесада ҳам учрайди. Қаҳрамонларининг ички дунёси, кечинмаларини етарли очиб бермаслик, хатти-ҳаракатларини чуқур мантиқий асосламаслик каби ҳолатлар. Масалан, Машрабжоннинг ўта ўжарлиги, кишиларга муомаласида кўполлик, айрим ҳолатларда ўз мақсадларини унутиб қўйиш даражасига бориб етиши ҳаётий асосга эга эмас. Айниқса, бу ҳол Маъсуда образида янада яққол сезилади. Уни Машрабжондан айниб, Азизга турмушга чиқиши сабаби ишонарли очиб берилмаганлиги учун ҳаётий мантиққа зид бўлиб қол-

<sup>1</sup> Турсун Собиров. Давр ва драма. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1975, 271-бет.

ган. Бироқ пьесани ўқиб тугатар эканмиз, шундай фикр хаёлимиздан кетмайди. Олманинг қийғос гуллаши ҳосилнинг мўл бўлишидан далолат эмас. Уни совуқ шамол, бўроилардан асраш керак. Гул бу эзгулик рамзи. Қаерда инсоний меҳр кучли бўлса, ўша ерда эзгулик бўлади. Демак, меҳрни кучайтириш лозим. Пьеса мана шундай рамзий маънога эга.

## ДАВР ВА ҚАҲРАМОН

У драмалар ёзиб юрган кезлари, «Ота изидан» номли повесть ҳам ёзди. Повесть яхши бошланади. Асар бошидан ташланган тугун кишининг диққатини тез жалб қилади, яъни Қосимовнинг кимлиги, у нима мақсадда Шукурнинг отасига бундай туҳмат қилиши кишини қизиқтиради. Асар бошида бу сир тугилиб яхши қилинган, сабаб: асар драматизмининг кучайтиришга хизмат қилган. Бироқ асар ўқилган сари бу драматизм сусая боради, чунки асардаги бош масала — Қосимовнинг кимлигини очиб бериш орқа планга тушиб қолади. Деярли асарнинг охиригача тилга олинмайди. Унинг ўрнига кишини унча ишонтирмайдиган воқеалар баёни бошланади. Авторнинг айтишича, Шукуржоннинг отаси 30 йил илгари босмачилар билан бўлган курашда ҳалок бўлган. Бу маълумот ҳам Шукуржоннинг бувиси гапидан маълум. Лекин унинг ўзи ким бўлганлиги, қай ҳолатда ҳалок бўлганлиги ҳеч кимга маълум эмас. Уни ҳеч ким билмайди.

Масалага бундай қараш нотўғри, албатта. Албатта, бу ҳол ёзувчининг ўзи қаламга олаётган воқеага жиддий ёндашмаганлигидан, ҳар бир фактни ҳар томонлама ўйлаб кўрмаганидан далолат беради. Лекин повестда ҳозирги кунда ҳам кишига ибрат бўладиган ўринлар бор. Айниқса, Людмила Григорьеванинг эрига бўлган садоқати жуда яхши ёритилган. Шунингдек, мазкур, повестда адибнинг характер ярата олиш маҳорати ўсганлиги ҳам кўринади. Маҳкам ака, Бурхон ота, Людмила Григорьевна образлари эса қоларли образлардир. Одил Ёқубов изланишда давом этди. 1960 йилга келиб, «Муқаддас» қиссаси юзага келди, бу қисса фақат ёзувчи ижодида эмас, 60-йиллар ўзбек адабиётида ҳам муҳим ҳодиса бўлди.

Қиссада жуда муҳим масала ўртага ташланади, яъни ҳаётда худбинлик билан софлик, виждонийлик ёнма-ён туришлигини, киши сал ножўя ҳаракат қилса худбинлик



кўчасига кириб кетиши мумкинлиги жуда ишонарли инкишоф этилган.

Шариф ўзи аслида виждонли, меҳнаткаш, ҳалол йигит. Лекин у бир зум ўз манфаатини ўйлаши билан худбинликка йўл қўяди. Ёзувчи бу ҳодисани жуда ишонарли ва драматик ҳолатда беради. У биринчи йил институтга киролмайди. Заводга ишга боради. У ерда дўст орттиради, иш ўрганadi. Хуллас, жамиятга керакли бир инсон бўлиб етишади. Буни ўзи ҳам сезади. Шунинг учун заводдан кетгиси келмайди. Лекин оийсининг илтижолари билан яна институтга ҳужжат топширади. Шу даврда у Муқаддас исмли қизни яхши кўриб қолади. Энди институтга кириш иштиёқи кучаяди. Муқаддасга эришиш учун албатта институтга кириши керак. Лекин у ўртада ҳақиқий севги бўлса институтсиз ҳам эришиш мумкинлигини ўйлаб кўрмайди. Натижада ҳаётнинг ўзи ундан қаттиқ ўч олади. Чунки ўз манфаатини ўйлаб, ўгай отаси Салим Қаримовичнинг гапига кириб, яширинча иншони кўчириб бериб қаллоблик билан институтга кирмоқчи эди. Шундай ҳам бўлади. Киради, аммо Муқаддаснинг ўрнига! Шарифжон хатосини тушунади, лекин кеч. Ўзининг бир хатоси билан энг яқин кишининг бир йиллик умрига завоп бўлди, шунингдек, севгисига ҳам губор қўндирди. Шариф заводига қайтиб келади. У олдин ҳам соф виждонли йигит эди, энди ундан ҳам софроқ бўлади. Чунки ҳаётдан катта сабоқ олади.

Шунинг учун биз Шарифнинг муваффақиятидан қувонамиз, хатосига ачинамиз. Сабаб, ёзувчи Шариф ҳаётида юз берган ҳар бир ўзгаришни мантиқан асослай олган. Мана, Шариф олдин соф кўнгил, виждонли, меҳнаткаш йигит эди. Тўғрироғи, ёзувчи уни шундай таништиради. Лекин у виждонсизликка йўл қўяди. Юзакни қараганда бундай бўлиши ёзувчининг хатосидек туюлади, чунки инсон бирданига ўзгариб қолиши мумкин эмас. Агар масалага чуқурроқ қаралса, Шариф бундай қилишга мажбур бўлганлигини кўрамиз. Уни мажбур қилган нарса муҳит бўлди. Маълумки, муҳитнинг инсонга таъсири катта. Шариф шундай бир муҳит таъсирига тушиб қолдики, оқибатида худбинликка йўл қўйди. Уни худбинлик сари етаклаган муҳит, биринчидан, оийси ва ўгай отаси бўлса, иккинчидан, Муқаддасга бўлган севгиси бўлди. Демак, уни маънавий ўстиради. «Муқаддас» қиссаси ана шундай асар бўлиб майдонга келди.

Маълумки, бадий адабиётнинг бош масаласи инсон. Инсон образини яратиш ва руҳий диалектикасини очиб

бериш орқали унинг устидан ҳукм чиқариш. Одил Ёқубов «Муқаддас» қиссасида ҳам, кейинги асарларида ҳам бунга катта эътибор берди. Бундан ташқари адиб ижодида ҳар бир нарсага ўз даври нуқтаи назаридан қараш, шу нуқтаи назар билан баҳолаш фазилати юзага келдики, бу Одил Ёқубовнинг жиддий ютуғидир. У «Муқаддас» повестидан кейин «Бир фельетон қиссаси»ни ёзди. Мазкур повестда «Муқаддас» повестида кўтарилган виждонийлик масаласи кенг планда ва таъсирли ёритилди. Истеъдодли, бироқ тажрибасиз журналист Учқун Умаров баъзи одамларнинг оғзаки гапларига ишониб, фактларни чуқур текширмай Салтанат исмли аёлни такасалтангликда айблаб, соф виждонли одамларни қоралаб қинғир одамларни эса ёқлаб фельетон ёзади ва эълон қилиб юборади. Лекин Салтанат яшайдиган қишлоқдан фельетон босилмай турсин деган мазмунда телеграмма келади. Бироқ вақт ўтган эди. Фельетон чиқиб кетади. Учқун шу телеграмма юзасидан яна Жалақудуқ қишлоғига келади. Олдин суҳбатлашган одамлари билан яна гаплашади. Улар яна олдинги гапларини қайтаришади. Учқун шу билан қаноатлиниб қайтиб кетса ҳам бўларди, чунки фельетонда келтирилган фактлар асосан тўғри. Салтанатнинг буфетда ишлаётганлиги, ўта сатанглиги факт. Ишни шу билан ёпиб юборса ҳам бўларди. Ҳаётда бундай воқеалар учраб туради. Лекин Учқун бу йўлдан бормайди. У масаланинг тагига етишга киришади. Чунки ўзининг фельетони асосида инсон тақдири ётганлигини чуқур ҳис қилади. Шуниси қизиқки, башарти фельетон тасдиқланмаса, биринчи навбатда Учқуннинг ўзи калтак ейди. Ҳатто бунга айрим кишилар ишора ҳам қилишади. Бироқ Учқун ўз йўлидан қайтмайди. Бу ерда шахсий манфаат билан виждон тўқнашади. Мана шундай пайтда «Муқаддас» повестидаги Шариф билмай туриб виждонга хилоф иш тутган бўлса, Учқун оқибати нима бўлишига кўзи етган ҳолда виждонсизликка йўл қўймайди. Ўзи жабр тортган ҳолда бир инсонни ҳаётга қайтаради, яъни Салтанатнинг инсонларга нисбатан совиган қалбини яна иситади, худбинлик ботқоғидан тортиб олади. Салтанат билан бирга унинг эри Қулаҳмад ҳам бошқа одамга айланади. Асарда гарчи повесть учун шу масаланинг ўзи етарли бўлса-да, яна бошқа бир масала ҳам ўртага ташланадими, бу асарнинг тарбиявий қимматини янада оширган. Яъни одамларнинг қадрига етиш, уларни қадрлаш масаласи. Салтанат илғор колхозчи эди. Ун тоннага етказиб пахта

терарди. Лекин унинг қадрига етишмади, бошига оғир кун тушганда битта машинани раво кўришмади. Оқибатда Салтанат учун ҳамма нарсадан азиз бўлган биринчи боласи тушади. Шундан кейин ҳам Салтанатга биров бир нарса демайди. Биз яқин кунларда ҳам иш, план, айниқса, пахта деб, ҳамма нарсадан қимматли бўлган инсонни эсдан чиқарар эдик. Тўғри, ҳозир бу нарсага бошқача қараяпти. Лекин масалага даврий нуқтаи назардан ёндашсак, асар аҳамиятининг нақадар қимматлигини яхшироқ англаймиз.

Ҳаётда инсон ўқиган, билган, кўрган нарсаларидан ўзига хулоса ясайди-да, буни ҳаётига татбиқ қилади. Бошқачароқ қилиб айтсак, атрофда ва ўз шахсий ҳаётида юз берган, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга шу билганлари доирасида ёндашади, шунингдек, ўз «билишига» қараб иш тутади. Бу, албатта, яхши хусусият. Лекин ҳаётда шундай ҳодисалар ҳам юз берадики, бундай пайтда кишининг ўз билганлари камлик қилиб қолади. Бундай ҳолатда бировнинг гапига ишониб, шошқалоқлик билан хулоса чиқармаслиги керак. Акс ҳолда ўз ёнига қоврилиб, бир умр виждон азобида қийналиб юриши мумкин. Ҳаётда бундай ҳодисалар бўлиб туради. Одил Ёқубов ўзининг «Тилла узук» номли қиссасини мана шу масалага бағишлайди. Лекин бу гапни айтиш учун шундай драматик воқеани асос қилиб олганки, у ҳар қандай кишининг қалбини тўлқинлантиради, ўйлашга мажбур қилади.

Воҳид ўз қўшниси бўлган Розия исмли қизни яхши кўради. Розиянинг ҳам кўнгли бор. Уларнинг бирга оила қуришига дастлаб ота-оналари ҳам розилик беришади. Ҳатто унаштирадилар. Айрим оилаларда, айниқса, қишлоқ жойларда эскидан қолган бу одат бўйича қизни унаштиришдими, демак куёв томон унга тўла эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Воҳиднинг оиласи ҳам мана шу типдаги оилалардан. Розияни унаштиришгандан сўнг, унинг ҳар бир қадамини кузатишади. Тўғри хатти-ҳаракатидан нотўғри хулоса чиқариб, ҳақорат қилишади. Бу гапларнинг барчасини Воҳид эшитади. Бу гапларнинг тўғри-нотўғрилигини чуқур ўйлаб кўрмасдан, ўзи шунга ишонч ҳосил қилмасдан қадр-қиммати қаттиқ ҳақорат қилинган Розияга оғир гап қилади. Оқибатда ўзининг ҳам, Розиянинг ҳам қалбини жароҳатлайди. Ёзувчи унинг хатосини англатиш учун бу ҳолни кескин драматик коллизияда беради. Розиянинг укаси Собир билан Воҳиднинг синглиси Зарифа бир-бирини севишади. Ўз-ўзидан

аниқки, бу севги қаттиқ қаршиликка учрайди. Икки оила ўртасида юз берган зиддият уларнинг висолига монелик қилади. Мана шу муносабат туфайли Розия билан Воҳид учрашади. Натижада Воҳид ҳаётда жуда катта хатога йўл қўйганлигини англаб етади ва иқрор бўлади. Лекин кеч. Воҳид айрилиқ дарди ғоятда оғир бўлишини чуқур ҳис қилганлиги учун оиласидагиларнинг қаршилигига қарамай синглиси ёнини олади. Қисса сўзсиз таъсирли ёзилган. Лекин ёзувчи воқеаларни баён қилишда бир оз шошган. Шундан айрим воқеалар статик тус олган. Хусусан, Розиянинг Воҳид оиласи томонидан кузатилиши қуруқ баён қилинган. Бунинг ўрнига аниқ тасвирда, яъни воқеалар орқали кўрсатилганда Воҳид оиласининг, жумладан келиноийсининг характери чуқурроқ очилган бўларди.

Истеъдодли ёзувчи ҳамниша давр билан ҳамнафас бўлади, ўзгаришлар моҳиятини зийраклик билан англайди ва унга ўз муносабатини билдиради. Мана шу тариқа туғилган асар керакли ва фойдали бўлади. Бундай асарларда давр зиддияти очиб берилган бўлади. Одил Ёқубов ана шундай давр билан ҳамнафас ёзувчи.

Партиямизнинг XX съезидан кейин ҳаётимизда катта ўзгаришлар содир бўлди. Шахсга сиғиниш иллати фориг топди. Бу нарса бевосита кишилар онгида, халқ хўжалигида, умуман турмушда ўзининг самарали таъсирини кўрсатди. Ленинча партиявий демократик принциплар янада ривожлантирилди, хўжаликка янгича раҳбарлик қилиш ишларига эътибор кучайтирилди. Бунда ҳаётий ўзгаришларни кўпгина ёзувчилар ўз вақтида англаб ижодларинда акс эттира бошладилар. Бу ҳаётий жараён ўзбек совет адабиётида ҳам ёрқин ифодасини топди. Бунга биринчилардан бўлиб Одил Ёқубов қалам урди, яъни «Ларза» қиссасини ёзди.

Одил Ёқубов бевосита ўлкамизнинг ўзида рўй берган ўзгаришларни мавзу қилиб олди.

Адиб асарда коллектив хўжаликка раҳбарлик қилишнинг икки хил усулини — шахсга сиғиниш йилларида қарор топган раҳбарликдаги догматик ҳамда янги шароитда юзага келган ижобий усулни кўрсатиш орқали ўз мақсадини амалга оширади. Янгича раҳбарликнинг юзага келиши туфайли хўжалик экономикасининг тез суръатлар билан кўтарилиши, меҳнат аҳлига ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш қарор топганлиги, кишилар ўртасида бир-бирига ҳурмат, меҳр-

муҳаббат, раҳм-шафқат ва садоқат ошганлиги ҳаётӣй фактлар асосида кўрсатилди.

«Тасвирланаётган воқеа шу даражада асосланган бўлиши керакки, унинг бошқача бўлиши мумкинлиги китобхоннинг хаёлидан ҳам ўтмасин», деб ёзади Л. Н. Толстой. «Бунинг учун,— деб ёзади филология фахлари доктори Матёқуб Қўшжонов,—аввало ёзилаётган асарига танланган давр ҳаёти маантиқини сингдира олиши, ҳаёт маантиқига риоя қилиш ёзувчи учун муқаддас бир қоидага айланган бўлиши керак. Шу асосда асарда характерлар ҳам маълум бир маантиққа эга бўлиб, буни ёзувчи муқаддас бир нарсасдек сақлаши лозим».<sup>1</sup> Шу нуқтан назардан Одил Ёқубовнинг ижодига назар ташлар эканмиз, у бунга жиддий эътибор берганини кўрамиз. Бу асар сюжетидан бизга шу нарса маълумки, юз берган машина ҳалокатидан сўнг, колхоз раиси Муталга қарши олдиндан тиш қайраб юрган маънавий носоғлом тип (опа, Равшан, Полвон, Жамолов ва бошқалар)лар бундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб қолнишга ҳаракат қиладилар. Муталга қарши сохта факт тўплайдилар, машина ҳалокатининг асосий сабабчиси қилиб Мутални кўрсатишга уринадилар. Бироқ сюжет ривожига бу уринишларнинг барчаси уларнинг зарарига ҳал бўлади, яъни улар Муталга қарши ҳаракатлари билан ўз маънавий қиёфаларини очиб кўрсатадилар. Бу воқеа замида конфликт вужудга келади. Бу конфликт бир қарашда ҳаётӣй маантиққа зиддай бўлиб туюлади кишига. Негаки, социалистик жамиятда, яъни бизнинг жамиятда, ҳар бир раҳбар ходим ўз коллективининг маънавий отаси ҳисобланади. У ўз коллективидаги ҳар бир шахснинг ҳар қандай пожўя хатти-ҳаракати учун жавобгардир. Бу ҳам, ўз навбатида тузумимизнинг капиталистик тузумдан фарқини кўрсатувчи омиллардан биридир. Бизнинг жамиятда шахс тақдири биринчи ўринда туради. Асарда эса худди шу нарса акс этган. Мутал ҳам раҳбар ходим. Ходим бўлганда ҳам колхоз раиси. Демак, шахс тақдири масаласида халқ олдида кўпроқ жавобгар. Мутал буни ҳис қилади. Шунинг учун юз берган воқеадан виждонан ёзилади. Бу албатта, унинг янги замон кишиси эканлигини кўрсатади. Бироқ асардан ёзувчининг мақсади бу эмас. Унинг асл мақсади мамлакатда ленинча партиявий принцип янгитдан қарор топ-

<sup>1</sup> Матёқуб Қўшжонов. Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. Т. 1968, 68—69-бетлар.

ганини, замон ўзгарганини, шунингдек, инсон тақдир масаласи чуқурроқ йўлга қўйилганлигини кўрсатишдир. Бу нималарда кўринадими?! Биринчидан, юз берган фожиали воқеадан кейин Мутал айбдор деб, устидан шикоят тушганига қарамай жазоланмаслигида, иккинчидан, унинг масаласи социалистик қонуни асосида ҳал қилинишида, учинчидан, халқ талаби ва колхозни кўтаришга қилган меҳнати назарга олинми, ўз ўрнида қолдирилганлигида. Асарда бу нарса қуруқ баён қилинмайди, балки янги давр шабадасидан вужудга келган одамларнинг маънавий қиёфасини, уларнинг иш юритиш методларини кўрсатиш орқали, янгича раҳбарлик методи масаласини кўтариш орқали берилади.

Бу масала райком секретари Э. Мўминов ҳамда обком секретари А. Қодиров образи орқали акс эттирилади.

Ўзганинг пок, ҳалоллигини, принципиаллигини ҳис қилиши, тушуниб етиши учун ўзи худди шундай руҳан пок, ҳалол, принципиал инсон бўлмоғи лозим. Ана шундагина у кишиларнинг қадрига етади, шахсини ҳурмат қилади, бажарган ишини тўғри баҳолай олади. Бу жуда оддий ҳаётий ҳақиқатдир. Лекин кўпчилик ижодкорлар бу ҳақиқатни ҳаётда жуда яхши билишларига қарамай, ўз ижодларида бунга эътибор бермайдилар (гап характерларнинг маънавий яратиш устида кетаётганини китобхон сезиб олган бўлса керак). Патижада улар яратган характерлар хира чиқади. Одил Ёқубов асарига бу ҳаётий ҳақиқат ўзининг тўғри ифодасини топади. Райком секретари Мўминов шу тоифадаги кишидир. У ҳаёт кўрган одам. Узоқ вақт халқ ичиде бўлган. Мактабда ўқитувчилик қилган, фронт қийинчиликларини бошидан кечирган. Бу кўрган-кечирганларидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олган. У одам таплаганга эҳтиёткор ҳамда моҳир. У умуман, одамларнинг қалбини ўқиб олишга қодир. Ёзувчи асарда Мўминовнинг ана шундай инсон эканлигини ифодалай олган.

Одил Ёқубовнинг янгича раҳбар қиёфасини кўрсатиш нияти обком секретари Акрам Қодирович образида ҳам ўз ифодасини топган. У асарнинг бир ўрнида кўринишига қарамай, адибнинг қалами сеҳри билан эса қоларли қилиб тасвирланади.

Адиб унинг маънавий қиёфасини турли воситалар орқали очади. Кабинетнинг жиҳози ҳам унинг маънавий қиёфасини белгилайди. «Кабинет қабулхонага нисбатан деярли икки барабар катта, лекин ўнг томондаги иккита

катта деразанинг ёнига қўйилган узун, салобатли столдан ва эшикнинг ёнидаги дивандан бўлак деярли ҳеч нарса йўқ, шунинг учун ҳам ҳувиллаб турганга ўхшайди. Тўрдаги столнинг ўнг қанотида биттаси оқ, биттаси қора иккита телефон турарди» (205-бет). У Муталга укам деб мурожаат қилади: «Хўш, ранс ука, бу қандоқ бўлди,— деди қошларини чимириб,— қишлоғингизда кўп чатоқ иш бўлганмиш? Нима гап ўзи, ука?» (205-бет). Муталнинг гапини бирор ерда бўлмайди. Унинг чеҳрасидан ҳалол одам эканлигини сезиб олади, гапларини тарозига солиб кўради ва шундай фикрга келади: «Бу унинг чеҳрасидан кўриниб турибди. Бундай чуқур ботган гамгин кўзлар, бундай босиқ ва гамгин овоз фақат виждони олдида азоб чекиб юрган одамлардагина бўлади» (211-бет). Мутал ҳамда Мўминов билан бўлган суҳбати пайтида бирор марта телефон жиринглаб уларнинг суҳбатини бўлмайди. Бу омилларнинг барчаси ёзувчи гоёсининг ифодасидир.

Одил Ёқубов асарларининг барчаси кўп иламли бўлиб, унда инсон тақдири, унинг дард-алами, севги-ҳижрони, ҳаёт ҳақидаги ўй-фикри ётади. Қаҳрамонларининг ҳаммаси фаолият кишилари, ҳаёт ҳақиқатини тўғри тушунувчи одамлардир. У деярли замонавий темада — бугунги кун ҳақида ёзади. «Қанот жуфт бўлади» номли қиссаси ҳам бугунги кун учун гоёт актуал бўлган севги, замон, ахлоқ ва оила масаласига бағишланган бўлиб, бу борадаги баъзи бир кишиларнинг «фалсафаси» билан миллий анъаналар, олижаноб инсоний фазилатларни ёқловчи кишилар ўртасидаги фикрий тўқнашувлар ҳақида ҳикоя қилади. Бироқ ёзувчи ушбу асарда севги, оила, ахлоқ бундай бўлиши керак деб, қуруқ айтиб қўймайди, балки мана шу борадаги ҳаётини воқсаларни тасвирлаб, китобхон билан фикрлашади, уни мунозарага тортади.

Асарда драматизм ниҳоятда кучли, воқеа ва эпизодлар тез ривожланиб, бири иккинчисини билан алмашиб туради. Воқеа шаҳар билан Ойдинбулоқ қишлоғида бўлиб ўтади. Асарнинг биринчи саҳифасига эътибор беринг. Акрам Сайёранинг хатини ўқиб ранжийли, мунозарага боргач, Сайёранинг хатти-ҳаракатидан фикринади: «Қачонгача ўзини эрга теккан хотин эмас, ўн етти яшар қизчадай тутаркан бу?..» дейди. Булардан шу нарса англашилдики, оилала қандайдир совуқчилик бор. Шундан Сайёранинг ҳар бир ҳаракати унда ёмон таассурот қолдиради, бундай қилиш тўғри эмаслигини Акрамнинг ўзи

ҳам сезади: «Мен ҳам баъзан жуда ошириб юбораманда! — деди у хаёлида, — ҳозирги ёшлар ўзи шунақа: очниқ-ёриқ, ўзларини сал эркин тутишадн...» Бироқ аламзада, шунинг учун кафедраги воқеалар унинг гашини келтиради, чидай олмайди, чиқиб кетади. Бу воқеаларнинг ҳаммаси унинг асабини тараглаштиради, бунинг устига Сайёранинг: «Ҳа, албатта, сизга барибир. Баттар бўлинг. Хотинингизни ўша йнгитлар ичириб маст қилишди. Боя жинингизга ёқмаган кинорежиссёр хушомад қилди. Машинада олиб келиб қўйди», дейиши гўё ўтга керосин сепгандек бўлди.

Сайёра эрига бундай терс гапирншга ўша дақиқа қисман ҳақли эди. Акрамнинг ўша кунги хатти-ҳаракати, яъни кафедра Сайёрага инсбатан қўполлик қилиши ҳар қандай хотин учун ҳам хўрлик ҳисобланарди. Бироқ иккинчи томондан, Сайёра бу гапни бугун айтмаса бирор кун айтиши аниқ эди. Бунинг учун вазият туғилмаётган эди, холос. Шундай вазият ўша куни, кафедран қайтган куни туғилди. Биз буни нимага асосланиб айтяпмиз? Сайёра ёшлигидан истаган нарсасига қўли етадиган оилада тарбияланган. Акрам билан турмуш қургандан сўнг ҳаёти олдингидек бўлмади, бунинг устига Акрамнинг диссертацияси чўзилиб кетди. Акрам билан аспирантурага тенг кирган Зафар тезда ҳимоя қилиб, лойиҳа институтига бош инженер бўлди, бунинг устига тагида «Волга». Акрам бўлса бир устахона бошлиғи, холос. Ўзининг участкаси ҳам йўқ, каталакдек икки хонали секцияда туради. Булар олдин сезилмаган бўлса, Шавкатжонлар компаниясига қўшилгандан кейин Сайёрага катта камчилик бўлиб кўринади (Сайёранинг кафедра ўзини эркин тутиши улар билан олдиндан таниш эканлигини билдиради). Ҳатто у Акрамни талантсиз дейишгача боради. У Зафарнинг гапига жавобан:

— Бун тушуниш учун талант керак кишига! — дейди. Ўзини кафедрагилар орасида «бахтсиз» деб билади. Сайёранинг ўзи ҳам очиқ эътироф этади: «Мен сизга турмушга чиқиб нима кўрдим? Кўрганнм... қовоғингизга қараб ўтказган кунларми? Қир-чир, идиш-товоқми?.. Болага қарашни ҳам, сизга қарашни ҳам билмай ўқишни ташлашга мажбур бўлганларимми? Қани айтинг, нима кўрдим сизга тегиб?» Бироқ Сайёра Нилуфарга ўхшаган енгил табиатли эмасди. Унинг Акрамдан аразлаб юриши, биринчидан, шапалоқ учун бўлса, иккинчидан, ҳаётни тор тушунишидан, ҳар бир воқеани ўз андозаси билан ўлчашидан эди. Акрамнинг ўша бир шапалоғи —



уни дунёда энг кўрс, қўпол одам ким деса Акрам дейишга олиб келди. Сайёра бу фикрида узоқ турди. Шу сабабли Акрам бир неча марта кечирим сўраб келганда ҳам индамай олдига тушиб кета бермади. Агар шундай қилганда ёзувчи олдига қўйган ғоя очилмай қоларди Сайёра оила ҳақида тўла тасаввурга эга бўлмай, ўзининг олдинги фикрида қола берган бўларди. Ёзувчи ушн ҳаёт «қозони»га ташлади, психологиясидаги ўзгаришни кўрсатишда диалектик йўлдан борди.

Сайёра киночиларга қўшилгандан кейин бирмунча вақт ўзи орзу қилган «бахт»га эришгандек бўлди. Ойиси билан адаснинг гапи ҳам унга таъсир қилмади Шавкатжон съёмка Ойдин булоқда бўлади деганида юраги бир орзиқиб кетса-да, Акрамдан ўч олиш ниятида тезда ўзини қўлга олади. Сайёра қишлоққа кетганда Акрамнинг қариндош-уруғларидан ҳеч биттаси келмайдди, шу билан иш тамом деб ўйлаганди. Лекин акси бўлди. Нортожи: «Қишлоққа келибсиз,—деди,—уй-жойингиз туриб, бу ерда ётишингиз қандоқ бўлди? Ё сизга ёмонлик жойимиз борми?» деб йўқлаб келса, қайнонаси Моҳира хола: «Эсон-омон юрибсанми, ойинг ўргилсин, болам?» деб кўришди. Бу ҳам етмагандек келинлик пайтида яхши кўрган овқатини кўтариб ҳар куни келадиган бўлди. Айниқса, Ҳамида фожиаси, Шавкатжоннинг ўзига нисбатан қилган хатти-ҳаракати (176—177-бетлар) ҳаёт ҳақидаги олдинги фикрини ўзгартириб юборди. Холиданинг: «Сиз бахтли хотин, тушунмайсиз бунга», деганига олдин кинояли кулган бўлса, кейинчалик бу гап бежиз айтилмаганлигини англаб етди. Ёзувчи Шавкатжон билан Нилуфарнинг тўй эпизодини кўрсатиш билан асарда кўтарилган оила ҳақидаги ғояни якунлайди:

— О, Сайёра, шундай бахтиёрман, шундай бахтиёрман! — деб шивирлади. Лекин унинг чеҳрасида аллақандай хазинлик бор, кўзлари нам эди. Соқолини олдириб, бошига дўппи кийиб олган Шавкатжон эса, Сайёра билан кўришаркан, ҳазиллашди:

— Қалай, бахтиёр куёв тўраларга ўхшайдими каминна?

— Ҳа, бир-бирингизга муносибсизлар! — деди Сайёра, бу гапнинг пичингдай эшитилганини сезиб, қизариб кетди. Шавкатжон қўл қовуштириб:

— Ташаккур,— деди ва Нилуфарга имо қилиб, кесатди:

— Биз камбағалга шу ҳам бўлаверади!  
Нилуфар бирдан кўзига ёш олиб:

— Нега куласиз? Нега кесатасиз? — деди ҳақиллаб.  
— Кўзингизни артнинг, хоним! — шипинди Шавкат-жон. Унинг кўзлари газабдан ола-кула бўлиб кетди.— Хоҳласангиз шу, хоҳламасангиз йиғиштириб қўя қоламиз... сиз яратган бу комедияни! Борнинг, қизларни кутиб олнинг!

Мана бир пайтлари Сайёра орзу қилган оила тақдир. Уларнинг будан кейинги ҳаётини айтиш учун бир сўз ҳам ортиқча. Шу диалогнинг ўзидан ҳамма нарса аён бўлади.

Ёзувчи асар ёзаётганда унинг олдида бир вазифа донмо кўндаланг турини керак, яъни қайси воқеа-ҳодиса муҳим-у, қайсиниси номуҳим эканлигини ажратиб олиш вазифаси. Агар ёзувчи бунга амал қилса, кўп нарсага эришади. Биринчидан, асарнинг «семириб» кетишидан қутулади, иккинчидан, фикрларнинг лўнда бўлишига эришади, учинчидан воқеа-ҳодисаларнинг маънавий иншоарли чиқишига муяссар бўлади. Одил Ёқубов ўз асарларида бадний ижоднинг бу талабига донмо эътибор беради. Унинг «Излайман» қиссаси автобиографик характерга эга бўлган, ортиқча тафсилотлардан холл асардир.

«Излайман» қиссасининг бош қаҳрамони Мансур Муродов. Асарда биз Муродов кўзи билан кўрган, ҳикоя қилинган воқеа-ҳодисаларга иншоамиз.

Мансурнинг кичик лейтенант Оля Куприяновани нақ бор кўрганда кўнглига яқин олиши, кейинчалик уш қаштан Югаев, ҳатто комбат Даврон Ғозиевдан ҳам қандайдир бир ички туйғу билан қизганиши, Гобн саҳросидан кетишаётганда автоматини ўртоғи Арслонга бериши, Даврон Ғозиевнинг Оля билан бўлган ишқ муносабатидан ўзинча хулоса чиқариб, Саломатхон ҳақида сўраганда унга айтган гапи («Нима қиласиз Саломатхонни суриштиравериб?— дедим.— Ҳадеб уни сўрайсизу ўзингиз бўлса бу ёқда...

— Нима? — деди капитан.— Нима деб алжираяпсан? — У ранги ўчиб рўнарамда тўхтади. Лекин мен ҳам энди ўзимни босадиган ҳолатда эмасдим.

— Нима қиласиз яшириб?— дедим ранжиб.— Ё гўл бир қишлоқи дейсизми? Оля билан юргангиз»...) ҳаммаси табиий, ўз ёшига мос хатти-ҳаракатлардир.

Асарда воқеалар бир-бири билан узвий боғланади ва биридан иккинчиси келиб чиқади. Шунингдек, айрим ҳолатлар сир тутилади. Бу ҳол эса китобхонларнинг асарга бўлган қизиқишини таъминлаган. Масалан,

Даврон Ғозиев билан Оля Куприянова ўртасида қандай яқинлик борлигининг тагига Мансур етолмагандек, китобхон ҳам то Олянинг ўлими воқеасигача билмайди. Даврон билан Саломатнинг қандай топшишини ҳам асар охиригача сир тутилдики, бу китобхонини шикоятда қизиқтиради.

Асарнинг фазилатларини оширадиган муҳим принциплардан яна бири ҳар қандай характернинг тақдири охиригача етказилгани ва бу характерлар замида нимадир ётиши, улар ўзига хос «юк» кўтаришидир. Мисол учун Мансур билан Арслон тўқсонда ҳақиқий совет жангчиси қиёфаси кўрсатилган бўлса, Мирҳайдар образида фақат ўз тинчини, қоринини ўйлайдиган, бу йўлда йигитлик ғурурини ерга уришдан ҳам тоймайдиган нусхаларнинг башараси очиб ташланган. Ёзувчи ҳар бир характер қиёфасини очишда реалистик йўл тутди, яъни қандай образ (ижобийми, салбийми) бўлишидан қатъий назар, унинг тасвирга холисона ёндашади, асл қиёфасини хатти-ҳаракатида, фаолиятида кўрсатади. Ногаев жуда келишган, тартибли, ҳатто Гоби саҳроси, Хинган тоғларида юрганда ҳам этигига гард юқтирмайди. Лекин шахснинг ташқи кўриниши ички қиёфасини белгиламаслигини ёзувчи тўғри кўрсатган. Саҳрода ташналикдан йиқилган солдатларга сув келтириш учун машинасини Даврон Ғозиев сувга юбормоқчи бўлса, бу унга шахсини ерга уриш бўлиб туюлади. У мумкин қадар Даврондан ўч олишга ҳаракат қилади. Олянинг ўлимида Даврон Ғозиевни айблаб, машинанинг тартиб олиншини ҳам ўзича баҳолаб полковник Белобородовга шикоят ёзади. Ногаев образининг ечимини жуда тўғри, реалистик ҳал қилинган, яъни унинг тақдири ҳаёт ҳукмига ҳавола қилинган. Ногаев ўз қилмишлари билан ҳамманинг кўзига ёмон кўриниб қолади. Полковник Белобородовнинг ўзи комбат Давронга у ҳақида: «Даврон, азизим... Ногаев тугил юзта Ногаев ҳам сенинг номинг — сенинг Ватан олдидаги хизматларингга доғ туширмайди», деса, катта лейтенант Харитонов Давроннинг дафн маросимида Ногаевга: «Сен нима қилиб юрибсан, бу ерда?.. Нега келдинг?» — деб ҳайдайди! Бу ҳол Ногаев қабила учун жуда оғир жазодир.

Оля Куприянова билан Саломат образи ички манتيқ жиҳатдан бир-бирини тўлдирди. Чунончи, Саломатда фақат аёлларнинг ўзи тушуниб етказилган ўжарликка ўхшаш, лекин продани кўрсатадиган интилиш

бор. У шу туфайли ота-онаси, ҳамқишлоқларининг маълوماتига қолишига қарамай ўзи кўнгил берган кишига етишадан ҳамда бир умр унга содиқ қолади. Бу икки образдан адибнинг мақсади фақат бу эмас. Мақсад иккинчи жаҳон уруши кўп ажойиб кишилари-мизнинг фожиасига айланганини яна бир бор таъкидлаш, бу билан ҳаётга теранроқ қарашга ундашдир.

Асар бош қаҳрамонларининг бир-биридан ажралиши, уларнинг фожиаси билан тугайди. Бироқ уларнинг фожиаси сизни эзмайди, балки эзгуликка, софликка, слижанобликка чорлайди. Чунки бошларидан кўп қийинчиликларни ўтказган, шу қийинчиликларда чиниққан кишилар ҳар қандай фожиада ҳам ўзларини мардонатор тутадилар, инсонийликни қўлдан бермайдилар.

Бироқ асар баъзи бир камчиликлардан ҳам холи эмас. Бу камчилик, асосан, Саломатнинг Даврон Ғозиев билан топишиш эпизодида сезилади. Бир-иккита ҳамсуҳбат бўлмаган йигитнинг тақдирига қизнинг шунчалик жон куйдириши, қамоқхонага кунора ош қилиб бориши кишини ишонтирмайди. Ундан кейин Давроннинг тақдири билан нима учундир у ишлаётган редакция қизиқмайди-да, Саломат Йўлдош Охунбобоевгача боради. Нимагадир Саломатни қишлоғига олиб кетаётган ҳамқишлоқлари шунча воқеадан кейин уни ўз ҳолига ташлаб қўйишади. Бу саволларга асардан жавоб тополмайсиз. Асарнинг яна бир камчилиги қаҳрамонларнинг тил хусусияти, айниқса, улар ишлатган ибораларни ўз шароити ва муҳитига доим ҳам мос келмаслиги. Асарда тилга олинган ўзбек солдатларининг барчаси туркистонлик, уларнинг бирортаси ҳам асарда айтилиши бўйича, хизматга чиқарилмасдан илгари Тошкентда бўлишмаган. Бироқ нимагадир уларнинг гап-сўзларида нуқул тошкентликларга хос иборалар ишлатилади. Масалан, «Ана, Олой бозорида савдо бошланди» ёки «Йўқ, бунақа машиналардан ўзимизнинг ўзинчи трамвай тузук экан!» ва ҳоказо. Айниқса, бу ҳол Мансурнинг тилида жуда кўп учрайди.

Умуман олганда Улуғ Ватан урушининг сўнггида совет қўшинларининг Гоби саҳроси, Хинган тоғларидан ўтиб, япон қўшинларининг орқа томонидан чиқиб, қақшатқич зарба бериши каби тарихий воқеага бағишланган бу асар адабиётимизнинг ютуғидир. Бу воқеа ўзбек совет адабиётида биринчи марта ёритилиши билан ҳам қимматлидир.

Умуман, Одил Ёқубов ижодига всқеаларни реалистик услубда ҳаққоний тасвирлаш хосдир. Бу нарса «Матлуба» қиссасида яна ҳам яққол кўринади.

Матлуба Самифжонни қандайдир болалик туйғуси билан кўнглига яқин олиб юради. Бу туйғу, айниқса, Самифжон билан шаҳарда учрашгач янада кучаяди. Дастлаб биз бу туйғуга хайрихоҳлик билдираимиз. Лекин асарни ўқиб борган сари сергак тортиб, Самифжон туйғуси билан Матлуба туйғусини ўзаро тарозига сола бошлаймиз. Тўғри, Самифжон келишган йигит. Бунинг устига хушчақчақ, волейбол ўйнида устаси фаранг. Лекин ҳаётини фаолиятда, хатти-ҳаракатда, юриш-туришда тамоман бошқа. Матлуба билан шаҳарда илк бор учрашганданоқ, уни тортинчоқлигига, тўғрироғи, ҳаёли-лигига қандайдир истеҳзо билан қараб: «Шаҳарга келиб, ҳалиям шаҳарлик бўлмадингми?» деб кулади. Эртаси куниёқ волейбол мусобақасига таклиф қилиб, уни ўша ерда ҳаммининг олдида ўпиб олади. Бу нарсага эъвалига Матлуба унча эътибор бермайди. Бироқ кейинчалик Самифжоннинг бу қилиқлари уни ўйлантиради. Айниқса, йигитнинг хизматдан қайтиб келган кундаги муомаласи Матлубани қаттиқ ташвишга солади, унинг беғубор қалб кўзгуси дарз кетади. Шундан кейин ёзувчи турмуш синовларидан тўғри хулоса чиқаришни ва сабоқ олишни китобхонларнинг ўзларига ҳавола этади. Зеро, яхши асар ўқувчини чуқур ўйлашга ўргатиши ҳам керак.

Медицина фанида оғир касалликни англатувчи **анальгезия** деган термин мавжуд. Мазкур касалликнинг харақтерли белгиси инсон ўз аъзосида оғриқ сезиш қобилиятини йўқотади. Бу ҳолнинг олди дарров олинмас одам ҳалок бўлади. Ҳозирги кунда капиталистик жамиятнинг ахлоқий ва эстетик қарашларига мос бўлган, тўғрироғи уларнинг ғояларини ифодалайдиган яна бир термин юзага келди. Бу а у р а ф и я деб аталади. Бу термин атрофида юз бераётган барча ҳодисаларга нисбатан лоқайд қарайдиган кишиларга нисбатан қўлланади, улар учун ижобий маънода, албатта. Бизнингча бу а н а л ь г е з и я касаллигидан ҳам оғир дарддир. Чунки бундай кишиларда гўзал ҳодисалардан қувониш, жирканч воқеликдан изтиробга тушиш ҳисси бўлмайди. Улар том маънодаги инсоний дарддан маҳрум худбин кимсалардир. Демак, уларда ўз Ватанига, халқига нисбатан меҳр ҳисси, муҳаббати ҳам бўлмайди. Шуниси ачинарлики, дунёда бундай кишиларнинг сафи ортиб

Бормоқда. Урмон йўлбарсиз бўлмагандек, бизнинг гуманизм асосига қурилган жамиятимизда ҳам оз бўлсада, бундай тоифадаги кишилар мавжуд. Лекин биз жамиятимизнинг ташкил топган биринчи кундан бошлаб бу тоифадаги кишиларга инсбатан доно Партиямиз ва ҳукуватимиз бошчилигида нафақат кураш очганмиз, балки илдиизига болта урганмиз ва уриб келяпмиз. Бунда бизга биринчи қурол Партиямизнинг ўз съездларида илгари сурган ҳаётбахш ғояларига суянган бадний адабиётдир. Одил Ёқубовнинг ижоди ҳам бундан мустасно эмас. Кўриб ўтганимиздек унинг асарларида муҳим масала, яъни инсонийлик, инсоний дард масаласи илгари сурлади. Демак, а у р а ф и я дардига қарши бошг урилади. Унинг «Биллур қандиллар» қиссасида, айниқса, бу масала чуқур ва таъсирчан очиб берилган. Қисса ўқиб чиқилгач, дастлаб унинг заминидаги воқеалик жуда кўп асарларда тасвирлангандек бир муҳаббат мажорасидек таассурот қолдиради. Лекин киши кўз ўнгидан нимагадир асардаги образлар — камсуқум Хосият ая, бўш-баёв Ҳикматилло, орзуларига катта эрк берган Бегимқул, бир кўрсанг шаддод, бир оз андишасиз, бир кўрсанг ўқиган китобининг қаҳрамонлари ҳалокатидан чинакам кўз ёши тўккан маъсума киз Нилуфар, унинг ойиси, адаси кўз ўнгимиздан кетмайди. Улар Сизни нимадандир огоҳ қилгандек, нимадир ваъда қилгандек хотирангизда намоён бўлади.

Қиссанинг фаол қаҳрамонларида бири Нилуфар. Унинг шўхликлари, айниқса, курсдошларини сув билан таъминлаш учун ўзини касалга солиб, Ҳикматиллонинг ўз техникуми болаларига олиб кетаётган сувидан бебаҳра қилишларидан ёшлик жозибаси уфуриб туради. Сқибатда киши сўз билан таърифлаб бўлмайдиган хисларга чулғанади, қалби гўзалликка интилади. Лекин тахтадан қайтиб келингач, Ҳикматиллога қилган муомаласи, унга менсимай қарашлари, айниқса, унинг кватирасига келгандаги қўйидаги ҳолатлар: «Нилуфар қўлини тортиб олмади, теграсига кўкиш бўёқ суртилган чарос кўзларини унинг кўзларидан узмай, индамай тикилиб турар, унинг нигоҳида на бир ҳадик, на бир ҳаяжон сезилар, аксинча, «қани, яна нимага қодирсиз», деган бир савол бор эди. Ҳар қалай, Ҳикматиллога шундай туюлди-ю, уни ўзига тортиб, ўпди. Лаблари қизнинг лабларига эмас, кулгичларига тўғри келиб, яна ўшмоқчи бўлди, лекин Нилуфар ўзини орқага тортиб:

— Қўйинг, ўпишниям билмас экансиз!— дейишлари кишининг унга бўлган меҳрини совитади. Бегимқулнинг «Йўқлигини билдирмадиқ, оғайни. Шампан қуйиб бердим. Кинога оптушдим. Уйларига кузатиб қўйдим. Яхши қиппанми?.. Шу қизингни менга ошира қолсанг-чи! Барибир сен уни... эплай олмайсан...»— деган беҳаё гапларидан ғазабга келган Ҳикматилло у билан муштлашиб, Нилуфарнинг ёнига келади. Унинг эса:

— Вой, ману одамни!.. Кинога тушсам... нима бўпти?.. Нима, мен сизнинг хотинингизманми?— дейиши, бу гапга жавобан Ҳикматиллонинг:

— Ахир,— деди,— ахир биз... ўпишган эдик-ку!— деган хитобига «Мен... лабларимни артиб ташладим!» деб жавоб бериши, совуқликни бир қадар нафратга айлантиради. Бегимқулга турмушга чиққач, бу нафрат янада кучаяди. Бироқ бундай туйғу узоқ давом этмайди. Сабаб, Нилуфардаги қиссанинг дастлабки саҳифаларидаги жозоба тиниқлашган ҳолда намоён бўла бошлайди. Нилуфарнинг турмуши бекаму кўст. Мана унинг турмуш тарзи: «Ҳикматилло, гард юкмаган қип-қизил пояндозни ийманибгина босганича тор йўлакдан юриб, ўнг қўлдаги хонага ўтди, ўтаркан кўзи беихтиёр ётоқхонага тушди; қўш тавақали гарнитурга илинган кийимлар тахи бузилган, каравотдаги атлас кўрпа йиғилмаган... Лекин меҳмонхонадаги тартиб бекаму кўст: чет эллик қора ялтироқ сервантлардаги четларига тилла суви юритилган пиёла-чойнаклар, идиш-товоқлар, рангбаранг кўза ва кўзачалар, сурат солинган мис буюмлар, нозик қадаҳлар ҳаммаси жой-жойига қўйилган, жигарранг жовондаги оқ, қизил, қора жилдли китоблар битта-битта терилган, ердаги қирмизи гилам, эшик ва деразаларга нафис ҳарир тўр устидан тутилган қалин ыпак дарпардалар, экранни катта рангли телевизор, тилла ромга солиниб, деворга осилган иккита табиат манзараси, шифтдаги катта биллур қандил, ҳамма-ҳаммасида нозик дидли аёлнинг меҳрибон қўли сезилиб турар, ҳаммаси алоҳида қувв билан яратилган эди». Бунинг устига ундаги зебу зийнат, кийим-кечак ва машинани қўшсак ҳавас қилгудек турмуш. Зероки, шундай экан, нима учун асар охирида бундай шоҳона турмушнинг рад қилди? Айримлар бу саволга Бегимқул ташқи кўринишдан унга мос эмас эди, у айниқдай бир кимса, шунинг учун бу турмушнинг рад этди, дейишлари ҳам мумкин. Бундай хулосага келинишига бир қадар асос ҳам бор. Сабаби, қиссада Бегимқулга нисбатан айиқ

сўзи жуда кўп қўлланади: «Айиқдай ағанаб ётавермай, тулинг ҳой...», «чиндан ҳам айиқ гингшигандай гингшиган, керишган овозлар эшитилди», «Бегимқул айиқдай чайқалиб, вазмин одимлаб чиқиб кетди» ва ҳоказо. Лекин аслида бундай эмас, у келишган йигит. Айиққа нисбатан берилиши унинг самбо курашидан чемпион бўлганлиги, демак кучига ишорадир. Аслида у ҳавас қилгудек йигит. Мана қиссада унинг ташқи кўриниши қандай тасвирланади: «Бегимқул мамнун бўлиб, кундузги кийимларини кия бошладию, ўйлаб туриб, қайта ечинди. Ётоқхонага чиқиб, шкафдан японча кулранг ялтироқ костюм-шимини, ҳали бир марта ҳам кийилмаган, нимсариқ ипак кўйлагини, кўйлаги рангида тугуни муштдек келадиган янги гулдор галстугини, янги қизил носкиси билан бир мартагина кийилган қора импорт туфлисини олиб кийди, кийди-ю, ўзини ойнага солиб, мамнун жилмайиб қўйди.

Катта тошойнадан унга газ мастери Бегимқул эмас, камида фан кандидати, ҳатто ёш профессорларга ўхшаб кетадиган, қадди-қомати кетворган, салобатли ва айни замонда хушсурат бир йигит мағрур жилмайиб қараб турар эди! Силлиқ таралган ва тўлқинланиб елкасига тушиб турган қоп-қора қалин сочлари эса, уни ҳатто ёш расом ё хотини танийдиган кибор композиторларга ўхшатар эди!» Бундан кўриняптики, эри ташқи кўринишдан бекаму кўст, ҳатто ортиқ ҳам. Башарти шундай экан, шоҳона турмушни, бекаму кўст эрни ташлаб кетишга сабаб нима? Ҳикматиллога бўлган муҳаббатми?! Адиб худди мана шу ҳолатда катта социал масалани ўртага ташлайди ва ҳаётий, шунингдек, ишонарли тарзда ечимга эришади. Нилуфарни уйдан кетиб қолишига сабаб эрининг ташқи кўриниши, бачкана қилиқлари, шунингдек Ҳикматиллога кўнгли борлигида ҳам эмас. Ёбалки асосий сабаб, оиладаги маънавий қашшоқликда, Ҳикматиллода йўқ фазилат Бегимқулда бор деб англашида эди. Ёзувчи бу ҳолнинг туб асосларини очиб бериб, китобхонни огоҳлантиради ва катта маънавий озиқа беради. Маълумки, қиссада Нилуфарнинг шахси ҳақида фикр билдирилар экан, уни музыка мактабида ўқигани, отаси музыка ўқитувчиси эканлиги, китоб ўқиши бир неча ўринда таъкидланади. Ёзувчининг бундай қилиши бежиз эмас. Ундан маълум мақсад назарда тутилган. Адиб бу билан Нилуфарнинг маънавий бойлигига ишора қиляпти. Ҳаёт ҳақиқатидан маълумки, ким санъат ва адабиёт билан ошно бўлса, унинг қал-



би софлик, эзгулик билан йўғрилган бўлади, атрофда гўй бераётган воқеликка бепарқ қарай олмайди, ноҳақлик, адолатсизликка қарши бонг уради, эркин фикрга эга бўлади. Нилуфар ҳам шу тоифадаги қиз. Унинг Ҳикматиллони ўзига яқин олишига биринчи сабаб ўзининг нозик туйғуси ва закийлиги билан ундаги софликни англаб олганида. Бу туйғу унинг қалбига яқин эди. Ҳикматиллони ўзига маслакдош бўлади деб ўйлади. Бироқ у билан яқиндан мулоқотда бўлгач, у ҳали ўзининг идеалидаги одам эмаслигини англади. Чунки Ҳикматилло Нилуфар англаган, ҳис қилган, билган нарсаларнинг учдан бирини ҳам билмасди. Фикри тор, гўзалликни теран ҳис қилиш қобилиятига эга эмас эди. Ҳатто унга Нилуфарнинг китоб устида кўз ёши тўкиши қандайдир бачканаликдек туюлади. Нилуфарга эса унинг бу қадар «тўнка»лиги озор беради. Лекин Нилуфарни ундаги бир нарса ўзига жалб қилиб турарди. Бу ҳам бўлса, қалб софлиги ва бировнинг дардини ўзиники деб билиши, ёрдамга муҳтож кишини кўрганда унга кўмак бермай ўтиб кетолмаслиги. Чунки Нилуфарда ҳам шу туйғу ниҳоятда нозик формада мавжуд эди. Нилуфарни Ҳикматиллога мана шу ришта боғлаб турарди. Шунинг учун Ҳикматиллони тўпорликдан замонга мос йигитга айлантиришга, фикр доирасини кенгайтиришга интилди. Бунинг эвазига Ҳикматиллонинг ўринсиз таънасига ва қўпол рашкига дуч келди. Мана шу ҳол туфайли Ҳикматиллодан кўнгли ранжиб юрган бир пайтда Бегимқулга дуч келди. Бегимқулнинг кийиниши, ўзини ниҳоятда эркин тутиши, Нилуфарнинг истакларининг бирортасига монелик қилмаслиги, аксинча шу истакларнинг амалга ошишига тарафдор бўлиши каби Ҳикматиллода йўқ фазилатни ундан тошгандек бўлди. Бегимқулнинг чегарадан чиққан ҳазил-мутойибалари, дағал қилиқлари унга «дилидаги нозик туйғуларни ошқора қилишни истамайдиган замонавий йигитларнинг сохта қўрслиги бўлиб» кўринди. Бироқ унга турмушга чиққач қаттиқ янглишганлигини, инсонни билишда ўзининг ҳаётий тажрибаси камлик қилганлиги, бу борада у фақат ташқи кўриниш, гап-сўзига қараб баҳо берганлигини руҳан англади. Сабаби, Бегимқулда инсоннинг энг юксак фазилати бўлган ҳалоллик, софликдан асар ҳам йўқ эди, ҳатто инсон билан ҳаммиша ёнма-ён юрадиган «дард, оддий инсоний дард» ҳам йўқ эди. У ичдан эзилди. Бу эзилиш кунлар ўтган сари ички туғёнга айланди. Ҳикматиллонинг ар-

мия хизматидан отпускага келганда уларникида бўлиши бу туғённинг портлашига сабаб бўлди. Чунки у Ҳикматиллодаги катта руҳий ва маънавий ўзгаришни кўрганда яна ичдан зил кетди. Бир йилда шунча ўзгариш, «ҳар бир сўзи, қилиқлари, муомаласидан кишини ром қилувчи бир самимият, одамийлик, гурур сезилиб турган бу йигит» Нилуфарнинг ички туғёнига гўё олов пуркади. Унинг олдида эри Бегимқулнинг пасткашлиги янада очиқ намоён бўлди. Тўқсон сўм эмас, тўққиз юз беришга қодир бўлган Бегимқул Ҳикматиллонинг илтижолу кўзига бемалол боқиб ёлғон гапирди, бу ҳам етмагандек, Нилуфарни бош инженерига таништирмоқчи бўлди:

«Буларни қўйиб тур, жонгинам. Меҳмон келди. Кутиб ол!»

— Қанақа меҳмон?

— Бош инженеримиз!— Бегимқул кўзини ғалати қисиб жилмайди.— Далага бирга чиқмоқчи эдигу чиқмаганимиздан кейин... уйга таклиф қилдим. Сен билан танишмоқчи...» Бундай хатти-ҳаракат, субутсиэлик Нилуфардек нозик қалб, маънавий бой аёл учун қаттиқ ҳақорат эди. У буни кўтаролмади. Сиртдан қараганда юқорида кўриб ўтганимиздек ҳеч нарсадан камчилиги йўқ турмушдан воз кечди. Аслида унинг турмушида жуда катта камчилик — пул, бойлик билан ўлчанмайдиган, улар билан сотиб олиб бўлмайдиган етишмовчилик бор эди. Бу маънавий бойлик. Нилуфар учун эса ҳар қанақа бойликдан ҳам бу бойлик устундир. Бу, ўз навбатида, ёзувчининг асарини орқали китобхонга айтмоқчи, унинг шуурига етказмоқчи бўлган нияти, ғояси ҳамдир.

Адибнинг яна бир ютуғи шундаки, у қаҳрамонлар характеридаги ижобий ва салбий ҳолатларнинг юзага келишининг туб асосини кўрсатиб беради. Агар илмий термин билан айтсак социал ва психологик детерминизм принципига амал қилади. Бегимқул худбин, ўз манфаати йўлида ҳар қандай жирканчликдан қайтмайди. У дўстининг кўзига чўп солди, ўзи истиқомат қилган, уй соҳибаси — кўп яхшиликлар кўрган Хосият аядан газ тушириб беришда таъмагирлик қилади, яъни гўё сандиги остида ётган ёмби олтин ҳисобидан юз сўлкавой умидвор бўлади. Хуллас, ўз хизмат бурчини пулга чақади. Бош инженердан дакки эшитгани учун дарров унга йўл қидиради. Ута тубанликка боради — хотинини унга таништирмоқчи бўлади. Хўш, Бегимқулда бундай

хусусият қаердан пайдо бўлди? Қиссада бу саволга жавоб топилади. Бегимқулдаги бундай нонинсоний хатти-ҳаракат унинг отасидан юққан. «Бегимқулнинг дадаси Леакадаги катта бир миллионер колхозда бош бухгалтер бўлиб ишларди. Кўринишдан у Бегимқулнинг тамом тескарисини, нимжонгина, ювошгина, камгап одам. Лекин бу ювош одамнинг қўли етмайдиган жой йўқ. Тошкентда ҳам ошна-оғайнилари кўпи». У ҳаммаини ҳайратда қолдирадиган катта тўй қилди, тўй кечаси Нилуфарнинг эшигида битта-иккита эмас, йигирмадан ортиқ янги «Волга»лар саф тортиб турди... Пешона тери билан оила боққан одам бундай имкониятга эга бўлмаслиги аён. Унинг дадаси ҳамма нарсани пул, совға-салом билан битиради. Мана бу ҳақида Нилуфар нима дейди: «Ҳамма ишни хамирдан қил суғургандек қилиб силлиқ битирадиган, сизлаб туриб, кулиб туриб жон оладиган қайнатасинчи? Эрта-индин бу гаплардан хабар топса одатдагидек қўли кўксига: «Ассалому алайкум! Боракалло сизга, боракалло!» деб кириб келиб, ойисини қўлга олмасмикан, ҳамма ёқни совға-саломга тўлдириб, унга қарши қайраб солмасмикан ҳали?» Ҳа, бу каби одам тарбиясидан фақат Бегимқулга ўхшаганлар шаклланади.

Ҳикматиллонинг отаси қўли гул уста, яъни меҳнаткаш инсон, Нилуфарнинг дадаси мусиқачи, санъаткор одам. Шундан уларнинг фарзандларининг қалби эзгулик, софлик билан йўғрилган. Қаҳрамонлар характеридаги туб асосни, унинг заминини кўрсатиш социалистик реализм методининг муҳим талабларидандир. Одил Ёқубов ўз қиссасида нафақат бу талабга амал қилган, балки характер яратиш маҳорати билан унинг янги аспектини ҳам намойиш қилган.

Хулоса қилиб айтсак, мазкур қиссалар ҳозирги кундаги актив ва иқтидорли адибларимиздан бири бўлган Одил Ёқубовнинг реалистик тасвирдаги маҳорати янги-янги камолотларга эришиб бораётганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

## ҲАЁТ ЗИДДИЯТЛАРИ ВА ИНСОН ҚИЁФАСИ

Ижодкорга илҳомни ҳам, темани ҳам ҳаёт беради. 1941 йил ёзида Ватанимиз бошига жуда катта кулфат тушди.

Улуғ Ватан уруши бошланганда Одил Ёқубов айни ўйнаб-куладиган, ҳаёт ташвишларидан холи 14—15 ёшлардаги ўсмир эди. Қўлидан иш келадиган, яъни қурул кўтаришга ярайдиган эркаклар ёппасига Ватан ҳимоясига отланган, бу ердаги ишларнинг барчаси, таъбир жоиз бўлса ҳали суяги қотмаган ёшлар билан хотин-халажга ва қарияларга қолган эди. Фронтга эса кўплаб дон керак, кийим керак эди. Ёшлар ҳеч иккиланмасдан ўз оталарининг ўрнини босишга киришди, яъни меҳнат frontiга отланишди. Мана шундай ёшлар орасида Одил Ёқубов ҳам бор эди. Бу ёшлар ишнинг энг қийинига ўзларини уришди. Кунни тунга улаб меҳнат қилишди. Одил Ёқубов уруш даврида ўз дўстлари билан далада меҳнат қилиб юрар экан, бу воқеаларни ёшлик қалби билан нозик ҳис қилди. Оқибатда, кейинчалик унинг «Эр бошига иш тушса» романи юзага келди. Романда қаламга олинган воқеа-ҳодисалар ўз ҳаётига яқин бўлганлиги туфайли, жуда ёрқин бўёқларда, ҳаётий образларда ифодалади. Роман қаҳрамонлари ҳаётга энди қадам қўйиб келаётган ёшлардир. Адибнинг маҳорати шундаки, уруш ортидаги ҳаётни, тўғрироғи урушнинг халқ бошига солган кулфатини ёшларнинг дунёқараши, тушунчаси орқали очиб берган. Адиб уларнинг тушунчасини қуруқ баён қилмайди, балки уларнинг ҳаёт тенденциясини қай даражада тушунишларини меҳнатлари орқали очиб беради.

Романдаги ҳар бир образ ўзининг аниқ қиёфасига эга, улар романда ўз ёши ва савияси даражасида ҳаракат қилади. Шундан уларнинг барча хатти-ҳаракатлари ва тутган ишларига ишонамиз. Албатта, бу нарсა ёзувчининг маҳорати билан ўлчанади.

Одил Ёқубов асарни тўғридан тўғри ҳаётий лавҳадан бошлайди. Биз Муяссар билан Гулчехранинг шафтоли тераётганда ўзаро гапидан, у ерда Машрабнинг пайдо бўлишидан асарнинг бош қаҳрамони Муяссар билан Машраб эканлигини дарровгина сезамиз. Шу эпизоддан кейин Машрабни ҳандалак ўғирлашда айблаб колхоз идорасига қамаб қўйишади. Бу ўринда адиб Машрабнинг ички кечинмаларини чуқур очади. У ўзи қилиб қўйган хатодан қаттиқ азобланади, одамларнинг кўзига кўринишдан уялиб яшириниб юради. Адиб бу ўринларни ғоятда ишонарли қилиб тасвирлаган. У ўзининг қилган хатосидан тонмайди, бировдан ҳомийлик ҳам тиламайди. Муяссар олдида Кўр Шерматнинг унга муомаласи, Барнонинг, лозим бўлса ўртоқ Эртоев

билан ҳам гаплашаман, деган сўзи иззат-нафсига қаттиқ тегади. Чунки у келинойисининг Эртоев билан яқинлиги сабабини ўзининг мурғак қалби билан сезади ва ундан нафратланади. Биз Машрабнинг ўйларига, унинг тутган ишларига хайрихоҳ бўла бошлаймиз. Чунки унинг ўй-фикри ва тутган иши софликка, эзгуликка хизмат қилади. Бу воқеадан кейин Машраб кўп ўтмай қирга чиқиб кетади. Кечаю кундуз буғдой ташиш ишида дўстларига бош бўлади. У буғдойнинг бир донаси ҳам исроф бўлишига йўл қўймайди. Станцияга олиб борилдиган буғдойнинг кам чиқишидан сергакланади. Бунинг сабабчиси кимлигини аниқлашга киришади. Дўстлари Қўчқор ва Акмаллар ёрдамида бунга эришади ҳам. У қишлоқ Совети раиси Холмат чавандознинг ўғли Ёдгорбек бўлиб чиқади.

Асарда Машраб ва дўстларининг меҳнат жасорати, уларнинг иродаси Рустам Давон воқеасида ёрқин кўринадди. Бу ҳолат эҳтиросли картиналарда тасвирланганлиги туфайли кишининг хотирасида узоқ сақланади. Ёзувчи бу ерда ўз қаҳрамонларини ҳаёт синовидан яна бир карра ўтказган.

Маълумки, адабиёт сўзининг ўзи одоб демакдир. Башарти шундай экан, ижодкор асар ёзаётганда бу масала, албатта, унинг олдида кўндаланг туриши керак. Одил Ёқубов мазкур асарида бунга апча эътибор берган. Зеро асар қаҳрамонларининг барчаси ёшлар бўлгандан кейин, бу масалага жиддийроқ эътибор бериш ҳам керак эди. Одил Ёқубов буни Машрабнинг тутган иши орқали ишонарли қилиб очиб берган.

Машраб Муяссардай севгилиси бўлишига қарамай қозоқ қизи Сулувсочга тегажоқлик қилади, лекин бундай қилиш нотўғри эканлигини дарров англайди: «Йўқ. Машраб на Сулувсочдан хафа, на Қўчқордан. У ўзинга ўзи шундай нопок, нафси бузуқ, пасткаш туюлиб кетдики, инграб юборишдан қўрқиб, кафтини тишлади: Ахир... бир ҳафта бурун, унинг ўзи шунақа қилиқлари учун Қўчқордан нафратланган эди-ку? Ҳозир эса... ўзи ундан баттар бўлди. Яна севган қизи бўлмаса ҳам майли. Севган қизи, Муяссардай тенги йўқ маҳбубаси борку, ахир? Борганда нима дейди? Унинг юзига қандай қарайди энди». Машрабнинг бу монологи ички бир изтироб, дард билан айтилаётганидан кишига таъсир қилади. Чунки бу гапларда сунъийлик йўқ. Шунингдек, Машрабдан шундай гап чиқишига киши ишонади. Адиб асар бошидан бунга кишини ишонтириб боради. Уму-

ман, у Машрабни бирор ерда ҳам ҳаётдан ажратиб тас-  
вирламайди, у ҳамиша қайноқ ҳаёт ичида.

Романда ибратли қаҳрамонлардан яна бири Камол-  
дир. Камол урушдан қўлидан яраланиб қайтади. Лекин  
колхознинг оғир ҳаётини кўриб чидаб тура олмайди. У  
иш одами, буни биз тез кунда колхоз ҳаёти билан ара-  
лашиб кетганида кўрамыз. У ёшларнинг қилаётган иш-  
лари кичкина иш эмаслигини тушунади. Шундан йиғит-  
ларни кўп ўринда қўллаб-қувватлайди. Гулчеҳранинг  
ўзи севмаган кишига узатилишидан, тўғрироғи, мажбу-  
ран олиб қочилишидан хабар топишган Машраблар уни  
бу кўнгилсизликдан сақлаб қолишади. Бироқ Чавандоз  
билан Эртоев тўхмат уюштириб, уларнинг ишини тер-  
говга топширади. Бундан хабар тошган Камол қаттиқ  
қайғуради, улар учун курашади. Унинг бошчилигида  
бугдой ўғриси Эшвой фон бўлади, ҳақиқий Эшмат  
ака аниқлади. Романда Муяссар, Лариса образлари ҳам  
пухта ишланган. Уларнинг шу даврда, муҳитда тутган  
позицияси гоят тўғри ва ишонарлидир. Уларнинг севги-  
си ҳозирги ёшларимизга ибратлидир.

Кўриб ўтганимиздек, Одил Ёқубов ижодини замона-  
вий асарлар ташкил қилади. Лекин 70-йилларга келиб  
Одил Ёқубовда тарихий асар ёзиш нияти тугилди. Бу  
нияти буюк олим, катта давлат бошлиғи Улуғбек ҳақи-  
да роман ёзиш эди. У бунга материаллар йиғди, шу давр  
тарихини чуқур ўрганди. Бироқ бошлашга нимадир  
етишмасди. Адиб қандай ва нимадан бошлаш ҳақида  
кўп бош қотирди. Лекин барибир адиб ёзишга киришол-  
мади. Адиб ниманидир кутарди. Ниҳоят ана шундай  
туртки бўлди. Бу туртки катта адабиётшунос, Лермон-  
тов тадқиқотчиси Ираклий Андрониковнинг «Известия»  
газетасида чиққан бир мақоласи бўлди. Мазкур мақола-  
да тарихда ҳеч бир нарса бутунлай йўқолиб кетмаслиги,  
қунт билан изланса бу нарсаларни қўлга киритиш мум-  
кинлиги ҳақида фикр юритиб, ўз фикрини фактлар асо-  
сида исботлаб берган эди. Одил Ёқубов шу мақолани  
ўқигач, гўё кўпдан бери йўқотиб юрган нарсасини топ-  
гандек бўлди. Ҳатто унинг тарихий асар ҳақидаги ол-  
динги режаси ҳам маълум даражада ўзгарди. У олдин  
Улуғбек ҳаёти ва фаолияти ҳақида асар ёзмоқчи бўлиб  
юрарди. Бу мақоладан кейин унинг хазинаси ҳақида  
ёзса иши осонроқ кўчишини ҳамда қайтариқ бўлмаслиги-  
ни сезиб қолди. Шу тариқа икки қисмли роман, яъни  
«Улуғбек хазинаси» майдонга келди. Роман баъзи бир  
адабиётшунослар таъкидлашгандек бутунлай тарихий

шахсга — Улуғбек фаолиятига бағишланган, яъни тарихий-биографик асар эмас, соф тарихий асардир. Чунки бу ерда асосий гап Улуғбек ҳаёти устида кетмайди, балки унинг хазинаси устида кетади. Бизга маълумки, тарихда юз берган ҳар бир воқеа-ҳодиса, юзага келган бойлик, маданият инсон фаолиятининг маҳсулидир. Зероки шундай экан, булар ҳақида гапирилганда, албатта, инсон фаолияти устида тўхтаб ўтмасликнинг иложи йўқ. Шундан тарихий темадаги бадий асарнинг тарих фанига яқинлиги бўлади. Лекин ўзининг специфик хусусияти жиҳатидан фарқ ҳам қилади. Чунки тарих фанида шу даврда нима воқеа юз берганлиги аниқ фактларда санаб ўтилса, бадий асарда шу воқеа қандай содир бўлганлиги тасвирланади, шу воқеа-ҳодисада иштирок этган одамлар қиёфаси гавдалантирилади, уларнинг қувонч ва изтироблари кўрсатилади. Бир сўз билан айтсак, шу тарихий воқеага жон бағишланади, яъни ўша давр қайта тирилтирилади. Лекин бу нарса тарихий фактга зид бўлмаслиги ўша давр воқелигига мос келиши лозим. Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романи жанр талабига тўлиқ жавоб беради. Тарихдан маълумки, Шоҳруҳ мирзо вафотидан кейин (1447) Хуросонда ва Урта Осиёда тўполонлар бошланиб кетди. Бу тўполонларнинг асосий сабаби Темур тахтига эга бўлиш эди. Тахтга қонун бўйича Шоҳруҳнинг энг катта ўғли бўлгани учун Улуғбек ўтириши лозим эди. Лекин Шоҳруҳнинг хотини Гавҳаршод невараси Бойсунқурнинг ўғли Алоуддавлани Темур тахтига ўтқазиш ниятида эди. Лекин буни аниқ айтолмасдан Улуғбек ишларига монелик қилди. Бу ҳол Абдуллатифга қўл келди, иккинчи томондан мазкур ўзаро низолар реакцион кучларга кенг йўл очди. Романи ўқир эканмиз, мана шу ҳолат тўла ўз ифодасини топганлигини кўрамиз. Албатта, бу адибнинг катта ютуғидир. Тарихда 1449 йил октябрда Самарқандга яқин Дамашқ деган қишлоқ яқинида қаттиқ жанг бўлади. Бу жангда Улуғбек ўғли Абдуллатифдан енгиледи. Самарқанд амири Мироншоҳ эса хонлик қилиб, дарвозани беркитиб, Улуғбекни шаҳарга киритмайди. Бу тарихий факт. Улуғбекнинг ўлими эпизодини ўқигач, ёзувчи маҳоратига таҳсин ўқимай илож йўқ. Биринчидан, бу ҳол тарихий тўғри берилган, иккинчидан инсоннинг бахтсизлиги олдидаги ҳолати санъаткорона инкишоф этилган. Улуғбек ғоятда илмли, кўп нарса ни олдиндан биладиган, кучли, иродали одам. У тахт қўлидан кетганидан кейин, бундан буёнги ҳаёти қандай

кечишини яхши билади. Шунга ўзини маълум даражада тайёрлаган ҳам. У ҳар қанақа хўрликка чидайди, фақат уни китобларидан, расадхонасидан айирмасалар бас. Бу истагини ўглига айтишга, ундан илтимос қилишга тортишмайди. Чунки тақдирга бўйсунди, тўғрироғи, унга мажбур бўлди. Сабаб, у энди курашниш бефойда эканлигини қалбдан сездди. Лекин қисмати ўлим билан тугашини сира хаёлига келтирмайди. Одил Ёқубов бу тарихий ҳақиқатни жуда яхши ўрганган ва ўз асарида жуда тўғри акс эттирган. Улуғбек қисмати ўзи ўйлаганча бўлмаслигини, Маккага кетаётганида, довондан ошмасдан, «Улуғбек ўзига керакли йўл жабдуқлари олсин учун қўшни қишлоққа кириб тўхтасин» деган фармойиш олгандагина кўнгли бир нарсани сезади. (Тарихда фақат Улуғбекнинг кайфи бузуқ бўлган дейилган, холос.) Одил Ёқубов мана шу ўришларда, ҳақиқий «инсоншуносга» айланади. Чунки у бундан беш аср аввал ўтган шахсга жон ато этади, унинг ўз ўлимини сезгандан кейинги руҳий кечинмасини гўё тепасида тургандай кўз ўнгингизга келтириб тасвирлайди. Мана, Одил Ёқубов бу ҳолатни қандай беради: Ясовул ундан розилик сўраб ўтирмай, отининг бошини қишлоқ томонга бурди.

«Во дариг! Бошимда тагин не савдолар бор?.. Шаҳзодага не керак? Мовароуннаҳрдан ҳайдади. Тожу тахт, салтанат — барини олди. Алҳол ўз ҳолимга қўйса бўлмасму?..»

Мирзо Улуғбек бошини кўтариб узоқ тоғларга қаради, қаради-ю, хаёлига яна бояғи ўйлар келди:

«Нечун бунчалар титрайсан, эй Муҳаммад Тарағай? Бундан ёмон не бўлур? Бошинг кетурми? Она-юртинг, суюкли элингдан айрилиб, ёт элларда дарбадар бўлиб ўлгунча ўз тупроғингда ўлганинг аъло эмасму? Нечун қалтирайсан, Мирзо Улуғбек?» Улуғбек шубҳасиз буюк одам. Бу нарса Одил Ёқубовнинг доимо назарида туради. Юқорида биз келтирган мисолда, яъни Улуғбекнинг монолоғида аниқ сезилиб турибди. Буюк кишиларгина ўз қисмати олдида ўзига ўзи шундай тасалли бера олади. Лекин барибир ҳаёт ширин. Шундан ўлим сўзининг ўзи ҳам инсонга даҳшатли эшитилади. Одил Ёқубов ўз асарида мана шундай психологик томонларга катта эътибор беради. Шундан адибнинг: «Мирзо Улуғбек ўпкаси тўлиб, калима келтира бошлади, лекин кўз ёши аралаш тепасига келиб тўхтаган Сайид Аббоснинг қорақузғун важоҳатини, боши узра кўтарган қиличини кўрди, кўрди-ю, ижирганиб кўзларини юмаркан: «Алвидо,



Али! Умидим ёлгиз сендан! Илоҳим менинг бошимга тушган бу савдолар сенинг бошингга тушмагай! Ё раб, ёзуғим недур, маним?— деб пичирлади»— деб ёзиши ғоят ҳаётий ва табиийдир.

Умуман, Одил Ёқубов инсон руҳий оламини инкишоф этишда маҳорат кўрсатган. Ўз отасининг ўлимидан кейин Абдуллатифнинг ҳар бир нарсадан чўчиб, ҳадиксираб, нима иш қилаётганини ҳам англамай, телба-тескари буйруқлар бериши ғоятда усталик билан тасвирланган. Адибнинг, айниқса, бу борадаги маҳорати мударрис мавлоно Муҳиддин образида намоён бўлади. Мавлоно Муҳиддин ташқи кучлар, биринчи навбатда отаси Салоҳиддин заргарнинг ва шайх Низомиддин Хомуш таъсирида иродасизлиги туфайли устози Улуғбек ишларига қарши чиқиши, Улуғбек китобларини сақлаб қолишдан бош тортиши кейинчалик уни азоблайди, виждон азобига солади. Одил Ёқубов бу ўринда инсон психологиясини жуда нозик ҳис қилган. Мавлоно Муҳиддин асли ёмон одам эмас, катта олим, устози Улуғбекнинг меҳрига муяссар бўлган киши. Шундай кишининг бирданига ўз эътиқодидан, устози ғояларидан юз ўғриши тўғрими, унга киши ишонадими?! Асарни ўқир эканмиз, унинг бу қилмишини ишонарли деб топамиз. Бундай хулоса чиқаришимизга бир қатор омиллар асос беради. Биринчидан, унинг характерида қўрқоқлик ва шуҳратпарастлик бор, иккинчидан, у бир марта жабр топган, яъни Абдулазиз қизи Хуршида бонуни афгор қилган, оиласини бузган, учинчидан, отасининг «Устозининг барча хешу ақробалари, дўсту шогирдлари шоҳзоданинг қаҳрига йўлиқадур, таъқиб остида қоладур... Шунгайм ақлингиз етмайдими? Ҳамма давр, ҳамма замонда шундай бўлган, ўғлим! Эски тўн янги хўжайинга тўғри келмайдур. Кўплар қирғинга учрайдур, кўплар раҳматлик Мирзо Улуғбек янглиғ, калласидан жудо бўладур!..» деган сўзи чўчитади. Мана шу омилларнинг барчаси мавлоно Муҳиддиннинг ўз виждонига хилоф иш қилишга олиб келади. Одил Ёқубов инсон характеридаги ҳар бир ўзгаришни, унинг хатти-ҳаракатини мана шундай ишонарли қилиб асослайди. Мавлоно Муҳиддиннинг ўз қилмишидан руҳан эзилиб, ақлдан озиши ҳам ишонарли ва ҳаётий ҳақиқатга мос. Чунки Мавлоно Муҳиддин илм кишини, ўз навбатида устозининг соф кўнгил, илм-маърифатга берилган адолатли бир инсон эканлигини билади. Зероки шундай экан, унинг ўз қилмишидан ўкинмаслиги, виждон азобига туш-

маслиги мумкин эмас. Хуллас, Муҳиддин ўз эътиқодига, устозига бўлган муҳаббатига оғгли равишда сотқинлик қилмайди, балки характеридаги қўрқоқлик ва ўз оиласининг тинчини ўйлашидан, юқорида санаб ўтилган омиллار таъсиридан бу ишга йўл тутади. У жаҳолагли ўтмишнинг қурбонидир.

Романда тарихий образлар билан бир қаторда, бир нечта тўқима образлар ҳам берилган. Бироқ бу тўқима образлар автор томонидан ўз муҳити, даврдан узиб олинмасдан тасвирланган, шунингдек, бу образлар шу давр иллатларининг бир томонини очиб беришга хизмат қилдирилганлиги учун тарихий образлардан ажратиб бўлмайди. Албатта, бу адибнинг ютуғидир. Бундай образлар Мавлоно Муҳиддин, Қаландар, Қарноқий, Хуршида бону ва бошқалардир. Қаландар Қарноқий билан Хуршида бону тимсолида инсонга ва севгига бўлган садоқатни, катта инсонийликни кўнглимизга жо қилиш билан бирга, ўша давр адолатсизлигини, зўравонлигини, инсоннинг гўзаллиги ўша давр учун катта бахтсизлик эканлигини чуқур ҳис қиламиз. Айниқса, романда ҳанузгача олимларимиз томонидан етарли ёритилмаган буюк аллома Али Қушчининг асосий образлардан бири қилиб берилиши ва ундаги инсонийлик, илмга берилганлик, устозга садоқат, умуман унинг руҳий олами мукамал ёритилганлиги диққатга сазовор.

Тарихий темадаги бадий асар бир қатор специфик хусусиятларга эга. Шулардан бири тилдир. Тил умуман бадий асарнинг асосий ва муҳим компоненти ҳисобланади. Чунки тил, биринчидан, асар қаҳрамонларига индивидуаллик, ўзига хослик бағишласа, иккинчидан шу асар воқеаси ўша давр, шу даврда яшаётган одамлар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилади. Бу нарса, айниқса, тарихий асар учун муҳимдир. Одил Ёқубов асарида жанрнинг маъна шу томонларига ҳам катта эътибор берган. Бу билан у узоқ ўтмишни, яъни Улуғбек даврини тўлиқ қайта жонлантира олган, ўша давр одамларининг аниқ қиёфасини бера олган. Бу асар Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлди.

«Талант инсонга берилган бахт бўлиб, аини замонда у ижтимоий бойликдир. Талантнинг имкониятларини тўла-тўқис рўёбга чиқармоқ учун ижодкорнинг ўзи зўр бериб, ғайрат билан фидокорона ишламоғи керак. Талант қанчалик жиддий, ёрқин бўлса, унинг ўз-ўзига қўядиган талаблари ҳам шунча баланд бўлиши лозим. Талаб бўшаштириб қўйилса, талант сўниб, тўпослашиб

қолади. Бунинг устига талантнинг ўз-ўзига нисбатан талабчанликни пасайтириб қўйиши, юксак ғоявий фазилатлар учун курашни бўшаштириб юбориши хом-хатала, ўртамиёна асар яратнишга ҳар парсадан кўпроқ қулай замин вужудга келтиради», деб айтганди СССР Ёзувчилар союзининг V съездида СССР Ёзувчилар союзи правленишининг биринчи секретари Г. Марков ўз докладада. Бу гапнинг нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Одил Ёқубов ўз ижодига талабчанлик билан қарайдиган ёзувчидир. Унинг «Диёнат» романи мана шундай юксак талаб билан ёзилган. Романининг ўзига хос хусусияти, қиммати шундан иборатки, унда фан-техника революцияси туфайли туғилган, бугунги куннинг энг актуал ва долзарб асалалари кўтарилган.

Роман том маъноси билан бугунги кун воқелигига бағишланган. Унда ҳозирги кун муаммолари ўз ифодасини топган. Бу муаммо ҳар бир образнинг фаолияти ва хатти-ҳаракатида сезилади. Асарнинг бош образи Отақўзи Умаров. У ўта ишчан ва ишнинг кўзини биладиган уддабурон одам. Характеридаги шу хусусияти туфайли ўзи бошчилик қилаётган совхозни илғор, даромадли хўжаликка айлантирган: «Дастлаб кичкинагина бир колхозга раҳбар бўлган одам, кейинчалик беш-олти-та колхозни бирлаштириб, гигант хўжаликка раҳбар бўлди. Пахта майдонининг ўзи салкам уч минг гектарга етди. Унча-мунча шаҳардан қолишмайдиган кўркам қишлоқ қуриб, донғи бутун мамлакатга кетди». Отақўзи Умаров илғари камтар, қўл остидаги колхозчи ва ишчиларнинг арз-қолига қулоқ соладиган, бирор иш қилса маслаҳатлашадиган киши эди. У хўжаликда катта ютуқларни қўлга киритгандан кейин, бу фазилатлари аста-секин йўқолиб кетди. Энди унинг ўз давраси бор. Бу даврага унча-мунча одам яқинлаша олмайди. Истаганини қилади, гапини икки қиладиганлар билан ҳисоблашиб қўяди. Ҳеч кимга маслаҳат солмай Ўрозқул чолнинг ўғлини бинойидек яшаб турган уйдан кўчириб, унинг ўрнига тоғаси — профессор Нормурод Шомуродовни кўчириб келади. Домла буни билганда, бу уйга кўчиб киришга асло рози бўлмасди. Ўрозқулнинг келини ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, райкомга ариза ёзгани унга ботмайди. Биринчидан, унинг қандай журъат этганлигига ажабланса, иккинчидан, уни ифвогарликда айблайди, устига-устак унинг эрнин бригадирликдан олиб ташлайди. Ҳақли талабни ўз оёғига болта уриш деб билади. У шу даражага бориб етадики, одамларнинг

қалбига ҳам «раҳбарлик» қилишга уринади. Бу ҳол ўғли Хайдарга бўлган муносабатида кўринади. Тўғри, ўғли келажagini ўзи белгилади. Уқитди, қандай йўл билан бўлмасин диссертация ёқлатди. Энди унинг турмушини ҳам белгилаб бермоқчи. Латофатни тезроқ кўндиролмаганлиги учун ўғлини лапашанг, латта деб қойди. Буни ҳам буйруқ йўли билан ҳал қилишга интилади. Умуман, у одамларнинг қадр-қимматини писанд қилмай қўяди. Албатта, бу ҳам партиявий принципга, бизнинг ахлоқий нормаларимизга зиддир. Мана энди биз бир оз роман воқеларидан четга чиқмайлик-да, ҳаётга мурожаат қилайлик. Ҳақиқатан, ҳаётда жуда кўп раҳбар ходимлар, айниқса, колхоз раислари катта ютуқларни қўлга киритгач, манманликка берилиш, ахлоқ нормаларидан чиқиб кетиш ҳолларини кўп учратамиз. Шуниси ачинарлики, буларнинг аксарияти, деярли барчаси зўр ташкилотчилик қобилиятига, катта иш тажрибасига эга кишилар бўлади. Агар булар тўғри йўлдан борганда, партиявий принциплардан оғишмай меҳнат қилганда, ўзларининг ишбилармонлик иқтидори ва бой тажрибаси билан давлатга, ҳалққа янада катта фойда келтирган бўларди. Одил Ёқубовни худди мана шу масала қизиқтирган. Чунки бу масала заминда инсон тақдири масаласи ётибди. Инсон тақдири масаласи эса бизда энг муҳим масаладир. Негаки, ҳаётдаги ҳамма нарсанинг асоси инсондир. Демак, ёзувчи кўтарган масала муҳим ва замон ўзгаришининг тақозоси билан тутилган масаладир.

Отақўзи Умаров кабилар аслида ёмон одамлар эмас, уларни тўғри йўлдан чалғитувчилар бор. Булар Бекмурод Холмуродович, Жамол Бўрибоевлар. Бу типдаги одамлар катта совга ва тортиқлар эвазига Отақўзи тоифасидаги кишиларни қўллаб-қувватлайди, битмаган ишини битиради, кўтар-кўтар қилади. Албатта, бундан ўзлари ҳам маънафатдор. Агар ҳаётда шу иллат бўлмаса, хўжаликни юксакликка кўтарган, катта ютуқларни қўлга киритган кишилар меҳнатига яраша тақдирланса, қадрланса-ю, лекин «кўнглининг кенг эшиги очиб қўйилмаса» юқоридаги каби масъул ходимлар бундай одамларнинг талтайиб кетишига йўл қўймаса, кўнгил негани тегирмонига сув қуймай, қурилиш материалли, техника билан таъминлашда ҳамма қатори қараб, доимо партиявий принцип ва ленинча камтарликни ёдига тушириб турса, балки Отақўзи Умаров кабилар яхши хусусиятлари, фазилатлари устига фазилат қўшилиб,

давлатга ва халққа янада катта фойда келтирган бўларди. Одил Ёқубов асари орқали айтмоқчи бўлган гапларидан бири ҳам мана шундай эзгу ниятдир.

Романда ривожланган социализм жамиятидаги қишлоқ ҳаёти, у ерда истиқомат қилаётган кишиларнинг турмуш тарзи, меҳнат аҳлининг ўз қишлоқлари жамолини ўзгартиришда қилган фидокорона меҳнатлари, муҳими уларнинг қандай орзулар билан яшаётгани жуда кенг планда ёритиб берилган. Асарни ўқиш давомида бугунги қишлоқ ҳақида жуда ёрқин тасаввурга эга бўламиз. Маълумки ўзбек халқининг асосий бойлиги пахта. Пахта етиштириш эса кишидан жуда катта меҳнатни талаб қилади. Чўлга экилган пахтани бўрон туриб, ниҳоллар бутунлай қум остида қолиб кетади. Асарда бу манзара жуда ёрқин бўёқларда тасвирланганлиги учун бутун мураккаблиги билан киши кўз ўнгиде гавдаланади. Шунингдек, бу эпизод пахтакорларнинг ҳаётбахш сиймосини, метин продасини намоиш этади, уларнинг меҳнати ҳақида атрофлича тасаввур беради. Мана, бўрондан кейинги манзара ва одамларнинг кайфияти: «Отақўзининг совуқдан жунжикканини пайқаган Наимжон ичкаридан кимнингдир фуфайкасини олиб чиқиб елкасига ташлади, қўл фонарини ёқиб раиснинг юзига тикилди.

— Нима қиламиз, раис ака? Далага чиқайлик, дейишяпти йигитлар.

— Қоронғида нимани кўрамиз?

— Тонг отиб қолди-ку? Керак бўлса, фонуслар бор... — Нарироқда турган йигитлар ҳам қўл фонарларини ёқиб, яқинроқ келишди.

— Барибир уйқу келмаяпти, раис ака... Нима бўлди, нима қолди, бир кўрайлик...

Отақўзининг аъзойи баданини илиқ бир тўлқин қамраб, зинадан тушди.

— Тўғри, барибир уйқу йўқ. Кетдик, йигитлар!

Қоронғида тимирскиланиб асфальт йўлда тепа-тепа бўлиб уюлиб қолган қум уюмлари орасидан ўтиб, пахтазорга чиқишди. Қўл фонарлари, фонусларни ёқиб, зовурлар, ариқлардан ўтишди. Отақўзининг тахминлари тўғри ҳаммаёқни қум босган, зовур ва ариқлар кўп жойларда тўсилиб қолган, кечагина яшнаб турган пахтазорларни таниб бўлмас эди... пайкаллар тамом емирилган, салкам етти юз гектар пахтазордан қолса, икки юз гектари омон қолган, гўзаларгина эмас, найза бўйи келадиган бўлиқ ниҳолларгача қум босган...» Лекин бу ҳолат уларни тушкунликка солмайди, унинг олдини

блиш чора-тадбирини қидиришга тушишади. Ҳар ким ўз вазифасини бажаришга киришади. Улар дала бошидан қайтиб келганда «қурувчилар аллақачон ишга тушган, бульдозер ва скреперлар асфальт йўлни қум уюмларидан тозалаб бўлган, энди штаб атрофидаги қумларни сурмоқда эди». Бу пахтакорлар ҳаётида ҳар йили бўлиб турадиган ҳолат эканлигини эсласак, асардаги воқеа нақадар ҳаётини эканлигини, ундаги қаҳрамонларнинг бирортаси тўқиб чиқарилмаганлиги, балки замондошларимизнинг реал образлари яратилганлиги аён бўлади. Романда юқорида таъкидлаганимиздек, фан-техника революцияси туфайли туғилган бугунги куннинг муаммоси ҳам ёритилган. Бу ҳам бўлса, инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарарли бўлган пахта зараркундаларига қарши қўлланадиган химикатлар ўрнига биологик курашни жорий этиш масаласи. Бу университет биолог олимлари С. Обидов ва Латофат образи орқали ниҳоятда нишонли ҳамда ҳаётини очиб берилган. Маълумки, ҳар бир янгилик ҳаётга бирдан сингиб кетмайди, у албатта қаршилликка учрайди. Содиқжон Обидов химикатларга қарши курашнинг жонкуяридир. Унинг «суюкли мавзуси эса вафодор махлуқнинг севгисидай танҳо — у ҳам бўлса бутун одамзодни химия маломатидан қутқарадиган ўша қурт-қумурсқалар эди!» У, ташқи кўринишдан кишини ўзига жалб қилмайди. «Содиқжон Обидов илк бор факультетда пайдо бўлган пайтларида ундан кулмаган одам бўлмади. Айниқса, қизлар. У чиндан ҳам жуда ғалати, афт-ангори, соч-соқолига қарамас, кийган кийимлари қоқ суяк танасида қопдек осилиб турар, пошналари ейлиб, бир томонга қийшайиб кетган туфлилари ёмғирсиз ёз кунлари ҳам ботмон-ботмон лой бўлиб юарди. Ўзиям дудуқ, нутқи йўқ эди». Лекин мана шундай одам кейинчалик студентларнинг энг севиқли домласига айланади, айниқса, гўзал Латофатнинг. Бунга у ниятининг улуғлиги, уни амалга оширишда қилган меҳнати туфайли эришди. У фойдали қурт-қумурсқалар ҳақида гапирганда «оташии шоир, нотиқ бўлиб кетарди». Айниқса унинг кимлигини «бедазорларга дори сепмоқчи бўлган агрономлар билан олишиб, дори сепадиган тракторлар таъжиги ўзини ташлаган пайтларида билишди». Обидов ўзининг эзгу ниятини бошқаларга ҳам сингдиришга интилади, айниқса, истеъдодли кишиларга, Латофат шундай истеъдодли эди. Шунинг учун Обидов уни райком секретари Шукуров олдига олиб келиб, унга битта лаборатория очиб беришни илтимос қилади. Ўзи-

нинг дадил гаплари, фикрлари билан уни кўндиради. У меҳнат маданияти ҳақида ҳам ўйлайди. Бу борадаги ибтидоийликдан қаттиқ куюнади. Уз фикрини профессор Шомуродовга тўлқинланиб айтади: «Бизда меҳнат маданияти жуда паст экан! Мисол учун қўл меҳнати масаласини олинг. Пахтакорга деб давлат қанчадан-қанча машина ўйлаб чиқарган. Шундай ажойиб тракторлар, сеялкалар, культиваторлар, терим машиналари ва ҳоказо ва ҳоказо... Тўғрими?

— Хўш? Хўш?

— Лекин мисол, мана шу мўйловни олинг. Ҳали-ҳали одамларни тонг отмасдан ишга ҳайдайди, кун ботмасдан пахтазордан чиқармайди. Гўё бу қудратли техника йўқ!.. Меҳнатдан ташқари, маданий ҳордиқ деган, руҳий олам деган гап бор-ку, деган фикр хаёлига ҳам кириб чиқмайди бу одамнинг! Аммо рансга керак бу одам! Юқоридан биров келса — ҳамма далада! Иш қайнапти». Биз романда Обидов орқали пахта далаларидаги қайноқ ҳаётни кўрамиз. Обидов эзгу ишини нақадар оғирлик, қийинлик билан амалга оширганини аниқ ҳис қиламиз. Даласида ўргимчакканани кўрган бригадир Али мўйлов Обидовнинг чорасини кўрамиз деб, омборга қамаб, даласига дори сепдириб юборади. У кўринишдан заифгина бўлса ҳам адолат, ҳақсизлик олдида қалб туғени жунбишга келганда, ўзида фил кучини сезади, ғазаб отига минади. Бу пайтда у ҳеч кимни аямайди: «Бир қўлида кўчма каравот, бир қўлида майдачуйда солинган тўрхалта, елкасида қоп, гўдакнинг сочларидай майин, сийрак сочлари шоирона тўзгиган Содиқжон Обидов қандайдир дарғазаб бир алфозда полни гурсиллатиб, эшикларни шарақ-шуруқ очиб кириб келди. Шу пайт қаёқдандир пайдо бўлган (ё бирга келганми — буни билиш қийин эди!) Холидахон:

— Шошманг, домлажон, қулоқ солинг гапимга! — деб йўлини тўсмоқчи бўлган эди, домла Обидов унга қараб ўшқириб берди:

— Э, гаплашиб бўлдим сиз билан маликан муҳтарама! Ранс отамлар билан видоланиш мумкинми ё бу зоти олий билан видоланиш бахтига ҳам муяссар бўлмаймизми?

Обидов елкасидаги қопини — «гуре» этиб полга қўяркан, четроқда турган Аброр Шукуровнича кўзи тушиб, яна майнабозларча қийшанглади». Шукуров масала нимадалигини англагач унинг жонига оро киради, яъни Обидовнинг орзу-ниятларини амалга оширишга

имкон яратади. Биз кўрдикки, Обидов бу нарсага осонлик билан эришмайди, кураш ва интилиш, бу йўлда собит қадамлик билан эришади. Ҳаёт ҳамиша зиддиятларга тўла. Лекин нурли томонлар кўп. Мана шу нурлар туфайли ҳаётимиз гўзаллашиб, ақлимиз тиниқлашиб боради, яъни янги жамиятнинг одамига айланиб борамиз. Албатта, нур тушган жойда соя йўқолади. Асарда мана шу масала ҳам яхши ёритилган. Асардаги нурлар — Нормурод Шомуродов ва Аброр Шукуровлардир. Иккаласи ҳам масъул кишилар, бири — Нормурод Шомуродов ирригация бўйича йирик олим, алангали инқилобий йиллар қатнашчиси. У ҳам давлатга илмга қилган хизматларини рўқач қилиб, у-бу нарсани талаб қилса бўлади. Бунга ҳақли ҳам. Лекин ундай қилмайди. Бундай қилишни у ўзига ор деб билади. У ҳамма нарсага ҳалоллик ва меҳнат билан эришиш тарафдори. Ҳақиқат олдида ҳеч кимни аямайди. Шунинг учун жияни Отақўзи билан тез-тез тўқнашиб туради. Отақўзи «Минибулоқ»да молхона қурганда шифобахш булоқлар ифлосланиб, моллар туёғи остида кўмилиб кетиши хавфи борлигини, умуман, у жойга молхона эмас, балки одамлар дам оладиган санаторий қуриш мақсадга мувофиқлигини, ҳозирги кунда ҳаётда бундай жойлар кам қолаётган бир пайтда молхона қуришга асло йўл қўйиб бўлмаслигини эски инқилобчи дўстлари ўртага ташлаганда, бу масалани райкомга ёзиб, тагига қўл ҳам қўяди. Ота-болалар тоғасининг бу ишидан қаттиқ ранжишади, ниятини ёмонга йўйишади. Лекин Нормурод Шомуродовнинг кўнгли тоза, жиянларига фақат яхшилик тилайди. Ҳайдарни ёш бўлатуриб илмга домласи Воҳид Миробидов сингари қингир йўлдан бормаслигини истайди. Ҳайдар кейинчалик тоғасининг ниятини англаб етди. Демак, ҳаётда яна битта Отақўзи етилиб чиқишига йўл қўймайди. Бунга Нормурод Шомуродовдаги катта инсоний ирода, виждонийлик, ҳалоллик сабаб бўлди. Биз Нормурод Шомуродов қиёфасида ҳақиқий совет зиёлиси қиёфасини кўрамиз ва ундан андоза оламиз. Аброр Шукуров ўз хатти-ҳаракати, раҳбарлик қобилияти билан ибратлидир. Умуман, «Диёнат» романи ҳаётда фақат ҳақиқатгўй, ҳалол, диёнатли кишиларгина тантана қилишини, келажак шундай одамларники эканлигини воқеалар ва образлар мантиқи орқали онгимизга сингдиради.

Одил Ёқубовнинг тарихий темада ёзган иккинчи романи «Кўҳна дунё»ни ўқир эканмиз, ўз золимлиги билан



жаҳонга машҳур бўлган, зўрлик тариқасида замонасининг алломаларини доруссалтанатга йиққан, оқибатда сарой кутубхонасида нодир асарлар тўпланишига сабабчи бўлган шоҳ Маҳмуд Газнавий умрининг сўнгги кунлари бугунги кун концепцияси нуқтаи назардан ёритилганлигини кўрамиз. Асарнинг муҳим хусусияти шундаки, унда тарихий воқелик етакчилик қилмайди, балки адибнинг қаҳрамонлар руҳий оламига, хатти-ҳаракатига сингдириб юборган концепцияси воқеликни белгилайди. Яъни асарда биринчи ўринда инсон маънавий оламининг таҳлили туради. Мана шу таҳлил орқали биз X асрга кириб борамиз. Шу даврда яшаган турли социал табақадаги кишиларнинг яшаш тарзи, эътиқоди, интилишлари, орзу-умидлари, ўз даври зиддиятларига қарашли дард-аламлари билан танишамиз. Асарда қаҳрамонларнинг ҳаётга қарашидаги умумийлик уларни бир-бири билан яқинлаштиради, ҳаммаслақ қилади, бирлаштиради. Мана шу бирлик уч лагердаги одамларнинг социал бирлигини юзага келтирган. Асар сюжети мана шу уч лагердаги одамларнинг ўзаро ботиний курашлари асосига қурилган. Демак, адиб инсон руҳий оламининг таҳлилида ҳаётини диалектиканинг муҳим қонуниятини бўлган конфликтни юзага келтирган. Мазкур конфликтнинг ривожини эса эпик кўламлик касб этган. Эпик кўлам ўз навбатида жанрга хос тафаккурни, концепцияни таъминлаган. Асар архитоникасининг мана шундай мантиқий ташкил топиши сўзсиз адиб маҳоратидан далолат беради.

Одил Ёқубов танқидчи Умарали Норматов билан роман жанри хусусида баҳс юритганда, шундай фикрни айтган эди: «Романга хос тафаккур дегани» асарда романбон ҳодиса, воқеа, улкан драматизмнинг мавжудлигида эмас, балки ёзувчининг ҳаёт воқеаларини улкан санъаткор — романист сифатида идрок этишдадир». Адиб ушбу асарида мазкур фикрнинг амалда исботлагани, яъни ҳаёт воқеаларини чинакам санъаткор сифатида идрок этгани, турмушда бўлиши мумкин бўлган воқеликдан кенг мушоҳада орқали романга хос тафаккурни келтириб чиқарган.

Роман асли исми Қутлуғқадам, лекин Ғазнада Маликул аш-Шароб номи билан машҳур бўлган катта ақл эгаси, шоир бошидан жуда кўп ҳаёт машаққатларини ўтказган, ҳақиқатгўй, адолатпарвар, агар янада аниқлик киритмоқчи бўлсак халқнинг кўз-қулоғини бўлган шахсининг шаробхонаси тасвиридан бошланади. Биз

мана шу шаробхона тасвирида романнинг асосий қаҳрамонлари билан танишамиз, ўша даврнинг руҳига кира борамиз, шоҳ Маҳмуд Ғазнавийнинг навқиронлик даврида қилган ишларидан огоҳ бўламиз. Адиб бунга Маликул шаробнинг хотиралари тасвири орқали эришди. Мазкур тасвирларда Фирдавсий сиймоси, унинг бизга тарихдан маълум бўлган Ғазнавийдан кўрган жафоси, Бобо Хурмо қисмати киши кўз ўнгида жонланиб кетади. Адиб бу хотиротларни шунчаки тилга олмамай, ҳаётини мантиқ асосида жонлантиради. Бу хотиралар асарга бир ямоқ бўлмай, унинг умумий руҳига сингиб кетган. Масалан, Фирдавсий фожиасини ёдга солиш «Шоҳнома» устида гап кетгани учун тилга олинса, кейинчалик китобхон қалбида аламли дард бўлиб қоладиган Садафбиби сиймосининг тасвирланиши, «тепасида қўлида милтиллаган шам, Пири Букрий»нинг туриши билан боғлиқ ва ҳоказо. Демак, асар воқеалари бири бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади, бир воқеадан иккинчиси келиб чиқади.

Шаробхонадаги олимларнинг кайфиятидан, у ерда билдирилган фикрлардан (Бобо Хурмонинг ривояти) шу нарса аён бўладики, бу шаробхона шунчаки май таъсирида кўнгил очадиган жой эмас, балки маълум бир социал табақадаги кишиларнинг бошини бирлаштирадиган гўшадир. Демак, адиб асардан кўзлаган ниятини, яъни китобхонга айтмоқчи бўлган гапини биринчи саҳифадаёқ системалаштириб олган, сюжет линиясининг тугунини юзага келтирган. Бу тугун айрим ёзувчиларнинг асарлари каби воқеадан бошланмай, юқорида таъкидлаганимиздек инсон тасвири унинг мураккаб ички оламидан бошланиши романга изчил реалистик тус берган. Романда одамлар қиёфаси шундай аниқ тасвирланадики, оқибатда китобхонни шаробхонага ташриф буюрганларнинг ҳамда у ерда тилга олинган одамларнинг қандай шахс эканлигини билнш истаги ўзига жалб қилади. Чунки ёзувчи тасвирда уларнинг ботиний сирларини очишда усталлик билан қўллаган бадний воситалар орқали ишора қилади. Мана, адиб Пири Букрийнинг маънавий оламни очиб беришда қандай воситалар қўллайди: «Хонанинг гира-шира қоронғилигида эгинига қора чакмон, бошига хоразмча чўғирма телпак кийган букри чиндан ҳам баҳайбат қора ўргимчакка ўхшаб кўринди-ю, Маликул шароб сесканиб кетди». Адиб Пири Букрийни қора ўргимчакка ўхшатиш заминида катта ҳақиқат бор. Ўргимчак киши кўзига кўп

ташланмайди, ундан кейин эски ақида бўйича уй ўргимчагини ўлдириш ман этилган, беозор ҳисобланган. Лекин у кўришида шундай беозор туюлади, аслида ўта ёвуз ҳашарот. У ўз ўлжасига очиқ ҳужум қилмайди, тўрига илинтиради, сўнг шиддат билан ташлапади. Биз мана шундай хусусиятни Пири Букрий ҳаракатида кўрамыз. Тўғрироғи, у ўргимчак типдаги одам. Сюжет лишиясидан маълумки, у юриш-туришда ўта хокисор, бир қадар одамнинг раҳмини келтирадиган даражада камсуқум. Унинг най чалиши одамлар даврасидан жой олишига имкон йўлидир. Бу ўринда яна ўргимчак ёдга келади. Чунки ўргимчакнинг тўри ҳам юксак амалий санъатдир. Воқеа йўналишидан шу нарса аниқ бўладики, у айёрлик бобида шайтонга дарс берадиган бош вазир Али Ғарибнинг айгоқчиси, ўта палид бир кимса. Унинг руҳига инсоф, дённат, имон, ҳалоллик каби инсоний хислатлар тамом бегона. Уз манфаати йўлида ҳар қандай разилликдан қайтмайди. Унинг ўтмиши ҳам қабоҳатдан иборат. Ёши бир жойга борганда кўнгил кўчасига кириб, ёш расида қиз Садафбиби ҳамда айгоқчилиги туфайли Бобо Хурмонинг ўлимига сабабчи бўлади. Тарихнинг ўйинини қарангки, Робия Бериунийнинг севикилиси эди. Пири Букрий ўз қилмиши билан ёшлигида унинг қалбини пора қилган бўлса, рибкорлик билан топилган пул эвазига (мана ундаги бойлик қаердан пайдо бўлган) Садафбибинини ҳам Бериуний хонадонидан юлб олиб, унинг кекса қалбига беҳад озор беради.

Пири Букрийнинг бу хатти-ҳаракати фақат ўзи каби кишиларнинг бениҳоят разиллигини очиб бермайди, балки салтанат тепасида турган кишиларнинг қандай инсонлар эканлигини ҳам кўрсатиб беради. Чунки Пири Букрийга ўхшаганлар салтанатдагиларнинг қўшимча қўли ва оғидир. Улар мана шу тоифадаги кишиларнинг маслаҳати билан фикр юритадилар ва иш бажарадилар. Мана ўтмишда халқнинг тақдири кимларнинг қўлида бўлган! Лекин булар ўз қилмишларини қанчалик пинҳоний тутмасинлар, халқ уларни англаган. Бундай дённатсизликка қарши курашган. Романда бу ҳаётий ҳақиқат Маликул шароб, Бобо Хурмо, Исмонл Ғозий образлари орқали берилади. Тўғри, асарда бу кураш кенг ва очиқ планда берилмайди, тасвирланмайди, бироқ шундай бўлишига қарамай воқеалар йўналишидан китобхон мазкур руҳни, катта кучни қалбан сезиб туради. Агар ҳаётда ҳақиқатан ҳам шундай кучлар бўлмаганда Бериуний, Ибн Сино кабиларнинг илм-фанда шундай кат-

та из қолдиришлари ҳақиқатдан йироқ бўларди. Адиб мазкур тарихий ҳақиқатни, яъни софлик билан қабиҳлик, диёнат билан разолат, адолат билан адолатсизлик ўртасидаги курашни, қаҳрамонларнинг ботиний туғенини бутун борлиги билан кўрсатади. Ўз манфаати йўлида шоир Унсурий реалликдан узоқ бўлган неъматни илоҳийни «Чин ёхуд Ҳинд мамлакатининг машриқ томонида уммонлар қаъридаги ороллари билан бирида», деб ўзи ишонмаган нарсага бошқаларни ишонтиришга интилиб, оғзига сиққанча тиллага эга бўлса, Беруний ҳақиқатни айтиб зиндонга тушади. Абу Ҳасанак, Али Ғариблар шоир Унсурийнинг фикрини таъкидлашганда, бир нарсани ҳисобга олишади (аслида улар ҳам бунинг афсона эканлигини билишади), яъни неъматни илоҳийни олиб келгани кетган одам келгунча шохнинг тирик қолиши гумон. Бу ҳолни улар ўзларининг тажриба кўрган зеҳнлари орқали ҳис қилишади. Шундай бўлишини Беруний билмасмиди? Биларди, лекин у оқни қора деб ўрганмаган, виждонига қарши иш тутмаган, уни истамайди. У мана шундай эътиқодга эга одам.

Ибн Сино билан Берунийнинг руҳияти бир-бирига яқин. Кўриб ўтганимиздек, Беруний: «Ҳа, китобларда ёзилган» деса оғзига сиққанча олтинга эга бўларди. Садафбиби бошига ҳам бу қадар кулфат тушмасди. Ибн Сино эса катта лавозим ва бир умрлик бойликдан воз кечиб Маҳмуд Ғазнавийнинг талабини рад этади. Бироқ Исфаҳонга вабо тарқалганини эшитиб, ўз йўлини ўзгартиради ҳамда халқни ҳеч қандай моддий манфаатсиз даволашга киришади. Қаранг?! Бир тарафда жаннатий яшаш ихтиёри, иккинчи томонда ўлим билан олишиш!

Ибн Сино Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли амир Масъудни қулоқ оғриғи азобидан фориг қилар экан, ўзига бирор нарса сўрамайди, балки: «Арзим шулки, шаҳар дарвозаларни дарҳол очилмоғи даркор. Бу билан офат оғушида қолган шўрлик аҳли мардум қир-адирларга чиқиб, баҳор гиёҳларидан баҳраманд бўлмоғи лозим. Шу букун барча жарчи ва барча табибларни саройга йиғмоқ жонз! Фақир доривор гиёҳлар номини айтиб берман. Жарчилар ва табиблар жар солиб, бу гиёҳларни мардуми мўминга айтмоқлари лозим! Гузарларда дошқозонлар қурдирмоқ даркор. Доривор гиёҳларни қайнатиб, сувини уйма-уй улашмоқ лозим. Билъакс, барча аҳли мўмин қирлиб кетур, амири калон!»— деб арз қилади. Бу ҳол уларнинг юксак гуманизмдан далолат беради. Мазкур гуманизм эса бугунги кун одамлари қал-

бида из қолдирмайди деб бўлмайди. Шунингдек, улардаги юксак некбинлик ҳам бугунги кун учун ибратлидир. Беруний ҳибсада ётганда, маъданларнинг солиштирма оғирлигини ўлчайдиган асбоб яшаш идеясини яратади, Ибн Сино эса Абу Шилқим ибн Шаҳвоний, олдида сохта Ибн Синога айланганда унинг руҳиятида бир қатра ҳам ўзгариш бўлмайди. Чунки унинг қалбида ҳам шуур билан боғлиқ қудратли бир куч мавжуд. У ўзини ҳақиқий Ибн Сино эканлигини исботлашга уришиб ҳам кўрмайди. Сабаб, ўзини тарғиб қилишлик Ибн Сино учун ёт туйғу. Ёзувчи уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини ҳаётий мантиқ асосида келтириб чиқарган, психологик жиҳатдан далиллаган. Китобхон мазкур алломалардаги хусусиятларни кўриб, бугунги айрим олимлар ва шахсларнинг жамиятимиз ахлоқига ўтиришмайдиган хатти-ҳаракатларини кўз олдига келтириб, улардан жирканади, ўзида бу каби хусусиятларнинг бўлмаслигига ҳаракат қилади. Демак, романда кўтарилган масала бугунги кун учун хизмат қилади.

Романда Маҳмуд Ғазнавий образи ҳам ниҳоятда жонли ва чуқур психологик таҳлил асосида яратилган. Унинг қилган ишлари гоҳ Беруний, гоҳ Маликул шароб, ўрни-ўрни билан ўз хотиротларида тасвирланади. Бу тасвирларда унинг қиёфаси бутун борлиғи билан китобхон кўз ўнгида гавдаланади. Унинг ихтиёри билан содир бўлган воқеалар ўзининг даҳшатли қиёфаси билан намоён бўлади. Ҳиндистон ўлкасида таслимдан бош тортган қасрга ўт қўйилганда, ундан чиқаётган ҳазин қўшиқ киши қулоғи остида айтилаётгандек туюлади.

Ҳаётда ҳамма нарсанинг ибтидоси ва ниҳояси бор. Маҳмуд Ғазнавий ўз ҳаётининг ибтидосини қирғин-баротликдан бошлаган. Оқибатда давлатини мустаҳкамлаган. Лекин бу салтанат зўрлик асосига қурилган. Шу сабабли омонат. Ғазнавийнинг аввалги шижоати қолмаган, доруссалтанат ҳам чок-чокидан сўкила бошлади. Демак, зўрлик асосига қурилган давлат қум устига қурилган иморатдек гап. Мана, ёзувчи бу воқеалар заминига қандай маъно юклаган. Шу маънода унда теран замонавий руҳ мавжуд. Инсон ким бўлишидан қатъий назар вақти келганда ўз қилмишлари, қилган ишлари юзасидан тарих олдида жавоб беради. Бундай пайтда киши ўз ишларидан кўнгли тўлсагина қалби хотиржам бўлади. Маҳмуд Ғазнавий ўзи қилган ишларидан ваҳимага тушади, шундан у безовта, кўнгли талвасада. Унинг руҳиятидаги мазкур ҳолатни англаб олган Абу

Ҳасанак бундан жуда усталик билан фойдаланади. Кийик воқеасини эсланг. Маҳмуд Ғазнавий кийик баҳона ўз қилган гуноҳларини тириклар олдида ювмоқчи бўлади. Кўнглини Маликул шаробга очади, ундан таскин кутади. Лекин табиатан шарттаки, тўғри сўз Маликул шароб Абу Ҳасанак, шоир Унсурий, Али Ғариб сингари вазиятни ялпизламайди, энди ўқиниш бефойдалигини, ўз қилмишлари билан тавқи лаънатга учраганини рўйи рост айтади. Демак, Маҳмуд Ғазнавий қилмишига тўғри баҳо беради. Мана, адиб Маҳмуд Ғазнавий образи заминига қандай концепцияни сингдирган.

Романда Ибн Синонинг болаликдаги қалб туйғуларини, йигитлик чоғидаги Бўтакўзга эҳтиросларини ниҳоятда ихчам формада асар руҳига сингдириб юборилганлиги ҳам ёзувчининг маҳоратидан далолатдир. Бу тасвирлардан биз Ибн Синодаги эзгуликнинг заминини англаймиз. Ундаги инсонпарварлик, киши руҳиятини нозик ҳис қилиш, унга муносиб жавоб қилиш туйғуси болаликдан мавжуд эканлиги, мазкур хусусиятларнинг юзага келишида онасининг, атроф муҳитнинг роли бўлганлигини қалбан туямиз. Шунингдек, асардаги бу тасвирлар эҳтирос билан битилгани учун кишида лирик кайфият уйғотади. Бундай фикрни Беруний ўтмишига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Романда баъзи бир камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Тарихдан бизга маълумки, Маҳмуд Ғазнавий давлат бошида ўттиз бир йил ҳукмдорлик қилган. Бу давр ичида у бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрга хонлик қилган, шунингдек, бошқа бир қатор давлатлар ҳам унга бўйсунган. Паҳлавий ва араб тилларини билган, шеърлар битган. Зероки шундай экан, унинг шоир Унсурий айтган неъматини илоҳийга асардагидек ишониши кишида бир оз эъгирос туғдиради, тўғрироғи, кишида шубҳа туғдиради. Тўғри, ёзувчи бизнинг бу фикримизни кишининг кўзига ўлим шарпаси кўринганда ҳар қандай нарсадан нажот излаб қолади, Маҳмуд Ғазнавий шу алфозда эди, деб рад қилиши мумкин. Лекин Маҳмуд Ғазнавийнинг характери, савияси ҳамда психологиясидаги қатъийлик назарга олинганда, назаримизча бунини ҳаётий мантиқ ҳам тақозо этади. Шунингдек, Хатлибегимнинг Пири Букрий совғасига учиб Садафбининг жувонмарг бўлишига йўл қўйиши ҳам анча аниқлик киритишни талаб қилади. Сабаби, Хатлибегим билан боғлиқ сюжет линиясида унинг бойликка ўчлиги сезилмайди, балки рашки кучлилиги ҳис қилинади. Бу ишга Бе-

рунийни Садафбибидан қизғонибгина қўл уриши мумкин, асарда бунга ишора бор. Романдаги ҳолат Хатлибегимнинг характер мантиқига зиддир.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Назир Сафаров ва фалсафа фанлари доктори Исо Жабборовнинг «Совет Ўзбекистони» газетасига (14. IV. 83) ёзишган тақризида асар камчилигига қуйидагиларни кўрсатишади: «...асарда бир қадар сюжет тарқоқлиги сезилади... Ҳинд қалъасига ўт қўйилиб, эллик минг киши ўтда қолган сахнани кенгроқ ва таъсирчанроқ тасвирлаш мумкин эди... Шунингдек, Садафбиви қисмати ҳам китобхон истаги даражасида очиб берилмаган». Бизнингча бу фикрларнинг айримларига қўшилиб бўлмайди. Чунки барча сюжет линияларини ташкил қилган воқелик адибнинг асар орқали илгари сурган концепцияси ва позициясига бўйсундирилган, шунингдек, қаҳрамонларининг руҳий оламини очиб беришга қаратилган. Демак, бу ҳол сюжет тарқоқлигини эмас, балки эпик кўламини юзага келтирган. Ҳиндистон қалъаси хусусида билдирилган фикрга келганда ҳам назаримизча тақризчилар ҳақ эмас, чунки бу воқеа романда жуда таъсирчан тасвирланган. Садафбиви образи хусусидаги фикрларига биз ҳам қўшилишамиз, айниқса, Беруний: «Биби, сен қизим бўлсанг, Сабҳу менинг ўғлим...» деган сўзларига, унинг: «Устоз! Мени... мен шўрликни қувманг! Дийдорингизни кўрмоқ бахтидан жудо қилманг мени, жудо қилманг!» деган илтижолари психологик таҳлилни ва кенгроқ тасвири талаб қилади.

\* \* \*

Одил Ёқубов адабиётга кириб келганига 30 йилдан ошди. Шу давр ичида тўрт роман, ўндан ортиқ повесть, бир қатор ҳикоя, драма ва сценарийлар ёзди. Бу асарлар турли мавзуларда ёзилганига қарамай, уларни бир нарсга умумлаштириб туради. Бу умумлаштирувчи куч уларда ҳаётнинг долзарб масалалари кўтарилганлигидир. Ҳақиқатан, Одил Ёқубов хоҳ бугунги кун ҳақида, хоҳ тарихий темада ёзмасин, воқеликка бугунги кун нигоҳи билан қарайди. У даврнинг актуал масалаларини дарров илғаб олади. Шунинг учун унинг асарлари киши диққатини тортади, адабиётшуносларни мунозарага чорлайди.

Одил Ёқубов қаҳрамон танлашда, унинг характерини яратишда ўзига хос услубга эга. Унинг қаҳрамони таш-

қй омиллар — муҳит таъсирида юксалмайди, балки ўзининг тутган йўли, ҳолати билан бу муҳитга таъсир қилади, уни ўзгартиради, ҳаётий зиддиятларнинг туб илдизини ифодалайди ва юзага келишининг асосий негизларини очиб ташлайди. Одил Ёқубовнинг қаҳрамонлари тўла шаклланиб етган, ҳаёт тенденциясини тушунган, мулоҳазақор, бир сўз билан айтсак, интеллектуал қаҳрамондир. Ёзувчи ўз қаҳрамонидаги мана шу интеллектуалликнинг туб заминини кўрсатиш билан унинг маънавий гўзаллигини очиб беради. Бунда ёзувчи ўзига хос йўл тутади, қаҳрамоннинг фазилатлари намоён бўладиган ҳаётий зиддиятларни топади ва шу зиддиятларга қаҳрамоннинг диққатини жалб этади. Адиб қаҳрамони маънавий дунёсидаги етакчи хусусиятни аниқ белгилайди ва ундаги етакчи куч-ғоя ижтимоий негизга эгаллигини кўрсатади. Шундан Одил Ёқубовнинг қаҳрамонлари ҳаётий, жонли ва жозибали бўлади. Умуман, Одил Ёқубов қаҳрамонларининг руҳий дунёсини, хатти-ҳаракати, ўйлари, ҳаётда тутган йўли ва зиддиятларга муносабати орқали очади.



Озод Шарафиддинов,  
Абдуғафур Расулов

---

*ОЛИМ ВА ТАРЖИМОН*



КИРИШ ҰРНИДА  
ҲАЕТ САБОҚЛАРИ  
БАРҲАЕТ ЛАҲЗАЛАР  
ОЛИС ЮЛДУЗЛАР ШУЪЛАСИ  
АДАБИИ ЖАРАЁН ВА ИЖОДКОР

## ҚИРИШ УРНИДА

Шоислом Шомухамедов билан биринчи марта учрашганимда мен<sup>1</sup> эндигина университетни тугатиб, келажак ҳақида бири-биридан гўзал режалар қуриб юрган йигитча эдим. Шоислом эса уч-тўрт кўйлакни мендан ортиқ йиртган, университетгача ҳаётнинг паст-баландини кўриб, аччиқ-чучугини тотиб, турмуш қозонида обдан пишиб чиниққан эди. Ёшимиздаги фарққа қарамай, юлдузимиз тўғри келиб қолди, шекилли, кўп ўтмай дўстлашиб кетдик. Шоислом ўша йиллардаёқ ўз соҳасини пухта эгаллаган бўлиб, ҳамма нарса ҳақида чуқур ва мантиқли фикр юритар, лекин ҳеч қачон ёши улуглигини ёки билимдонлигини пеш қилмас, камсуқум, камтар, сермулоҳаза, андишали одам эди. Бу фазилатлардан ташқари Шоисломда яна бир ажойиб сифат бор эди — у палапартиш иш қилишни ёмон кўрар, нима иш бошласа, ўлда-жўлда қолдирмай, охирига етказар, ҳамма нарсада тартиб бўлишини, ҳамма нарса саришта бўлишини ёқтирарди. Маъна, ўттиз йилдан бери кузатаман — Шоисломнинг бу хислати камол топса топдики, йўқолиб кетмади. Биров билан дўстлашганда одам дўстидан, аввало, ўзида йўқ сифатларни қидиради, дейишади. Бўлса бордир. Ҳар ҳолда, мен ўттиз йилдан бери Шоисломнинг саришталигига, ҳар ишни бекаму кўст, қиёмига етказиб, пухта қилишига ҳавас қиламан. Уйлаб қарасам, Шоисломнинг шу сифатини туғдирган муҳим сабаб бор экан — унинг хатти-ҳаракати, фаолияти ҳамиша аниқ ва катта мақсадга бўйсундирилган. Назаримда, бирор салмоқли из қолдира оладиган илм соҳиби бўлиб етишиш учун бу сифат жуда-жуда зарур. Одам ҳар қанча истеъдодли, билимли бўлмасин, аниқ ва катта мақсад-

---

<sup>1</sup> «Қ и р и ш»дан «Барҳаёт лаҳзалар» бобигача О. Шарафиддинов ёзган.

га эга бўлмаса, бутун фаолиятини пухта ўйланган қатъий режага бўйсундирмаса, ўйинчоқ дўконига кириб қолган ўйинқароқ боладай, тевааракка жовдираб, ҳар нарсага ўзини ураверса, палапартиш меҳнат қилса, унинг ишида унум бўлмайди, қилгани юзага чиқмайди, истейдоди ҳам, билими ҳам зое кетади. Шоислом Шомухамедов ҳақида ўйлар эканман, унинг «Гулбоғ» тўпламидаги «Денгиз» деб аталган бир лавҳа эсимга тушди:

«Денгиз фазилатлари саноқсиз. Унга боқиб тўймайсан. Бугун яна бир фазилатини пайқадим: у доимо ҳаракат билан ўзини тозалаб туради. Унга тушган хасчўпларни ичкарига ютмайди, балки ташқарига итариб, қирғоққа ирғитиб ташлайди. Уни булғамоқчи бўлганлар овора бўладилар». Назаримда, денгизнинг шу хислати Шоислом характерига ҳам юққан: у ақлини танигандан бери доимий ҳаракатда, изланишда, ўсишда. Шу ҳаракат туфайли у ҳаётнинг тик зиналаридан пояма-поя кўтарилиб бормоқда, шу изланиш туфайли у илм соҳасида ҳам, таржимачиликда ҳам бирин-кетин янги уфқларни кашф этмоқда.

Ҳозир Шоислом Шомухамедов ҳаётининг яна бир доvonига кўтарилди — у олтмиш ёшга тўлди. Олтмиш йиллик умрнинг қирқ йили элу юрт хизматида, илм-фан, бадий ижод хизматида ўтди. Табиийки, олим ёки ижодкорнинг салмоғи, жамиятдаги мавқеи, халқ назаридаги обрў-эътибори унинг ёши билан ўлчанмайди. Одам етмишга, саксонга, борингки, ана — юзга ҳам кириши мумкин, бироқ ундан бошқаларга нафи тегадиган, халқ қалбига жо бўлиб қоладиган ҳеч нарса қолмаслиги мумкин. Аммо шундай олимлар, шундай ижодкорлар ҳам бўладикки, улар дастлабки онгли қадамлариданоқ халқ маънавий бойлигига ҳисса бўлиб қўшиладиган, маданиятнинг ривожига салмоқли таъсир кўрсатадиган, одамларнинг фикрлаш доирасини кенгайтирадиган ва чуқурлаштирадиган асарлар яратади, кашфиётлар қилади. Бундайлар ёшидан қатъий назар, халқнинг назарига тушади, элу юрт томонидан ардоқланади. Шоислом Шомухамедов ана шундай бахтга муяссар бўлган одамлардан. У аллақанча улкан ишларни ўринлатиб бажариб қўйган ва шу туфайли маданият аҳли ўртасида бақувват обрў орттирган, иззат-икром кўраётган олим. Бугун етук шарқшунос олим, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Шоислом Шомухамедовнинг номи Ватанимиздаги ҳамма шарқшунослик марказларида энг нуфузли,

энг муътабар номлардан бири сифатида тилга олинади. Москва ва Ленинград, Боку ва Тбилиси, Душанба ва Олмаотадаги илмий доираларда уни совет шарқшунослигига муайян ҳисса қўшган йирик фан арбоби деб билишади. Унинг илмий тадқиқотлари Ҳиндистон, Афғонистон, Чехословакия, Покистон, АҚШ каби мамлакатлардаги шарқшунос олимларнинг эътиборини қозонган. Эрон илмий жамоатчилиги эса Шоислом Шомуҳамедовнинг форс адабиётини ўрганиш ва тарғиб қилиш соҳасидаги фаолиятини юксак баҳолаб, 1974 йилда уни Фирдавсий номидаги халқаро мукофот билан тақдирлади. Шоислом Шомуҳамедов Ленинград Давлат Эрмитажининг директори, атоқли шарқшунос олим, академик Б. Б. Пиотровский билан бирга бу мукофотнинг биринчи лауреати бўлди.

Шоислом Шомуҳамедов фақат олим эмас, совет ёшларини коммунистик руҳда тарбиялаётган, уларни илмнинг серзаҳмат йўллари сари етаклаётган моҳир педагог ҳам. Профессор Шомуҳамедов тарбиялаб етиштирган шогирдларнинг ҳаммасини бир жойга тўпласа, ўртача театрнинг зали торлик қилиб қолиши мумкин. Улар бугун илмда ҳам, маданий қурилишнинг бошқа соҳаларида ҳам муваффақият билан хизмат қилмоқда.

Шоислом Шомуҳамедов ўзбек халқини бошқа халқларнинг бадий ижоди билан, жаҳонга машҳур адабий дурдоналар билан таништиришда жонбозлик кўрсатаётган йирик таржимон ҳам. Унинг шарқ классикларидан, айниқса, форс-тожик адабиётининг йирик намояндалари ижодидан қилган таржималари расмана кутубхона бўлади. Лекин Шоислом бу билан ҳам чекланмайди. Унинг қалбида бошқалар билан баҳам кўрмаса бўлмайдиган ҳислар жўш уради, у ҳаётда ўзи кашф этган ҳикматларни китобхонга совға қилиш иштиёқи билан ёнади. Шунинг учун бадий ижодга, шеъриятга мурожат қилади, рубойлар, ибратли ҳикоялар яратади. Қўриниб турибдики, Шоислом Шомуҳамедов қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида бир ўзи икки ижодкорнинг иштини қилиб қўйибди. Олим фаолиятидаги бундай кўп қирраллик тасодифан пайдо бўлган эмас. Бу — қалби саҳийликдан, маънавий бойликдан, шу бойлигини, билимини, қалбини одамларга улашиш иштиёқининг зўрлигидан, маърифат нурларини, яхшилик уруғларини кўпроқ ва хўброқ таратиш хоҳишидан туғилган. Қўйинг-чи, бу хислат совет олимга, коммунист олимга хос бўлган, унинг фаолиятининг асосини, ички моҳиятини

ташкил қилувчи, уни ҳаракатга келтириб турувчи ҳислатдир. Илмий фаолият совет олими учун, биринчи навбатда, коммунизм қураётган халққа хизмат қилиш воситасидир. Шунинг учун у тор академизм қобиғида ўралиб қололмайди, ҳамиша кенгроқ майдонга интилади, ҳар бир кашф этган янгилигини ҳайқириб айтгиси, тезроқ жамоатчиликка етказгиси, одамларни ундан баҳраманд қилгиси келади, гўзаллик мухлисларининг қалбини мунаввар қилишга интилади. Назаримда, совет шарқшунослигининг энг яхши фазилати ҳам ана шу юксак ғоявийлик ва халқчилликда.

Шоислом Шомуҳамедовнинг илҳомига қувват, парвозига қанот берган, уни ижоднинг юксак поғоналарига кўтарган, бугунги даражага етказган куч ҳақида ўйласак, унинг ҳаёт йўли кўз ўнгимдан ўтади. Унинг изланишларга, меҳнатга тўла ўсиш йўли кўп жиҳатдан ибратли. Айниқса, ёшларга, ўзини илмга бахш этмоқчи бўлган, бахтини ижод йўлларида излашга аҳд қилган ёшларга. Шунинг учун ҳам азиз китобхонларга дўстим Шоислом Шомуҳамедовнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти ҳақида батафсилроқ ҳикоя қилиб беришга жазм этдим.

## ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Одамларки бор, уларнинг ҳаёт йўли ажойиб-ғаройиб ҳодисаларга, қаҳрамонона воқеаларга, ақлни лол қолдирувчи хатарли саргузаштларга тўла бўлади. Бундай одамларнинг ҳаёти баҳор фаслида тўлқин уриб оққан тоғ дарёсига ўхшайди. Одамларки бор, уларнинг ҳаёти зоҳиран қараганда сокин, осойишта. Улар фавқулодда ҳодисаларга дуч келмаган, нафасни энтиктирувчи саргузаштларни бошдан кечирмаган. Шундай бўлса-да, уларнинг ҳаёт йўли ички мазмунга бой, ибратли, ўрганса, ҳавас қилса, тақлид қилса арзигулик қирралари бор. Бундай одамларнинг ҳаёти бир маромда ошиқмай, салобат билан лим тўлиб оқадиган азим дарёни эслатади. Азим дарё эса ҳамиша ҳикматга тўлиқ...

Шоислом Шомуҳамедовнинг биографияси фавқулодда ҳодисалардан, кутилмаган саргузаштлардан холи. Олимнинг шу чоққача босиб ўтган йўлининг асосий босқичларини белгиласак, бир сатрга жо бўлиши мумкин: мактаб — ҳарбий хизмат — университет — илмий-педагогик фаолият. Шундай қараганда, бу жуда оддий биография, совет ҳокимияти йилларида улғайиб вояга етган,

камол топган минглаб ўзбек зиёлилари учун муштарак бўлган биография. Бироқ бу оддийлик замирида катта маъно бор — босиб ўтилган ҳар қайси босқич ибратли ички мазмунга тўла.

Шоислом Шомуҳамедов 1921 йилнинг 16 апрелида гражданлар урушининг ҳайбатли суронлари эндигина тиниб, мамлакат тикланиш даврининг биринчи баҳорини бошдан кечираётган кезларда Тошкентдаги Девонбеги маҳалласида туғилди. Девонбеги эски шаҳарнинг машҳур маҳаллаларидан эди. У пайтларда шаҳарда ҳали асфальт ётқизилган кўчалар, кўп қаватли мухташам бинолар, тунни чароғон кунга айлантирадиган электр чироқлари, гулларнинг анвойи ҳидига тўлиқ хиёбонлар, дилга роҳат берадиган салқин фавворалар йўқ эди. Эски шаҳар дегани бир-бирига туташган каталакдай-каталакдай ҳовлилардан, иккита арава рўпара келса, ажралиб кетолмайдиган тор кўчалардан, от судраб юрадиган кўнкалардан, баққолларнинг сон-саноксиз дўконларидан, ҳаминиша ғала-ғовур бозорлар, гавжум гузарлар, беҳисоб масжидлардан иборат эди. Бироқ ўрта асрлар либосини ечиб улгурмаган шаҳар кўчаларидан янги ҳаёт шабадалари борган сари қудратлироқ эсмоқда эди. Тошкентда бир йилдан бери Ўрта Осиёнинг тўнғич олий мактаби — давлат дорилфунунида йигит-қизлар таълим олмоқда эди. Шаҳарда кўплаб янги мактаблар очилмоқда. Ҳар куни газеталар ва журналлар оламдаги янгиликлардан эски шаҳар аҳолисини ҳам хабардор қилиб турарди. Журналларда Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и босила бошлаган, Ойбек ва Ғафур Ғуломлар адабиётга кириб келишга шайланиб турган кезлар эди.

Шоисломнинг болалиги ана шундай шароитда кечди. Унинг отаси Шомахмуд ака янги ҳаёт туфайли кўкрагига шабада теккан, қаддини ростлаб, бемалолроқ рўзгор тебрата бошлаган этикдўз қосиб эди. Қосиб бўлса ҳам, оқ-қорани таниган, бўш вақтларида қўлидан китобни қўймайдиган саводхон одам эди. У, айниқса, шарқ классикларининг дилбар ғазалларини мутолаа қилишни севар, улардан ўзига ёққан байтларни, ғазалларни, ҳикматли гапларни чиройли қилиб дафтарига кўчириб оларди. Умуман, бу оилада Шоисломнинг отасигина эмас, бобоси яшаган даврданоқ яхши бир анъана — китобга сиғиниш анъанаси қарор топган эди. Кўпгина ўзбек оилаларидаги каби Шоисломлар уйининг тўрида ҳам китобга аталган махсус тоқчалар бор эди. Шоислом бобосини кўришга муяссар бўлмаган, лекин у кишидан

мерос қолган мавлоно Жалолиддин Румийнинг қўлёзма «Маснавий» китоби туфайли қалбида бобосига чуқур эҳтиром туйғуси пайдо бўлган. Шоислом отасининг меҳрига ҳам тузукроқ тўя олмайди — у олти ёшга тўлар-тўлмас отаси оламдан ўтади. Шоислом опалари ва укалари билан бирга паранжидаги саводсиз онаси қўлида етим қолади.

Шоисломнинг бахтига янги ҳаёт етимликнинг моҳиятини ҳам ўзгартириб юборган эди. Атиги ўн йил аввал «етимлик» деган гап даҳшатли фалокатдай, тузатиб бўлмайдиган бахти қароликдай қабул қилинарди. Етимлик одамни болаликдан бошлаб муҳтожлик қаърига улоқтирадиган, одамлар эшигига қарол ёки малай қилиб судрайдиган, хўрликлар кўриб, ҳақоратлар эшитиб, пешонасини силашга бир меҳрибон қўл, кўнглини кўтаришга бир оғиз илиқ гапга муштоқ қилиб улғайтадиган ижтимоий иллат эди. Янги ҳаёт туфайли етимликнинг бу даҳшатлари йўқолди. Совет ҳокимияти ҳамма болалар қатори етимлар учун ҳам мушфиқ ва меҳрибон ота бўлди. Шоислом янги очилган мактабга кириб ўқиди, бошланғич мактабни битиргандан кейин эса, ота касбини давом эттириш учун маҳаллий саноат техникумига ўқишга кирди. Шоислом мактабда ҳам, техникумда ҳам ўткир зеҳни, ҳар нарсани билишга қизиқиши, меҳнатсеварлиги билан ажралиб турарди. У ҳамма фанлардан бирдай яхши ўқир, кунт билан илм ва ҳунар асосларини эгаллашга интиларди. У техникумни ҳам имтиёзли диплом билан битириб чиқди. Яна бир оз ҳафсала қилса, Шоислом юқори малакали кўнчи мутахассис бўлиб етишиши ҳеч гап эмас эди. Бироқ унинг кўнглида бошқа бир соҳага муҳаббат олови гуруллаб ёнар, бу олов уни бемалол ишлашга, техникумда ўзлаштирган касби бўйича ишни давом эттиришга халақит берарди. Бу — адабиётга муҳаббат олови эди. Шоислом мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ адабиётга ҳавас қўяди. У, айниқса, поэзияни севар, шеърни кўп ўқир, кўп ёдларди. Шеърлардаги оҳангдорлик, кўтаринки кайфият, оддий сўзларда бўлмайдиган аллақандай жозоба уни маҳлиё этган ва у мурғак ақли билан шеърият сирини кашф этишга интилган эди. Ўқиган шеърлари таъсирида Шоисломнинг ўзи ҳам 11—12 ёшларидан шеър машқ қила бошлайди. «Мен ёшлигимда шеъриятга кўнгил қўйган эдим,— деб эслайди Шоислом.— Ўша йиллари классик формаларда ғазаллар, рубойлар ва бармоқ вазнида шеърлар машқ қилардим. Классик шоирларнинг нафис



газалларига мухаммаслар боғлаганман. Уларнинг асарларини кекса кишилар ёрдамида лотинчага кўчириб олиб, тезда ёдлаб олишга ошиқардим». Кунлардан бирида Шоисломнинг қўлига Алишер Навоий газаллари тушиб қолади. Шоислом газалларни ўқиб чиқади-ю, умрбод Навоий шеърятининг сеҳрига асир бўлиб қолади. Шундан кейин у Навоий асарларини қидира бошлайди. У пайтларда Навоий асарлари ҳали кўплаб босилмаган, борлари ҳам Шоисломнинг тиши ўтмайдиган арабча ёзувда эди. Шу бўлади-ю, Шоисломда арабча ёзиш ва ўқишни ўрганишга ҳавас уйғонади. Бу ҳавас кундан-кунга кучая бориб, охир-пировардида уни университетнинг шарқ факультетига олиб келади. Бироқ унинг орзуси рўёбга чиқиб, Шоислом университет остонасидан ҳатлаб ўтгунга қадар орадан яна етти йил ўтади. Бу етти йил Шоислом учун том маънодаги ҳаёт дорилфунуни бўлди.

1939 йилда Шоислом Шомуҳамедов Совет Армияси сафига қақрилади. Қақриув комиссияси унинг ҳужжатлари билан танишиб, рус тилини пухта билишига, иқтидорига амин бўлиб, унга командирлар тайёрлайдиган мактабда ўқишни таклиф қилади. Шу тариқа Шоислом Тошкентдаги В. И. Ленин номли ҳарбий мактабнинг курсанти бўлиб қолади. У ҳарбий мактабда ҳам синчковлиги, ҳарб ишининг назарияси ва тарихини тез илғаб олиши билан, интизоми ва топқирлиги билан мактабдош дўстларининг ҳам, командирларининг ҳам муҳаббатини қозонади. Икки йил кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади. Шоислом командирликка давлат имтиҳонларини муваффақият билан топширади. У йигирма ёшида ҳарбий мактабни тугатиб чиққанида оҳори тўкилмаган командирлик кийимининг ёқасидаги петлицада унинг лейтенантликни билдириб, иккита куб ялтираб турар, ёнида эса Вильнюс шаҳрида ҳарбий хизматни ўташи лозимлиги ҳақидаги йўлланма бор эди. 1941 йилнинг 19 июнь кунини у Вильнюс шаҳрига жўнайди. Бироқ, у ерга етиб боролмайди. Шоислом йўлга чиққанидан роппа-роса уч кун кейин уруш бошланади. Шоислом тайинланган жойга бориб етмасданоқ, йўлда жангга киради. У урушнинг энг оғир дақиқаларида Ғарбий фронтда қутуриб ҳужум қилаётган фашист босқинчиларига қарши жанг қилади. Бу жангларда взводга командирлик қилади. Ҳаёт, ҳарбий вазият йигирма яшар йигитнинг зиммасига жуда оғир масъулият юклайди — у бир взвод одамнинг тақдири, ҳаёт-мамоти учун жавобгар. Взводдагиларнинг

ҳаммаси ҳам ҳали бир-бирини яхши билмайди, жанг кўрган эмас, фашистни енгишнинг ҳадисини олганча йўқ. Командир уларни бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган, душманнинг пўписасидан қўрқмайдиган, жангга яроқли жанговар кучга айлантириши керак. Бунинг учун взводдагиларнинг ҳаммаси командирга ишониши, унинг топқирлиги, абжирлиги, донолигига амин бўлиши керак. Бироқ кўз кўриб, қулоқ эшитмаган оғир жанговар шароитда она сути оғзидан кетмаган йигирма яшар йигитга қандай ишонасан? Бунинг устига Шоисломга теккан взвод том маънода интернационал взвод эди. Руслардан ташқари унда тўққиз грузин, икки армени, бир ўзбек, украин, белорус, молдаван, қозоқ ва тожиклар бор эди. Буларнинг аксари яқиндагина сафарбар қилинган бўлиб, ҳарбий ишдан узоқ одамлар эди. Айниқса, тоғ оралиқларидаги олис қишлоқлардан келган грузинлар билан тил топишиш анча қийин бўлди. Улар рус тилини деярли билмас, «деҳқонмиз» деган гапни ҳам имо-ишора билан зўрға тушунтиришар эди. Ана шундай вазиятда яна Шоисломнинг билимдонлиги ва ҳар нарсага қизиқувчанлиги, камтарлиги ва одамга эл бўлиб кетиши қўл келади. У ҳарбий мактабда ўргангани бир грузинча иборани эслаб, взводдаги грузинларга айтади. Бу унча-мунча одамнинг тили келмайдиган ибора эди. Одатда грузин тилини ўрганмоқчи бўлганларга шу иборани айттириб, уларнинг тили грузинчага келиш-келмаслигини аниқлашар экан. Взводдаги тўққиз грузин лейтенантнинг «бақақи тсхатки фиинопс» («бақа ботқоқда вақиллайди») деганини эшитиб лол қолишади: грузинчани сувдай ичиб юборган бу йигитда бир гап бор. Шу жумладан бошқа грузинча бир калимани билмаса нима? Тўрт томонингда қиёмат қоим бўлиб турган вазиятда, белоруснинг қуюқ ўрмонида бегона одамнинг оғзидан ўз она тилингда бир калима сўз эшитиш қандай бахт! Бу воқеадан кейин грузинлар ҳам, взводдаги бошқа миллат вакиллари ҳам Шоисломни «бизнинг лейтенантимиз» деб аташадиган бўлишди. Командирнинг топқирлиги взводни аҳил жанговар кучга айлантирди. Улар фашист галаларига қарши мардонавор жанг қилдилар. Бироқ, орадан кўп ўтмай Шоислом ўз взводини атакага кўтараётган пайтида оғир ярадор бўлади. Фашистнинг ўқи кўкракни қиялаб ўтиб, елкага яқин жойда қўл суягини парчалаган ва жонсиз қўл пай аралаш томирга илиниб осилиб қолган эди. Бундай ҳолларда қўлни кесиб ташлашдан ўзга чора йўқ. Врачлар маслаҳатлашар экан, исит-

ма ичида алахсираб ётган Шоислом «ампутация» деган сўзни элас-элас илғаб қолади ва қўлининг кесилишига розилик бермайди. Госпиталнинг бош врачлари Шоисломдаги қатъиятнинг кўриб, қўлни кесмасликка қарор қилади. Ҳаётга ташна йигитнинг иродаси ғолиб чиқади — орадан анча ўтгач, қўл тузалиб кетади ва кейинчалик ўнлаб асарлар, таржималар барпо этишга ярайди. Атоқли адиб Пиримқул Қодиров Шоислом Шомухамедовнинг эллик йиллик юбилеи муносабати билан ёзган «Қўл ва қалб» мақоласида бу ҳодисадан чиройли хулоса чиқарган эди. У ёзади: «Мана шу ҳодисада дайди ўққа боғлиқ тасодифдан ташқари теран бир рамзий маъно бор. Инсон қалби билан инсон қўли бир-бирига ҳамиша садоқат сақласа, бир-бирига ҳамиша мадад берса мўъжизалар яратиши мумкин. Албатта, қўл нимаки иш қилса, қалб амри ва ақл иштироки билан қилади. Аммо ақлимизни уйғотган ва қалбимизни ёндирган орзу-истаклар меҳнат, ғайрат, маҳорат тимсоли бўлган қўлнинг иштирокисиз амалга ошмайди. Ўлмас шоир Фафур Фулом: «Тақдирни қўл билан яратур одам!» деб бекорга айтмаган. Аммо бирон фалокат кишини қўлидан жудо қилмоқчи бўлганда инсон қалби ўз кучини кўрсатади. Агар одамнинг ўзига ишончи, эътиқоди кучли бўлса ҳар қандай мушкулот енгилади. Қўли қалбига муносиб одамнинг иши билан сўзи бир бўлади. Бундай одам ҳаётда осон йўл танламайди».

Шоислом тўрт ой госпиталда ётиб даволаниб чиқади, бироқ ҳамон соғлиғи ярамагани учун вақтинча ҳарбий хизматдан озод қилинади. Шундан сўнг у Ўзбекистонга қайтади ва Гулистонда маориф соҳасида ишлайди, пионер лагерларига бошлиқ бўлади, мактабда илмий мудирилик қилади, комсомол ташкилотларида хизмат қилади. Энг муҳими шундаки, у қайси лавозимда ишласин, қайси вазифани адо этмасин, бари бир, ҳамон қалбида адабиётга муҳаббат ёлқини авж олаверади. Уруш оташларида сўнмаган бу ёлқин Мирзачўл даштида янги куч билан гуриллайди. Адабиётга ихлос уни яхши одамлар билан таништиради. Уларнинг баъзилари билан умрбод дўст тутинади, баъзиларини эса қадрли устоздай доимо эҳтиром қилади. Бу ўринда Шоислом Шомухамедовнинг яна бир ноёб фазилати аниқ намоён бўлади — у дўстликда ҳам, шогирдликда ҳам барқарор, садоқатли, босит одамлардан. У танлаб, чертиб-чертиб дўст тутинади, бироқ дўстлашгандан кейин, унга доимо содиқ қолади. Мен бу ўринда икки оғиз бўлса-да, Шоислом Шому-

ҳамедов билан Муртазо Ҳайдаров ўртасидаги дўстликни тилга олишни истардим. Муртазо ака Шоисломга тенгқур. Унинг касби журналистлик. Ҳозир Янгиерда газетанинг редактори. Ора-чора форс тилидан таржима қилиб ҳам туради. Муртазо ака кўп яхши фазилатларидан ташқари билимдонлиги, адабиётга ихлоси билан ҳам ажралиб туради. Шу адабиёт дарди баҳона бўлиб, 1943 йилда Шоислом билан дўстлашган. Мана, қирқ йилдан ошибдики, уларнинг орасидаги самимий дўстлик завол кўрмай давом этиб келмоқда. Уларнинг суҳбату мажлислари, йигину маъракалари бир-бирисиз ўтмайди, шодликларини ҳам, ташвишларини ҳам бирга баҳам кўришади, бирор катта иш чиқиб қолса, албатта, бир-бирлари билан маслаҳатлашиб олишади. Тошкент билан Янгиернинг ораси анчагина бўлса-да, бир-бирларини мунтазам йўқлаб туришади. Бундай барқарор ва собит дўстликка ҳар қанча ҳавас қилса, ҳаттоки тақлид қилса, арзийди.

Шоислом Шомуҳамедов ўша кезларда Гулистонда кечирган ҳаётини эслар экан, яна бир оддий одамни ўз устози сифатида камоли эҳтиром билан тилга олади. Бу одам колхоз темирчиси Аҳмадиёр ака. Яхшиси, унинг ҳақида ҳикоя қилиб бериш учун сўзни Шоисломнинг ўзига берайлик: «1943 йил... Мен немис фашист босқинчилари билан жангда жароҳатланиб келгач, Мирзачўлда ишлар эдим. Биз турган колхозда эллик ёшлар чамасида қорачадан келган миқтигина темирчи Аҳмадиёр ака ишлар эдилар. У кишининг классик адабиётимизни яхши билганлиги, айниқса, навоийхонлиги мени ўзига жалб қилган эди. У киши ҳазрат Навоий «Хамса»ларидаги беш дostonни ёд биларди. Шундай бўлса-да, ҳар кеча гоҳо оппоқ тонггача мижжа қоқмай, Навоий асарларини ўқиб чиқар эдилар. Мен билан қишлоқ мактабининг ўқувчиларидан яна уч ўсмир шу темирчи дўконига йиғилиб, Навоий ғазалларини эшитар, ўқишни ўрганар эдик.

Аҳмадиёр ака арузда тузуккина ҳажвий шеърлар битар, биз ҳам баъзан бир кишини нишонга олиб, мушоира қилар, гоҳо Навоий ғазалига муҳаммас боғлашдан мусобақа қилишар, кеча охирида шахмат ўйнар эдик. Шу зайл тонг отган кезлар ҳам кўп бўлган. Тонгни қаршилаш нашъасини шунда ўрганган эдим. Кўпинча соат тўрт-бешгача ўтириб, сўнг дўкон ёнидаги супада ҳар ким ўтирган жойида болишга ёнбошлаб, бир-икки соат мизғиб олиб, ишга туриб кетган пайтларимиз кўп бўлган».

Ҳаётда фозил ва оқил, доно ва меҳрибон, сахий ва мушфиқ одамлар кўп. Ҳаммамиз ҳам умримизнинг қай бир дақиқаларида, ҳаётимизнинг қай бир сўқмоқларида ўз Аҳмадиёр акаларимизга дуч келганмиз. Фақат, баъзиларимиз бундай одамларнинг қалбидаги маънавий гўзалликдан, ҳудудсиз бойликдан баҳраманд бўлиш ўрнига, унга лоқайд ва бепарво қараб кетаверганмиз. Ҳақиқатан ҳам ҳаёт улуг бир китоб, унинг ҳар саҳифаси ақлимизга ақл, билимимизга билим, тажрибамизга тажриба қўшиши мумкин. Лекин бу улкан китобни ўқий билиш ҳам керак. Унинг зарварақ саҳифалари фақат қунтли, чидамли, ҳафсаласи бут, меҳнатдан қочмайдиган одамларгагина очилади. Шоисломда шу сифатлар бор эди, шунинг учун ҳам у оддий колхоз темирчисининг маънавий бойлигини кўра олди ва ундан баҳраманд бўлди, қолаверса, шу оддий инсоннинг кўпгина сифатларини ўзлаштириб, уни ўзига устоз деб билди.

Шоислом Шомуҳамедовнинг Мирзачўлдаги меҳнатга, ғазалхонликка тўла ҳаёти узоқ давом этмайди — 1945 йилда у яна ҳарбий хизматга чақирилади. Бу гал фронт кўрган жанговар офицер икки йил давомида застава бошлиғининг ўринбосари сифатида Ватанимизнинг жанубий чегарасини қўриқлайди. Шоислом бу ерда хизмат қилиб юганида ҳам, шарқшунос олим бўлиб етишиш ҳақидаги эзгу орзу уни тарк этмади. Унинг бу орзуси 1947 йилда ушалади — ўша йилнинг биринчи сентябри кuni Ўрта Осиё Давлат университетининг шарқ факультетида биринчи курсни тўлдириб ўтирган илм толиблари орасида Шоислом Шомуҳамедов ҳам бор эди.

1918 йил ноябрь ойида совет ҳокимияти эндигина бир ёшга кирган кезларида Тошкентда Туркистон шарқ институти ташкил қилинган эди. Кейинчалик — 1924 йилда бу институт Ўрта Осиё Давлат университети составига мустақил шарқ факультети қилиб киритилди ва 1930 йилгача амал қилди. Уша йили Ўрта Осиё Давлат университетида ташкилий ўзгаришлар содир бўлди. Шу муносабат билан шарқ факультети тугатилиб, унинг профессор ва ўқитувчилари янги ташкил қилинган тожик педагогика институтига ўтказилди.

Шарқ факультети биринчи қадамлариданоқ катта ишларни амалга оширди — Туркистон ва Ўрта Осиё тарихига оид фундаментал тадқиқотлар яратилди, маданият ва адабиёт тарихи изчил ўрганила бошлади, бекиёс тарихий, маданий, илмий қимматга эга бўлган

кўпгина ҳужжатлар, қўлёзмалар тўпланди ва эълон қилина бошлади. Бу факультет шарқшунослик бобида истеъдодли маҳаллий кадрларни тарбиялаб етиштириш ишига ҳам алоҳида аҳамият берди. Унинг бағридан кўпгина олимлар, ёзувчилар чиқди. Бу ўринда кейинчалик асарлари жаҳон адабиёти хазинасидан мустаҳкам ўрин олган Ленин мукофоти лауреати Мухтор Авезовнинг номини тилга олиш kifоя. У 1928 йилда Ленинградда университетни тугатгач, 1930 йилгача Ўрта Осиё Давлат университетида шарқ факультетида аспирантурада ўқиди.

Орадан 14 йил ўтгач, 1944 йилда университет состида шарқ факультети қайтадан ташкил қилинди. У пайтларда ҳали Улуғ Ватан уруши тугамаган эди. Мамлакат бошидаги ташвишлар етиб-ортиб турганига қарамай, совет давлати ва коммунистик партия Ўзбекистон пойтахтида шарқ халқларининг маданиятини, тили, тарихи, адабиётини ўргатадиган ва ўрганадиган илм масканини қайтадан барпо этишни лозим кўришди. Бу—ўзбек маданиятига ғамхўрликнинг олижаноб намуналаридан бири эди.

Шарқ факультети янги ташкил бўлган кунлариданоқ йирик илмий марказ сифатида шакллана бошлади. Бу ерда хитой, араб, ҳинд, эрон-афғон бўлимларида юқори малакали тилшунослар, адабиётчилар, тарихчилар, иқтисодчилар тайёрланди. Ҳозирга қадар шарқ факультетини мингдан ортиқ мутахассис битириб чиқди. Улар Ўзбекистон ва қардош республикалар Фанлар Академиясининг илмий-текшириш институтларида, олий ўқув юртларида, матбуот органларида, радио ва телевидениеда, мактабларда самарали меҳнат қилмоқдалар. Шарқ факультетини битирганларнинг бир қисми Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, араб мамлакатларида таржимон—мутахассислар сифатида иш олиб бормоқда. Мен Мисрга қилган сафарим вақтида Хилвон металлургия комбинати қурилишида, Асвон гидроэлектростанциясида, Қоҳиранинг дипломатик доираларида шарқ факультетини битирган йигитларни кўриб, уларнинг оддий араб меҳнаткашлари, тараққийпарвар зиёлилари ўртасидаги юксак иззат-эътиборини кўриб, кўнглим ифтихор туйғуларига тўлган эди. Улар бу олис ўлкаларда шунчаки таржимон эмас, социалистик Ўзбекистоннинг вакиллари, дўстлик ва биродарлик элчилари сифатида катта ишлар қилишмоқда эди. Шарқ факультетининг хизматчилари ҳақида гапирганда. унинг собиқ талабаларидан

тўққиз киши ҳозир фан доктори, 200 га яқин одам фан кандидати эканини айтиш керак. Булар орасида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори Р. Аминова, филология фанлари докторлари А. П. Қаюмов, А. Ҳ. Ҳайитметов, А. Рустамов, М. Ҳамраев каби атоқли олимлар борки, уларнинг номлари ҳам, асарлари ҳам республикамыздагина эмас, Иттифоқимизнинг кўпгина илмий марказларида яхши маълум. «Қадрим», «Эрк», «Мерос» каби қиссаларнинг, «Училдиз», «Қора кўзлар», «Олмос камар», «Юлдузлитунлар» каби романларнинг муаллифи атоқли адиб Пиримқул Қодиров ҳам шу факультетнинг талабаси. Шарқ факультетида ҳозир ёшларга илм ўргатаётган, тарбия бераётган ўқитувчиларнинг деярли ҳаммаси шу факультетнинг собиқ талабаларидир. Бу факультетнинг яна бир яхши томони шундаки, у ҳамиша ажнабий Шарқ мамлакатларидаги илмий марказлар билан алоқа қилиб туради. Араб олими профессор Сулаймон, ҳинд олими профессор Қамар Раис, афғон олимлари профессор Муҳаммад Зоҳир, А. Ҳомидий, А. Жавид кабилар факультет кафедрасидан ўқиган лекциялар студентларнинг билимини оширишдагина эмас, Ўзбекистон билан қўшни Шарқ мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришда, дўстлик иplarини мустаҳкамлашда ҳам ижобий роль ўйнади. Хуллас, шарқ факультети фақат малакали мутахассислар етиштирувчи, шарқшунослик илмининг энг долзарб проблемаларини ҳар томонлама пухта ўрганувчи илмий марказгина эмас, халқлар ўртасида тинчлик, қардошлик, ҳамкорлик ғояларини кенг ташвиқ қилувчи, шу олижаноб ишга хизмат қилувчи марказ ҳамдир. Шунинг учун ҳам университетнинг бу факультети катта ҳурмат ва эътиборга эга.

Шоислом Шомухамедов 1947 йилда ана шу илм масканига талаба бўлиб кирган эди. У университетда чанқоқлик билан билим олади, тиришқоқлик билан тинмай китоб ўқийди. Бартольд, Конрад, Бертельс, Брагинский каби машҳур олимларнинг асарлари унинг савиясини оширди, қизиқиш доирасини кенгайтди. Айниқса, ленинградлик атоқли шарқшунос олимлар А. Н. Болдирев ва А. Т. Тагирджановларнинг лекциялари Шоислом учун гўзалликка тўла янги афсонавий дунёни — форс тилидаги буюк адабиёт оламини кашф этди. Университетга қадар ўзбек ва рус тилидан бошқа тилни билмаган Шоислом ўқиш йилларида инглиз тилини ўзлаштиради, форс тилини эса она тилидай мукаммал ўргана-

ди. Тиллар Шоислом учун форс-тожик адабиёти деб аталмиш беҳудуд хазинани очишда калитлик ролини ўйнади. Шоислом студентлик йилларидаёқ илмий фаолият билан жиддий шуғуллана бошлади. У студентлар илмий ташкилотининг энг актив аъзоларидан эди. Факультет ва университет миқёсидаги илмий конференцияларда унинг докладлари теранлиги, изловчан фикрга бойлиги туфайли бир неча марта тақдирланган эди.

Шоислом Шомухамедов ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб, қунт билан ўрганган тиришқоқ студентгина эмас, жуда актив жамоатчи ҳам бўлган. Шарқ факультетининг, қолаверса, университетнинг ўша йиллардаги жўшқин ҳаётида деярли ҳеч қайси воқеа Шоисломнинг иштирокисиз ўтмас эди. Узининг бой ҳаётий тажрибаси, кўпчиликка эл бўлиб кетиши, зукколиги ва ташаббускорлиги билан у студентлар ўртасида катта ҳурмат қозонади ва улар Шоисломни университет комсомол комитетининг секретари қилиб сайлашади. Университетда катта коллективда комсомол ташкилотига раҳбарлик қилиш осон иш эмас, аммо Шоислом бу ишни ҳам шараф билан ўтайди. Студентлик йилларида Шоислом Шомухамедов ҳаётида яна бир катта ҳодиса содир бўлади, у ёшлик йиллариданоқ буюк Ленин партиясининг аъзоси бўлишни орзу қилар ва йиллар давомида ўзини «коммунист» деган юксак номга муносиб бўлиш учун тайёрлаб келган эди. 1952 йилда унинг бу эзгу нияти рўёбга чиқади — Шоислом Шомухамедов партия сафига қабул қилинади. Бу ишонч Шоисломнинг тақдирини белгилайди ва уни янги куч, янги илҳом билан ўқишга, меҳнат қилишга илҳомлантиради. Шу тариқа, изланишларга, кашфиётларга, қувончларга, машаққатларга, ташвишларга тўла студентлик йиллари кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. 1952 йилда Шоислом Шомухамедов шарқ факультетининг эрон-афғон бўлимини имтиёзли диплом билан битириб чиқади. Чуқур билими, юксак иқтидори, чидам ва саботи учун уни университет аспирантурасида олиб қолишади. Бир йил ўтар-ўтмас Шоислом студентларга форс-тожик адабиётидан дарс бера бошлайди. Бўлажак олим аспирант сифатида ҳозирги эрон адабиётининг атоқли вакили, гуманист шоир, прогрессив жамоат арбоби, таниқли тинчлик курашчиси, Совет Иттифоқининг дўсти Эҳсон Табарий ҳақида, унинг ижодий фаолияти тўғрисида тадқиқот олиб боради ва 1957 йилда ишни яқунлаб, кандидатлик диссертацияси сифатида ҳимоя



қилади. Ҳимоядан кейин кўп ўтмай диссертация китоб бўлиб босилиб чиқади. «Эҳсон Табарий» деб аталган бу китоб Шоислом Шомуҳамедовнинг эроншунослик соҳасидаги биринчи йирик асари эди. У кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига қарата олди, республикамиздан ташқарида ҳам юксак ижобий баҳо олди. Жумладан, таниқли грузин шарқшуноси К. К. Пагава Тбилиси Давлат университетининг илмий асарлар тўпламида 1962 йилда эълон қилинган мақоласида «Эҳсон Табарий» китоби ҳақида қуйидаги илиқ гапларни ёзган эди: «Шомуҳамедовнинг китоби ҳозирги эрон адабиётини ўрганишдаги қимматли асардир. Яна шуни таъкидлаш керакки, китоб катта муҳаббат ва чуқур билим билан ёзилган».

Шоислом Шомуҳамедов шарқшунослик даргоҳига ана шундай дадил қадамлар билан кириб келди. Шундан бери салкам 30 йил ўтди. Чорак асрдан мўлроқ бу давр олим учун тинимсиз изланиш ва яратиш, самарали ижодий меҳнат йиллари бўлди. Шу йиллар давомида Шоислом Шомуҳамедов эликдан зиёд катта-кичик китоблар, монографиялар, рисолалар эълон қилди, юзлаб мақола-лар яратди, ўнлаб асарларни таржима қилди, шарқ классикларининг бадий меросини тартиблади, таҳрир қилди, танқидий текстларини барпо этди. Шомуҳамедов бу йилларда фақат илмий фаолияти билангина эмас, актив жамоатчилик фаолияти билан ҳам кенг танилди.

Шомуҳамедов 1960 йилда Шарқ факультетига декан қилиб тайинланди ва бу вазифада ўн икки йил ишлади. Унинг раҳбарлиги остида Шарқ факультети илмий-педагогик ва сиёсий-тарбиявий ишлар соҳасида катта муваффақиятларга эришди. 1972 йилда эса Шомуҳамедов Тошкент Давлат университетининг илмий ишлар бўйича проректори қилиб тайинланди. У проректор сифатида ҳам университетда илмий ишларни, айниқса, гуманитар фанлар соҳасидаги илмий ишларни замонавий талаблар даражасига кўтаришга алоҳида эътибор бериб келмоқда, катта ташаббускорлик билан фаолият кўрсатмоқда. Бунинг оқибатида илм соҳасида университетнинг республикамиздаги етакчи мавқеи йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Шомуҳамедов 1966 йилда университетнинг шарқ халқлари адабиёти кафедрасига мудир қилиб сайланган эди. У бугунга қадар бу кафедранинг муваффақият билан бошқариб келмоқда. У кафедра аъзоларидан ўз мала-

каларини тинимсиз равишда ўстириб боришни талаб қилади ва бу талабига, биринчи навбатда ўзи амал қилиб, 1969 йилда «Форс-тожик классиклари ижодида гуманизм ғояси масаласига доир» деган темада докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Орадан бир йил ўтгач, профессорлик унвонини олишга сазовор бўлади.

Шоислом Шомуҳамедов кафедра мудирининг сифатида ўз кафедрасининг аниқ илмий қиёфаси учун курашади. Бунга эса кафедрада олиб бориладиган илмий ишнинг яхлитлиги, муҳимлиги, салмоғи билан эришилади. Шарқ халқлари адабиёти кафедрасининг кичик коллективи кўп йиллардан бери Амир Хисрав Деҳлавий ижодини ўрганиш масалалари билан шуғулланиб келмоқда. Кафедранинг бу соҳадаги изланишлари шу қадар самарали ва салмоқли бўлдики, натижада СССР Фанлар Академияси қошидаги шарқшунослик бўйича илмий ишларни координацияловчи комитет бу кафедранинг Амир Хисрав Деҳлавий ижодини ўрганувчи илмий марказ деб ҳисоблаш ҳақида қарор чиқарди. Ҳозир бутун Иттифоқимиз бўйича Амир Хисрав Деҳлавий ҳақидаги тадқиқотлар, илмий ишлар шу кафедра орқали марказлашган. Кафедра бу соҳадаги тадқиқотларни мунтазам равишда эълон қилиб туради.

Шоислом Шомуҳамедов кафедра мудирининг профессор, педагог сифатида шарқшунослик илми учун юқори маънавияли кадрлар тайёрлаш ҳақида ҳам кўп қайғуради. Бунинг оқибати ўлароқ, ҳозиргача унинг раҳбарлиги остида ўнга яқин одам кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Булар орасида ажнабий шарқ мамлакатларидан келган олимлар ҳам мавжудлигини алоҳида таъкидлаш керак. Жумладан, эронлик Жаъфар Ифтихор Шомуҳамедовнинг илмий раҳбарлигида «Амир Хисрав Деҳлавийнинг «Ҳашт беҳишт» достонининг танқидий тексти» деган мавзуда диссертация ҳимоя қилди. Афғонистонлик олим Абдурраззоқ Захир эса ўз тадқиқотининг XX аср бошида Бухорода яшаб ижод этган машҳур адабиётшунос Афзал Пирмастининг «Афзалат тазкар физикр аш шуаро ва алашъор» деган тазкирасининг таҳлилига бағишлаган. Бу тазкира шу билан машҳурки, унга кўпгина шоирлар қатори Садриддин Айнийнинг ҳам илк асарларидан намуналар киритилган. Айни чоқда, бу тазкирада XIX асрда яшаб ижод қилган қатор афғон шоирлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар мавжуд. Булардан ташқари, Б. Мусаев, Ж. Мирсайдов, О. Полинова, С. Қурбонов каби ёш тадқиқотчилар ҳам

Ўз устозлари кетидан бориб, шарқшунослик илмининг муҳим масалалари устида иш олиб бормоқдалар. Жумладан, Б. Мусаев Амр Хисрав Деҳлавийнинг «Тухфат ас снгар» асари бўйича, Ж. Мирсаидов эса «Ойнаи Искандарий» достони бўйича иш олиб бориб, кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилишди. С. Қурбонов ўз ишини Носир Бухорий лирикасига бағишлади. О. Полинова эса ҳинд адабиётида реализмнинг шаклланиш масалаларини илмий жиҳатдан чуқур ёритиб берди. Бу ишларнинг барчаси шарқшунослик илмига муайян ҳисса бўлиб қўшилиши билан бирга, шарқ халқлари адабиёти кафедрасининг илмий қизиқиш доирасини тайинлашда, унинг ўзига хос илмий қиёфасини белгилашда ҳам катта аҳамиятга эга.

Шоислом Шомуҳамедовнинг илмий-педагогик фаолияти, жамоатчилик ишлари фақат университет миқёси билангина чегараланган эмас. У 60-йиллардан бери республика, Бутуниттифоқ ва халқаро миқёсда ўтказилувчи анжуманларда, баҳс ва музокараларда, конференцияларда актив иштирок этиб келмоқда. Масалан, у 1958 йилда Олмаотада, 1963 йилда эса Москвада ўтган бадий таржима бўйича Бутуниттифоқ кенгашида иштирок этган эди. Маълумки, бизнинг мамлакатимизда Эрон филологияси билан шуғулланувчи олимлар мунтазам равишда йиғилиб, ўз конференцияларини ўтказиб турадилар ва уларда қилинган ишларнинг якуналари муҳокама этилади, келажакдаги ишларнинг режалари белгиланади. Шоислом Шомуҳамедов эроншунос филологларнинг Бутуниттифоқ кенгашларида мунтазам равишда иштирок этади. У Ленинграддаги II, Бакудаги III кенгашда иштирок этди, 1964 йилда Тошкентда ўтган IV конференцияга раҳбарлик қилди, Душанбе, Тбилиси, Боку шаҳарларида ўтган V, VI, VII конференцияларда ташкилот комитетининг аъзоси бўлди. Шоислом Шомуҳамедов бу конференцияларнинг ҳаммасида илмнинг муҳим ва актуал муаммоларига бағишланган докладлар билан қатнашди. Унинг докладлари ҳамма конференцияларда ҳам ижобий баҳо олди ва эълон қилинди. Булардан ташқари, Шоислом Шомуҳамедов 1967 йилда Тбилисида СССР Фанлар Академияси ташкил этган Қўшма илмий сессиянинг ҳам иштирокчиси бўлган ва унда «Октябрь ҳамда Шарқ адабиётлари» деган темага тааллуқли доклад қилган эди. 1960 йилда эса Шоислом Шомуҳамедов Бутун жаҳон шарқшуносларининг Москвада ўтган XXV конгрессида делегат сифатида қатнашиш

шарафига ноил бўлди. Ниҳоят, у 1966 йилда Техронда эроншуносларнинг I Жаҳон конгрессида вакил сифатида қатнашди. Буларнинг ёнига Шоислом Шомухамедовнинг 1966 йилда Чехословакия Фанлар Академиясида, 1969 йилда Ҳиндистонда Панжоб университетида, Патиала ва Чандигарх илмий жамоатчилиги ҳузурида Ўзбекистонда эроншунослик ва шарқшунослик масалалари ҳақида лекциялар ўқиганини эътиборга олсак, олимнинг илмий фаолияти чиндан ҳам жуда кенг кўламда кечганига амин бўламиз.

1959 йилдан бери СССР Ёзувчилари союзи ва СССР Журналистлар союзининг аъзоси бўлган Шоислом Шомухамедов жуда кенг кўламда жамоатчилик ишлари билан ҳам шуғулланади. У ҳинд — совет маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти Президиумининг аъзоси, Осиё ва Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик Комитетининг Ўзбекистон бўлимининг Президиуми аъзоси, Новости матбуот агентлиги Ўзбекистон бўлимининг бюро аъзоси, СССР Фанлар Академияси қошидаги шарқшунослик бўйича Бутуниттифоқ координация советининг аъзоси, «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси қошидаги ёшлар этикаси комиссиясининг аъзоси, «Звезда Востока» журнали редакцияси қошидаги ажнабий шарқ адабиётлари бўйича жамоатчилик советининг бошлиғи, «Шарқ юлдузи» журналининг редколлегия аъзоси. Булардан ташқари, Шоислом Шомухамедов сўнгги йилларда Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги қошидаги филология фани бўйича илмий-методик ишларни координациялаш советига ҳам раҳбарлик қилиб келмоқда. 1975 йилдан бери эса у Тошкент Давлат университетидаги филология фани бўйича кандидатлик даражасини берувчи ихтисослаштирилган Илмий советга раис. Буларнинг барчаси олимдан жуда катта қунт ва меҳнатсеварликни, ўз вақтини, иш фаолиятини олий даражада уюштира билишни талаб қиладди. Шоислом Шомухамедов ана шундай қобилиятга эга, шунинг учун ҳам у кўп йиллардан бери жуда кенг кўламдаги жамоатчилик фаолиятини бениҳоя маҳсулдор ва баракали илмий иш билан олиб бормоқда. Кўп йиллар давомидаги самарали илмий-педагогик ва ижодий фаолият учун Шоислом Шомухамедов бир неча марта партия ва ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган. У жанговар хизматлари учун «Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Жасурлик учун», «Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг

йигирма йиллиги», «СССР Қуролли кучларининг 50 йиллиги», «Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 25 йиллиги», «Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 30 йиллиги» каби медаллар билан, 1970 йилда эса «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланган. Ўзбекистон ҳукумати Шомуҳамедовнинг хизматларини юксак баҳолаб, 1960, 1970 ва 1978 йилларда уни уч марта Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлади. 1977 йилда эса Шомуҳамедов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғини олишга сазовор бўлди. Ниҳоят, 1977 йилда унга «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак унвон берилди. Булардан ташқари, олим бир неча марта социалистик мусобақада ғолиб деб топилди ва фахрий нишонлар билан тақдирланди. Шомуҳамедов республикада олий таълим ишларининг аълочиси.

## БАРҲАЁТ ЛАҲЗАЛАР<sup>1</sup>

*Йилга боғлиқ эмас умрбоқийлик  
Ҳаётнинг ўлчови — йил эмас, мазмун.*

### Ш. Шомуҳамедов

Ҳаёт — вақт уммони: лаҳзалардан тортиб асрларнинг тинимсиз ҳаракатига асосланган. Одам туғилдими, шу уммонда суза бошлайди, умр аталмиш ўлчовли бойликни сарфлашга киришади. Ақли донишлар ҳаёт қадрини эрта англайдилар: умрдан ўтгувчи «бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун олтиндан тарозу олмосдан тош оз»лигини тушуниб етадилар. Элу юртга наф келтирувчи меҳнат, эзгулик йўлида қўйилган қадам, илму фаннинг машаққатли сўқмоғини давом эттириш, инсонни ҳам маънан, ҳам жисман баркамолликка ундовчи асарнинг яратилиши, мангу муаммоларни ҳал этган кашфиётлар, кишилар аро меҳру оқибатни оширувчи, севиб-севилиб яшашга ундовчи муносабатлар — одам умрининг барҳаёт лаҳзалари самараси, ҳаёт безағи. Тирик лаҳзалар туфайли вақт уммони тўлқинланиб, нурланиб, мусаффолашиб туради. Ҳаёт давом этар экан, лаҳза-

<sup>1</sup> «Барҳаёт лаҳзалар»дан охиригача Абдуғафур Расулов томонидан ёзилган.

ларга жон ато этган кишилар номи ўчмайди. Ҳар бир замонда мангуликка дохиллик ҳуқуқини олган, қисқагина умрига асрлар зиддиятини енга оладиган куч, ҳар қандай зулматни ёриб чиқадиган нур бахш эта олган кишилар топилади. Етук инсонлар умрнинг барҳаёт лаҳзалари беҳуда ўтган вақтга нисбатан ҳаминша озлигидан афсусланадилар. Ажабки, умри давомида кўпу хўб ишлаган, наф келтирган кишилар вақтнинг исроф бўлаётганлигидан нолийдилар. Мана шундай одамларда ажабтовур босиқлик — қувончли онларда ҳам, андуҳли дамларда ҳам ўзни йўқотмаслик, ҳис-ҳаяжонни бус-бутун жиловлаган хотиржамлик диққатни жалб қилади. Улар ҳаётнинг илдиизи-ю, умрнинг моҳиятини англагандай бўладилар. Инсонга улкан бойлик — тафаккур берилган: у узоқ ўтмишга саёҳат қилиши, истиқболга ўткир нигоҳ ташлаши — ҳаётни тўла қамраб олиши мумкин. Ҳаётнинг абадий мушкулликлари, ҳақиқатнинг ўта мураккаб йўллари инсон тафаккури орқали ҳал қилинади, ёритилади. Ҳаётнинг эгаси бўлган инсоннинг умри ўлчовли, қисқа. Мана бу зиддият инсонни ўйлантиради, кўпроқ, тезроқ ишлашга ундайди. Умрнинг қисқалиги баъзиларни активликка ундаса, баъзиларни жиддий масалаларни ўйламасликка, бошни қотирмасликка чақиради. Бардошли, тинимсиз изланадиган кишилар ҳам баъзан «бўшашадилар», умрнинг елдай ўтиб кетишидан зорлангандай бўладилар. Умр бўйи илм захматини чеккан, ижодда юксакликларга кўтарилган, борлиқ билан йўқлик чегарасини аниқ кўрган» Умар Хайём ёзади:

Дунёга келишинг-кетишинг нима?

Бир чивин туғилди, ё ўлиб кетди.

Мазкур байтда инсоннинг қўл-оёғидан қувватни олиб, кўзларидаги меҳр ўтини сўндирадиган лоқайдлик эмас, табиатнинг абадий қонуниятларига қарши исён кўтарган тафаккур қувватини англаш мумкин. Умр чивин ҳаёти сингари қисқа экан, ундан унумли фойдаланиш лозим — барҳаёт лаҳзалар миқдорини ошириш, ҳаёт мазмунини бойитиш зарур. Социалистик тузумнинг гуманистик моҳияти инсон умрнинг барҳаёт лаҳзалари мумкин қадар кўп бўлиши учун барча шароитларнинг мавжудлигида ҳам сезилади. Эътибор берсангиз, инсон тез улғаяётганининг гувоҳи бўласиз: йигирма ёшга тўлмасдан катта кашфиётлар яратаётган, фан сўқмоқларидан илгарилаб бораётган, ақлий ва жисмоний камолоти-

ни кўз-кўз қилаётганлар сафи кенгаймоқда. Инсон умри узаймоқда: саксон, тўқсон ёшларда ҳам жамиятга наф келтираётган кишилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бошқача айтганда, инсон умрининг фойдали коэффиценти тобора ортмоқда. Буни машҳур кишилар — ишчилар, олимлар, ижодкорлар ҳаёти мисолида очиқ кўриш мумкин.

Ўзбекистон ССР «ФАН» нашриёти олимлар биографиясига материаллар сериясида «Шоислом Шомуҳамедов» номли китобчани чоп этди. Ундаги фактлар кўп нарсалар ҳақида ўйлашга ундайди. Бизда ҳалол меҳнат қилган одам обрў-эътибор қозонади деган фикр ўтади хаёлдан. Киши ўзига-ўзи савол беради: наҳотки, одам шунчалик кўп ишлай олса? Киши шунчалик қатъиятли, саранжом-саришта бўладими?.. Баъзи фактлар мағзи-ви чақиб кўринг: «Шоислом Шомуҳамедов» деган ном олти юздан ортиқ мақола, таржима, бадий асар, алоҳида китобга эғалик қилиб турибди. Юз элликдан ортиқ мақола, тадқиқот, тақриз, бадий асар, илмий докладларда Шоислом Шомуҳамедовнинг илмий-ижодий фаолиятига баҳо берилади. Ш. Шомуҳамедов ўз фаолияти билан элларни — юртларни ўзаро яқинлаштиришга интилди. У рус, тожик, форс, қozoқ, қорақалпоқ тилларида яратилган асарларни ўзбек китобхонига ҳадя этди. Олимнинг асарлари инглиз, немис, француз, араб, форс, ҳинд ҳамда СССР халқлари тилларида чоп этилди. Ҳозир ер юзида яшаётган кишилар бирлик, ҳамжиҳатлик туйғусини чуқурроқ ҳис қилмоқдалар. Ш. Шомуҳамедовнинг асарларию шахсий фаолияти шу туйғуни мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда.

Менга либос тикмиш Парижу Гирмон,  
Қафшим тамғасини босмиш Ҳиндистон.  
Ер шарни наздимда битта маҳалла,  
Ўртада битта нон, битта дастурхон.

Олимга ўрта мактаб ўқувчисидан тортиб мункиллаб қолган пенсионергача, ҳарбий хизматчидан тортиб деҳқонгача, давлат раҳбаридан тортиб элчигача мактуб йўллайди. Мактублар дунёнинг турли бурчакларидан, турли тилларда сўзлашувчилардан келган.

Шоислом Шомуҳамедов — сайёрамизда яшаётган кишиларнигинамас, узоқ-узоқ аждодлар билан авлодлар ўртасидаги вақт тўсиғини кўтариб ташлаётган илм заҳматкашларидан. Биздан олти юздан то минг йилгача

нарида яшаган форс-тожик адабиёти классиклари Шоислом Шомухамедов тадқиқотлари туфайли ўзбек китобхони билан қадрдонлашди, ўзбек тилида «гаплашиб», ўзбек тилида шеър «ўқий бошлади». Дарвоқе, форс-тожик адабиёти классиклари ижодига нисбатан кучли ихлос, замондошларни бой маънавий бойлик билан таништириш иштиёқи Шоислом Шомухамедовни таржимонликка ундади. Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Фирдавсий, Жомийдан қилинган таржималар бир неча бор нашр этилди. Шоислом Шомухамедовнинг ilk шеъри ёзилганига 45 йил бўлди. Шу давр ичида шоирнинг қалами қайралди, услуби шаклланди. Ш. Шомухамедов поэзиясида форс-тожик адабиёти классиклари ижодининг таъсири кучли. Бу ҳолни шоир шеърятининг шаклида ҳам, мазмунида ҳам сезиш мумкин. Шундай қилиб, Ш. Шомухамедовнинг илмий-ижодий фаолияти асосан уч йўналишда давом этади. Унинг илмий фаолияти, бадиий асарлари, таржималари ҳақида мустақил тадқиқот олиб бориш мумкин. Баъзан шундай интилишлар сезилади: олим тадқиқотлари ҳақида талай асарлар ёзилган. Ш. Шомухамедовнинг таржималари ҳақида марказий, маҳаллий матбуотда қизгин баҳслар давом этган. Хуллас, юбилей тантаналарида бот-бот такрорланадигандай, Ш. Шомухамедов бадиий ижод, таржима билан шуғулланмай, фақат илм йўлидан борганида ҳам ўзбек адабиётшунослигида ўз ўрни, қиёфаси, қадр-қимматига эга бўлган бўларди. Аксинча, у олимлик машаққатидан воз кечиб, таржимонлигу шоирлик қилганида ҳам ўзбек адабиётида из қолдирарди. Ҳар бир ижодкор моҳиятини тўғри ёритишнинг, адабиётдаги ўрнини беҳато белгилашнинг ҳаққоний йўли бор: фаолиятининг барча қирраларини ўзаро ички боғлиқликда, яхлитликда ўрганиш. Хусусан, Ш. Шомухамедов ижодининг қирралари ўзаро яқин, бири иккинчисини тўлдирарди, бойитади. Эътибор берсангиз, сўнгги йиллар ўзбек адабиётшунослигида «концепция» термини бот-бот қўлланилмоқда. Лекин бу термин моҳияти бирон ижодкор, тадқиқотчи ижоди мисолида ҳалигача ёритиб берилгани йўқ. Концепция — фикрлар системаси, дунёни англаш, тушуниш усули. Ҳар бир тадқиқотчи, ижодкор дунё ичра дунёдир. Ўз дунёси, ўз ақидаларини акс эттиришда ижодкор — яратувчи аниқ йўналишга эга бўлади. Концепция — изчил равишда тасдиқланиб бориладиган эътиқод. Улкан санъаткор, ҳақиқий олим фаолиятининг барча йўналишларида концепциясини тасдиқ-



лаб боради. Бир асар, алоҳида тадқиқотни олиб, муаллиф концепцияси мана шу ерда акс этган дейиш бир ёқламалик, шошма-шошарликдир. Концепция ижодкор асарларнинг моҳияти сифатида англашилади, алоҳида йўналиш сифатида диққатни тортади. Концепция — илмий, ижодий мактабларнинг вужудга келиш нуқтаси, пойдевори. Дуч келган олим, исталган ижодкор концепциясини аниқлашга интилиши тўғри эмас. Олим, масалан, кўп ёзиши, ишбилармону гапга чечан бўлиши, атрофига кишиларни уюштира олиши, оддий кишилар орасида шуҳрат қозониши, ўз йўлини ўтказишга уста бўлиши мумкин. Аммо унда олимлик гавҳари — қарашлар системаси, фанда тасдиқламоқчи бўлган эътиқоди бўлмаслиги мумкин. Аксинча, шундай олимлар бўладикки, улар фандаги йўналишларини ҳаётларининг мақсади, энг юксак орзуларининг рўёбга чиқиши деб билдилар. Бундайларни фаннинг фидойилари дейиш жоиз. Улар ўз интилишлари учун юксак мукофоту унвонларни олишни мақсад қилиб қўймадилар. Унвонлар ҳам, мукофотлар ҳам ҳақиқий олимларни излаб топади. Унвон мукофотлар олимнинг эътиборини оширмайди. Аксинча, ҳақиқий олим мукофоту унвоннинг қадрини кўтаради. Шоислом Шомуҳамедовнинг илмий-ижодий фаолиятида ўзбек адабиётшунослигини Шарқ адабиётининг бақувват томири — форс-тожик адабиёти классиклари ижоди билан чамбарчас боғлаб юборишни мақсад қилиб қўйган олим интилишлари, ўзбек китобхонини Шарқ поэзиясининг дурдоналари билан бойитишни истаган саҳий қалб таржимон — ижодкор ғайрати англашилади. Ҳа, Шоислом Шомуҳамедов форс-тожик адабиёти мутахассислигини чуқур эгаллаган ўзбек адабиётшуноси, шоири. Унинг тадқиқотлари ўзбек адабиётшунослиги фанини бойитади, совет шарқшунослиги тараққиётига ҳисса қўшади.

Совет шарқшунослиги — бой тарихи, етук намоёндаларига эга сертармоқ соҳа. «Совет шарқшунослиги» термини, «Гуманитар фанлар», «Аниқ фанлар» атамаси сингари, умумий тушунчани акс эттиради. Дастлабки пайтларда, эҳтимол, шарқшунослик термини бирмунча ىхчам, конкрет бўлгандир. Бугунги совет шарқшунослиги шарқ мамлакатларининг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, сиёсати масалаларини ўргатади. Совет шарқшунослиги энг қадимги адабиёт, санъат, тил, тарихдан тортиб энг янги замон адабиёти санъатини ўрганади. Совет шарқшунослиги фан-техника тараққиёти ютуқла-

ридан унумли фойдаланмоқда: ноёб асарларни қайта тиклаш, авайлаб сақлаш йўлларини ўзлаштирамоқда. Иттифоқимизда совет шарқшунослигининг талайгина марказлари мавжуд. Ҳар бир илмий марказнинг ўз бойликлари, анъаналари, етук мутахассислари бор. Шарқшунослик институтлари илмий тадқиқот марказларигинамас, бебаҳо қўлёзмалар асралиб келинаётган хазинадир. Нева бўйидаги виқорли қасрлардан бирига жойлашган Ленинград Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондига кирганимда ғалати туйғуни ҳис килдим. Шарқнинг мўътабар олиму шоирлари «дам сляпти-ю» атрофдаги кишилар улар тинчини бузмасликка интиляпти: ҳамма мумкин қадар вазмин ҳаракат килишга, аста-аста гаплашишга интилади. Фонднинг илмий ходимларию хизматчилари ўта маданиятли, юз-кўйдан нур ёғиладиган кишилар: саволларингизга ўйлаб, атрофлича жавоб беришга интиладилар, ҳар бир асар ҳақида батафсил сўзлайдилар, саҳифаларни тиррик мавжудотни силагандай аста-аста очадилар. Қадимги қўлёзмалар ҳам институт ходимларига «қулфи дилларини» очадилар, бағирларидаги бойликларни уларгагина ишонадилар. Япониядан келган бир гуруҳ олимлар нуроний рус олимга қайта-қайта эгилиб таъзим қилаётганликларини кўриб ҳайрон бўлдим:

— Энг қадимги Япон қўлёзмаси бизнинг фондимизда сақланади,— ҳикоя қилади бизнинг етакчимиз — институт илмий ходими.— Қадимги ҳарф — белгиларни ҳозирги япон ўқувчиси билмайди. Мана шу олимгина бу қўлёзмани мукамал ўқий олади. Японияликлар бизнинг олимимизни устоз деб биладилар.

Демак, ҳақиқий шарқшунос аждодлар билан авлодлар орасидаги алоқачи, ўтмишни бугунги кун билан боғловчи шахс. Қадимги асарларнинг замонамиз билан боғланиши, талқин қилиниши теран билимли шарқшуносга боғлиқ. Шарқшунос олим қанчалик билимли, маданиятли бўлса, қадимги қўлёзмалардаги фикрлар замонамизга шунчалик жиддий уланади, янгича функциясини бажаришга киришади.

Шоислом Шомуҳамедов тинимсиз ўтиб борувчи вақт билан баҳс бойлашган одамлардан. Аввалига тинимсиз ишлашга ўзини мажбур қилган бўлса, бора-бора ишчанлик, изланувчанлик Шоислом Шомуҳамедовнинг табиатига сингиб кетди. Шоислом Шомуҳамедов вақт билан баҳслашган йилларининг ҳурмати — илк тўпламинин «Вақт» деб атади. «Одам борки...» тўпламида-

ги аксарият шеърлар ҳам вақтнинг қиммати, умрнинг бебаҳолиги тўғрисидадир. Ҳар иккала тўпламда ҳам меҳнатсеварлик инсоннинг олий фазилати сифатида мадҳ этилади:

Меҳнатдан, заҳматдан нолиб урма дам,  
Тоғда ётган тошга ўхшама сен ҳам.  
Денгизлар тошидек топади сайқал,  
Доим ҳаракатдан тинмаган одам.

«Вақт», «Одам борки...» шеърини тўпламларини синчиқлаб ўргансангиз шоир ижодида назокатли дидактика — инсоннинг қалби, қилаётган ишлари, дунёнинг тугилиши, эзгулик, садоқат ҳақида топиб айтилган шеърини мисралар, фардлар, туюғу рубоийлар кўпайиб, етакчилик қилиб бораётганлигини сезасиз. Фикримизни форс-тожик адабиёти классикларининг «Гулистон», «Баҳористон»и йўсинида яратилган «Гулбоғ», «Гулбоғ сайри» тўпламлари тўла тасдиқлайди. Мазкур тўпламлар ибратомуз ҳикоячалар, лавҳалардан, мазмунга монанд тўртликлардан ташкил топган. Шоир эзгулик, вафо, дўстлик, меҳнатсеварликни улуғласа, бекорчи, дангаса, кўзбўямачи, бачкана, устомон, товламачи кишилар устидан кулади. Тўпламларда вақт ўғрилари, турли йўллар билан кишиларнинг қимматли лаҳзаларини ўғирловчилар шоир нафратини қўзғайди. Шоислом аканинг ўзи кўп ишлайди — вақтни зое ўтказмайди. Кишиларни ҳам шундай бўлишга чақиради. Олимнинг яна бир хусусияти диққатни жалб қилади: вақт сарфлаб ёзилган асар ўз эгасига етиб борсин. Шоислом ака бадий асарларини, таржималарини, ажойиб кишилар ҳаёти ҳақидаги суҳбатларини қайта-қайта нашр эттиришга интилади. Кишиларга наф келтирадиган асарнинг кўп нусхада, бир неча нашрда чоп этилиши — яхши. Асарларнинг бадий қуввати юксак бўлса — нур устига аъло нур.

Олимнинг иш услуби ҳам диққатга сазовор. Эрта тонгда туриб ижод қилишдан ташқари, Шоислом ака ишхонадаги вақтини ҳам тежаб-тергаб сарфлашга интилади. Табийки, Тошкент Давлат университетининг илмий ишлар бўйича проректори Ш. Шомухамедовнинг иши ниҳоятда кўп, ҳар бир соати ҳисоб-китобли. Илмий тўғаракда доклад қиладиган студентдан тортиб, халқаро илмий анжуманга кетаётган олим ҳам Ш. Шомухамедов билан ишини битиради. Проректор қабулхона-

сида университет босмахонасининг директоридан тортиб илмий ишнинг ҳимоя қилиш учун университетга келган докторантни ҳам, университет кўп тиражли газетасининг ходимидан тортиб аспиранту доцентни ҳам, қўйинг-чи, илмий, ўқув-методик ишларнинг ёзилишидан тортиб нашр қилинишигача бажариладиган ишларни амалга оширувчиларни учратиш мумкин. Проректор ўз хонасида иттифоқимизнинг турли шахарларидан, чет эллардан ташриф буюрган олимларни бот-бот қабул қилади, суҳбат қуради. Юмуш билан Шоислом ака қабулига кирган эдим. Гапга-гап уланиб тутилиб қолдим. Вақтларнинг олганим учун узр сўраб, кетишга чоғландим.

— Бир оз шошмай турунг. Америкадан меҳмон бор. Санъат, адабиёт масалалари билан қизиқармиш. Бирга суҳбатлашамиз,— деб қолди Шоислом ака.

Хонага 30—35 ёшлардаги новча, ориқ, ҳеч қандай маънони англамайдиган табассум билан меҳмон, унинг бир-икки ҳамроҳи кириб келди. Асли келиб чиқиши литвалик бўлган меҳмон русчани бинойидек билар экан: таржимон «ишсиз» қолди. У санъатга оид илмий-оммабоп фильмларни тайёрлаш, сотиш билан шуғулланар экан. Шоислом Маҳмудович танишув, одоб юзасидан бўлиб ўтган савол-жавоблардан сўнг вақтни беҳуда ўтказмаслик учун В. И. Ленин декрети билан таъсис этилган Тошкент Давлат университети, унинг тарихи, анъаналари, ўқув ишларининг қўйилиши ҳақида тўхталди-да, университетнинг жаҳондаги мамлакатлар билан илмий алоқалари тўғрисида батафсил гапира бошлади. Шошилмасдан, ҳаяжонланмай, ўрни-ўрни билан образли иборалар, ўзбекона ҳазил-ҳузуллар аралаштириб бошланган ҳикоя — суҳбат ҳаммани ром этди. Шоислом аканинг суҳбат оқимида монанд бир-икки рубойини қўшиб ўқиши меҳмоннинг қизиқишини орттирди. Олимнинг борлиги самимий суҳбатда билинади деб бежиз айтилмаган экан. Шоислом ака-илмий маъруза қилмади, ўз соҳасининг ич-ичига кириб бормади, шунчаки суҳбат қурди. Мана шу «шунчаки суҳбат»да олимнинг слами, позицияси, гражданлик қиёфаси, коммунистик жўшқинлиги аён бўлди-қолди. Суҳбат давомида Ш. Шомухамедовнинг саҳий қалби, одамларга меҳрмуҳаббати англашилди. Эътибор берганмисиз, даврага янги одам кириб келади-да, бир суҳбат, ўтириш давомида атрофдаги кишиларга жуда яқин, эски қадрдондай бўлиб қолади. Хўш, бу одам кишиларни қандай жалб

этади? Қайсидир ёзувчи асарида бор эди: одамлар сўзлашув, кўриш билангина яқинлашмайдилар, уларнинг қалби ўзаро боғланади, алоқага киришади. Энг саҳий қалбли одам атрофдагиларни ром этади — ўзга қалбларга «жойлашиб» олади. Русларда ажойиб мақол бор: меҳмонни либосига қараб қабул қиладилар, ақлига қараб кузатадилар.

... Эллигинчи йилларнинг ўрталари. Биз — филология факультетининг биринчи курс студентлари «форс тили» дarsi бошланишини сабрсизлик билан кутишимиз. Урушдан кейинги йилларда ўрта мактаб ўқувчиларига шарқ тиллари ўқитилмас эди. Аммо студентларнинг барчаси араб графикасидаги китобларни кўрган; уларда нима ёзилганлигини билишга қизиққан эди. Мана, ҳозир дарс бошланади: арабча ёзув, форсча сўзлар, иборалар... Аудиторияга котмагина, буғдойранг, бошига чуст дўппи кийган, каттагина портфель кўтарган ўқитувчи кириб келди. Ҳар икки томон бир-бирини ўргана бошлади. Ўқитувчининг тили «чучук»лиги, ёшига монанд бўлмаган босиқлиги, доскага жуда чиройли ёзишлиги диққатимизни тортди. Сал муддат ўтгач, ўқитувчи «унутилди», борлигимизни ўнгдан чапга қараб битиладиган ёзув, ҳарфларнинг галати уланиши, форсча талаффуз қилинган сўзлар қамраб олди. Шу зайлда бир йил ўтди: арабчани тўппа-тузук ёзадиган, форсча текстларни, қоқиниб-суқиниб бўлса-да, ўқийдиган бўлдик. Курсдошларимни билмадим «форс тили» дарсларини эсласам ўқитувчим қиёфаси кўз ўнгимда гавдаланади. Биз — студентлар ўқитувчиларни «мезбонлар» ва «меҳмонларга» ажратар эдик. Ўзимизнинг «мезбон» ўқитувчиларимиз университетда ҳам, пахта далаларида ҳам, практикада ҳам биз билан бирга эдилар. Улар билан бемадол гаплашардик, давра қурардик, спорт ўйинларида теппа-тег қатнашардик.

Ўқитувчиларимизнинг самимиёлиги, ўзларини биз билан тег туттишлари, уларга бўлган ҳурматимизни, меҳримизни оширарди. Бизга «меҳмон» — ўзга институт, бошқа факультетлардан таклиф қилинган, янгитдан ишга қабул қилинган ўқитувчилар ҳам дарс берарди. «Меҳмон» ўқитувчиларимиз кўп бўлган. Ажаб, бир йил, бир семестр лекция ўқиган «меҳмон» ўқитувчиларимдан баъзилари ҳамон қалбимнинг тўрида, эъзозда. Булар — Матёқуб Қўшжонов, Натан Маллаев, Музаффар Хайруллаев, Шоислом Шомухамедов, Алибек Рустамов... Булар ўқиган лекцияларининг мағиз-

мағизигача самимийликларини, берган билимлари таркибига сахий қалбларини, савол-жавоблари жараёнида хулқ-одобларини, олган синов — имтиҳонлари давомида қатъият, одамийликларини сингдира олган экашлар. Бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Ҳақиқий олим шахсиятини мутахассислигидан холи тута олмайди. У ўз касбига борлигини — қалбини, заковатини, ўй-орзуларини сингдириб юборади. Айниқса, ўқитувчилик касби инсоний қиёфа билан билимнинг узвий бирлигини тақозо қилади. Қалби кир, феъли тор, одам иси ёқмайдиган кишидан — у фанини қанчалик чуқур ўзлаштирган бўлмасин — ўқитувчи чиқмайди. Мана, ўттиз йилдирки, мен устозларим — «меҳмон», «мезбон» ўқитувчиларим китобларини, мақолаларини ўқисам, улар билан бетма-бет учрашгандай бўламан. Қувонч шуки, устозларимдан биронтаси ҳанузгача қалб амрига қулоқ солмасдан, ёт оҳангда, юрак ҳарорати қўшилмаган ҳолда «суҳбат қургани» — асар ёзгани йўқ. Олимнинг обрўси, устознинг улуғлиги, назаримда, ўзлигини инкор қилмасликда, виждон амрига зид бормасликда.

Профессор Ш. Шомуҳамедов билан мулоқотда бўлганлар орасида турли соҳадаги олимларни учратиш мумкин. Ўзига йўлланган мактубларга Шонслом ака слим, шоир, таржимон сифатида, муҳими, ҳамма билан тил топиша оладиган мукаммал инсон сифатида жавоб қайтаради. Сир эмас, ҳамма олимлар ҳам бирдай — ҳар томонлама етук ҳамма билан тил топишиб кетаядиган даражада эмас. Шундай олимлар борки, ўз соҳасини чуқур билади, қаттиқ севади. Пилладан ипак олинини муаммолари билан шугулланувчи олим дўстим бор. Ўз соҳаси ҳақида шундай жўшиб, завқланиб гапирадикки, тингловчи ҳам пиллашуносликка қизиқиб қолади. Органик кимё бўйича мутахассис яна бир олимни биламан: унингча, органик кимёсиз ҳаёт йўқ, ҳамма нарса шу соҳага келиб уланади. У ҳам ўз соҳаси ҳақида тўлиб-тошиб, берилиб гапирадикки, фидойи олимга ҳавасингиз келиб кетади. Қани энди ҳаёт фақат пиллашунослигу органик кимё масаласидан иборат бўлса... Шундай олимлар борки, улар ҳар соҳада бир шингилдан биладилар. Бундайлар билан гаплашсангиз кўлмак сувда сузаётгандай бўласиз: на табиийликни ҳис қиласиз, на ҳузур-ҳаловат оласиз. Шонслом Шомуҳамедов гуманитар соҳадаги барча олимлар билан зериктирмайдиган суҳбат қура олади, десак муболаға бўлмас. Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзо-

си Матёқуб Қўшжонов «Шарқшунос олим» мақоласида Ш. Шомухамедовни ҳозирги ўзбек совет адабиётининг билагони сифатида таърифлайди. Чиндан ҳам Ш. Шомухамедовнинг ўзбек совет адабиёти, унинг йирик намоёндалари, поэзия тараққиётининг проблемалари ҳақидаги қатор мақолалари босилган. Олим илғор совет адабиётшунослиги ютуқларидан хабардор - социалистик реализм методи прогрессив жаҳон адабиётидаги очиқ системага айланиб бораётган, форс, ҳинд, япон, араб адабиётида илғор система асосида кўплаб асарлар яратилаётганидан хабардор. Хусусан, ҳозирги прогрессив Эрон адабиёти ҳақида гап борар экан, Шоислом Шомухамедов бу адабиётдаги социалистик реализм хусусиятларини ижобий қаҳрамон образини яратини йўлидаги нитилишларда, синфий, партиявий позицияларда туриб ҳаётни акс эттириш ҳолларида кўраётганлигини аниқ мисоллар билан тасдиқлайди. Олимнинг «Шарқ шеъриятида В. И. Ленин сиймоси», «Улкан умр якуни» (Маликушшуаро Баҳор ҳақида) «Форс Ленинномасининг бойиши» сингари мақолалари, «Эҳсон Табарий» монографиясида форс адабиётини социалистик реализм методологиясига асосланиб таҳлил қилади. Совет шарқшунослари, хусусан, Ш. Шомухамедов маркча-ленинча методология билан қуролланганликлари, илғор назарияга асосан иш олиб боришлари билан хорижий олимлар ҳурмати, эътиборига сазовор бўлмақдалар. Ш. Шомухамедов Эрон адабиётшунослари тадқиқотларини юксак баҳолагани ҳолда, ҳали уларда фактик материалга ўралашиб қолиш, назарий хулосалар чиқаришда оқсаш, таҳлилда биографик методга суяниш каби камчиликлар борлигини айтади. Шоислом Шомухамедовга Халқаро Фирдавсий мукофотининг берилиши, авваламбор, илғор совет адабиётшунослиги, унинг етук методологиясининг эътироф этилиши, қолаверса, ўзбек олимнинг форс-тожик адабиёти классиклари ижодини севиб-ардоқлаб таҳлил қилишдаги меҳнатининг муносиб тақдирланишидир.

Шоислом Шомухамедов ўз тадқиқот усулубида партиявий, синфий позицияни юксак қўяди. Ҳозирги адабиёт таҳлилида бўлмасин, классик адабиёт соҳасидаги тадқиқотда бўлмасин, олим изчил позицияда бўлиши лозимлигини қайта-қайта таъкидлайди. Позиция сал сусайдимн, хато йўналишга ўтиб қолиш, илмий нообъективликка йўл қўйиш мумкин.

— Форс-тожик адабиёти классиклари санъаткорнинг позицияси масаласига алоҳида урғу берганлар,— таъкидлайди олим,— Саъдийнинг бир шеърн бор. Эмишки, бир одам шайтонни кўриб қолибди. Қараса, шайтон туппа-тузук, келинган қиёфадамиш. «Биз сени тавния, ўта хунук деб билардик»,— дебди ҳалиги одам. «Мен, аслида фаришта эдим,— ўксинибди шайтон,— мени расвои радди қилган рақибим қўлидаги қалам бўлди». Неча юз йил илгарики, позиция масаласига жиддий эътибор берилган экан, биз — XX асрнинг мафкуравий кураш жангчилари ички партиявий позицияни сира-сира бўшаштирмаслигимиз керак.

Ўзбек адабиёти тарихи мутахассислари Шонслом Шомухамедовни ҳақли равишда ўз ҳамкасблари деб биладилар. Ш. Маҳмудович ҳақида ёзилган аксарият мақолаларнинг остида ўзбек адабиёти тарихи мутахассисларининг имзосини кўриш мумкин. Фулом Қаримов, Абдуқодир Ҳайитметов, Холид Расул, Анвар Ҳожиаҳмедов, Саида Назруллаева сингари олимлар Шонслом Шомухамедовнинг форс адабиётини тадқиқ ва тарғиб қилишдаги ишларини таъкидлаш билан бирга унинг ўзбек классик адабиёти масалаларини ёритишга қўшаётган ҳиссасини кўрсатадилар. «Олимнинг бир қатор илмий асарлари Шарқ адабиётлари, хусусан, форс-тожик, эрон ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ижодий таъсир масалаларини тадқиқ этишга бағишланган,— дейилади Ғ. Каримов ва А. Ҳожиаҳмедовларнинг «Серқирра ижодкор» мақолаларида,— Олимнинг Навоий ва Жомий ўртасидаги ижодий ҳамкорлик, Навоий гуманистик анъаналарининг форс-тожик адабиёти ривожидagi аҳамияти, ўзбек ва афғон адабиётлари дўстлиги ҳақидаги мақолалари фикримизнинг далили бўла олади»<sup>1</sup>. Шонслом Шомухамедов тадқиқотлари асосан форс-тожик адабиёти классиклари ижоди мисолида олиб борилса-да, уларнинг назарий асоси ўзбек классик адабиётига ҳам тааллуқлидир. Бошқача айтганда, олим ўзбек классик адабиёти проблемаларининг ёритилишига бевосита — форс-тожик адабиёти нуқтан назаридан ёндошади. Назаримизда, форс-тожик адабиёти классиклари ижодини мукаммал ёритиш, ўзбек классик адабиётини чуқурроқ билиш, ўрганиш имконини яратади.

<sup>1</sup> «Тошкент ҳақиқати» газетаси, 16 апрель, 1981 йил.



Шоислом аканнинг шарқшунос олим бўлиб етишишидаги асосий негиз ўзбек классик адабиётида. У ёшлигиданоқ Фарҳод образини севди, ўшандай меҳнаткаш, танти, содиқ бўлишни орзу қилди. Олим билан суҳбатда қайси шоирни, қайси асарни, қайси қаҳрамонни ёқтиришини сўраганимизда у ҳеч иккиланмай:

— Фарҳод образини севаман. У ҳамиша менинг ҳавасимни келтиради,— деди.— Отадан олти ёшимда етим қолгач, меҳнатга, мустақил ҳаётга эрта кўникканман. Ўша пайтларда Фарҳод билан «танишганман», ўшандай бўлишга ўзимча тиришганман. Болалигимда шахмат тахтасию доналарини ясаганимни, устачилик билан шуғулланганлигимни унутмайман. Фарҳодга бўлган муҳаббатим туфайли меҳнатдан қочмайдиган, тиниб-тинчимайдиган бўлиб қолганман. Ҳанузгача уй-рўзғордаги эркак киши бажарадиган юмушлар ўз бўйнимда. Болаларимга ҳам меҳнат қилиш завқини сингдирганман. Туюқларимнинг бирида тўрт ёшли набирам Отабекнинг меҳнатсеварлигини тасвирлашга интилганман:

Оташ пиёз ўтади,  
Вазифасин ўтади.  
Нима иш буюрсанг ҳам  
У синовдан ўтади.

Фарҳодга бўлган муҳаббат бўлажак олимни Алишер Навоийнинг поэтик оламига бошлади. Аввалига у буюк Навоий афоризмларини эринмасдан, қунт билан кўчирди, ёд олди. Навоий ғазаллиётидаги нафосат, сеҳр Ш. Шомуҳамедовни ром этди. Унинг қалбида ғазалга, ғазалнависларга ҳавас уйғонди. Шоислом ака машҳур шоирлар ғазалларини мутолаа қилди, классик шоирлар ғазаллари билан айтиладиган кўшиқларни мароқланиб тинглади. Ун саккиз ёшга тўлар-тўлмас у қўлига қалам олди, ғазал машқ қилди. Шундай қилиб, шоир Ш. Шомуҳамедов қувват олган манба, олим Ш. Шомуҳамедовда тадқиқот орзусини етилтирган куч Навоий ижоди бўлди. Кейинчалик у ўз рубойларининг бирида ёзди:

Навоий, номингдан дилшоҳ бўлсам бас,  
Едингдан дилшоҳу обод бўлсам бас.  
Ҳунарингга муҳлис — муридинг бўлиб,  
Муҳаббат, меҳнатда Фарҳод бўлсам бас.

Ш. Шомуҳамедовни ҳақли равишда Навоийшунос олим дейиш мумкин. Унинг «Форс-тожик адабиёти клас-

сикларни ижодида гуманизм», «Гуманизм — абадийлик ялови», «Хазиналар жилоси» номли жиддий асарларидаги асосий мақолалардан бири Навоийнинг форс тилидаги ғазаллари таҳлилга бағишланган. «Девони Фоний»ни жиддий ўрганар экан, олим Шарқ адабиётидаги гуманизмнинг етакчи белгиларини кашф этди. Олимнинг «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм» номли капитал тадқиқоти Шарқ поэзиясини англаб етишдаги калитларидан бири ҳисобланади. Аниқроғи, бу асар нафақат форс-тожик адабиёти намояндалари ижодидаги балки ислом идеологияси ҳукмронлик қилган кўҳна Шарқ адабиётидаги жуда жиддий масалаларни очиб беришга хизмат қилди. Ўзбек адабиёти тарихи мутахассислари учун ҳам мазкур асар энг зарур, энг қимматлидир. Шонслом Шомуҳамедов тадқиқотлари Алишер Навоий адабий муҳити учун замни ҳисобланган даврни ёритади. Бошқача айтганда, Навоий ижодини тўлиқ тушунмоқ учун унча яшаган машҳур шоирлар ижодини, уларда кўтарилган проблемаларни билиш зарур эди. Хусусан, Навоий ижодининг кўп томонлари Абдураҳмон Жомий ижоди билан боғланади. Ш. Шомуҳамедов «Форс-тожик адабиёти классиклари», «Гуманизм — абадийлик ялови», «Хазиналар жилоси» асарларининг катта қисмини Жомий ижоди таҳлиliga бағишлаган.

Ш. Шомуҳамедов тадқиқотлари Шарқ адабиёти, хусусан, форс-тожик ва туркий халқлар адабиётидаги ўзаро яқинлик, бирликни кўрсатиб беради. Олим аксарият мақолаларида форс-тожик адабиётидаги интернационал руҳни алоҳида таъкидлайди. Бу адабиётни турли миллат вакиллари яратганлигини алоҳида кўрсатар экан, ҳозирги адабиётшуносликдаги хато бир тенденцияни қаттиқ қоралайди: Бизнинг Ўрта Осиё халқлари фақат Улуғ Октябрь файзидан баҳраманд бўлибгина, социалistik миллат сифатида камол топдилар ва ўз миллий давлатларига эга бўлдилар.

Бас, шундай экан: «Фирдавсий қайси миллатга хос, Форобий ким?»— деган савол метафизикларча қўйилган сўроқ эмасмикан? Маданиятимиз даҳоларини талашиш ўрнига бу фактларни тарихий ҳаққоният билан шарҳласак, ҳозирги кунда ёшларни интернационализм руҳида тарбиялашимизга ҳам, халқлар орасида дўстлик, тинчлик, тотувлик, бир-бирига ишонч ҳисларини тарбиялаш ишимизга ҳам файз қўшмасмикан?

Ҳозир чет эл пантуркистлари, паниранистлари ва бошқа «пан»лар орасидагина эмас, аҳён-аҳёнда бўлсада, бизнинг ижодий интеллигенциямиз орасида ҳам шундай кайфиятлар сезилиб қолади. Албатта, ҳар бир халқнинг ўз маданий анъанаси, ўз адабиёти бор. Буни инкор этмоқчи эмасмиз. Аммо қандай бўлмасин «классик» ковлаб топиш тенденцияси ҳам, шундай уришларга берилиб кетиб, маданиятимиз, адабиётимиз манба ва маншандаги умумийликни кўрмаслик ҳам масаланинг илмий ва тарихий моҳиятини чуқур англамасликдир»<sup>1</sup>.

Шоислом Шомуҳамедов тадқиқотлари турли ўрганиш принциплари, масалага конкрет ёндашиш методларининг натижаси тарзида вужудга келган. Олим асарларида тарихий-маданий, тарихий-қийёсий, тарихий-типологияк ўрганиш принциплари айнан сезилади. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодини ўрганар экан, тадқиқотчи тарихий-маданий методдан унумли фойдаланади. Маълумки, Фирдавсий, Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз сингари шоирлар бир-бирига яқин шароитда, ислом идеологияси ҳукмронлик қилган даврда яшадилар. Табиийки, уларнинг ижодида ўзаро яқин темалар, умумий проблемалар талайгина эди. Хусусан, форс-тожик адабиётининг классиклари меҳнатсеварликни, эзгуликни, дўстликни, маърифатни ардоқлаганлар.

Ш. Шомуҳамедов бир масала, мавзунинг барча шоирларда кўринишини аниқлайди. Форс-тожик адабиётининг классиклари бетакрор, ўз услубига эга бўлган шоирлардир. Улар ижодида муштарак томонлар, умумий масалалар бўлишидан ташқари ҳар бир шоир фақат ўзигагина хос мавзунини, масалани бетакрор йўсинда ёритган. Ш. Шомуҳамедов Умар Хайём, Носир Хисров ижодларини ёритишда тарихий-қийёсий методдан унумли фойдаланган. Аммо Ҳофиз, Саъдий ижодларини ёритишда бу методдан етарли даражада фойдаланилмаганлиги сезилади. Айниқса, Ҳофизнинг индивидуал қийёфаси «Форс тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм» китобида кўзга аниқ ташланмайди. Классиклар ижодидаги умумий томонларни белгилаш, таҳлил қилиш — яхши. Агар классиклар ижодининг ўзига хослиги, бетакрорлиги ишонарли ёритилса, аъло иш бўларди. Шоислом Шомуҳамедов тадқиқотлари гуманизм

<sup>1</sup> Ш. Ш о м у ҳ а м е д о в. Ҳазиналар жилоси. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 йил, 317—318-бетлар.

проблемасини ёритишга йўналтирилган. Проблеманинг салмоғи, материалнинг кенг, кўплиги тадқиқотчидан тарихий-типологик методдан фойдаланишни тақозо қилар эди. Типологик метод кўплаб ижодкорлар, турли давр адабиётларини чуқур ўрганиш орқали ишонарли назарий умумлашмаларга келишни тақозо қилди. Тадқиқотчи тайёр назарий хулосаларга классик шоирлар ижодидан иллюстрациялар ахтарса, субъективизмга оғиб кетиши, формализм йўлидан кетиб қолиши мумкин.

Шонслом Шомуҳамедов тадқиқотларида, хусусан, форс-тожик адабиёти классиклари ҳақидаги монографияларида биографик методдан фойдаланганликни кузатиш мумкин. Олим тадқиқотларида биографик метод классиклар ижодини тўлароқ ёритишга йўналтирилган, Бошқача айтганда, биографик метод катта масалани ёритишда восита, холос. Ш. Шомуҳамедов Саъдий, Ҳофиз, Хайём, Жомий, биографиясининг баъзи нуқталарига диққатни жалб қилади. Кейинчалик мана шу «баъзи нуқталар» шоир ижодининг катта масаласига улаб юборилади.

Ш. Шомуҳамедов тадқиқотлари бадий асар анализининг структурали, синчиклаб ўқиш ёки микроанализ, семнотика сингари методларига маълум даражада жавоб беради. Олим форс-тожик адабиёти классиклари ижодидаги катта проблемани, ижтимоий-сиёсий масалани очишни мақсад қилиб қўйган. Бошқача айтганда, олим конкретликдан умумлашма томон борган. Форс-тожик адабиёти классиклари ижоди умумийликдан конкретликка йўналувчи тадқиқотларга материал бўла олади. Шундай пайтлар келадикки, форс-тожик адабиёти классикларининг биттагина асари теран тадқиқотларга материал бўлади. Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Жомий асарларининг поэтикасини ёритувчи асарлар ҳам яратилади. Бадий асарни синчиклаб ўқиш ёхуд микро анализ баҳолаш масаласини биринчи планга чиқаради. Шонслом Шомуҳамедов тадқиқотлари герменевтика — талқин масаласи талабларига тўлиқ жавоб беради. Биз ҳам Ш. Шомуҳамедов асарларини талқин масаласи талабларига кўра ёритяёмиз. Олим асарларини мукамал баҳолаш — ўзга тадқиқотларнинг вазифаси.

Ғ. Саломов, Н. Владимирова, А. Ҳайитметов, Н. Комилов, И. Султонов, В. Раҳмонов сингари олимлар Ш. Шомуҳамедовнинг таржимонлик маҳорати, услуби

ҳақида ёзганлар. «Олим ва ижодкор» мақоласининг муаллифлари Ғ. Саломов ва Н. Комиловлар Ш. Шомухамедов фаолиятининг таржимонлик йўналиши ҳақида қуйидагиларни ёзадилар: «Кенг жамоатчилик ва айниқса, китобхонлар оммаси Ш. Шомухамедовни фақат олим сифатида эмас, балки сермахсул ижодкор, таржимон сифатида ҳам танийдилар. У ўзининг бир мақоласида: «Мен ажойиб шеърят боғида сайр этарканман, унинг ширин меваларидан асл нусха тилини билмайдиган юртдошларимни баҳраманд этиш нияти юрагимга тинчлик бермайди, шунинг учун бу сеҳрли ашъор намуналарини кучим етганча она тилимизда қайта яратиб, халққа тақдим этмоқчиман»,— деб ёзган эди. Мана у чорак асрдан буён бу қутлуғ ниятни ғайрат билан амалга ошириб келмоқда. Ибн Сино, Умар Хайём ва Бедил рубойлари, Саъдий ҳикматлари, Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомий дostonлари, Лоҳутий, Маликушшуаро Баҳор ва Жоланинг инқилобий шеърларини моҳирона таржима қилиб, ўзбек китобхонларини хушнуд этди. Хусусан, жаҳон адабиётининг нодир асари Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си Ш. Шомухамедовнинг ижодий фаолиятида алоҳида ўрин тутади»<sup>1</sup>. Шоислом Шомухамедов таржиманинг аҳамиятини ҳис этгани, таржимонлик машаққатини чеккани учун ҳам таржимон кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор бермоқда. Тошкент Давлат университетига таржима назарияси кафедрасининг ташкил қилиниши, унинг малакали мутахассислар билан таъминланишида Ш. Шомухамедовнинг ҳиссаси катта. Мазкур кафедранинг етук мутахассисларидан Нажмиддин Комилов Шоислом акани ўз устозларидан бири деб билади. Чиндан ҳам, Шоислом ака Нажмиддиннинг олим бўлиб етишишига улуш қўшган, унинг кандидатлик диссертациясига оппонентлик қилган. Фақат Н. Комиловгинамас, таржима назарияси кафедрасининг барча аъзолари Ш. Шомухамедовни ўз кафедра-ларининг маънавий раҳбари деб биладилар. Ш. Шомухамедовнинг таржимонлик фаолиятида «Шоҳнома» асарининг таржима қилиниши муҳим ҳодиса бўлди. Мутахассислар, адабиёт мухлислари, ижодкорлар, ўқувчилар оммаси «Шоҳнома» таржимонларини, хусусан, Ш. Шомухамедовни ижодий жасорат билан қизғин табрикладилар. Шоислом ака саришта одам: ўз асарла-

<sup>1</sup> «Ёш лининчи» газетаси, 16 апрель, 1981 йил.

рини, асарлари ҳақидаги материалларни, ҳар турли мактубларни авайлаб асрайди.

Шоислом Шомуҳамедов ўзбек совет ёзувчилари орасида катта ҳурмат, обрў-эътиборга эга. Унинг архивида шоир — ёзувчилардан олинган мактублар, ўзаро ёзишмалар талайгина. Шоислом ака Фафур Ғулом, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор билан ўтказган дамлари — ширин-ширин суҳбатлари ҳақида хотиралар ёзган. Ойбек вафотига бағишланган гиря — шеърида Ш. Шомуҳамедов қалби аниқ «кўринган». Уз навбатида шоиру ёзувчилар Шоислом Шомуҳамедов ҳақида талайгина мақолалар ёзганлар. Пиримқул Қодировнинг «Қўл ва қалб», Миртемирнинг «Етуклик», Вячеслав Костиряннинг «Саводсизлик — мажруҳлик», Эркин Воҳидовнинг «Толмас тарғиботчи», Келди Қодировнинг «Олимнинг бахти» мақола, очеркларида Шоислом Шомуҳамедов ҳаёти, ижоди — серқирра фаолияти ҳақида кенг маълумот берилган. Шоир Эркин Воҳидов олимнинг тадқиқотлари, таржималари, чуқур билими ҳақида ёзади: «Сира эсимдан чиқмайди: 1966 йили Фафур Ғулом бошчилигида Шоислом ака билан мен Душанбега, тожик ёзувчиларининг съезидига борган эдик. Ушанда мен беш кун давомида устоз шоир билан устоз олимнинг дилбар суҳбатларига гувоҳ бўлганман. Уларнинг гоҳ Ҳофиз, гоҳ Бедил, гоҳ Саъдий байтларини айтиб завқланишларига ҳайратланганман. Узимча: «Фафур Ғулом туганмас кон экан, Шоислом ака ҳам ундан қолишмас экан», — деган фикрга келганман»<sup>1</sup> Билим ям-яшил дарахтдай гап: қуёш нури тушиб турмаса, ер тафти сувдан баҳра олмаса, қуриб қолади. Билим тўлиб оқаётган азим дарё мисоли: булоқлар кўзи бекилса, жилғалар йўли тўсилса, ўнқир-чўнқирликка, харобазорга айланади. Олим одам ҳамиша билимини бойитиб, қарашларини фаннинг янги ютуқлари билан тўлдириб бориши зарур. Билимни бойитиш зиё тарқатиш билан узвий алоқадор. Олим одам зиё тарқатишдан, билимидан ўзгаларни баҳраманд этишдан чарчамайди. Шоислом Шомуҳамедов Ҳиндистоннинг Панжоб, Мисрнинг Айнушамс, АҚШнинг Иллинойс, Мериленд университетларида Чехословакия Фанлар академиясида лекциялар ўқиди. Шоислом ака қаерда, қачон бўлмасин, қандай илмий анжуманда қатнашмасин, олис-олис юлдузлар шуъласини тўла қамрашга — форс-то-

<sup>1</sup> «Гулистон» журнали, 1981 йил, 5-сон.

жик адабиёти классиклари асарларининг янгидан-янги талқинларини топишга, улар қимматини замон тарозусида беҳато ўлчашга интилади. Шонслом ака форс-тожик адабиёти классикларининг қимматбаҳо фикрларини китобхонларга шунчаки етказиб бермайди, аввало, улар насихатига ўзи амал қилади:

Қимдаки ақлдан бирон сатр бор,  
Умрин бир лаҳзасини ўтказмас бекор.

(Умар Хайём)

## ОЛИС ЮЛДУЗЛАР ШУЪЛАСИ

*Ақл ўрган сен нокасу касга қараб,  
Зийрак кекса ёки ёши чапдастга қараб.  
Аммо кўпроқ кексаларга кўнгул боғла,  
Сув оқади юқоридан настега қараб.*

### Ш. Шомухамедов

«Қимни маданиятли одам дейиш мумкин? Маданиятли бўлиш учун қандай хислатларга эга бўлмоқ керак?»— сингари саволлар турли эмонларда, турли мамлакатларда, турли ёшдаги кишиларга берилган. Бундан кейин ҳам шунга ўхшаш савол албатта берилди. Жавоб ҳам турли замонларда, турли мамлакатларда, турли савиядаги ёшдаги кишилар томонидан турлича бўлган. Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, қачонлардир заманимизнинг турли бурчакларида яшайдиган кишилар маданиятли одамнинг фазилатларидан бири Шарқ адабиёти классиклари, хусусан, ўрта асрларда яшаган буюк алломалару инсонни кўкларга кўтариб мадҳ этган ижодкорлар асарларини билиш, ардоқлаш деб жавоб бердилар. Эътибор берсангиз, мағрибу машриқнинг буюк кишилари Шарқ адабиётини, форс-тожик адабиёти классиклари ижодини юксак баҳолаганлар. Гёте, Байрон, Пушкин, Лермонтов, Горький, Есенин сингари санъаткорлар форс-тожик адабиёти классиклари ҳақида тўлиб-тошиб гапирганлар, улар услубию жанрида асарлар ёзганлар.

Форс-тожик адабиётига ҳурмат шунчалар юксак бўлганки, Фирдавсий, Саъдий, Хайём, Бедил, Ҳофиз асарларини мукаммал билган, катта маҳорат билан ўқиб, талқин қилган кишилар ардоқда бўлганлар. Бизнинг кунларда форс-тожик адабиётининг билагонларидан

бири Шоислом Шомухамедовдир. Форс-тожик адабиёти классиклари ижоди билан танишган кишилар — касби, турар жойи, мавқандан қатъий назар — Шоислом Маҳмудович билан фикрлашишга, баҳслашишга, ҳатто унинг қарашларига қарши чиқишга ҳаракат қиладилар. Мана, битта мисол: журналистлар Союзининг аъзоси, «Музыка» нашриётининг редактори Ю. Оленев «Литературная газета»нинг адабий танқид бўлимига жиддий мактуб йўллайди. Унда Умар Хайём «рубойилари»нинг Ш. Шомухамедов томонидан тузилиб, Ўзбекистон Компартияси МКнинг нашриёти томонидан 1982 йилда чоп этилган иккинчи нашрида Плисецкий таржимасидаги 73 та қўшимча рубойий ҳақида танқидий фикрлар айтилади. Умар Хайём рубойилари билан яқиндан таниш бўлган Ю. Оленев янги нашрдаги қатор рубойлар икки, ҳатто уч марта турли авторлар таржимасида нашрга киритилганига қарши чиқади. Иккинчидан, у баъзи таржимонлар Умар Хайёмни нотўғри таржима қилганликларини айтади. Ниҳоят, тақризчи баъзи рубойлар Хайёмники эканлигига шубҳа билан қарайди. Шоислом Шомухамедов Ю. Оленевга ёзган мактубида У. Хайём таржималари тарихи, таржимонлар маҳорати ҳақида ишонарли фикрларни баён этади. Олимнинг тақризчига йўллаган мактубини «Хайём рубойларининг рус адабиётида ўрганилиши, рус тилига таржима қилиниши тарихидан» деб номлаш мумкин. Ўзбек олими бир рубойининг рус тилидаги бир неча таржимасини келтиради, шеършунос сифатида қайси таржима асл нусхага яқин эканлигини исботлайди. Ю. Оленевнинг Ш. Шомухамедовга йўллаган иккинчи мактубидан шуни англаш мумкинки, олимнинг фикрлари тақризчини тўла ишонтирган. Умар Хайём поэзиясининг мухлиси Юрий Оленев ўзбек олимидан форс-тожик адабиёти классиклари ижоди, уларнинг дунёқараши ҳақида янги маълумотларни билишга қизиқади. Мазкур мактуб миннатдор шогирднинг ҳурматли устозга эҳтиром билан йўлланган номасини ёдга солади.

Студент Бахтиёр Абдуллаев «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясига йўллаган мактубида баъзи ўқувчилар Умар Хайёмнинг май, ҳаётнинг ўткинчилиги ҳақидаги рубойларини айнан тушунаётганликларидан куйиниб ёзади. Шоислом Шомухамедов китобхон Б. Абдуллаевга йўллаган мактубида ҳозирги китобхон савияси беқиёс юксалганлиги, Умар Хайём, Бедил рубойилари-



ни теран, тўғри талқин қилаётганини ёзади-да: «Модомки ёшлар ичида шундайлар бўлса-да, улар озчиликни ташкил қиладилар. Демак уларнинг савиясига қараб китоб чиқариб бўладими!»— деган хулосага келади.

Шоислом Шомухамедов билан мулоқотда бўлганлар орасида классик адабиётни чуқур ҳис қилувчи кишилар талайгина. Улар эзгу ишни бажараётган олимга катта миннатдорчилик изҳор қиладилар. «Мен Сизни ўтмиш классикларимизнинг маъний денгизида марксча-ленинча замон гавҳаршуноси ва жавоҳирот териб чиқараётган гаввоси дейман. Гаввос нима — жавоҳирот дейман, жавоҳиротларга тўла денгизи кон дейман. Узимни эса баҳрул азимга гўта урган «Адҳам девона»дек гавҳар қидирувчига ўхшатаман»,— деб ёзади сурхондарёлик кекса китобхон Оқбой Бозоров.

Маънавий дунёси классик адабиёт намояндаларининг асарлари билан бойиган, айтиш мумкинки, танглайи классик шоирлар асарлари билан кўтарилган кекса китобхонлар мактубларидаги образли фикрлар, Ш. Шомухамедов шахсига нисбатан чексиз ҳурмат — маъқул. Аммо улар мактубларида кишини ўйлантирадиган бир томон бор: қадимий ғазалу рубониларнинг кекса шайдолари Шарқ адабиёти классиклари қолдирган маънавий бойликни диний асарлар билан қориштириб юборадилар. Ш. Шомухамедовга баъзан дин назариясининг билағони сифатида мурожаат қиладилар. Марксча-ленинча методология билан қуролланган, характери илғор дунёқараш асосида шаклланган Шоислом Шомухамедовнинг улкан хизмати шундаки, у форс-тожик адабиёти классиклари ижодида реал ҳаёт, сизу биздай тирик инсон куйланганлигини исботлади. Аниқроғи, марксист олим улкан маънавий дунёни илмий-мантқиқий исботлар билан ислом фанатизмидан тозалади. Ш. Шомухамедов тадқиқотларининг қиммати шундаки, уларда форс-тожик адабиёти классикларининг мероси инсон, унинг яратувчи меҳнати, ақл-зақоси улуғланган бойликлар қаторига ўтказилган. Тўғрироғи, Шоислом Шомухамедов форс-тожик адабиёти классиклари меросидаги материалистик асосни тасдиқлашга, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Носир Хисрав, Хисрав Деҳлавий каби буюклар ижодининг ўзагини ҳаётни, истеъдол, ақл, сахий қалбга эга инсонни куйлаш ташкил қилганини исботлашга интилди.

Бадий асар — фардми, эпопеями, рубойими, романи, ғазалми, драмаами — негизда уни ҳамиша ҳаракатлантириб турувчи куч ётади. Шунинг учун ҳам бадий асарни ўзига хос дунёга, ҳамиша ўзгариб боровчи организмга қиёслайдилар. Санъат асарини жонлантирган, ундаги ички зиддиятни вужудга келтирган кучнинг манбаи қаерда? Адабиётшуносликда бадий асарни антологик метод асосида ўрганиш йўриғи мавжуд. Бу метод бадий асарнинг ботиний негизини, уни ҳаракатга келтирган кучлар нисбатини текширади. Антологик методни чуқур эгаллаган адабиётшунос ҳар бир асарнинг бадий қимматини, умри боқийлигини аввалдан айтиб бера олади. Ҳар қандай асар ҳам бадий қимматга эга бўлади дея олмаганимиздай, ҳар қандай асар ҳам антологик таҳлилга тоб бера олади дейиш мушкул. Антологик метод билан ҳақиқий санъат асарларига ёндошиш мумкин. Ҳақиқий асар қандай бўлади деган саволга кўпинча «юрак қони билан ёзилади», «узоқ ички тўлғоқнинг натижаси ўлароқ пайдо бўлади», «ҳаётни теран таҳлил қилиш орқали юзага келди» сингари тўғри, аммо мавҳум, жимжимадор жавоб берамиз. Ҳақиқий бадий асарнинг математик формула сингари аниқ, лўнда, конкрет таърифи, қондаси борми? Бадий асарни тўла-тўқис таърифлаш, тугал ҳодиса сифатида баҳолаш, маънақан, унинг тирик организм, ривожланиб боровчи куч эканлигини инкор этади. Қолаверса, бадий асарнинг қиммати, тирик одам мисоли, аллақандай сирлилиги, тўла-тўқис таърифга сифмаслиги билан ўлчанади. Бадий асар — инсондан ажратиб олинган қайноқ қалб, изланувчи ақл, воқеа-ҳодисаларга нисбатан жонли муносабат. У реал ҳаёт билан қўшилган ҳолда мустақиллик, яхлитлик касб этади. Шундай қилиб, антологик метод, авваламбор, бадий асарга ўз маънавий хусусиятларини намоён этишга қодир моддий бирлик сифатида ёндашади. Бадий асар — ахлоқий-маънавий изланиш меваси. Айни вақтда у соф ақл, идрок туфайли конкретлик касб этган. Бадий асар моҳиятида интимлилик ва ижтимоийлик ётади. У, бир томондан, ижодкор иқрори, изҳори, айни маҳалда, ижтимоий руҳият ва мафкура ифодаси. Ҳақиқий бадий асарда ифодаланадиган бадий концепция гоявий-ҳиссий система ва борлиқнинг «пластик» кўриниши шаклида намоён бўлади. Бадий асар маъно ва баҳолашнинг узвий бирлиги сифатида кўринади. Ҳақиқий санъат асари идеал ва

реалликнинг туташган нуқтасида пайдо бўлади. Унинг тексти, тили асарда ифодаланган реал борлиқ, орзу қилинган идеални акс эттиради, рангин тусда тобланади. Ниҳоят, бадий асар образларнинг яхлит системасидан иборат. Бадий образлар, образлиликлар зиддиятлар бирлигини вужудга келтиради. Ҳар бир адабиётшуное, ёзувчи бадий асар моҳиятидаги реакцияга киришувчи яна ўилаб хусусиятларни айтиб бериши мумкин. Бадий асар қуввати, таъсир кучи, яшовчанлигини ҳатто оҳанг тобланиши, ургуунинг билинар-билимас кўчиши орқали ифодалаш мумкин. Мана, масалан, Саъдийнинг машҳур ғазали:

Эй сорбон, оҳиста рон, к-ороми жонам меравад!  
Он дилки, бо худ доштам бо дилситонам меравад!

Маҳмил бидор, эй сорбон, тунди макун бо корвон,  
Қ-аз ишқи он сарви равон, руҳи равонам меравад.

Форс тилини билмайдиган киши ҳам ғазал оҳанги орқали унда ўртанаётган қалб ишқи яширинганлигини аниқ сезади. Асардаги ишқни қандай тушуниш ўқувчининг дидига, туйғусига, ҳаёт тажрибасига, ёшига боғлиқ. Ишқни китобхон кенг, теран маънода англаса ғазал оҳанги, ундаги илтижо оламини тутаётгандай бўлади. Назаримда, жаҳон поэзиясида ҳаётга муҳаббатни, ёниқ севгини бунчалик теран ифодалаган асар унчалик кўп бўлмаса керак. Ғазалдаги ишқни аниқ конкрет тасаввур қилсак, оҳанг жозибалилик, ўйноқлик, жўшқинлик касб этади. Бу оҳанг бахтиёр ёшлик, куз шамолини англаб етмаган, айни ёз палласидаги одам кайфиятини ифодалайди. Саъдий ғазали ҳаётга ташналикни, гўзалликка шайдоликни, сеҳрга тўла оламга муҳаббатни ранг-баранг оҳангларда ифодалайди. Мазкур ғазалини маъно жиҳатидан, сўз ўйинлари нуқтан назаридан, маҳорат кўринишлари нуқтан назаридан, қўйингчи, кимнинг қалбда қандай туйғу жўш ураётган бўлса, ўшанчалик талқин қилиш мумкин. Шарқ поэзияси, форс-тожик адабиёти классиклари бунёд этган назмий бўстон шунчалар бой, ранг-баранг, кенги биз унча-мунча кашфиётларга парво қилмай ўтиб кетамиз. Шундай пайтлар келадикки, Саъдий, Ҳофизнинг биттагина ғазали, Хайём ва Бедилнинг машҳур рубойисини бутун умр бўйи талқин қилувчи кишилар пайдо бўлади. Биттагина ғазал, рубойий форс-тожик адабиёти

классиклари меросини англашдаги калит вазифасини ўташи, катта илмий-назарий проблемаларнинг чуқур илдизини бағрига яширган бўлиши мумкин.

Форс-тожик адабиёти классикларининг мероси неча асрлардан бери яшаб келмоқда. Утган асрлар давомида неча-неча миллион кишилар бу меросдан баҳраманд бўлдилар, маънавий дунёларини бойитдилар. Ҳар бир давр, замон кишиси бу туганмас бойликдан ўз имконияти, тушунчаси даражасида фойдаланди. Совет даврида янги китобхон пайдо бўлди, объектив ҳақиқатни ёритишни мақсад қилиб қўйган тадқиқотчилар авлоди етишди. Шоислом Шомуҳамедов форс-тожик адабиёти классиклари ижодини тамомила янги усулда, янги нуқтаи назардан ёритган тадқиқотчилар авлодининг намояндаси. Олим ўз фаолиятини янги материални ўрганиш, янги проблемаларни ёритишдан бошлади. Эҳсон Табарий ижоди ҳақидаги тадқиқотлар Ш. Шомуҳамедовни илм оламига танитди, ҳозирги эрон адабиёти тадқиқотчилари орасидан фахрли ўрин ажратди. Олим замонавий форс адабиёти масалаларига бағишланган ўнлаб мақолалар ёзди. «Маликушшуаро Баҳор» монографиясини ёзар экан, Ш. Шомуҳамедов ХХ аср эрон адабиётини чуқур ўрганди. Тадқиқот объекти Баҳор ижоди бўлишига қарамай, олим шоир муҳитини кенг ёритишга интилди. Эътибор берилса, монографияда Маликушшуаро Баҳор ижодининг бақувват илдизлари — классик поэзиянинг шоир ижодига таъсири масаласи олимни кўпроқ жалб этганлигини сезиш мумкин. Шоислом Шомуҳамедов янги, ҳали оҳори кетмаган материалдан — ҳозирги эрон адабиёти проблемаларидан ўтмиш адабиётни — юзлаб тадқиқотчиларга объект бўлган материалга юз ўгиришни афзал билди. Кези келганда таъкидлаш жоизки, Ш. Шомуҳамедов ҳануз замонавий эрон адабиётини синчковлик билан кўзатиб боради, бу адабиёт ҳақида ҳамон жўшқин мақолалар ёзади.

Ш. Шомуҳамедовнинг форс-тожик адабиёти классиклари ижоди проблемаларига қизиқиши табиий. Олимни шарқшунос бўлишга ундаган омиллардан бири Алишер Навоий ижодига қизиқиш бўлганлигини айтган эдик. Шоислом Шомуҳамедов форс-тожик адабиёти классиклари ижодини ўрганар экан, ўзбек классик адабиёти муаммоларига ҳам дуч келиши табиий эди. Олим мутахассис сифатида форс-тожик адабиёти проблемаларини ёритар экан, ўзбек адабиётшуноси сифатида тур-

кий халқлар адабиёти масалаларини ҳам очишга ҳисса қўшиши мумкин эди. Чиндан ҳам, Ш. Шомухамедов ўзбек классик адабиёти проблемаларининг ҳал қилинишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Форс-тожик адабиёти классикларининг мероси: «Чин инсон қандай яшайди, нимага интилади, ундан ҳаётда қандай из қолади»,— деган мураккаб саволга мукамал жавоб беради. Шунинг учун ҳам замондошларимиз улар асарларини шавқ-завқ билан ўқимоқда, ёд олмоқда, шоир сифатида қўлламоқда. Халқимизнинг ибратли удумларидан бири шундаки, лаззатли, тансиқ таом яқин кишига илинилади. Маданий савиямиз шу даражага етдики, маънавий озиқ ҳам дўсту қадрдонга илиниладиган бўлиб қолди. Профессор Абдуқодир Ҳайитметов Ш. Шомухамедов ҳақидаги қутлов мақоласида дўстларга совға қилиш учун Умар Хайём «Рубойлари»ни икки-уч нусхадан сотиб олган қадрдонлари тўғрисида ёзади. Тансиқ китоб — бебаҳо совға. Уйлаб кўрилса, ўтмиш шоирлари, алломалари халқнинг шу ақидага келишини орзу қилганлар. Ўтмишнинг буюк шоирлари билан бугунги китобхон — халқнинг қадрдон, апоқ-чапоқ бўлиб кетишларида шарқшунос, классик адабиёт масалалари билан шуғулланувчи олимларнинг меҳнати беқиёс. Улар классикларнинг ўлмас меросларини ҳар хил «хас-чўплардан, йўл-йўлакай ёпишган ортиқча юклардан» тозалашда заргарона иш олиб бордилар. Тасодиф рўй берсаю шарқнинг буюк шоирлари, хусусан, форс-тожик адабиёти классиклари тирилик қолсалар, яратган асарлари қўлма-қўл юрганининг шоҳиди бўлсалар, даставвал, Шоислом Шомухамедов сингари тадқиқотчию таржимонларга қуллуқ қилган бўлардилар.

Шоир Васфий шеърида топиб айтилганидай:

Рубой гавҳаридин қўлда совғо,  
Сени қутлаш учун келмишди Хайём,

Тутиб бир даста гул Саъдий демоқда:  
«— Гулистон»имни этгум сенга инъом.

Букун Ҳофиз билан Жомий тўйингда,  
Бири куйлар, бири тутмоқдадир жом.

Баҳору Бедилу Деҳли даҳоси,  
Сени этмоқдадир иззат ва икром.

«Хўш, олиму таржимонлар йўқни йўндирибдимми?»— дейиши мумкин ўйлови торроқ киши. «Узумини ейлигу

боғини суриштирмайлик-да»,— қўшимча қилиши мумкин чапанинамо одам. «Неча асрлардан буён қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий дунёсини бойитиб келган асарларни қайтадан тадқиқ қилиш шартми? Қачон, қайси замонда китобхон асарнинг зарурлигини тасдиқловчи илмий рисолаи ўрганиб кейин бадиий асарни мутолаа қилган»,— дейиши мумкин зардаси тез, сиркаси сув кўтармайдиган таваккалчи. Тўғри, форс-тожик адабиёти классиклари асарлари қўллаб-қувватлашга, суяб юборишга — ҳимоячига зор эмас: уларни асрлардан асрларга парвоз қилдирадиган «қанот» ҳам, ўқувчи билан яқинлаштириб, қулфи дилини очадиган калит ҳам моҳиятда, бадиий ўзакни ташкил қилган зарралар-да. Лекин, барибир, Рудакию Фирдавсийга, Хайёму Бедилга, Саъдию Ҳофизга, ҳинду тожик Хисравларига, Жомнию Фонийга замон паспортининг берилишида олимларнинг тавсияномалари зарур. Шоислом Шомуҳамедов илмий-ижодий фаолиятини форс-тожик адабиёти классикларини замондошларимизга айлантиришга, улар яратган маънавий бойликларни коммунизм кишисини тарбиялашдаги таъсирчан қуроллардан бири бўлиб қолишига бағишлади. Олим яратган асарларни жиддий илмий-тадқиқот, илмий-оммабол, изоҳли таржималар сифатида тартиблаштириш мумкин. Табиийки, олим яратган барча тадқиқотлар юқоридаги тартибга сиғмайди. Унинг форс адабиёти, замонавий ўзбек адабиёти, ўзбек классик адабиёти ҳақидаги тадқиқотларининг ўзи бир олам. Қолаверса, ижодкор Шоислом Шомуҳамедов яратган асарлар ҳақида алоҳида суҳбат олиб бориш жоиз. Яқиндагина чоп этилган «Отабекнинг китоби» Ш. Шомуҳамедовнинг янги қиррасини — болалар адабиёти намояндаси эканлигини кўрсатди.

Сўнгги йилларда олиму ижодкорнинг бош китоби ҳақида кўп гапириладиган бўлиб қолинди. Аксарият ижодкорлар, фозиллар: «Менинг асосий, бош китобим энди ёзилади»,— дейдилар. Ажаб эмаски, Ш. Шомуҳамедов ҳам шунга ўхшаш гапни айтар. Олимнинг яратилажак асари бош китоб бўладими, йўқми, айтиш қийин. Лекин бир гапни аниқ тасдиқлаш мумкин: Шоислом ака яратадиган навбатдаги асарларида ҳам форс-тожик адабиёти классиклари асосий қаҳрамон бўладилар, улар яратган асарлар олим таҳлилининг объекти қилиб олинади. Шоислом аканинг шу кунгача яратган тадқиқотлари орасида «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм» китоби алоҳида аж-

ралиб туради. «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм» тор доирадаги мутахассисларга мўлжаллаб, минг нусхадагина чоп этилган. Мана шу минг нусхали китоб миллион-миллион нусхали илмий-оммабоп, таржима асарларининг яратилишига туртки, пойдевор бўлди. Биз олимнинг асосий тадқиқотигача, ундан кейин яратилган қайсики асарини қўлга олмайлик, у «форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм» китобига ишора қилиб, «Менинг бошланиш нуқтам ўша ерда»,— деяётгандай бўлаверди. Олимнинг асосий тадқиқотини ўрганган одам унга Халқаро Фирдавсий мукофотининг берилиши ҳам, турли халқаро анжуманлару миллий университетларда доклад, лекция ўқишга чақиришлар ҳам, ҳар хил жамиятлару редколлегиялар аъзоси қилиб сайлашлар ҳам, ниҳоят, шоир Эркин Воҳидовнинг Фафур Ғулому Шоислом акага берган баҳоси ҳам нақадар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилади. Биз ҳам олимнинг шарқшуносликка, Шарқ шоирлари ижодини ёритишга қўшган ҳиссасини «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм» китобини асос қилиб олган ҳолда ёритишни тўғри йўл деб ҳисобладик.

Шарқ классик адабиёти, форс-тожик адабиётини ўрганишдаги муҳим муаммо классик ёзувчиларнинг дунёқараши, ислом ақидаларига муносабати масаласидир. Мазкур проблемани ҳал қилишда ишни қайси нуқтадан туриб, қандай конкрет масалани биринчи планга чиқариб бошлаш ниҳоятда муҳим эди. Шоислом Шомухамедов эркин инсонни улуғлаш, ҳур фикр нималарга қодир эканлигини кўрсатишни мақсад қилиб қўйди. Мазкур масалани қайси давр адабиёти мисолида ҳал қилиш ҳам муҳим эди. Маълумки, бир пайтлар анчагина тор мақсадларни кўзлаб кўтарилган ислом байроғи, йиллар, асрлар ўтгани сайин ўз ҳукмини бошлади. Ислом асосий мафкурага айланди, характерларни шакллантирувчи омил бўлди. Исломнинг муқаддас китоби-қуръон кишилар фаолиятини, хатти-ҳаракатини, фикрлаш йўсинини назорат қила бошлади. Худонинг «қудрати» инсон эркини, фикр йўналишини рўйрог бўға бошлади. Дин инсонларни пассивликка, итоатга ундагани сайин инсон тафаккури, чақмоқдай фикри исёнга чоғлана борди. Табиий фанлар соҳасида яратилган кашфиётлар, инсон тафаккурининг самаралари диний фанатизм ва эркин инсон орасидаги ихтилофларни кучайтирди. Табиат билан «тил топишган»

инсон ўз моҳиятини англашга киришди. У ўзини англагани сайин «яратганга» бериладиган саволлар салмоғи ортиб, норозилик руҳи кучайди. «Яратганнинг қудрати» у қадар кучли, қуръон сураларидаги мантиқ етарли даражада етук бўлмаганлиги ақли донишларни қувонтирмади: улар динни инкор қилишни эмас, аксинча, илоҳий қувват бўлиб чиқишини кутган эдилар. К. Маркс ва Ф. Энгельс таъкидлаганидай, динга қарши фикрлар динга ҳомий сифатида айтилган эди. Инсон ўзи учун ишонарлироқ, асослироқ суянчиқ, руҳий таскин нуқтаси топишга интилди. Диний фанатизмга оппозиция тариқасида ҳар турли тариқатлар майдонга келди. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида худо билан баҳсни акс эттирган талайгина асарлар бор. Носир Хисравнинг исёнкор сўроқ шеърларида мантиқнинг букилмас йўриғи ўзига ром қилади:

Дилларга сен экдинг фитна уруғин,  
Ҳамма халойиқни яратган замон.

.....  
Гуноҳ қилмоқ лозим эмас бандага,  
Лекин сабабларин барпо қиласан.

Сен солдинг инсоннинг қалбига раҳна  
Иблис найрангини киритмоқ учун  
Ҳавою ҳавасни сен қовуштирддинг  
Шаҳват лаззатини танитмоқ учун.  
Томирларни этдинг шаҳват-ла тўла  
Қўзғотиб чиқишга бўлсин деб рағбат.

Умар Хайём шеърларида оламу одамнинг тузилиши билан «худонинг буюргани», «қуръонда айтилгани» орасида катта тафовут, номутаносиблик кўрган лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати тасвирланади:

Азалда лойимни қорганда худо,  
Биларди феълимдан не бўлур пайдо.  
Ҳукмидан ташқари эмас гуноҳим,  
Хўш, нечун маҳшарда беради жазо?!

Ёхуд:

Ераб, лойимни-ку қорган ўзингсан,  
Ўриш-арқоғимни ўрган ўзингсан.  
Ёмонманми, яхши, мен қандоқ қилай?  
Тақдир манглайини берган ўзингсан.



Эътибор беринг, худо билан теппа-тенг олишаётган, ҳаёту инсоннинг моҳияти ҳақида ўз қарашларини баён қилаётган лирик қаҳрамон нақадар улуғвор, таҳсину ҳавасга лойиқ. Форс-тожик адабиёти классиклари асарларидаги лирик қаҳрамон худди мана шу улуғворлиги, кенг, теран мулоҳаза юритиши билан замондошларимизга ўрнак бўла олади. Улуғвор қаҳрамон ҳар қачон ҳар бир миллий адабиётда таҳсинга лойиқ. Ҳозирги совет адабиётида конфликтнинг янги бир кўриниши сезиляпти. Катта мақсадлар билан яшайдиган қаҳрамон майда, тор туйғулар қули бўлган персонажни фош этади. Бўронли Едигей («Асрга татигулик кун» Ч. Айтматов) Қозонгағни дафн этишдан олдин жаноза ўқийди. Табиийки, Едигей мулла эмас, сураларни ҳам чалакам-чатти билади. Бу ҳол уни зигирчалик ташвишга солмайди. Аксинча, у тиловат қилганида бошқача туйғуни ҳис этади: «яратган»нинг ўзи сингари теран фикр юритаётганини тушуниб қолади. Бошқача айтганда, бутун борлиқ, кишиларга юксак талаблар билан боқиш Едигейга хуш ёқади. Албатта, бу ўринда гап Едигейнинг худога ишониши ҳақида эмас, балки инсоннинг юксак сфераларда мулоҳаза юрита олиши тўғрисида борапти. Мана шундай кенг, теран мулоҳаза юритишни Владимир Васильев («Танлаш» Ю. Бондарев) характерида учратамиз. Васильев шон-шуҳрат зинасидан армонсиз кўтарилган, севган, севилган, кўп жойларда саёҳатда бўлган. Бир неча кундирки, эллик тўрт ёшли бу одам қалбида аллақандай ҳолат кечмоқда: хаёл уни катта нарсалар томон бошлайди, инсон умрининг мазмуни, қиммати ҳақидаги фикрлар унга тинчлик бермайди. Васильевга қолса табиатга суқланиб қарайверса-ю, қалбга оро берувчи меҳнатдан толиқмаса... Мана шу икки нарсасиз ҳаёти бўм-бўшдай бўлиб қолаётгандай.

Адабиётимизда яратилаётган улуғвор инсонлар характерининг кўзга яққол ташланишига сабаб шуки, ёзувчиларимиз диққатини увоқ туйғулар; майда кишилар образи кўпроқ жалб этмоқда. Айниқса, ёш ёзувчилар майда одамлар образини маҳорат билан чизмоқдалар. Айни вақтда, ёш ёзувчилар улуғвор инсон характерини тўлалигича ёритишга ожизлик қилмоқдалар. Эркин Аъзамов гумбаздай Зиёхон Аҳмадхоннинг ўта тубан, майда одамлигини ишонарли ёритган. Зиёхон Аҳмадхонов беш кунлик дунёда бойвачча бўлиб яшаса, маишат қилса — бас. У бировга яхшилик қи-

лолмайди, ёмонлик қилса виждони қийналмайди. Муҳими, зиғирдай манфаати учун у дўсти, қадрдонини ҳам сотиб оёқости қилиб юбориши мумкин. Тоғай Мурод, Хайридин Султонов, Зоҳир Аълам, Гаффор Хотам, Нодир Норматов ижодида майда, тубан одамлар қиёфасини учратиш мумкин. Майда одамлар дунёси кишини сиқиб юборади. Шундай пайтларда классик шоирларнинг биронта ғазали, рубойисини ўқиш билан одам кенгликка, соф ҳаволи жойга чиқиб олгандай бўлади.

Шоислом Шомуҳамедов форс-тожик адабиёти классиклари юзма-юз тўқнашган диний ақидаларни, қуръон сураларини ўрганadi. Унинг асаридa қуръон сураларида инсонни пассив, итоаткор, заиф қилиб кўрсатган ўринлар таъкидлаб кўрсатилади. Айниқса, тасаввуфнинг тариқатлари, турли манзиллари, прогрессив ва реакцион тармоқлари ҳақида батафсил фикр юритади. Шоислом Шомуҳамедов шоирлар дунёқарашинигинамас, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Носир Хисрав, Умар Хайём, Низомий, Навоий сингариларнинг қарашлари материалистик элементларга бой пантеистик дунёқараш бўлганини исботлайди. Муҳими шундаки, ижоди таҳлил қилинган шоирларнинг аксарияти буюк олим ҳам эди. Хусусан, Умар Хайём узоқ вақтгача фан оламида ўз назариялари билан машҳур бўлган. Олим ва шоир Хайёмни бошқа-бошқа одам деб билганлар. Оламни, одамни ҳўб ўрганган олим илдиз теран рубойлар ёзган. Тўғри, унинг рубойлари мазмунан ҳар хил: баъзан шоир беш кунлик дунёдан қўл ювиб қўлтиққа уради; гоҳ сархушликни тарғиб қиладди; бир қарабсизки, яратган билан жиддий баҳсга киришади: бошқа ўринда кулолнинг ишларини кузатиб туриб, дунёдан чиқиб кетгиси келиб қолади. Рубойларда ҳар хил майллар тасвирланган. Аммо биз шу рубойлар моҳиятини белгиловчи фалсафани англамоғимиз лозим.

Баъзи китобхонлар шу даражада хато қиладиларки, улар Ш. Шомуҳамедовга мактуб йўллаб, теологияга оид бирон масалани ёритиб беришни сўрайдилар. Коммунист Шоислом Шомуҳамедов дин асосларини форс-тожик адабиёти классикларини асарларини ишонарли, фактларга суянган ҳолда ёритиш учунгина ўрганган. Эътибор берсангиз, Ш. Шомуҳамедов тадқиқотларида марксист олимнинг қарашлари, муносабатлари очиқ-ойдин сезилиб туради.

Шоир Эркин Воҳидовнинг бир ғазалида бундай байт бор:

Қай бириси қай бирига  
ошиқ экан, билмадим,  
Гулми ё Гулчеҳраларга  
гулга ё Гулчеҳралар.

Ухшатмасдан учратмас, деган гап бор. Шоислом Шомуҳамедов билан яқиндан танишсангиз, унда форс-тожик адабиёти классиклари тарғиб этган кўп хусусиятларни учратамиз. Ақл хатти-ҳаракатларни бошқариб боради, уни мақсад сари етаклайди. Ўтмишнинг етук шоирлари инсон ақлини юксак баҳолаганлар. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида бундай мисралар бор:

Ақл йўл кўрсатиб дилни этар шод,  
Ҳар икки оламда ақлли обод.  
Ақл бир тирик жонки, билмас завол,  
Ақл турмуш асли буни ёдлаб ол.  
Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўқтамлик,  
Ақлдан борлигу, йўқлигу камлик...  
Киши иш қиларкан беақлу идрок,  
Бўлур қилмишидан юрак-бағри чок.

Шоислом Шомуҳамедов ақл изидан бориб мураккаб соҳани танлади. У форс-тожик адабиёти классиклари ижодини жиддий проблема бўйича талқину таҳлил қилишга киришгунча узоқ изланди, кўп мураккабликларни ҳал қилди. Шарқ адабиёти классиклари билимни юксак баҳоладилар. Билим, билимли киши таърифида айтилган гапларни кўп шоирларда учратиш мумкин:

Одамнинг шарафи илмнинг мўли,  
Қимки доно бўлса, мен шунинг қули.

*(Хисрав Деҳлавий)*

Сувда чириб кетмас илм жавҳари,  
Ўтда ёниб кетмас илм гавҳари.  
Қилолмаслар ҳатто тупроққа ниҳон,  
Учириб кетолмас шамолу бўрон.  
Илмни ўғри ҳам ўғирлаёлмас,  
Илмни ажал ҳам олиб кетолмас.

*(Рукниддин Авҳадий)*

Илмга бўлиб ошино, осонликча кеч дарё,  
Дарёдан осон ўтиш илмликка ошно.

(Камол Хўжандий)

Одамлар қалбининг чароғи билим,  
Балодан сақланиш яроғи билим.

(Рудакий)

Бизнинг кунларда билимни тарғиб қилиш, қуёш чарақлаб турганда ёруқ, иссиқ кунларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб, ўтиришдай гап. Ҳозир ҳамма билимли, илмнинг зарурлигини чуқур англаб етади. Аммо билимли одам тадбиркор инсон, қадр-қимматни тушунадиган шахслиги ҳақида тўхталмоқ лозим. Шоислом ака олим, раҳбар сифатида жуда кўп одамлар билан учрашади. Ёдингизда бўлса, «Тутун ҳам олов фарзанди» (дарвоқе, Шоислом ака бирон гуруннга якун ясамоқчи, қизиқ бир ҳангомани бошламоқчи бўлса, мақолаларига оҳорли сарлавҳа топмоқчи бўлса, форс-тожик адабиёти классиклари меросига мурожаат қилади, Мазкур ажойиб сарлавҳа ҳам Жомий бисотидан олинган—А. Р.) мақоласида қизиқ воқеа ҳикоя қилинади: ота ота-да, қандай қилиб бўлмасин жигарбанди — фарзандини машҳур олимга маъқул қилмоқчи, ўқишга жойламоқчи. Шоислом ака ўта тадбиркорлик билан иш тутади: анча ўжар отани ўз йўриғига буришга эришади. Саъдий, Жомийлар анъанасида яратилган «Гулбоғ» («Гулбоғ сайри») тўпламини тадбиркорлик, кузатувчанлик, ақл дурдоналари китоби дейиш жоиз. Шоислом ака табиатан кузатувчан, ўта зийрак одам. У ҳар бир ҳолат, манзара, муносабат моҳиятини англашга интилади. «Гулбоғ», «Отабекнинг китоби» тўпламлари Шоислом домланинг нақадар қизиқувчан, кузатувчан, муҳими, меҳрибон инсонлигини тасдиқлайди. Теран билим Ш. Шомухамедовда яна бир хусусиятни тарбиялаган. У ҳеч қачон ҳис-ҳаяжонини — симпатиясию антипатиясини аниқ кўрсатиб қўймайди. Олим ҳар қандай вазиятда ўта осойишталик, босиқлик билан иш кўради. Баъзилар Шоислом аканинг ўта хотиржамлиги, биров учун жон-жаҳди билан курашмаслигидан нолийдилар. Шоислом ака бундай ақидага асосланади: одамнинг ўзи интилаётган, ҳаракат қилаётган бўлса, унга албатта ёрдам бермоқ жоиз. Баъзан ўта бефарқ, истеъдодсиз, кўзни кўр қилиб, димоқни ачиштирадиган «тутунлар»ни қўллаб юборишни ҳатто

дуппа-дуруст одамлар илтимос қиладилар. Ҳаётда ҳар кимнинг ўз ўрни бор: биров гул, биров пиёз...

Классик адабиётдаги мангу мавзу масалалардан бири яхшилик қилиш, эзгулик эди. Умр бир лаҳзалик, ўткинчи эканлигини чуқур англаган шоирлар ҳаётни қандай ўтказиш лозим деган муаммони ечишга интилганлар. Умар Хайём кўзагир — кулолнинг ишларини кузатгани сайин ҳаётнинг ўткинчилигини, умрдан ўтгувчи ҳар дақиқани шодлик-хуррамлик билан ўтказишни тавсия этади. Буюк мутафаккирнинг умрни шодон ўтказиш ҳақидаги тушунчаси кўпинча бир ёқлама, ҳатто бузиб талқин қилинади. Буржуа олимлари Умар Хайёмни май куйчиси, «ахлоқсизликнинг одобсиз тарғиботчиси, маишатпараст ва скептик қилиб қўйиб, буржуа декадент шеърятининг қадимги асосчисига айлантирмоқчи бўладилар... Шундай қилиб, Фарбий Европа ва Америкада Хайём ижодиёти буржуа маишатпарастининг дидига мослаштирилади»<sup>1</sup>. Ишратхоналару қовоқхоналарнинг Хайём номи билан аталиши буржуа дунёси буюк олим, мутафаккирни қанчалик оёқости қилаётганини кўрсатади.

Умрни хуш ўтказиш ғоясини Саъдий, Ҳофиз, Жомий ва бошқа шоирлар ҳам илгари сурганлар. Форс-тожик адабиёти классиклари яхшилик — қисқа, ўткинчи умрнинг мангу меваси деб билганлар. Ҳар бир машхур шоир шеърларида яхшилик ҳақидаги мисраларни, улкан асарлар моҳиятига сингдирилган яхшилик, эзгулик концепциясини ўқиб олиш мумкин:

Яхши ҳам, ёмон ҳам қолмас пойдор,  
Яхшиси яхши иш бўлсин ёдгор.

(Фирдавсий)

Тананг ҳам кетажак, бору йўғнинг ҳам,  
Бахтлидир яхши ном қолдирган одам.

(Ҳофиз)

«Шоҳнома»нинг мағиз-мағизидан яхшилик қилиш, ҳатто қурт-қумурсқага ҳам озор бермаслик ғояси келиб чиқади. Шарқ хамсачилигининг ғоявий асосларидан бири яхшилик, эзгулик, адолатни тасдиқлашдир. Лекин ўйлаб кўрилса, форс-тожик адабиёти классиклари ижо-

<sup>1</sup> Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. ЎзССР «ФАН» нашриёти, Тошкент — 1968 йил, 353-бет.

дида улуғланган яхшилик баъзан мавҳумлик, предметсизлик кўринишига эга эмасмикан? Тўғри, Ш. Шомуҳамедов гуманизм проблемасини ёритганда абстракт, диний гуманизмни партиявий, синфий қараш асосида шаклланган совет гуманизмидан фарқлайди, мисоллар билан тасдиқлайди. Қолаверса, Ш. Шомуҳамедов шахс сифатида нима учун яхшилик қилиш керак, яхшиликнинг ўзи нима деган саволларга изчил жавоб беради. Бошқача айтганда, конкрет шароит, ҳолатларда бажариладиган иш мавҳумлик, умумийликдан тамоман йироқ бўлади. Умумийлик, мавҳумлик ҳар қандай нарсани ҳаётийликдан йироқлаштиради, унга жонли жараён сифатида ёндошиш истагини ўтмаслаштиради. Буржуа санъатидаги абстракционизм, модернизм сингари оқимлар бадиий адабиётдаги конкретлилик, аниқликка қарши борадилар. Улар «дунёни мантиқсизликлар йиғиндиси» деб эълон қилдилар.... Уларнинг фикрича, дунёни ҳалокатга олиб борадиган нарса ақл-идрок эмиш. Эрк ва бахтга эришиш учун аввало мана шу ақл-идрокка қарши ўт очиш керак эмиш... Модернистлар вакили К. Яспернинг фикрича: Дунё тарихи — тасодифий ҳодисаларнинг тартибсиз йиғиндиси — гирдоби, холос ва борган сари шундай бўлиб бораверади. Бир бузилишдан иккинчи харобаликка, бир офатдан иккинчи офатга, булар орасида бахтнинг қисқа-қисқа ёруғликлари кўриниб қолади, кичик оролчалар, фақат вақтинча, улар ҳам гирдоб босгунча туради. Ҳаммаси Маркс Вебер чизган суратдагидек: дунё тарихи — Ахраман деви харобага айлантирган бойликлар билан тўлдириб ташланган бир кўча»<sup>1</sup>.

Шоислом Шомуҳамедов авлодлар аро алоқа, боғлиқликни устозлик ва шогирдлик муносабатларида деб билади. Умар Хайёмнинг қуйидаги мисраларидаги маъно Шоислом аканинг бу масаладаги қарашларининг моҳиятини белгилайди:

Ешликда биз шогирд, ўзгалар устод,  
Сўнгра устод бўлиб дилни этдик шод.

Шоислом Шомуҳамедов устозларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Олим Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Носир Хисрав, Умар Хайём, Бедил, Жомий, Фо-

<sup>1</sup> Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. ЎзССР «ФАН» нашриёти, Тошкент 1968 йил, 5—6-бетлар.

нийларни маънавий устодлари ҳисоблайди. У илмий фаолиятининг энг серунум, файзиёб даврларини улар «хизматига» бағишлади. Форс-тожик адабиёти классиклари яратган маънавий хазинани ўрганар экан, ўзи ҳам хазинали бўлиб борди: етук инсон сифатида шаклланди, эътиборли олим сифатида оламга танилди. Яна бир гуруҳ эътиборли зотлар борки, буларни Шоислом Маҳмудович бевосита устозлари сифатида ардоқлайди. Шоислом ака Ғафур Ғулом, Миртемир ҳақида кўп ёзади. Бу ишни у қалб амри билан бажаради: устозлари ҳақида гапираётганида, ёзаётганида ўзи яйраб кетади, беқиёс ҳузурни ҳис этади. «Ёз ёмғири», «Гул тўкилса бўйи қолса не ажаб» мақолаларини, «Вақт» шеърий тўпламидаги Миртемирга бағишланган тўртликни, «Гулбоғ»даги Миртемир ҳаётига оид қатрани ўқиган китобхон инсоннинг инсонга — шогирднинг устозга нисбатан садоқатини, чексиз ҳурматини туюши мумкин. Ғафур Ғулом Шоислом акага чин маънодаги ўқитувчи — устоз бўлган. «Умар Хаём ва Ғафур Ғулом» мақоласида Шоислом Маҳмудович устод сабоқларини, унинг қатъиятли эканлигини ёзади. Мақолани ўқир экансиз, миннатдор шогирднинг «Ота меҳридан устод жабри аёло!» принципига риоя қилганлигини англайсиз: «Улуғ устоз «ўйнаб-ўйнаб» қилиб беришлари мумкин бўладиган бир тўртлик учун мени ҳафталаб қийнаб излатганлари нақадар зарур ва фойдали экани менга кундан-кунга равшанроқ бўла борди.

«Изла, топ!» бу Ғафур ака мактабининг асосий талаби эди. Шоислом Маҳмудович ўзбек совет адабиётини форс-тожик адабиёти классикларининг асарлари билан бойитиб келаётган, замондошимиз қалбида форс тилида ижод қилган шоирларга нисбатан ҳурмат туйғусини ошираётган таржимонлардан бири. Таржимонни асарларига қиёслаш жоиз: у жаҳон адабиёти бўстонида кезади, муаттар, нафис гулларга қўнади — нодир асарларни таржима қилади, ўз китобхонига маънавий озиқ — тенгсиз асал тортиқ этади. Шоислом Шомухамедов — таржимоннинг ўз бўстони, гулистони бор: умр бўйи у шу бўстон нектарини замондош китобхонига етказмоқда. Ш. Шомухамедовнинг таржимонлик маҳорати, бу соҳадаги ютуқ-камчиликлари ҳақида шоирлар,

<sup>1</sup> Ш. Шомухамедов. Гуманизм-абადийлик ялови. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент —1974, 217-бет.

таржимашунослар, классик адабиёт мутахассислари кўп ёзишган. Таржималар мукаммал, бир оз маромига етмаган бўлиши мумкин, ammo муҳими ўзбек китобхони жаҳондаги миллионлаб ўқувчилар ҳурматини аллақачонлар қозонган форс-тожик адабиёти классиклари яратган бўстонда сайр этиш, баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлди. Ўзбек китобхони Бедилу Хайём, Фирдавсийи Саъдий, Ҳофизу Жомий ижодидан беҳабар эди десак катта хатога йўл қўйган бўлардик. Ўзбек китобхони машҳур шоирларнинг кенг тарқалган газалу рубойларини, дostonларидан пачаларни билар эди. Ш. Шомухамедовнинг бевосита ҳаракати, ташкилотчилиги туфайли ўзбек китобхони форс-тожик адабиётни классиклари ижоди билан кенгроқ танишди. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарининг таржима қилиниши— адабиётимизнинг ютуғи, камолот чўққисига кўтарилганлигининг исботи. «Шоҳнома», «Илоҳий комедия», «Фауст» асарларининг таржима қилиниши — ўзбек китобхони маънавий оламига янгича ҳаётбахш нур сочди, адабиётимиз бўй-бастини, кўрк-савлатини кўз-кўз қилди.

Ҳозир таржимон кўп, таржима асарлари сероб. Таржима асарларининг ўқилишию нашри, нусхаларининг сони жиҳатидан кўрик ўтказилса, сўзсиз, Шоислом Шомухамедов биринчи ўринни олган бўларди: Умар Хайём, Бедил, Саъдий, Ҳофиз асарларининг таржималари бир неча бор оммавий тиражда нашр этилган. Шоислом ака меҳнатдан қочмайдиган таржимон: у қанча кўп таржима қилса, маҳорати шунча ошиб бормоқда. Шоир Ш. Шомухамедов архиви билан танишар эканман, ҳайрон қолдим: шеър ёзишни, машқ қилишни одам шунчалик севадим... Оилавий тантаналар, ёр-биродарларнинг қувончли кунларида ёзилган ашъорни қўя турайлик-да, устоз олимлар, шоирлар юбилейига бағишланган шеърларни кўздан кечирайлик: расмана тўплам, девон, мисоли. Улар орасида «Устозга» номли бир неча шеър диққатимизни жалб этди:

Устоз десам, кўзимга ёрқин офтоб кўринур,  
Дилга ҳаёт завқини қуйган шароб кўринур.  
Меҳрибонликда, ота одамийлик тимсоли,  
Билимдонлар аро ул қомус китоб кўринур.

Устозлардан бирига тақдим этилган китобга ёзилган тўртлик.



Нима деб ёзайин сизга, азизим,  
Ҳар сўзим ўлчанур мезонингизда,  
Кошкийди кичик бир юлдуз бўлсам,  
Сиз ярақлаб турган осмонингизда.

Шоислом ака илмдаги устозлари ҳақида жўшиб сўзлайди. Хусусан, Евгений Эдуардович Бертельс, Александр Николаевич Болдирев, Содиқ Мирзаев, Сайидазим Ғаниев номларини у чуқур эҳтиром билан тилга олади. Олимлик илмдаги мактабларидан бирига тақдирни боғлаш, устодни сидқидилдан ҳурмат қилишдан бошланади. Ҳурмат, ҳавас мисоли шундай бир нурки, у устоддаги хислатларни бўрттиради, унинг илмдаги интилиш, ютуқларини алоҳида рангларда таъкидлаб кўрсатади. Шоислом ака аллақачон устодлик даражасига кўтарилган. Аммо у устодлари қаршисида ўзини шогирддай тутаяди: амалга ошираётган ишлари — тадқиқотлари, янги асарлари, шогирдлари ҳақида уларга ҳисоб бериб боришни маънавий бурчи деб билади.

Шоислом Шомўхамедовнинг маънавий устодларини бевосита қўлидан етаклаб илму ижод соҳасига олиб кирган раҳнамолари номини тилга олдик. Ҳар бир ижодкор ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳисобот бериб турадиган яна бир устод бор. Ижодкор асарларини баҳолаш, уларни инкор этиш ёки абадийлик муҳрини босиш мана шу устодга ишониб топширилган. Ижодкор сал лоқайдлик, сал беписандлик билан асар ёзса, бу устоднинг нафратига учрайди. Аксинча, етук асарни бу устод кўз қорачиғидай асрайди, асрлару авлодлар бойлиги сифатида ардоқлайди. Ижодкорнинг диққат марказида турадиган бу устод абадий яшаш ҳуқуқини олган: ажодлару авлодлар муносабати ҳамиша барҳаёт. Шундай қилиб, ҳар қандай улуғ ижодкор асарларининг чин меросхўри китобхондир. Китобхон асарни баҳолашда янглишмайди, чунки у кўпчиликни ташкил қилади; етти ўйлаб бир кесади — йиллар, асрлар мулоҳазаси асосида ҳукм чиқаради. Ҳақиқий ижодкор китобхон фикрини тан олади, унинг баҳосига қўшилади. Афсуски, шундай ёзувчилар борки, китобхон номидан ҳукм чиқаради: йўқни йўндирмоқчи, хомни пишитмоқчи бўлади. Мантиқсизликни қаранг, ёзувчи хато қилаётганини, янглишаётганини китобхон кўриб, мийиғида кулиб туради.

«Китобхон» — кенг, бирмунча мавҳум тушунча. Шундай китобхонлар борки улар бадий асарни нима учун ўқийётганликларини, ундан қандай баҳра олаётганлик-

ларини англаб етмайдилар, Ақлли-хушли, маданий одам китоб ўқиши керак, вассалом. Шундай китобхонлар борки, уларнинг қалби ўртаниб, жўшиб, бетоқат бўлиб туради. Улар ёниқ қалбларига малҳамни бадиий асарлардан излайдилар: шоиру ёзувчилар улар қалбининг таржимони, изҳорчиси бўлади. Жўшқин китобхон шоиру ижодкор билан яқинлашишга интилади. Ижодкор эса асар ёзаётганида қалбида ёлқини бор, гўзаллик туйғуси кучли, яхшини-яхши, ёмонни—ярамайди дея оладиган китобхонни кўз олдига келтиради. Ижодкорга ўзини жуда яқин тутадиган китобхон мухлис дейилади. Ҳозир мухлислар кўп. Мухлиси кўп ижодкор ўзини даядил тутайди, нимани ёзишни, қандай ёзишни ҳис қилади. Ҳақиқий ижодкор чин мухлислар сонининг кўпайиб боришини улкан мукофот деб билади. Шоислом Шомуҳамедов шоир, олим, айна вақтда форс-тожик адабиёти классикларининг чин мухлиси.

Форс-тожик адабиёти классиклари асарларининг ашаддий мухлислари орасида аниқ фанлар билан шуғулланувчилар кўп. Саъди Ҳасанович Сирожиддинов, Васил Қобулов, Мажид Зокиров, Турсун Азларов, Ҳамидулла Ҳасанов, Матлаб Воҳидов, Мирфозил Мирзааҳмедов, Б. Руденко, А. Амосов сингари математик, кибернетик, географ, геолог, механик олимлар, инженерлар, партия совет ходимлари форс-тожик адабиёти классиклари асарларини теран англайдилар. Қувонарлиси шундаки, С. Сирожиддинов сингари баъзи китобхонлар Бедил, Ҳофиз, Хайём, Саъдий, Амир Хусрав Деҳлавий асарларини форс тилида ёдаки ўқийдилар, уларни ўзларича талқин қилишга интиладилар. Мухлислар орасида классиклардан таъсирланиб ғазал, рубойи машқ қилувчилар талайгина. Кези келганда айтиш керакки, форс-тожик адабиёти классиклари ижодининг мухлислари Ш. Шомуҳамедовга мактуб йўллар эканлар, Саъдий, Ҳофиз, Хайёмлар ижодини кенг тарғиб қилаётган олим — ижодкор шаънига шеър битадилар — миннатдорчиликларини изҳор қилдилар. Олмалиқ металлургия заводининг инженери Б. Руденко, ленинградлик партия ходими А. Амосовлар ўз туйғуларини шеърый ифода этадилар. Математик олим Мирфозил Мирзааҳмедовнинг Шоислом акага битилган мувашшаҳида бундай байтни ўқиймиз:

Лаб очар туркийда ҳам Шарқнинг зап донолари,  
Олиму ҳам фузало, зўр таржимон ўзингиз.

Ҳозир фан-техника тараққиёти даври. Қуёш нуруни бир нуқтага жамлаб, иссиқлик манбаи сифатида фойдаланилаётган иншоотлар, жилғаю дарёлар сувини бир ўзанга ҳайдаб, афсонавий кучга эга электр қуввати олаётган станциялар, телевидение кўрсатувларини олис-олис манзилларга олиб кўрсатувчи ёрдамчи миноралар пайдо бўлмоқда. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодининг толмас тадқиқотчиси, тарғиботчиси Шоислом Шомуҳамедовни адабиёт осмонидаги олис-олис юлдузлар шуъласини бир марказга тўплаб, уларни янада кўркам, жозибалироқ қилиб халққа инъом этаётган нуристон, зиёкор дегимиз келади.

## АДАБИЙ ЖАРАЁН ВА ИЖОДКОР

Умрни беҳуда ўтказмаган, унинг лаҳзаларию соатларини мазмун либосига буркай олган одам, табиийки, руҳий таскин, қониқишни туяди. Бизда иззатталаблик, шуҳратпарастлик қўллаб-қувватланмайди. Ваҳолонки, инсон ҳурмат, обрў-эътибор қозониш учун узлуксиз ҳаракат қилади. Бошқача айтганда, инсоннинг, қайси соҳада бўлмасин, ҳалол меҳнатини, эл-юрт ҳурматини қозонишдан ажратиш мумкинмас. Ҳалол меҳнати самараларини кўриб қувониш, ҳаётдаги ўрни, эътиборидан ғурурланиш нокамтарликка кирмайди. Аксинча, ҳадеб камтар, камсуқум бўлавериш инсондаги ғурурни емиради, активликни жиловлайди, ҳаёт оқимидан четга суриб қўяди. Ғурур туйғуси, меъёридаги иззатталаблик кишини изланишга, янгиликлар сари интилишга чоғлантиради. Кишилиқ тарихига назар ташласак, машҳур кишилар, ўлмас кашфиётлару илмий-ижодий ютуқларни эгаллаган зотлар ўз меҳнатлари самараси ҳақида ғурур, қувонч билан гапирганлар. Шарқ адабиёти классиклари, камтарона ҳаёт кечирган кишилар ўз асарлари, ижодий меҳнатлари самарасини юксак баҳолаганлар. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида лирик чекинишлар — шахсий кайфиятларни, биографик фактларни ифодалаган шеърлар талайгина... Шоҳ асарининг хулосасидаги мисралар шоирнинг ўз меҳнатига берган энг ҳаққоний баҳодир:

Мен асло ўлмасман, мангу яшарман,  
Айтган ҳар сўзимда қайта яшнарман,

Инсофу эътиқод кимга бўлса ёр,  
Менга таҳсин айтиб, этгай бахтиёр...

Уттиз йил меҳнату заҳматда қолдим,  
Форсийда ажамни тирилтиролдим.  
Сўзимдан жаннатдек безанди жаҳон,  
Мендан олдин бундай ким ёзмиш, қачон?

Саъдий Шерозий ҳам ўз шеърляти қадрини теран  
англайди. У ўз шеърларининг юксак-юксакларга, узоқ-  
узоқларга парвоз қилажагини башорат қилади:

Етти иқлим тузмайди бу кун  
Саъдий сўзисиз биронта мажлис.

Ким табиб, бошидан ўтган табиб деган нақл бор.  
Сўзнинг минг турда тобланиши, минг турли маънони  
бера олишини англаб етган шоирлар ҳақиқий асар-  
ларни — асрлар ардоғи бўлиб қоладиган шеър  
дос-тонларни беҳато топганлар, уларга юксак баҳо берган-  
лар. Форс-тожик адабиёти классиклари, Алишер На-  
войӣ, Бобур, А. Пушкин, Г. Гейне, Гёте, Байрон,  
В. Маяковский сингари ижодкорлар ўзларига ўлмас  
ҳайкал ўрнатганликларини, улар яратган маънавий  
олам асрлар оша каттаю кичик халқларга бирдай зиё  
тарқатажагини билганлар.

Адабий жараён ҳолатини, ундаги ўз ўрнини яхши  
англаган ижодкоргина яратган асарларига юксак баҳо  
бериши мумкин. Адабий жараён — ўта мураккаб, чигал  
тушунча. Уни «адабиёт», «адабий ҳаёт» тушунчалари  
билан тенглаштириш тўғрмас. Ҳозирги пайтда жаҳон  
адабий жараёни ҳақида кўп ёзилмоқда, баҳс, муноза-  
ралар уюштирилмоқда. Жаҳон адабий жараёнидаги ҳо-  
латларни тўлиқ таърифлаб, акс эттириб бериш мумкин  
эмас. Бу жараёндаги айрим-айрим тенденциялар ҳақи-  
да гапириш мумкин. Хусусан, сўнгги ўн йилликда  
жаҳон адабий жараёнида социалистик реализм мето-  
дининг ҳаракати, эгаллаб бораётган позициялари ҳа-  
қида кўп ёзилмоқда. Социалистик реализмнинг ҳозирги  
мураккаб жараёндаги «ҳаёти» осон, енгил бўляпти де-  
йиш қийин. Янги методнинг системага айланиб бориши  
жиддий ҳаракатлар, маънавий, руҳий тўсиқларни енг-  
иш, инсонларга муҳим ҳақиқатни англатиш орқали  
рўй бермоқда. Жаҳон адабий жараёнининг истиқболи  
ҳақида битта аниқ фикрни айтиш мумкин: ҳаётни ҳақ-

қоний, чуқур таҳлил орқали акс эттирувчи социалистик реализм прогрессив жаҳон адабиётининг методига айланади.

Адабий жараёни системалар, регионлар, миллий адабиётлар миқёсида тушуниш, ўрганиш мумкин. Совет адабиётидаги ҳозирги жараён ҳақида В. Ковский, Ч. Гусейновларнинг тадқиқотлари чоп этилди. Совет адабиётини тирик организм деб билсак адабий жараёни танадаги қон таначалари ҳаракати, курашига қиёслаш мумкин. Организмдаги ҳужайралар ҳаётидаги мураккабликлар сингари, жараёнда ҳам янгилик билан эскилик, янги йўналиш билан ожиз тенденция орасидаги кураш бетўхтов давом этади. Адабий жараёнда инкор орқали таъдиқ қонуниятни кўзга аниқ ташланади. Жараёнда йўналишлар, услублар, усуллар аро эмас, ҳатто бир ёзувчининг эволюцияси йўлида ҳам зиддиятлар учраб туришини кузатиш мумкин. Ижодкор ҳаммиша бир хил — пастдан юқорига, оддийдан мураккабликка ўсиб бормади, гарчи шундай бўлиши исталсада. Ёзувчида ўзини-ўзи инкор қилувчи ҳолатлар — «жараёни мураккаблаштиришга хизмат қилувчи» даврлар бўлади. Чингиз Гусейнов бир пайтлар Чингиз Айтматов Т. Сиддиқбеков асарларини ўқиб роман тафаккури қандай бўлишини англаганлигини ёзади-да, ҳозирги пайтда Т. Сиддиқбеков Чингиз Айтматовдан роман тафаккури масаласининг нозик томонларини ўрганиши шарт деган хулосага келади<sup>1</sup>. Адабий жараён — уч кўринмайдиган калава. Калаванинг учини топиб олиш — адабий жараёни ўрганиш, тўғри баҳолашнинг калити. Ҳар бир тадқиқотчи адабий жараёндан ўзини қизиқтирган проблема — «учини» топиши ва уни изчил давом эттириши мумкин. Бизни ҳозирги ҳолатда жараёнда ижодкорнинг ўрни масаласи кўпроқ қизиқтиради. Адабий жараён зўр санъаткорни ҳам, бундайроқ ёзувчинини ҳам «ўз қучоғига» олади. Аслида, зўр ёзувчи ижоди ҳам, сал берироқ ёзувчи бисоти ҳам ўрганилиши керак. Биз кўпинча кучли ёзувчилар ижодини ўрганамиз. Афсуски, ўртачагина ёзувчи ижодига ҳам турли сабабларга кўра «сифат белгиси» муҳрини босиб юборамиз. Етук асар ҳар қанча талқин қилинса, баҳоланса, арзийди. Лекин кўпинча бадий қиммати йўқ даражадаги асарлар танқидчи томонидан мақталади. Танқид-

<sup>1</sup> Современный литературный процесс и критика. Издательство «Мысль», Москва — 1975, стр. 33.

чилик бадий асар қимматини белгилаш йўл-йўриғини— аксиологияни эгаллаб боргани сайин асоссиз мақтовлар, йўқни йўндиришлар камайиб боради. Бу ҳол адабий жараённи англаш, тушуниш имкониятини яхшилайдди. Ҳар бир ижодкор адабий жараёндаги ўрнини, уни ривожлантиришдаги ҳиссасини англайди. Жараёнда ўз ҳиссасини сезмаган, унинг ривожланишига ҳисса қўшишни ўйламаган қаламкаш — лов-лов ёнши тақозо қилинадиган адабий жараёндаги тутун. Шоислом Шомуҳамедов — адабий жараённи ҳаракатга келтираётган бақувват ижодкорлардан бири. Унинг жараёндаги ўрни икки масалада аниқ сезилади. Ҳозирги китобхон форс-тожик адабиёти, Шарқ адабиёти классиклари ижодига қизиқиш билан қарайди. Қексалар гурунги, ёшлар базми, қиз-жувонлар мажлиси Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз сингарилар асарлари туфайли мазмун, файз касб этмоқда. Дам олиш ўйлари, шифохона, пионер лагерлари, маданият саройлари, Олий ўқув юртларидаги ибратомуз шиорларнинг кўпчилиги Шарқ поэзияси, фани намояндалари бисотидан олинган. Китобхонлар классиклар асарларни ўқиб-ўрганиб бормоқдалар. Халқнинг фикрлаш қобилиятини, яшаш маданиятини, жисмоний ва маънавий соғломлигини оширишда форс-тожик адабиёти классикларининг ижоди — Шоислом Шомуҳамедов тадқиқотлари ва таржималари муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳозирги ўзбек поэзияси ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойиб бормоқда. Шаклдаги изланишлар, мазмундаги салмоқдорлик китобхоннинг поэзияга бўлган қизиқишини орттирмоқда. Бир пайтлар темани наридан-бери ёритиш, унинг моҳиятига етиб бормаслик иллати сезиларди. Ҳозир кўзга унча ташланмайдиган мавзунинг ҳайратланарли даражадаги моҳияти, рационал асоси очиб берилмоқда. Поэзиямизда фалсафий теранлик диққатни жалб этмоқда. Зулфия, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Барот Бойқобилов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азимов, Муҳаммад Солиҳ сингарилар поэзияси фикрнинг салмоқдорлиги, мантиқнинг кучлилиги билан китобхон диққатини тортмоқда. Шоирларимиз ижодида инсон ҳаётининг мазмуни масаласи кенг ёритилмоқда.

— Фафур Фуломлар авлоди билан ҳозирги ёш шоирлар ижодидаги боғлиқликни мен шарқ поэзиясига хос фалсафийлик, салмоқдорликда кўраман,— дейди Шоис-

лом Шомухамедов.— Бу нарса Шарқ поэзияси классиклари ижодидан бирмунча йироқлашиб қолган, поэзияга 30—40-йилларда кириб келган баъзи шоирлар асарлари билан қиёсланганда яна ҳам ойдинроқ кўринади. Шундай қилиб, Шоислом Шомухамедов адабий жараёни форс-тожик адабиёти классиклари ижоди билан бойитди. Жараён таркибидаги форс-тожик адабиёти классиклари ижоди таъсири поэзияда, китобхон маънавий оламида сезила бошлади. Эҳтимол, бу таъсир адабиётимизда тарихий мавзунинг кучайиши, Шарқ маданияти — фани намояндалари образини яратишга бўлган қизиқишда ҳам сезилаётгандир. Адабий жараён шундай бир ҳодисаки, унинг таркибини бус-бутун аниқлаш, қисм-қисмларга ажратиб кўрсатиш мумкинмас. У тирик организм сингари таркибий яхлитликка эга, ўсиб-ўзгариб боради.

Шоислом Шомухамедов фақат адабий жараёнгагинамас, илмий-маданий ҳаётга ҳам кучли таъсир кўрсатапти. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, Ш. Шомухамедов фаолияти интернационал моҳиятга эга. Фаннизм таъсирини кучайтирди. Олим турли миллатга мансуб кишилар билан ҳамкорликда форс-тожик адабиёти, фани намояндалари фаолиятини ўрганмоқда. Олимнинг илмий мактаби турли мамлакатлардан келган тадқиқотчи ёшлар ҳисобига бойиб бормоқда. Ш. Шомухамедов сингари олимларнинг тадқиқотлари, илмий-оммабоп асарлари ёшларнинг шарқшуносликка бўлган қизиқшини орттирмоқда. В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг шарқшунослик факультетига киришни хоҳлаган ёшлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Шарқ факультети — Шоислом Шомухамедовнинг қадрдон маскани. Бу ерда ўтказиладиган каттаю кичик тадбир Ш. Шомухамедов маслаҳати билан амалга оширилади. Факультетда Ш. Шомухамедовнинг А. Ғаниев, Р. Муҳаммаджонов, У. Маматохунов, А. Соколов сингари тенгқурлари, Тельман Сатторов, О. Полинова, Зикрилла Умаров, Босит Мусаев, Н. Иброҳимов, А. Маннопов, Р. Ғуломова, М. Акбарова сингари шогирдлари ёшларга сабоқ бермоқда.

Ш. Шомухамедов — форс адабиётини ўрганишда мактаб яратаётган олимлардан. Бу мактабнинг истеъдодли вакиллари шарқшунослик фанини янги уфқларга элтади, устоз бошлаган йўлни давом эттиради деган умиддамиз.





Ғуриддин Шукуров

---

*ШОИРНИНГ ЮЛДУЗИ*



ШОИРНИНГ ЮЛДУЗИ  
ГУЗАЛЛИКЛАР МАФТУНИ  
ФИҚР ВА ТУЙҒУ ДИАЛЕКТИКАСИ  
АРУЗ ТАРОНАЛАРИ  
КЕНГ КЎЛАМ ВА ТЕРАНЛИК  
ШИРИН ВА АЧЧИҚ ДОСТОНЛАР

## ШОИРНИНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбек шеърини осмонда ёрқин юлдузлар кўп: Лутфий, Навоний, Бобур, Машраб, Огаҳий, Нодира, Нозима, Ҳакима, Фурқат, Муқимий, Завқий, Аваз Утар... Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг бошланган янги шеърини осмонда ҳам 60—70 йил давомида талай юлдузлар пайдо бўлди: Ҳамза, Ойбек, Фафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир, Шайхзода, Усмон Носир, Зулфия... Юлдузлар тўла осмондан юлдуз сифатида ўрин олиш ғоят мушкул, албатта. Лекин адабиёт осмонининг бағри кенг, унда ёрқин истеъдодга ҳамшира жой бор. Осмондаги юлдузлар қандай пайдо бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай порлаб турибди. Аммо адабиёт осмонида истеъдодлар аввал митти юлдузлар сифатида пайдо бўладилар, улар тинимсиз меҳнат ва ижод туфайли тобора тўлишиб борадилар ва халқ ҳаёти, курашини, фикр-туйғуларини янги образларда акс эттириш шарафига эришсалар, ёрқин юлдузлар қаторидан ўрин оладилар.

60-йилларда ўзбек шеърини осмонида қатор митти юлдузлар жилвалана бошлади. Шулардан бири Эркин Воҳидов эди.

60-йиллар адабиёти деганда биз КПССнинг XX съезидан (1956) кейин ёзувчиларимиз янгича руҳ, янгича шижоат билан ижод қила бошлаган бир босқични англаймиз. Бу давр Фафур Ғулом, Шайхзоданинг фалсафий шеърлари, Уйғуннинг публицистик шеърлари, Ҳамид Ғуломнинг «Қитъалар уйғоқ», Зулфиянинг «Мушоира», Асқад Мухторнинг «99 миниатюра», Миртемирнинг «Қорақалпоқ дафтари», Султон Акбарийнинг «Гирдоб»и, Туроб Тўла, Саида Зуннунова қўшиқлари, Собир Абдулла, Ҳабибийнинг янгича ғазаллари туфайли поэзиямиз уфқи кенгайиб, ранг-баранг услублар ва жанрлар ўзига кенг йўл очиб бораётган бир давр эди.

Худди ана шундай янги кўтарилмиш даврида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Барот Бойқобилов, Ойдин Ҳожиева, Муҳаммад Али, Омон Матжон каби ёш шоирлар асарлари пайдо бўлиб, шеър мухлислари эътиборини ўзига торта бошлади.

## ГУЗАЛЛИКЛАР МАФТУНИ

Табиат жониворлар ва ўсимликларнинг ранг ва шакллариغا ҳам, инсонлар қиёфаси ва феъл-атвориغا ҳам бениҳоя ранг-баранглик ато қилиш саховатига эга. Шунинг учун ҳар бир инсон ташқи қиёфаси билан ҳам, ички дунёси билан ҳам бошқалардан ажралиб туради. Ана шу фарқ туфайли ҳар бир чин истеъдод эгасининг дунёни идрок этиши ва ўз қалбида қайта пиширишида ҳам муайян ўзига хослик бўлиши табиийдир.

Буни Эркин Воҳидов ижоди мисолида ҳам кўра оламиз. Эркин Воҳидовнинг ҳаёти, ижодий йўли оддийгина. Урта мактаб ўқувчиси (1945—1955) ТошДУ филология факультетининг талабаси (1955—1960), ундан кейин эса «Ёш гвардия», Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётларида муҳаррир, бўлим мудир, бош редактор, 1982 йилдан эса «Ёшлик» журналининг бош муҳаррирлик лавозими — Эркин Воҳидов 50 йиллик умри давомида босиб ўтган таълим ва меҳнат йўли ана шулар билан характерланади.

У ўзининг меҳнат фаолияти давомида ўнлаб китобларга муҳаррирлик қилди, кўп минглаб байтларни кўздан кечирди, таҳрир қилди, инкор этди ёки маъқуллади. Шу маънода муҳаррирлик катта мактаб вазифасини ўтади. Меҳнат фаолияти билан ёнма-ён давом этган ижодий фаолияти давомида эса минглаб байтларни ижод қилди, бошқа халқлар адабиётларидан қанча-қанча шоирларни таржима қилди: С. Есенин, А. Блок шеърлари, Гёте «Фауст»и Эркин Воҳидов истеъдоди туфайли тилимизда ўзбек китобхонларига етиб борди. Уларнинг ҳаммаси истеъдодли шоирнинг қалб шууридан, тафаккурдан, кўз нуридан, билак кучидан туғилди, халқимизнинг маънавий бойлигига айланди.

Эркин Воҳидов ижод майдонига қадам қўяр экан, табиат ва жамиятдаги гўзалликлар ва эзгуликларни кўришга кўпроқ мойил, мафтункор ўғлон қиёфасида намоён бўлди. Шунинг учун ҳам Эркиннинг 50-йиллар охири, 60-йиллар бошларида ёзилган дастлабки шеърларида табиат ва воқеликнинг гўзал манзаралари ва

лавҳалари нақш топа бошлади. «Манзара», «Мен жилгаман», «Кулгимиздан янграсин олам», «Ҳаёт йўлида», «Тонг лавҳаси», «Чаноқларга қўнган юлдузлар», «Булоқ», «Ўн саккизга кирмаган ким бор», «Сурат» каби ўнлаб шеърларда табиатнинг чиройли жилваларидан, инсонларнинг эзгу фазилатларидан завқланиш ҳисси мўъжаз поэтик мазмунни ташкил этган. Булар, асосан, шоирнинг «Тонг нафаси» (1961), «Қўшнингизга» (1962) номли биринчи тўпламларига кирган шеърлардир.

Энди тилга кираётган болаларнинг гапи ҳар хил бўлади. Баъзи болалар товушлар, сўзларни бузиб-бузиб, зўрға-зўрға гапирадилар, равон гапириш жараёни анча узоқ давом этади. Баъзиларнинг гаплари анча «доно», тили бийрон бўлади. Шоирлар ҳам шундай. Эркин Воҳидовнинг дастлабки тўпламларидаёқ биз доноликни, бийронликни кўриб қувонамиз. Бу донолик ва бийронлик шоир талантининг даражасига боғлиқ албатта. Уртача талантга эга бўлган шоирларнинг гаплари анча узоқ вақтгача ривожланмай, салмоқ касб этмай юради. Фақат яхши талантга эга бўлган шоирларнинггина дастлабки тўпламларидаёқ ўқувчи эътиборини дарҳол ўзига тортадиган донолик ва бийронлик кўзга ташланади. Масалан, Эркин Воҳидовнинг 16 яшарлигида ёзган «Манзара» шеърини ўқиб кўринг:

Қора қушлар қўнарлар  
Мажнунтолнинг шохига.  
Бошин сувга эгарлар  
Боқмай сира оҳига.

Раҳми келиб булутнинг  
Йиғлаб тўкар ёшини.  
Қушлар қочар, мажнунтол  
Кўтаради бошини.

Булутнинг орасидан  
Қуёш кулиб қарайди.  
Мажнунтолнинг ювилган  
Сочларини тарайди.

Бу — чиндан ҳам чиройли манзара. Унда ёш шоирнинг донолиги ва бийронлиги бор. Унда сой бўйидаги мажнунтолнинг кокилларини осилтириб туриши, қушлар қўнганда уларнинг янада кўпроқ эгилиб, сувга ботиши,

баҳор ёмғири савалаб ёққанда қушларнинг учиб кетиши ва мажнунтолнинг бош кўтариши, дарров ёмғир тиниб, булут орқасидан қуёш нур сочиши, мажнунтол сочларини тараши болаларча соддалик ва беғуборлик билан суратга туширилган. Шунинг учун у ҳозир ҳам завқбахш. Ёки ёш йигитнинг ўнинчи синфни битиргач, ўз тенгдошлари билан давра қуриб ўтирганда уларга тилаган тилаклари ҳам жуда чиройли:

Истайманки қувноқ кулгининг  
Жарангига кўмилсин олам.  
Нега кулмас эртанги куннинг  
Ишқи билан яшаган одам.

Истайманки, хуррамлик бўлсин,  
Шўх қаҳқаҳа боғласин қанот.  
Куй шалола янглиғ қуйилсин,  
Қўшиқ бўлиб туюлсин ҳаёт.

Бу — жуда яхши тилак, албатта. Одамларни ғам-аламдан холи, шод-хуррам кўриш истаги эзгу ниятлар билан тўла қалбнинг олижаноб хислати. Кўклам таровати («Ҳаёт йўлидан», «Фусункор кўклам»), боғлар латофати («Боғбон»), булоқлар қайнаши («Булоқ»), тонг гўзаллиги («Тонг лавҳаси»), куз неъматлари («Яна пахтазордаман») билан бирга ёш шоирга инсоний фазилатлар, гўзал ахлоқ принциплари ҳам завқ-шавқ бағишлайди, шеърга поэтик мазмун топиш учун манба бўлиб хизмат қилади. У тунги ором олдидан одамларнинг бир-бирига «хайрли кеч» тилашларини инсонлар турмушидаги ҳикматли одатлардан бири сифатида улуғлайди («Хайрли кеч»). Қамтарлик инсоният тарихи давомида ҳамиша улуғланиб келган инсоний фазилатлардан бири. Бу ҳақда фикр билдирмаган, байт тўқимаган бирорта классик шоиримизни топиш қийин. Бу анъана Эркин Воҳидов эътиборини ҳам ўзига тортади. Чунки у табиатан яхши инсоний фазилатлар мафтун. Шунинг учун ҳам Эркин Воҳидов «Қамтарлик ҳақида» деб шеър ёзишга қарор қилганлиги табиий бир ҳол. Аммо бунда у ўз йўлидан боришга қарор қилганлиги ҳам эътиборга лойиқ. Эркин Воҳидов бу шеърда чойнак ва пиёла каби оддий ҳаёт ашёларидан ёндаш образлар яратишда фойдаланиб, оригиналликка эришди:

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,  
Пиёлага эгилар чойнак.

Шундай экан манманлик нега  
Кибру ҳаво нимага керак?

Қамтарин бўл, ҳатто бир қадам  
Ўтма гурур остонасидан.  
Писёлаин инсон шунинг-чун  
Ўнар доим пешонасидан.

Азиз ўқувчиларим кўнглидан гапни бошданоқ мақтовдан бошладингиз, нима, Эркин Воҳидов ўқиш-ўрганиш даврини ўтмагами, адашишлар, чалкашишлар, хатолар азобини тортмаганим, деган фикр ўтаётган бўлиши мумкин.

Мен яна такрор айтаманки, яхши, кучли истеъдод эгасининг дастлабки даврларда ёзган шеърларини ҳам болаликнинг бийрон гаплари сифатида қониқиш билан яйраб тинглаш мумкин. Ҳар қалай, Эркин Воҳидовнинг ўқиш-ўрганиш, машқ давридаги шеърлари ана шундан далолат беради. Лекин бундан шоирнинг биринчи босқичда ёзган барча шеърлари ҳар қандай камчиликдан холи, поэзиянинг мукамал намуналари деган хулоса чиқмайди, албатта.

Эркиннинг биринчи босқичда ёзган шеърларида воқеликни маълум даражада бирёқлама идрок қилиш, ҳаётни силлиқ, равон йўлдан иборат деб тушуниш ҳолати мавжуд бўлиб, уларда воқеа-ҳодисаларни диалектик қирралари, қарама-қарши томонлари билан қамраб ақс эттириш ҳали етишмас эди. Масалан, «Боғбон» шеъридаги лирик персонаж «Бу боғимда доим кўклам, бу боғнинг томига тикан қўймай ҳам хазон сипоҳига моне бўлолдим» дея Навоийнинг «Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас моне, бу боғ томига гар игнадан тикон қилғил», деган фикрларига лутф билан жавоб қайтаради, бизнинг ҳаёт мангу баҳордан иборат, деб ўйлайди. «Ҳаёт йўлидан» шеърида ҳам худди шу фикр бошқачароқ бир тарзда такрорланади:

Сен билан, эй зумрад баҳорим,  
Ҳамнафасман бутун умрга.  
Чунки менинг обод диёрим  
Мангуликка сен билан бирга.

Бундай шеърлар 50-йилларда авж олган риторик, силлиқ, конфликтсиз поэзиянинг Эркин машқларига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказганлигидан далолат бе-

ради. Тўғри, Эркин 50-йиллардаги силлиқ баёний поэзиянинг умумий руҳи таъсирида баъзи бир ана шундай шеърлар ёзди. Лекин у бундай поэзияга тақлид қилиб ўз дафтарини умумий, силлиқ шеърлар билан тўлдиргани йўқ. Унинг дастлабки китобларидаги аксарият шеърлар табиат ва ҳаёт лавҳаларидан бевосита таъсирланмиш асосида юзага келган ва ўз мустақиллигига эга бўлган шеърлар эди. Шунинг учун ҳам Эркин поэзия тилида энди ганира бошлаган ва 4—5 йил давом этган биринчи даврдаёқ унинг изланишларига ширин бир бийронлик хос бўлди деб айтишга тўла асос бор. Қуйидаги шеър шунинг яна бир далили:

Тинглайман кўп ўзбек сўзларин  
Хоразмча талаффузини.  
Хуш кўраман у ер қизларин  
«Қўйсангиза» деган сўзини.

Улар буни айтса мулойим  
Тилидан бол томгандай бўлар...  
Хоразмлик қизларни доим  
«Қўйсангиза» дегизгим келар.

Бу шеърдаги йигитнинг Хоразм қизлари шеvasидаги «қўйсангиза» деган сўзни яхши кўраман, дейишида, шу сўзни эшитиб ҳузур қилишида қанчалик латифлик, хуш табиатлилик, гўзалликка шайдолик бор. Лекин шугина эмас. Бу йигит табиатида ажиб бир шўхлик бор, у қизларга беозор тегажоқлик қилишни хуш кўради. Унинг қандайдир баҳона топиб хоразмлик қизларга тегажоқлик қилиб туришида ва уларнинг «Қўйсангиза», деб нозик огоҳлантиришларидан завқ-шавқ олиб яйрашида йигитлик табиатининг шўхликлари, нозик қирралари акс этган.

Шеър — бу туйғулар туғғени ва фикрлар жавҳаридир. Аниқроғи, жўшқин туйғу ва поэтик фикрнинг қўшилиvidан ҳосил бўлган ўзига хос санъатдир, табиат ва жамият ҳодисаларига эҳтиросли муносабатдир ва ундан келиб чиқадиган ҳикматли хулосалардир.

Аммо шеър ёзишга иштиёқманд ҳар бир одам қўлига қалам олиши билан ана шундай шеър ёзилавермайди. Ҳатто поэтик фикрлаш уруғи қалбида табиатан мавжуд бўлган одамнинг дастлабки шеърлари ҳам бу санъат талабларига тўла жавоб берадиган бўлиб чиқавермайди. Ана шу талаблар нуқтан назаридан қараганда Эр-



кин Воҳидовнинг биринчи босқичдаги бир қанча шеърларида ҳиссиёт бўлса-да, ундан келиб чиқадиган катта, салмоқли фикр етишмас эди. Аста-секин фикрнинг салмоқдорлиги орта борди. «Пўлат» деган шеърда бу майл яққолроқ кўзга ташланади:

У даставвал ойболта бўлди,  
Сўнг замбарак бўлиб қуйилди.  
Қилич ҳам у, милтиқ ва наган,  
У бомба ҳам бўлиб портлаган.  
Лекин олган жаҳонни фақат  
Перо бўлиб қуйилгач пўлат.

Кўринадики, поэтик мушоҳаданинг кучайиб бориши билан шоир қаламнинг қудратини, перо билан ёзиладиган сўзнинг инсонлар қалбини асир қилиб олиш қувватини, шу маънода пўлат милтиқ ё замбарак эмас, перо бўлиб қуйилгач жаҳонни олганлигини ўзига хос бир тарзда очишга муваффақ бўлган. Шунинг учун ҳам адабиётчиларимиз 60-йиллар поэзияси ҳақида гапирганда бу шеърни поэтик тафаккурнинг оригинал самараси деб баҳоладилар.

## ФИКР ВА ТУЙҒУ ДИАЛЕКТИКАСИ

Эркиннинг «Ақл ва юрак» (1963), «Менинг юлдузим» (1964) деб номланган тўпламлари унинг поэтик ижодида янги босқич бўлди. «Ақл ва юрак» тўпламига кирган «Йўқ, ҳаловат истамайман», «Юрак ва ақл», «Фурсат—олтин», «Қосмонавт ва шоир», «Инсон», «Асаблар», «Гўзаллик», «Фироқ ҳақида», «Фузулий ҳайкали ёнида» номли шеърларида энди биз шоирнинг туйғу ва фикрлари салмоқдорлиги янада ошганлигини, уларнинг ўзаро уйғунлиги янада кучайганлигини кўрамыз.

Энди бу шеърлардаги лирик қаҳрамон ҳаётни абадий баҳор, ўзини доимо баҳор латофатидан завқланувчи одам деб билмайди. У ҳаётни, тараққиётни абадий қарама-қаршиликлар кураши сифатида, ўзини эса шу курашларда фаол қатнашувчи курашчи инсон сифатида англайди. У «Тинчлик билмас одатимдан озор чексам майлига, Олов бўлиб бир дам ёнсам, сўнг ўчсам ҳам майлига», деган курашчанлик принципига асосланади. Шоир ҳаётда, воқеликда эмас, ҳатто ҳар бир инсоннинг ўзида қарама-қаршиликлар диалектикаси мавжудлигини ўзи учун гўё янгидан кашф этади ва бунни ақл билан

юрак ўртасидаги зиддият тимсолида ифодалаб, «Ақл ва юрак» деган шеър ёзади. Бу шеърнинг поэтик мазмунида, мантиқий асосида бир оз чалкашликлар мавжуд. Нега? Чунки шеър мантиғига қараганда, ақл лирик қаҳрамонни яхши йўлга бошлайди: кўча-бебошга ўхшашма, деб тергаб туради, китоб ўқи, билимингни кўпайтир, дейди, юрак эса бу «дунёда фақат ўйна дер». Лекин лирик қаҳрамон шеър охирида «ақл қанча ҳақли бўлса ҳам, тутар бўлдим юрак измини», деган хулосага келади. Ақл билан юрак ўртасидаги зиддиятнинг бошқачароқ кўринишларини, бошқачароқ тортишувини, ўзаро талаблари ва даъватларини шеърга асос қилиб олиш яхшироқ бўлар эди, назаримда. Шунда хулосани ҳам бошқачароқ чиқариш мумкин бўлар эди. Чунки ақлнинг барча ҳақли талабларини рад этиб, юракнинг барча талабларига кўниш донишмандлик аломати эмас. Шеър эса ҳассослик ва донолик синтезидир. Аммо бундан қатъий назар «Ақл ва юрак» шеъри инсоннинг ички дунёсидаги зиддиятлар диалектикасини кўриш ва уни акс эттириш, ҳаётни қарама-қаршилиқлар бирлиги сифатида идрок этишга интилиш самараси сифатида аҳамиятлидир.

Шоирнинг ўзи ҳам аслида ақл билан юрак ўртасидаги мутаносиблик тарафдор. Масалан, у «Фурсат—олтин» шеърида ўз вақтини ўйнаб-кулиб ўтказадиган бебошроқ йигитни худди ақл ваколоти асосида тергайди, унга асосли равишда танбеҳ беради:

Фурсат — олтин,  
 Сен кўкрак кериб,  
 Олтинингни сочиб борасан.  
 Фурсат қувар,  
 Унга чап бериб,  
 Сўроғидан қочиб борасан...  
 Фойда бермас  
 Минг тавбанг у кун  
 Сўрар экан фурсат сарҳисоб.  
 Бекор ўтган  
 Ҳаётинг учун  
 Вақт олдида берурсан жавоб.

Эркин Воҳидовнинг ватанпарварлик мавзуида ёзган дастлабки шеърларида Она-Ватанга бўлган муҳаббат боғ, булоқ, мажнунтол, баҳор чиройига мафтунлик шаклида акс этар эди. «Ақл ва юрак» тўпламидаги шеърларда эса ватанпарварлик туйғуси янада мукамаллаш-

ганини пайқаймиз. «Космонавт ва шоир» шеърида бу туйғу диалог шаклидаги суҳбатда ёрқин акс этган. Космонавтнинг «фазога учсанг, ердан нима олар эдинг?» деган саволига шоир ватанпарварлик туйғусига тўла лутфлар билан жавоб беради:

Она-Ер тупроғидан, лолаю сунбуллардан, саъваю булбуллардан, арчаю мажнунтоллардан, охулару саман тойлардан, шунингдек, суҳбатлар гулусини, қизлар кулгусини, дилбар куйларни, Навоий, Фузулий байтларини бирга олгандагина фазоларга учишга рози бўлишини айтади. Бу шоирона лутф, албатта. Ана шу лутф воситасида шоир Она-Ватанга, Она-Ерга нисбатан беқиёс бир оташин муҳаббат қалбининг қат-қатига сингиб кетганлигини ифодалашга муваффақ бўлган.

«Ақл ва юрак» тўпламидаги яна бир хусусият Эркин Воҳидов маҳоратининг ўсганлигидан далолат бериб туради. Бу меҳнаткаш инсонни улуғлаш тенденциясининг кучайганлигидир. «Шоирни эслаб» (Ҳамид Олимжонга), «Теранлик» (Зулфияга), «Инсон», «Гўзаллик», «Олимлар ва шоирлар», «Чумоли», «Нефть дошлари», «Фузулий ҳайкали ёнида» каби шеърлар ана шу тенденциянинг самарасидир.

«Инсон» шеърида инсониятнинг ер юзида ўз ҳукмини устивор қилиш мақсадидаги кураш йўлининг бир қиррасини лирик планда умумлаштиришга интилиш бор. Бу кураш йўлини шоир Хайём, Машраб, Ж. Бруно каби тарихий шахсларнинг исёнкорлиги мисолида умумлаштиради. Энг муҳими, ақлий ва жисмоний меҳнат ер юзини ҳам, инсоннинг ўзини ҳам янада гўзал қилиш ва мукамаллаштириш омили бўлганлиги поэтик тафаккур ойнасида ёритилади. Шоир инсоннинг тубсиз фазога кемалар юбориш, ер юзини жаннат қилиш даражасига кўтарилганлигидан фахрланиш туйғусини ифодалайди:

Букун мана, тубсиз фазога,  
Кемалардан юбориб карвон  
Бир вақт уни қувган худога  
Панд бермоқда тинчимас инсон.  
Даҳрийликнинг шаробин ичиб  
Ўз меҳнатин билиб беминнат,  
Равзалардан мангу воз кечиб,  
Ер юзини қилмоқда жаннат.

Шоир меҳнатни гўзаллик манбаи деб билади ва: «Ерни гўзал қилгани сайин гўзал бўлар ўзи ҳам инсон», деган фалсафий ақидага асосланади.

«Ақл ва юрак» тўпламида Эркин Воҳидов ижодида классик адабиёт анъаналарига мойиллик тенденцияси кучаяётганлиги ҳам кўринади. Унинг олдинги шеърларида ҳам классик шеърятимизга хос латифлик, гулу лолалар, сунбулу райҳонлар образи билан боғлиқ нозик лиризм мавжуд бўлиб, бу классик поэзия анъаналари билан боғлиқликнинг бир кўриниши эди. Аммо «Ақл ва юрак» тўпламида биз «Гунча» номли ғазални, «Азгануш» номли мухаммасни ва тазмин санъати асосида ёзилган «Фузулий ҳайкали ёнида» шеърини ўқиганимизда Эркин Воҳидов лирикасидаги классик адабиёт анъаналарига шайдоликнинг янги босқичи бошланаётганлигини ҳис қилдик.

Тазмин санъати поэтикасига кўра шоир ўзининг шеърида бошқа бир шоирнинг айрим мисра ёки байтларини келтириб, ундаги фикрни, тасвири ё қувватлаш, ё ривожлантириш, ё рад этиш орқали ўз фикрини илгари суриш йўлидан бориши мумкин. Масалан, Алишер Навоий самарқандлик истеъдодли шоир Дарвеш Мансурнинг «Кўзинг, не бало қаро бўлибдур, ким жонга қаро бало бўлибдур» деган байтини келтириб, сўнгра шу байтдаги туйғу, фикр ва тасвири ривожлантириб, ғазал ёзган эди. Ёки Ғафур Ғулом ўзининг «Москва» номли қасидасида Ҳофизнинг «Ғазал гуфтию дур суфти...» деб бошланадиган байтини келтириб, сўнгра ўз фикрини давом эттиради. Бу анъаналар билан яхши таниш бўлган Эркин Воҳидов «Фузулий ҳайкали ёнида» шеърида ҳар байтда 8 мисра ўз шеърини, сўнгра Фузулий ғазалларидан икки байт келтириш усулини қўллаб, тазмин санъатини новаторлик билан давом эттиради. Тазмин санъатининг бундай намунаси поэзиямизда ҳали йўқ эди.

Эркин Воҳидов ўз мисраларида Фузулий ғазалларига оташин муҳаббат туйғуларини ифодалаб, устоз мисраларининг туғилиш жараёнини жонлантиради, уларнинг беқиёс таъсир кучини очади. Фузулийдан келтирилган мисралар эса Эркин туйғулари ва фикрларини қўллаб-қувватлайди, асослайди. Натижада шеърятга шайдоликнинг, хусусан, Фузулий ғазалларига мафтунликнинг гоят таъсирли бир манзараси жонланади:

Еллар, бир дақиқа тўхтаг эсишдан,  
Сернаво булбуллар сайраманг бир оз.  
Қарбало даштида яёв кезишдан.  
Чарчаб тин олмоқда Фузулий устоз.

Денгиз тўлқинларинг урма қирғоққа,

Шоир ўйларига бермагил халал,  
Устоз юрагида шеър туғилмоқда,  
Дунёга келмоқда бир мунис ғазал:

Сабо, агёрдин пинҳон ғамим дилдора нзҳор эт,  
Хабарсиз ёрими ҳоли харобимдан хабардор эт.  
Кўнгил ғам гуиларин танҳо кечурма, иста бир ҳамдам,  
Ажал хобиндан афгонлар чекиб Мажнунни бедор эт.

Ана шундай поэтик оркестровкали бандлар тўрт марта такрорланади. Патижада Фузулий ҳақида оташин ҳароратли бир тазмин — қасида юзага келади. Эркин Воҳидов мисраларининг 6—5 туроқли вазнидан, Фузулий мисраларининг «Мафойилун — мафойилун — мафойилун — мафойилун» (Ҳазажи мусаммани солим) вазнидан ҳосил бўлувчи икки хил ритм, икки хил оҳанг бир-бирини бир меъёрда алмаштириб туриши ғоят ҳузурбахш савту навони ҳосил қилади. Бу савту наво қулоқларда ва юракларда жаранглайди, шеъриятга шайдо кўнгилларни сеҳрлаб, сел қилиб оқизади.

Классик шеъриятга, ғазалга мафтунлик Эркин Воҳидов ижодида катта из қолдириши табиий эди, албатта. Бу мафтунлик унинг ижодида ғазал жанри кенг ўрин эгаллаши учун замин бўлди. Ғазал ёзиш унинг сеvimли поэтик машғулотларидан бирига айланиб қолдики, биз шоирнинг бу соҳадаги муваффақиятлари ҳақида кейинроқ махсус тўхталамиз.

Эркин Воҳидовнинг «Менинг юлдузим» (1964) тўплами «Ақл ва юрак» (1963) билан олдинма-кейин чиқди. Лекин шунга қарамасдан, «Менинг юлдузим» тўпламида Эркин Воҳидов ижодида ривожланаётган яна бир хусусият бўртиб кўринди. Бу воқелик материалларини кенгроқ ва кўпроқ қамраб олиш тенденциясидир. Шоирнинг биринчи, иккинчи тўпламларида табиат ва жамият ҳодисаларининг бевосита ўзини акс эттириш эмас, балки улар уйғотган таассурот ва туйғуларнинг бирор қиррасини мўъжаз бир шаклда ифодалаш асосий тенденция эди. «Ақл ва юрак», «Менинг юлдузим» тўпламларида шоир туйғуларининг жўшқинлашгани, фикрининг чуқурлашганлиги ва салмоғи ошганлигини, шу асосда ҳажм эътибори билан ҳам, катта-катта шеърлар пайдо бўла бошлаганини кўрамиз. «Менинг юлдузим»да ҳаёт лавҳаларини поэтик лавҳаларга айлантириб шеърга олиб кириш, меҳнаткаш инсонни типик шароитларда типик характер сифатида кўрсатиш тенденцияси кўзга

ташланади. Бу Эркин Воҳидов ижодида реализмнинг кенгайиб, чуқурлашиб бораётганлигидан далолат берувчи адабий факт сифатида аҳамиятли эди. «Вокзалда», «Шеър ва шахмат», «Чирчиқ», «Дўстим» (Инженер Шомансур Шосаидовга), «Олимларнинг рафиқаларига», «Уйнимизга меҳмон келади» каби шеърлар ана шу тенденциянинг самарасидир.

Ҳаёт билан, воқелик билан чамбарчас боғланган шоир фақат муҳаббат кечинмаларидан, фироқ изтиробларидан, гуллар латофатидангина эмас, инсонларнинг турли шароитлардаги ўзаро муносабатлари ва кечинмаларидан ҳам поэзия топа олади. Бунинг учун инсонларнинг ўзаро муносабатлари оламига чуқурроқ кириш истеъдоди талаб қилинади, албатта. Эркин Воҳидов ана шундай истеъдодга эга бўлгани учун вокзал ҳаётида ҳам инсоний туйғулар тугёниши чуқур туяди. Вокзалдаги куттиш ва кузатишларда инсоний муносабатларнинг табарруклигини ва муқаддаслигини кўради. Бу даргоҳда чироқларнинг ҳеч сўнмаслиги, гулуларнинг ҳеч тинмаслиги, висол ва фироқнинг ҳамиша ёндошлиги шоирни ҳаяжонга солади. «Шунча шодлик, шунча ҳаяжон, шунча кўз ёш ва шунча хандон, шунча умид ва шунча армон қандай сифар унинг бағрига?!» мисраларида такрорлар, риторик сўроқлар шоир ҳаяжонларини содда ва самимий бир тарзда ифодалашга хизмат қилган.

Шоир шахмат ўйнида ақллар кураши, туйғулар жанги давом этишини, шахматда шеърый эҳтирос, шеърда шахматдаги донолик борлигини ифодалаб, оддий ҳаёт ҳодисаси ҳақида оригинал шеър яратишга муваффақ бўлади («Шеър ва шахмат»).

«Дўстим» шеъридаги икки қўшни — шоир ва инженер муносабатларида ҳам самимий бир дўстлик, инсоний меҳр-муҳаббат ўз ифодасини топган. Икки дўст — шоир ва инженер бир-бирини ҳамиша йўқлаб, бир-бирининг ишидан огоҳ бўлиб туради. Шоир инженер уйига ўтганда у чертёжлардан дастурхон ёзиб, ўзининг заводдаги ишлари ҳақида, режалари ва ниятлари ҳақида сўзлаб беради. Инженер шоир қўшнисиникига ўтганда эса бу ҳам янги-янги шеърларини ўқиб меҳмоннавозлик кўрсатади. Бу муносабатлар ҳаётнийлиги, оддийлиги, самимийлиги билан гўзалдир, ҳаяжонлидир. Илмий-техника тараққиётни одамларни ўзаро самимий қўшничилик ва дўстлик муносабатларидан бир қадар узоқлаштириш хавфини тугдираётган даврда бундай самимий қўшничилик ва дўстлик муносабатларини улуғлаш ҳар жиҳатдан аҳа-

миятли эканлиги шубҳасиздир. «Олимларнинг рафиқаларига» шеърида ҳам меҳру шафқати, юрак тафти билан олимлар уйини чароғон этган, олим елкасига илиқ кафтини қўйиб, столга чақмоқ қанд ва чой қўйиб, меҳр билан янги кашфиётларга руҳлантирган аёллар тасаввуримизда жонланади. Характерли штрихлар аёлларимизнинг олижаноблигини умумлаштиришга хизмат қилади.

«Уйимизга меҳмон келади» шеъридаги оддий ҳаётий лавҳалар ҳам жуда гўзал. Бу шеърдаги она ва бола табиятан, қалбан одамларвар, меҳмонни жону дилдан севувчи. Улар йўлпашша учганини, чойда чўп сузиб юрганини, мусичалар дон талашганини кўрсалар, меҳмон келишини кутадилар. Ўғил бепоён йўлни туш кўрганда, онажони «тушгинангни болам хуш кўрдим, уйимизга келади меҳмон», деб айланиб-ўргилади. Ўғил эса бу меҳмонни уйга янги келажак келин қиёфасида кўради ва остонада туриб онасига келин саломни беришини тасаввур қилиб қувонади:

Энг ўртада ул азиз меҳмон,  
Шоҳи рўмол тўсган қошини.  
Бир-бир босиб келар хиромон  
Ҳаё билан эгиб бошини.

Бахт ярқирар пешонасида  
Мужассам кўрк, одоб, эҳтиром.  
Тўхтар уйнинг остонасида  
Аввал Сизга беради салом.

Хуллас, «Ақл ва юрак, «Меннинг юлдузим» тўпламларидаги янги фазилатлар — поэтик фикр ва туйғуни ўзаро уйғунликда ифодалаш, ижтимоий салмоғини ошириш, меҳнаткаш, ижодкор инсон образини тасвирлаб ва умумлаштириб, типик характер сифатида кўрсатиш, ҳаёт лавҳаларини кенгроқ қамраб тасвирлаш, классик лирика поэтикасига мурожаат қилиш тенденциялари бўртиб кўринганлиги Эркин Воҳидовнинг поэтик тафаккури ва маҳорати янги босқичга кўтарилганлигидан далолат беради.

Бу тўпламларда куртак ҳолида кўринган тенденцияларнинг ҳар бири кейинча ўзига йўл очиб, гуллаб бошлади. Масалан, ҳаёт лавҳаларини кенгроқ қамрашга, типик характерларни типик шароитларда кўрсатишга интилиш кейинча Эркин ижодида дoston жанрида куч

синишга ҳамда шеърятда мукамал характерлар яратишга асос бўлган бўлса, классик шеърятга шайдолик газал жанрининг, аруз поэтикасининг шоир ижодидан кенг ўрин олиши учун замин яратди.

## АРУЗ ТАРОНАЛАРИ

Ҳақиқатан ҳам 60-йилларнинг иккинчи ярмида газаллар, газал-қасидалар, мухаммаслар Эркин поэтик ижодининг салмоқли қисмини ташкил қилди. Классик поэтик шакллар в жанрларда асар ёзиш билан Эркин бу босқичда системали равишда шуғуллана бошлади.

Аруз вазнида асарлар ёзиш ўзбек совет поэзияси учун мутлақо янгилик эмас эди, албатта.

Ҳамзанинг «Ўзбек хотин-қизларига», «Муборак» номли ижтимоий-публицистик шеърлари, Ғафур Ғулومнинг «Паранжи», «Боғ», «Боғда», «Чаман», «Тўпчи йиғитларга», Ҳ. Олимжоннинг «Куйгай», «На бўлгай...», «Бўл омон», Усмон Носирнинг «Юрак» каби шеърлари, Собир Абдулла, Уйғун, Ҳабибийнинг янгича газаллари аруз вазнидан янги давр мазмунини ифодалаш учун фойдаланиш аста-секин ривожланиб келганлигини кўрсатади.

Аруз лабораториясидаги бу изланишлар Эркин Воҳидов эътиборини ўзига тортди ва уни Навоий, Фузулий, Бобур, Машраб, Фурқат каби мутафаккир шоирларнинг газалиёти оламига чуқурроқ кириб боришга ундади. Доно шогирд донишманд устозлар шеърятдаги фикр терапийи, ҳиссиёт жўшқинлиги билан, севги-муҳаббат изтироблари ва завқ-шавқи билан чуқур таниша борган сари газалга шайдолиги орта боради. Адабиётимизнинг узоқ тарихий тараққиёти давомида газалнинг кўп-лаб мукамал намуналари яратилганлиги шоирни газал йўлига киришдан тўхтатиб қололмайди. У ўз ниятини, принципларини дадил баён этди:

Истадим сайр айламоқни  
Мен газал бўстонида,  
Кулмангиз не бор сенга деб  
Мир Алишер ёнида.  
Шеърят дунёси кенг,  
Гулзори кўп, бўстони кўп.  
Ҳар кўнгил арзини айтур  
Неки бор имконда.

Эркин Воҳидов программа аҳамиятига эга бўлган бу газалида айрим адабиётчиларнинг газални эски форма,



у янги даврнинг янгича мазмунини ифодалашга мос келмайди, деган фикрларига қарши чиқди:

Эй мунаққид, сен газалини  
Кўҳна деб камситмагин.  
Севги ҳам Одам Атдини  
Қолган иссон қоннда.

Тўғри, сеvgи ҳам эски туйғу лекин уни ҳар бир кўпгил ўзинча янгилайди. Шунингдек, эски шакл бўлмиш газалини ҳам ҳар бир шоир ўзинча янгилаганидагина у шаблонликдан қутулиб, оригиналлик касб этишин мумкин.

Ўзбек классик газалчилигида ошиқ, маъшуқа, рақиб образларини яратишнинг романтизм методига мос келувчи муайян принциплари шаклланган эди. Бу принципларга кўра ошиқ ўзини тўла-тўқис ишқ йўлига бағишлаган, гўзал ёр ишқида ҳаминша ўртаниб-ёнувчи, гам-ҳасрат чекавериб ранги саргайган, фироқда кўзидан қонли ёшлар оқувчи, юраги лоладек қонли ва доғли, муҳаббат йўлида ҳар қандай азоб-уқубатга, машаққатларга бардош берувчи вафодор, жафокаш, хоксор иссон сифатида тасвирланган. Ошиқни сариқ юзли, қон ёшли, оқ-фарёдли қилиб тасвирлаш ижодий принцинга айланган эди: «Ошиқ уни билки, эрур дардноқ». «Дард яширмоқ юзин айлаб сариқ, ёш оқизмоқ кўзин айлаб ариқ» (Навоий). Ана шундай принциплар асосида тасвирланган жафокаш ҳақиқий ошиқ деб ҳисобланган. Навоий бир газалида бу қондани яна бир марта таъкидлаб ўтган:

Шоҳлиғнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат бобида.  
Ким, керак анда сарни юз, лаългун ашк, ўтлуғ оқ.

Маъшуқа эса қомати сарву шамшоддай адл, хинча бел, юзи ойга, қуёшга, қизил гулга, лолага монанд, лаби гунчага, гул баргига, кўзи юлдузга, нарғизга, қарашлари жон олувчи «жаллод»га, киприклари ёй ўқига, қошлари камонга, ҳилолга, сочлари камандга, илонга, тузоққа ўхшайдиган, нозу карашмалари ошиқ юрагига гўлғулар солувчи идеал романтик гўзалдир. Ана шундай идеал гўзал билан идеал жафокаш ошиқ ўртасидаги муносабатларнинг, орзу-армонларнинг турли-туман кўринишлари газалларнинг поэтик мазмунини ташкил этган. Ана шундай шартли образлар орқали вафодорлик, садоқат,

олижаноблик, меҳру шафқат, қийинчиликларга чидаш ва енгиб ўтиш, саботлилик, орзуга интилиш, гўзалликдан завқ олиш каби юксак ғоялар ифодаланган.

Ошиқнинг висол орзусидан завқланиши, фироқ азобида ўртаниши, маъшуқанинг гўзаллиги, позу истигнолари қанчалик бўрттириб, қанчалик фавқулодда романтик ҳолатларда кўрсатилса, шунчалик юксак маҳорат намунаси ҳисобланган. Масалан, Навоийнинг «Оразин ёпқач кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш, ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш» байти ана шундай фавқулодда оригинал романтик тасвир намунаси бўлганлиги учун ҳам Лутфий томонидан ғоят юксак баҳоланган. Лутфийнинг:

Юзидин лола ранг элтиб, уёлиб шаҳрга кирмас,  
Лининг бўйини киши боғлаб, кетурмагунча саҳродин.

**Ёки:**

Нозиклик ичра белича йўқ тори гисуйи,  
Ўз ҳаддини билиб белидин ўлтирур қуйи.—

каби байтлари романтик бўрттиришнинг гўзал намуналари бўлганлиги учун ҳам Навоий томонидан «мутазирул жавоб» мисралар сифатида баҳоланган. (Шу фикрни бундан гўзалроқ қилиб ифодалаб, жавоб айтиш қийин бўлган мисралар «мутазирул жавоб» мисралар деб юритилган.) Лутфларнинг ана шундай оригиналлиги, муболагаларнинг бепоёнлиги юксак қадрланганлиги учун ҳам классик поэтикада «шеърда ёлғон қанча кўп бўлса, у шунчалик кучли бўлади», деган ақида мавжуд бўлган. Навоий ҳам шунинг учун «Сўз аро ёлғон каби йўқ нописанд, назмда доно ани айлар писанд» (гапда ёлғон бўлиши одамни беписанд қилади, аммо шеърдаги ёлғонни доно одамлар юксак қадрлайдилар) деган фикрни баён этади. Ҳақиқатан ҳам, лола табиат тақозосига кўра тоғларда ўсиб-унади ва қип-қизил бўлиб очилади. Ҳазалларда гўзал маъшуқа юзини лолага ўхшатиш жуда кўп қўлланилган. Лутфий ана шу ташбеҳга оригиналлик киритиш учун жонлантириш усулидан фойдаланиб, «лола гўзал ёр юзидан қизилликни ўғирлаганлиги учун, уятдан тоғларга бош олиб кетган, энди уни одамлар бўйнидан боғлаб олиб келмасалар, у шаҳарга кирмайди, деган образли лутфни ўйлаб топади. Бу гап — ёлғон, лекин образли лутф, ёр юзи қизиллигини бўрт-

тириб тасвирлаш усули сифатида оригинал ва таъсирли.

Улуғ рус революцион-демократ танқидчиси В. Г. Белинский айтади: «Романтизмнинг моҳияти ташқи форманинг эркин-шартли тасодифларида эмас, балки у ифода-лайдиган ғоялардадир». Юқоридаги байтлар бу фикрни тасдиқлайди.

Бироқ, реализм принциплари асосий принципларга айланган ҳозирги давр адабиётида ҳам ўша шартли романтик тасвирларни такрорлайвериш янгилик бўлмайди, албатта.

Бизнинг газалнавис шоирларимиз баъзан ўша эски принциплар асосида традицион газаллар яратиб йўлидан бордилар. Эркин Воҳидовнинг «Ёшлик девони»даги айрим газалларда ҳам ўша шартли — романтик принциплар мавжуд. «Висол соғинчи», «Ўртада бегона йўқ» газалларида буни яққол кўриш мумкин. Бу газалларда анъанавий романтик принциплар, муболағалар воситасида ошиқ фавқуллодда ҳолатларда кўрсатилади. «Ўртада бегона йўқ» газалидаги лирик қаҳрамон — ошиқ муҳаббат изтироби туфайли шундай фавқуллодда ҳолатга тушганки, унинг ҳолатидан шаҳардаги барча ақлли одамлар куладилар, унинг улфатлари ўзи каби ошиқ — «девоналар» бўлиб, улар хилватда дардлашадилар:

Кўйида мен тош бошимни урмаган остона йўқ.

Элда бор шундай масал: жон чекмасанг, жонона йўқ.

Севги водийсида менга тенг бўлмай қайси Қайс,  
Кўнглим очсам, икки дунё бу каби афсона йўқ.

Шаҳр ичида ҳолатимдан қулмаган бир оқилу

Хилват ичра менга улфат бўлмаган девона йўқ.

Албатта, бу каби газаллар анъанавий эстетик дид эгаларига завқ-шавқ беради. Бироқ, бундай газаллар тақлид даражасида қолганлиги учун адабиётда янгилик бўлмайди. Агар Эркин Воҳидовнинг барча газаллари ана шундай бўлганда, у газал тараққиётига ўзига хос ҳисса қўшолмаган бўлар эди. Аммо Эркиннинг реалистик тасвир принциплари асосида ёзилган бир қанча газаллари ўзбек газалчилиги тарихига янгилик бўлиб қўшилди: «Ғунча», «Самарқанд», «Сарв», «Дўстларимга», «Лола сайли», «Самар бўлгай», «Нетай», «Ёшлигим», «Шоҳигул», «Узум», «Дўст билан обод уйинг», «Ширин», «Замин ва фазогир», «Хазина», «Ҳофизга», «Замон», «Гулчеҳралар», «Лола» каби газаллар мисолида бунга қаноат ҳосил қилиш мумкин.

Гунча ва гул ҳақида классик поэзиямизда кўплаб шеърлар ёзилган. Ундай шеърларда кўпинча ёр лаби ёки ошиқнинг фироқда қон бўлган юраги гунчага қиёс қилинган.

Менинг кўнглимки гулнинг гунчасидек таҳ-батаҳ қондир,  
Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи нанмқондир.

(Бобур)

каби байтларда гунча образи жуда кучли ғам-ҳасратни ифодалашга хизмат қилган.

Эркин Воҳидовнинг «Гунча» номли ғазалидаги лирик қаҳрамон ҳам ўзини гунчага қиёс қилиб тасвирлайди. Лекин бу лирик қаҳрамон ўз тафаккур йўсини психологик ҳолати билан янги давр кишиси бўлган замондошимиз эканлиги очиқ-равшан англашилиб туради. Ғазал бошдан-оёқ йигитнинг гунчага саволи тарзида ёзилган.

Барг остидан мулоим боққан иболи гунча,  
Не сирни сақлагайсан, бағринг нечун тугунча?  
Пинҳон сиринг баён эт, кўксингни қилма кўп қон,  
Бу ёки ишқ аталган бизга аён тушунча?

Севмоқ уят эмасдир, ҳар кимда бор бу савдо,  
Қўй, кўп қизарма, гунча, бошингни эгма бунча.  
Бўлдингми мен каби ё бир бевафога ошиқ,  
Айт, севганингни сенга парвоси йўқми унча?

Бу саволларда лирик қаҳрамон — ошиқ йигитнинг ички дунёси жуда равшан очилади. Шу билан бирга «пинҳон сиринг баён эт, кўксингни қилма кўп қон», «Севмоқ уят эмасдир», «Қўй, кўп қизарма, гунча», «Айт, севганингни сенга парвоси йўқми унча?» деган саволлар бизга замондош бўлган йигитнинг тафаккур йўсиндан туғилувчи саволлар экани англашилиб турибди. У гунча билан қанчалик дардлашмасин, ўз муҳаббатини ёрига изҳор этолмаётганидан қанчалик изтироб чекмасин, бари бир унда келажакка, висолга умид билан яшаш етакчи ҳусусиятдир. Лирик қаҳрамоннинг гунчага айтган яқунловчи гапида бу айниқса бўртиб кўринади:

Эй гунча, сабр айлаб умиди васл қилғил,  
Ҳижрону ёр жафоси бизга фақат бугунча.

Классик поэзиямизда сарв образига ҳам жуда кўп мурожаат қилинганлиги маълум. Баъзан ёрининг келиш-

ган адл қомати сарвга ўхшатишган, баъзан эса хушқоматлиликда сарв гўзал ёрга тенг келолмаслиги айтилган, баъзан ёр қомати сарвдек равонлигидан ташқари яна бу сарвда гул очилиб яшнаб туриши (юз қизиллиги назарда тутилади) ҳақида лутф қилинган.

Эркин Воҳидов «Сарв» радибли ғазалига янги ҳаётӣ материалларни олиб киради, денгиз қирғоғи, ойдин кеча, қирғоқдаги сарв шамолда тебраниб майин куй таратмоқда. Лирик қаҳрамон ана шундай сўлим масканда сарв остида сарвқомат ёр билан висол лаззатини тотмоқда. Сарв ҳам сарвқомат гўзалга, ошиқларга маҳлиё:

Лаблиридан бўса излаб жон сувин топдим бу кеч,  
Сарв тағида бахтли бўлдим, ҳам бу бахтга ёр сарв.

Кўринадики, Эркин Воҳидов эски ғазал шаклига, анъанавий сарв образига мурожаат қилган бўлса-да, уни янгича ҳаётӣ материал ва мазмун билан тўлдириб, янги замон йигит-қизларининг образини яратиб, янгича ишқ-муҳаббатни улуғлаб новаторликка эришган.

Эркиннинг бошқа бир ғазалида ошиқнинг «Сенга бахтдан тахт тиларман, толедан бошингга тож, Мулки ҳуснингга омонлик, тожу тахтингга ривож» дея севгили ёрга билдирган тилакларни ҳам моҳият-эътибори билан янгича, замонавийдир. Инсон эрки, муҳаббат эркинлиги моддий ҳақиқатга айланган замондагина бундай тилаклар дилда ва тилда ажиб бир оптимистик руҳ билан жаранглайди. Бу ғазалда ана шу ҳаётӣликнинг акс-содиси бор.

«Дўстларимга» деган ғазал эса конкрет ҳаётӣ материал асосида ёзилган ва унда Насиба билан Анвар исмли икки ёшнинг севгиси улуғланган, уларнинг никоҳ тўйи муборакбод қилинган:

Жаҳон гулзорларин кездинг,  
Бугун бахтдан қувон, дўстим,  
Насиб этмиш сенга, Анвар,  
Баҳор гул юзли дилбарни.  
Ҳаёт жомин кўтар, дўстим,  
Тилак қил, севги бор бўлсин,  
Сира тарк этмасин бу бахт  
Насиба бирла Анварни.

Эркин Воҳидовнинг «Лола сайли» номли ғазали ҳам ишқ-муҳаббат туйғусини реалистик принциплар асосида тасвирлашнинг гўзал намунаси. Бу ғазалда тас-

вирланишича, ошиқ йигит баҳор тонгларидан бирида ўз севгилисини лола сайлига таклиф этади. Ҳур, озо, севимли қиз йигитнинг бу таклифини мамнуният ва эркалик билан «майлига» деб қабул қилади. Севгучи йигит ёр лутфидан боши кўкка етиб, кўз ўнгида осмон ёришиб кетади ва унинг хаёлида нисон эрки, севишганлар муҳаббати поймол қилинган замонлар жонланади. Нега Мажнун ўз севгилиси Лайлини лола сайлига таклиф этолмабди,— деган савол хаёлида кезади. Янги замоннинг доно қизи йигитнинг бу хаёлий саволини сезиб, «Аҳли ишқ ҳам боққай албат ўз замонини зайлига»— дея жавоб беради. Улар дашту қирлар, тоғлар томон йўл оладилар. Кун бўйи бахмал қирларда яйраб, қучоқ-қучоқ лола тердилар ва шаҳарга қайтадилар. Шаҳар кўчаларида сайр қилиб юрган ўзларидай йигит-қизларни кўрар эканлар, хурсандликлари янада ортади. Улар лолаларни «Эркин муҳаббат хайлига» тарқатиб, дам олиш кунини мамнунлик ва бахтиёрлик билан якунлайдилар.

Бу ҳодиса жуда ҳаётини бўлиб, эркин муҳаббатнинг завқли бир лавҳасидир. Шоир ҳаётини ҳодисани ғазалга усталик билан сингдирган, ҳарорат билан поэтиклаштирган. Ундан ажойиб реалистик ғазал туғилган.

«Ширин» радибли ғазалда ҳам соҳибни давронлик нәшъасини суриб, дўсту ёрлар давраси лаззатидан баҳраманд бўлиб яшайётган замондошимизнинг гўзал туйғулари бош нафос сифатида янграйдн. Бу туйғу ўқувчига ғоят ширин завқ-шавқ бахш этади:

Дилкушо дўст, дилрабо ёр  
Бирла ўтган дам ширин.  
Дўсту ёр бирлан ҳаёту  
Сийпан олам ширин.

«Ёшлигим» номли ғазал ҳам ўзининг шоднәна нафоси, ғайрат-шижоатга тўла интонацияси билан гўзалдир. Бунда шоир ўз ёшлигига мурожаат қилар экан, ундан бир умрга кўнгиш ҳамрози бўлиб қолишни ўтинадн, ёшлик куч-ғайратини элу юрт равнақи йўлида сарф этишга тайёрлиги билан фахрланади.

Хуллас, «Ёшлик девонин»даги аксарият ғазаллар янги давр йигит-қизларининг замонавий ҳис-туйғуларидир, эркин муҳаббат тароналаридир, ҳаётини ҳижрон изтироблари, реал висол завқ-шавқларидир. Уларнинг мазмунини замондошларимиз бўлган йигит-қизларнинг ҳаётини кечинмалари ташкил этади. Шунга кўра бу ғазалларда

шартли-романтик образлар эмас, ҳаётний конкретликка эга реалистик образлар гавдаланади.

Девондан бир нечта ҳажвий ғазаллар ҳам ўрни олган. Уларда ҳаётда учраб турувчи айрим иллатлар киноя, қочирим, истехзо ва заҳархандалар воситасида усталик билан фош қилинади.

«Насиҳат» номли ғазалда ўз хизмат вазифасини яхши бажаришдан кўра бошлиқнинг кўнглини «овлаш» йўллариини кўпроқ қидирадиган ёшлар устидан кулиш пафоси етакчидир. Шоир ундайларга хитобан «Қўлни ишга моҳир этма, тилни ганга уста қил», «Бошлиқнинг олдида тошмоқ истасанг сен эътибор, қоматнинг юз турли буккин, сўзини ҳам минг тусда қил», дер экан, киноя усулидан фойдаланиб салбий типларга кескин кесатик қилаётгани очик-равшан англашилиб туради. «Соч мадҳи»да эса сочинини ўстириб юришни одат қилган стилиягалар кулги остига олинади. «Бошиндадур» ғазали ҳам ана шундай такасалтангларга бағишланган бўлиб, уларнинг ташқи қиёфаси ва ички дунёсидаги иллатлар тарихий конкретлилик билан очиб ташланади ва фош қилинади:

Най мисол шим кийган ул  
Сандиқдайин туфли билан,  
Хурпайиб турган саватдек  
Соч анинг бошиндадур.  
Ул падар оҳ урмасин  
Нечун ёқосин чок этиб,  
Неки бад феъл бўлса,  
Бари ушбу бебошиндадур.

«Ёшлик девони»даги ғазаллар Эркин Воҳидовнинг аруз вазнида шеър ёзиш санъатини, ғазал жанрининг сирларини камолли маҳорат билан эгаллаганлигидан далолат беради. Чунки унинг ғазаллари аруз вазни баҳрларида ғоят раво ва мазмундор ёзилганлиги билан диққат-эътиборини тортади. Эркин Воҳидовнинг аксарият ғазаллари аруз вазнининг туркона баҳрларида, яъни ўзбек классик поэзиясида кўп ишлатилган рамал ва ҳазаж баҳрларида ёзилган. «Барча шодлик сенга бўлсин», «Самарқанд», «Чашма», «Лола сайли», «Сарв», «Қипрингдан ўқ узиб», «Барг», «Кўзинг», «Банди зулф», «Сенга бахтдан тахт тиларман», «Нетай», «Ёшлигим», «Хаёл», «Шоҳи гул», «Уйғотмагил», «Қалам», «Дўст билан обод уйинг», «Ширин», «Гулнорини ўп», «Сайр», «Гулчеҳра-

лар», «Бир гўзалким», «Қуёш» каби ўнлаб шеърлар фоилотун — фоилотун — фоилотун — фоилун парадигмаси билан ўлчанувчи рамали мусаммани махзуф баҳрида ёзилган. Бу баҳрда ёзилган барча ғазалларда мисраларидаги чўзиқ-қисқа бўғинларнинг қуйидаги тартибига изчил роя қилинади:

фоилотун	фонлотун	фоилотун	фонлун
—у—	—у—	—у—	—у—

Бу схема бирор ўринда ҳам бузилмайди, вазнда сохталиклар деярли учрамайди. Гарчанд юқорида санаб ўтилган ғазалларнинг ҳаммаси ҳам бир хил баҳрда ёзилган бўлса-да, шоир уларда турли стилистик фигураларни, синтактик қурилишларни қўллаганлиги туфайли турли-туман интонацияларнинг ҳосил бўлишига ва турли хил оҳангларда жаранглашига муваффақ бўлган. Масалан, «Нетай» сарлавҳали ғазалдаги байтлар сўроқ интонацияси билан суғорилган бўлиб, ўз севгисига ижобий жавоб ололмаган ошиқнинг ўртанаётган ҳолатига мос синтактик қурилишга эга:

Мен севарман жондан ортиқ  
 Севганим суймас, нетай?  
 Ҳам севиб мен севмаган  
 Ўз ҳолима қўймас, нетай?  
 Бул менга жонни фидо айлар  
 Ва лек мен бенлож,  
 Мен ёнарман ишқ ўтида  
 Севганим куймас, нетай!

Аммо худди шу баҳрда ёзилган «Ёшлигим» ғазалидаги оҳанг ва интонациялар эса бошқача. Бу ғазалда шоир бахтиёр ёшликдан фахрланиш туйғусини ифодалайди. Шунинг учун бу шеърдаги оҳанг бардам, дадил бўлиб, хитоб, ундов интонациялари биринчи планга чиқарилади, қувноқлик садолари мисралар орасига сингдирилади:

Ёшлигим, кел куйга тўлган  
 Қалбим олтин сони бўл,  
 Мен қўшиқ айтай тўлиб,  
 Бир лаҳза жўр овози бўл!

Бу мисралардан яққол сезилиб турганидек, Эркин Воҳидов ғазалларининг тили жуда ширин, тасвирий во-



ситаларни ғоят ёрқин, интонацияси ниҳоятда таъсирчандир.

Предметлар ва ҳодисалар халқ мақоллари ва қўшиқларида кўпинча бир-бирини қувватловчи, бир-бирини тўлдирувчи, изохловчи ёндош атрибутлар сифатида келди:

Она билан бола —  
Гул билан лола.  
Одам — одам билан  
Писта — бодом билан.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,  
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

Бундай параллелизмлар халқ қўшиқларига ҳам, баъзан эса классик поэзиядаги ғазалларга ҳам асос бўлган. «Икки ошуби чаманким: гул бири, раъно бири» деб бошланувчи ғазал ҳам ана шундай параллелизмлар асосига қирилган.

Эркин Воҳидовнинг «Рубобим тори иккидур» номли шеъри ана шу традиция асосида ёзилган оригинал ғазал бўлиб, у ўқувчига кучли завқ-шавқ бағишлайди:

Рубобим тори иккидур:  
    Бири қувноқ, бири маҳзун  
Ки байтим сатри иккидур:  
    Бири дилхуш, бири дилхун.  
Нигорим чашми иккидур  
    Бири яғмо, бири жоду,  
Бу жодудан икки кўзим  
    Бири Сайхун, бири Жайхун.  
    Жаҳонда икки дилбарнинг  
    Бири сенсан, бири Лайло,  
    Жаҳонда икки ошиқнинг  
    Бири менман, бири Мажнун.  
    Жаҳонда икки юлдуз бор,  
    Бири сенсан, бири Зухро,  
Мисоли икки нуқтамнинг  
    Бири остин, бири устун.

. . . . .  
Ғазал битмоқда сачрабдур  
    Кўзумдан ёш, дилимдан ўт,  
Шу боис икки сатримнинг  
    Бири қатра, бири учқун.

Келиб боғ сайридин Эркин  
Ғазалга тўлқин излардим,  
Кириб келди икки дўстим  
Бирн Сайёр, бирн Тўлқин.

Ҳазажи мусамманн солим (мафонйлул—мафонйлул мафонйлул — мафонйлул) баҳрида ёзилган бу ғазалда шоир таносиб, ташбеҳ, тазод санъатларидан иккилик—жуфтлик қонунияти асосида фойдаланиб, севимли ёрни гоят самимийлик билан улуғлаган, ўз муҳаббатининг беқиёс кучлилигини кўтаринки руҳда ифодалаган. Бу шеърнинг кучи унда муҳаббат туйғусининг юксак кульминацияга олиб чиқиб ифодаланишида. Ана шу соф инсоний муҳаббат китобхонга куч, парвоз бағишлайди, маънавий озик беради.

Биринчи байтдаги икки мисра («Ёшлик девони»да ҳар мисра иккига бўлиб ёзилган)нинг поэтик мазмуни, уларда мантиқий боғланишнинг кучлилиги кишини қанчалик дилхуш этса, худди ана шу мантиқни айрим танқидчиларнинг инкор этиши шунчалик дилхун этади. Ахир, рубобнинг қувноқ тори билан, байтнинг дилхуш сатри, рубобнинг маҳзун тори билан байтнинг дилхун сатри... таносиб ва тазод санъати асосига қурилган бу поэтик образлар бир-бирига қанчалик жўр, мос, ҳамоҳанг эканлиги қалбга ғулғула солмайдими, ҳислар тугёнини ҳосил қилмайдими? Ғазал охиридаги байт шеърни ўзига хос чекиниш воситасида қувноқлик билан яқунловчи ажойиб хотимадир. Шоир параллелизм усулида иккилик атрибутларидан фойдаланиб, инсоний муҳаббатни, ғўзал маҳбубани улуғлаб шеър ёзаётганда икки дўсти кириб келади. Бу, бир томондан, шоир хаёлини бўлади, фикр оқимини ўзгартиради. Лекин бу ҳодисада ҳам яна шоир жуфтлик—иккилик қонуниятининг давомини кўриб, беҳад хурсанд бўлади. Шунинг учун ҳам икки дўстнинг кириб келганлиги ҳодисасини байтга сингдириб, ғазалга хотима қилиб олади. Бу хотима ғазалга ўзига хос қувноқлик, реаллик бахш этади, ҳужжатлилиқ муҳрини босади. Бу байтдаги ҳодиса — икки дўстнинг кириб келиши ишқ дардида ўртанаётган ошиқ қалбига маълум даражада таскин беради, дардга малҳам бўлади. Бундан эса шоирнинг дили равшанлашади, кўнгли яйрайди. Биринчи мисрадаги «сайр» ва «тўлқин» сўзлари билан иккинчи мисрадаги Сайёр ва Тўлқин номларининг мутаносиблиги завқу шавқни янада кучайтиради.

«Ёшлик девони»даги аксарият ғазаллар Эркин Воҳидовнинг аруз, ғазал каби қадимий поэтик формаларда

янги давр мазмуни, садоларини ифодалашдаги ўзига хос маҳоратдан далолат беради. Эркин Воҳидовнинг аруз вазнида яратган асарлари орасида «Ўзбегим», «Инсон», «Қўллар» каби қасидалари алоҳида ўрни тутадн. «Ўзбегим» газал қофиялаш системасига асосланган, рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилотун) баҳрида ёзилган 25 байтли қасидадир. Шеърда «Ўзбегим» сўзи радиф қилиб олинган. Шунинг учун шеърдаги барча фикрлар, тасвир-тавсифлар табний равишда шу сўзга келиб боғланади, унинг мазмунини очади.

Шоир ўлкамиз тарихидаги энг муҳим, характерли ҳужжатларни бадний идрок қилиб, уларни образ сифатида умумлаштириш ва ўзбек халқини характерловчи ҳужжатли образлар сифатида қаторлаштириш усулидан фойдаланади. Бу тарихий фактлар ва образлар, биринчидан халқ тарихининг қадимийлигини, илм-фан, маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшганлигини ёрқин акс эттиради. Шоир шу асосда она халқини Помиру Тянь-Шань тоғларига тенгдош бўлган, Афросиёбда, Урхун хатларида ўз тарихини акс эттириб қолдирган, Беруний, Ал-Хоразмий, Форобий, Улугбек каби буюк олимларни, Навоий, Бобур, Машраб, Муқимий, Фурқат, Нодира каби классик шоирларни етиштирган катта халқ сифатида характерлашга муваффақ бўлган. Албатта, бу тарихий ҳужжатлар ва номлар қуруқ санаб ўтилганда уларнинг таъсир кучи, эстетик қуввати бўлмас эди. Шоир тарихий ҳужжатлар ёки номларни тилга олар экан, уларнинг халқимиз маданияти тараққиётида ўйнаган родини очиш учун ўз эстетик муносабатини кучли ҳарорат билан ифодалайди. Қуйидаги байтга эътибор берайлик:

Туздию Мирзо Улугбек  
Кўрагоний жадвалин,  
Сирли осмон тоқига илк  
Қўйдн нарвон ўзбегим.

Тарихий ҳужжат ҳақидаги биринчи мисрада берилган ахборот иккинчи мисрадаги образли тафаккур билан қоришиб, тарихий ҳодисанинг моҳиятини, поэзиясини, гўзаллигини ва ижтимоий қимматини ёрқин очади.

Алишер Навоий билан боғлиқ тарихий факт ҳам ана шу тарзда сайқал бериб ишланади-да, ўзбек халқининг

бадиний ижод соҳасида юксак босқичга кўтарилганлигидан фахрланиш туйғусини ифодалашга хизмат қилдирилади:

Мир Алишер наърасига  
акс-садо берди жаҳон,  
Шеърят мулкида бўлди  
шоҳу султон ўзбегим.

Бобур, Машраб, Нодира, Фурқат, Муқимий ҳақидаги байтлар ҳам ўтмишдаги шоирларимизнинг дарду аламлири, аччиқ тақдирлари билан куйиб-ёниш туйғуларига тўла бўлганлиги учун гоят таъсирли ва ҳаяжонлидир.

Мирзо Бобур — сен, фиғонинг  
Солди олам узра ўт,  
Шоҳ Машраб қони сенда  
Урди тугён, ўзбегим.  
Шеърятнинг гулшанида  
Сўлди маҳзун Нодира,  
Сийм танни ювди кўз ёш,  
Кўмди армон, ўзбегим.  
Пиғлади фурқатда Фурқат  
Ҳам муқимликда Муқийм,  
Нолишингдан Ҳинду Афғон  
Қилди афғон, ўзбегим.

Бу байтлар ўз халқи, ўз аждодлари тарихидаги фожияли саҳифалар алаmidан ўртанаётган, уларни эслаб нола чекаётган, шу билан бирга тарих доволари оша бизга етиб келган буюк зотлар билан фахрланаётган шоирнинг мураккаб туйғулари ва фикрларига тўла.

Эркин Воҳидов халқимиз тарихининг бойлигини, мазмундорлигини, гўзал қатламларини ифтихор билан варақлашдан ташқари, қонли кураш саҳифаларини кучли ватанпарвар инсонга хос курашчанлик руҳи, алам ва изтироб билан хотирлайди. Натижада, байтлар ҳам кучли эстетик қиммат касб этади ва мураккаб тарих йўлларини ҳаққонийлик билан умумлаштиради. Тарихий воқеаларни изчил синфий позициядан туриб бадиний идрок этиш асосида шоир халқимизни қанчалаб хон, хоқон, султон, қоонлар зулмини бошдан кечирган, Искандар, Чингиз, Боту каби босқинчилар тигига қалқон бўлган, Муқанна, Сарбадор бўлиб босқинчиларга, зулмга қарши курашган халқ сифатида характерлайди. Шоир

Октябрь Революциясининг Россиядаги бошқа халқлар қатори ўзбек халқи тарихида ҳам эрку саодат учун курашнинг янги даврини бошлаб берганлигини «бўлди осмонинг чароғон толе хуршиди билан, бўлди асрий тийра шоминг шуъла афшон, ўзбегим» каби чиройли, чароғон ва хушчақчақ мисраларда ифодалайди. Қасиданинг охириги қисмидаги «Мен Ватанни кўз деб айтсам битта мужгон ўзбегим», «Кўкрагида тоғ кўтарган танти деҳқон ўзбегим», «Ўзлигим билмоққа даврим берди имкон ўзбегим» каби теран маъноли мисралар халқимизнинг социализм даврида эришган эрку бахтини умумлаштиришга хизмат қилган.

Ана шу тарзда бу қасидада ўзбек халқининг тарихий аниқлик ва конкретликка эга бўлган умумлашма образи лирик планда катта маҳорат билан яратилган.

Эркин Воҳидовнинг «Инсон» радиопли қасидаси ҳам замонавий ғоялари, катта поэтик мазмуни ва таъсир кучи билан ажралиб турувчи лирик полотнодир. Бу қасидани ўқиб, инсон тушунчасидаги теран маънони, турли хил инсонлар дунёқарашидаги, характеридаги зиддиятли белгиларни янада чуқурроқ ҳис қиламиз. Қасидада инсон тушунчасидаги диалектика бутун мураккаблиги билан очилади. Асардаги лирик қаҳрамон эски тузумни ағдариб социалистик жамият қурган халқнинг вакили сифатида, энг аввало, инсонни эскиликни емирувчи, меҳнаткашлар эрку бахти учун курашувчи революционер, бунёдкор олий мавжудот сифатида характерлайди. XX асрда жамият тараққиётида эришилган ютуқлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги юксакликлар, илм-фандаги янгиликлар умумлаштирилиб, байтлар замирига сингдирилади ва шу асосда прогрессив башариятни ўзида мужассамлаштирувчи Инсон улуғланади. Масалан, қуйидаги байтларда планетадаги ҳамма жойга одам қадами ва қўли етганлиги, фазога парвоз қилганлиги, иссиқлик ва нур таратувчи энергияларни ўз манфаатига хизмат қилдираётганлиги инсон улуғлигини кўрсатувчи ҳодисалар сифатида умумлаштирилади:

Собиту сайёрада

Инсон ўзинг, Инсон ўзинг,

Мулки борлиқ ичра бир

Хоқон ўзинг, султон ўзинг.

Шамс дил тафтингдадир,

Сайёралар кафтингдадир,

Кенг жаҳон забтингдадир,

Богбон ўзинг, посбон ўзинг.

Дунё миқёсида турли синфлар, турли ижтимоий гуруҳларга мансуб бўлган одамлар томонидан эзгуликлар ҳам, ёвузликлар ҳам содир бўлаётганлиги ҳақида ёрқин тасаввур бериш учун шоир антитеза, тазод санъатидан кенг фойдаланади ва инсон тушунчасидаги қарама-қаршиликларни ҳар бир байтда кучли изтироб билан ифодалайди. «Буида оқ бирла қаро, зулмат, зиё, шоҳу гадо жанг қилурлар доимо, ул ён ўзинг, бул ён ўзинг, гоҳ адолат боғида, пири адоват гоҳида, ўз дилинг даргоҳида шайтон ўзинг, гилмон ўзинг» каби поэтик фикрлар инсондаги ана шу қарама-қаршиликларни жуда ёрқин умумлаштиради. Атом ихтиро қилинганлиги инсоннинг даҳолиги ва қудратини кўрсатувчи буюк кашфиёт сифатида қувончли. Аммо атом бомбалари инсоният ҳаётига хавф солувчи ваҳшат. Одамлар қалбидаги бу мураккаб кечинмалар «Заррани ижод этиб, даҳшат-бало бунёд этиб, оқибатни ёд этиб, ҳайрон ўзинг, хайрон ўзинг» каби мисраларда ғоят кучли, ҳаяжонли поэтик ифодасини тонган. Шоирнинг идеали буюк гуманистик, халқпарварлик, бунёдкорлик фазилатларига эга бўлган инсондир:

Бўлмасин субҳинг қаро  
 Бор бўл мудом борлиқ аро,  
 Ўзини этгил доимо

Инсон ўзинг, инсон ўзинг.

«Инсон» ғоявий-бадий хусусиятлари билан 70-йиллар поэзиясида фахрли ўрнни тутди.

«Ўзбегим» ва «Инсон» қасидаларида бир қарашда анъанавийлик устун бўлиб кўринади. Лекин улар мазмун эътибори билан ҳам, шакл эътибори билан ҳам анъанани янгилаш намунасидир. Бу шеърлар мазмунидаги новаторлик шундаки, шоир ўтмиш давр шоирларидан фарқ қилароқ инсонни, у билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни диалектик ва тарихий материализм дунёқараши асосида таҳлил қилиш ва поэтик идрок қилиш асосида баҳолаган. Буни таҳлил жараёнида кўриб ўтдик.

Бу шеърлар поэтикасига диққат қилсак, уларда шакл эътибори билан ҳам янгиликлар борлигини кўрамиз. Масалан, «Ўзбегим» қасидаси бир қарашда рамали мусамман маҳзуф баҳрида ёзилган ва ғазал шаклида қофияланган. Биринчи байтнинг қурилиши гўё шундан далолат беради:

Тарихингдир минг асрлар  
 Фонлотун фонлотун  
 Ичра пинҳон ўзбегим,

фонлотун фонлуи.  
Сенга тенгдош Помпру  
фонлотун фонлотун  
Оқсоч Тиёншон ўзбегим.  
фонлотун фонлуи.

Бу тўрт қатор шеър аслида икки мисрадан иборат бўлиб, ҳар бир мисрада 4 рукн такрорланади (охиргиси уч бўгинли), ҳар мисрада ўзаро қофияланган, «ўзбегим» сўзи радиф бўлиб келган. Шу жиҳатдан бу байт поэтикаси газалнинг биринчи байти қондаларига тўла мос, фақат ҳар мисра иккига бўлиб ёзилган холос, деб ўйлаш мумкин. Лекин шеърнинг кейинги байтларини диққат билан кузатсак, бир мисранинг сунъий равишда икки мисрага бўлинмаганлигини, балки ҳар мисра мустақил равишда икки рукнли қилиб яратилганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Рамали мусаммани маҳзуф баҳрида ёзилган газалларда мисрадаги сўзларнинг умуман рукнларга, жумладан, иккинчи ва учинчи рукнга бўлиниб тушиши қондага мувофиқ ҳодиса ҳисобланади. Масалан:

Меҳр кўп кўргуздим аммо (меҳрибоне) топмадим.  
Жон баса қилдим фидо о (ромижоне) топмадим.

Бу байтнинг иккинчи мисрасидаги «оромижоне» сўзининг биринчи бўғини иккинчи рукнга, қолган бўғинлари учинчи рукнга тушган. Бу қоидага мувофиқдир. Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидасидаги ҳар бир мисрани 4 рукнли деб фараз қилсак, бирор ўрнида ҳам (биринчи байтдан ташқари) сўз иккинчи ва учинчи рукнга бўлиниб тушмайди. Бу эса ҳар мисра икки рукнли ўлчов асосида яратилган дейишимизга имкон беради. Демак, қасида рамали мусаммани маҳзуф баҳрида эмас, рамали мураббаъи маҳзуф баҳрида ёзилган. Унинг тузилиши ва ўлчови қуйидагича:

Фахр этарман, она халқим,  
Кўкрагимни тоғ қилиб,  
Кўкрагида тоғ кўтарган  
Танти деҳқон ўзбегим,

Бу схемага кўра ҳар тўрт мисра — бир банд, ундаги ҳар мисра икки рукнли, банддаги уч мисра ўзаро қофияланмай эркин келади, тўртинчи мисра шеърнинг биринчи бандидаги жуфт мисраларга қофияланади.

«Инсон» қасидасида биз яна ҳам оригиналроқ бир ҳолатни кузатамиз. Бу асарнинг ҳам биринчи байтини

ўқиганда биз уни рамали мусаммани маҳзуф баҳрида  
газал шаклида ёзилган деб ўйлаймиз:

Собиту сайёрада  
Нисон ўзинг, Нисон ўзинг,  
Мулки борлиқ ичра бир  
Хоқон ўзинг, султон ўзинг.  
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун.

Лекин кейинги байтларни текширишдан ўтказиш бошқача натижаларни беради: ҳар бир банд тўрт мисрадан ташкил топган, уларнинг учтаси ўзаро қофияланган, тўртинчиси биринчи мисрага қофиядош бўлиб келган. Иккинчи рукидаги сўзнинг бирорта бўғини учинчи рукига ўтишига йўл қўйилмайди.

Онан зоринг замин  
Фоилотун фоилотун.  
Танҳо йўғу боринг замин  
Мустафьилун, мустафьилун.  
Хаста беморинг замин  
Фоилотун фоилотун.  
Ўғлон ўзинг, дармон ўзинг  
Мустафьилун мустафьилун.

Қасидадаги барча бандларда ана шу бандлаш ва қофиялаш системаси бузилмайди, изчил сақланади. Фоилотун руки билан мустафьилун рукини бундай комбинацияда ишлатиш янгиликдир ва поэтикага новаторлик билан ёндашиш намунаси ҳисобланади.

Хуллас, Эркин Воҳидовнинг аруз вазнидаги шеърлари ва классик поэзия анъаналарини янгилашнинг, изчил, жиддий изланишларнинг самарасидир. Улар 60—70-йиллар поэзиясида ўзига хос ўринга эга.

## КЕНГ КЎЛАМ ВА ТЕРАНЛИК

Етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Эркин Воҳидов лирикасида яна янгича ўзгаришлар содир бўла бошлади. У энди катта тажриба орттиргач, мамлакатимиз ва чет эллар бўйлаб кўп саёҳатлар қилган, дунё кўрган шоир сифатида ижод қила бошлади. У энди Гётеннинг «Фауст»и, С. Есенин, Т. Твардовский, М. Светлов, Р. Ҳамзатов каби совет шоирлари, Муҳаммад Иқбол (Ҳиндистон), Улфат (Афғонистон) каби Шарқ шоирлари асарларини таржима қилиб, поэтик олами ранг-баранглашган ижодкор сифатида кенг кўламли фикр юритиш босқичига кўтарилган эди. Бу даврда



унинг табиат ва жамият ҳодисаларини бадий идрок этишида мутаффақирлик, фалсафийлик, ҳассослик янада теранлашганлигини ва мукаммаллашганлигини кўрамиз.

«Тирик сайёралар» (1978), «Шарқий қирғоқ» (1981) каби китобларда бу ўсиш ва ўзгариш жуда ёрқин кўзга ташланади. Шоир «Тирик сайёралар» тўпламида «азиз шеърхон дўстларим», дея ўз китобхонларига мурожаат қилади ва бундай деб ёзади:

«Сўнгги йиллар мен учун тинимсиз сафар ва саёҳат йиллари бўлди. Ҳар хил муносабатлар билан Ватанимизнинг турли бурчакларида, бир неча чет эл ўлкаларида бўлдим. Қўлингиздаги тўпламга кирган шеърларнинг кўпчилиги йўлларда тугилган, вокзал ва аэропортларда, купе ва меҳмонхоналарда йўл хотиралари дафтарларининг четига ёзилган. Китобнинг «Тирик сайёралар» деб аталиши ҳам бежиз эмас. «Тирик сайёралар» — аввало менга олис йўлларда йўлдош, давра ва гурунгларида суҳбатдош бўлган, мен доним интилувчи, баҳраманд бўлувчи, табиати ва географияси турли-туман одамлар. Китобим ана ўша одамлар ҳақида».

Эркин Воҳидовнинг «Тирик сайёралар» тўпламига кирган шеърлардаги лирик қаҳрамон ўзини дунёнинг, кoinотнинг бир зарраси, узвий қисми деб билади. «Мен ҳам сендан бир қисм бўлиб, ҳис, идрок, жон ва жисм бўлиб яралибман, яшамоқдаман, ҳаёт билан гоҳ тўлқин аро, хаёл билан гоҳ қирғоқдаман» дея мурожаат қилади у дунёга ва диалектик тафаккурга берилади. Шунинг учун ҳам «деразадан тушган тола нур аро» кезаётган зарраларда ўзга бир дунё, ўзга сайёра аломатларини, хабарларини кўраётгандай ва тинглаётгандай бўлади. У бир томондан дунёнинг зарраси — ҳар бир одам қалбида «яшаётир ўзга сайёра», «унинг ўзи сирли бир дунё», деб инсоннинг улуг мавжудот эҳсанлигини бўрттириб кўрсатса, иккинчи томондан, инсоннинг чексиз фазога кемалар юбориб, кoinотдан ўзига дўст ва йўлдош топиш, бу тор дунёда танҳоликдан қутулиш учун интилаётганлиги ҳақида сўнгсиз хаёлларга берилади («Тирик сайёралар»).

«Ота тилаги» шеъридаги лирик қаҳрамон хаёли ва туйғуларида ҳам қарама-қаршилик диалектикаси акс этади. У бир томондан, ўғил кўрганлигидан бениҳоя қувонч ва шодлик оғушида. У ўзининг янгидан ўсаётган кичик жисми учун жаҳондаги ҳамма азиз нарсаларни муҳайё этишга тайёр. «Кипригига зарра қўнмаса қайғу бахти комил бўлса, толеи бекам, кўрса мен кўрмаган шод-

ликларни у, етса мен етмаган ниятларга ҳам» дея орзу қилади. Бир жиҳатдан қараганда, ана шу шодликлар, ана шу эзгу тилакларнинг ўзи ҳам бир шеър. Аммо шонр ҳозирги замондаги фаровонлик, тўқлик қандайдир тан-тиқлик, ҳаёт қадрига етмаслик, меҳнат завқини туймас-лик каби иллатларни келтириб чиқараётганлигини ҳам кўриб турганлиги учун ўз шодликлари ва эзгу тилакларини ифодалаш билан чекланмайди. Балки ҳодисанинг бошқа қирралари ҳақида ҳам ўйлайди, фикрлайди:

Аммо у бир умр бўлмай ошино,  
Тириклик деганининг заҳмат, дардига  
Била олармикан надир бу дунё,  
Ета олармикан ҳаёт қадрига.

Ҳа, отани ана шу хаёллар ва саволлар ҳам асосли равишда ташвишга солади, безовта қилади. Шунинг учун ҳам у ўғлига «Бахти комил бўлса, толеи бекам», деган ширин тилаклар билан чеклана олмайди. Балки «Оламни елкада кўтармоқ учун дунёга келади, билсанг, эркаклар», деб умр йўлидаги оғир вазифаларни ҳам унинг қулоғига қуяди. «Сени менга берган бу табиатдан сенинг юрагингга олов сўрайман» дея илтижо қилади. Шеърнинг охириги банди ота кечинмалари ва тилакларининг кульминацияси ва якунидир. Унда энг яхши тилак билан бирга лоқайдлик, мешчанлик каби иллатларга қарши кураш туйғуси ҳам жўш уради:

Майли, мушкул бўлсин сен танлаган йўл,  
Толе ҳам, майлига, келмасин осон.  
Фақат одам қадрин билар одам бўл,  
Бўл инсон дардини билгувчи инсон!..

Кўринадики, оддий оилавий ҳодиса — ўғил кўриш муносабати билан ёзилган шеърда ҳам фақат яхши тилак ва қувонч-шодликни эмас, ҳодисанинг мураккаб диалектик қирраларини қамраб акс эттириш тенденцияси бўртиб кўринади. «Зангори шуълалар», «Темиртан даҳолар» ва бошқа шеърларда ҳам биз диалектик кўп қирраликни кўрамиз.

Масалан, телевизорнинг пайдо бўлиши оилалар турмушига янги файз, янги мазмун, янги маданият, янги қувонч киритганлиги шубҳасиз. Шу билан бирга кўпроқ телевизор экрани қаршисида вақт ўтказиш одамларни табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлиш, китоб ўқиш, хаёл суриш, суҳбат қуриш, эртак тинглаш нашъаларидан бир қадар маҳрум қилиб қўймоқда.

Эркин Воҳидов «Зангори шуълалар» шеърида телевизор кўриш ҳодисасининг ана шу яхши ва ёмон томонларини ажиб бир табассум билан умумлаштиради, шу тарзда муайян хавфдан огоҳ қилади, ҳушёр торттиради. Табиатга шайдолик туйғуларини қайта ўстиради. Шённинг маҳорати шундаки, у ана шу телевизорга ва табиатга шайдоликни қиссаи тасвирлаб, завқли ва ибратли шеър ярата олади. Телевизор кўрсатувларининг, кинофильмларининг мазмун-мундарижасини ва унга томошабинлар муносабатини қисқа-қисқа мисрларда ифодалаб, завқ уйғотади:

Оқадир одамлар кўзига  
Зангори экраннинг шуъласи.  
Барчани банд этмиш ўзига  
Бўрининг қуёни қувлаши.

Тугамас катталар бардоши,  
Гўдаклар қарамас овқатга.  
Ўқ тегиб йиқилар қўрбоши  
Штирлиц чап берар офатга.

«Бўрининг қуёни қувлаши», «Штирлиц чап берар офатга» деган қисқа-қисқа мисралар кўп серияли фильмлар воқеаларини хаёлда қайта жонлантиради. Муҳими, одамлар продасида телевизорга ўта маҳлиёлик билан боғлиқ камчилик борлигини аниқлашиб, табассум уйғотади:

Ой ва юлдузлар порлаб турган кечада кезиб юрмиш завқи ҳам ўзига хос майин ҳароратли мисраларда, образли ибораларда ифодаланганлиги туфайли катта таъсир қувватига эга:

Юлдузлар эртаги эшитиб,  
Ўзимни кўкларда сезаман.

Ёки:

Елкамга юлдузлар ёгадир,  
Борлиқда бир ажиб тароват.  
Фалакдан кўксимга оқадир,  
Бир салқин, бир тотли ҳаловат.

«Темиртан даҳолар» шеърида ҳам икки йўналиш, икки хил туйғу ва фикр ёнма-ён давом этади. Биринчидан, лирик қаҳрамон кибернетика институтидаги электр ҳисоблаш машиналарини ихтиро қилган ва уларни халқ

хўжалиги тараққиёти йўлида хизмат қилдираётган олимларни улуғлайди, илмий-техника асрининг мўъжизаларига ҳайрат ва олқиш билан боқади. «Бу ерда фикрлаш тезлиги нурдай», «Биз бирни иккига қўшиб улгурмай, миллиардни миллиардга зарб қилур осон» каби мисраларда илмий ва бадий тафаккурнинг бир-биринга усталик билан уйғунлаштирилганлигини кўрамыз. Кибернетика институтидаги машиналарнинг бири ер қаърига шуълалар юбориб, конлар ҳақида маълумот беришини, бири фазодан тўлқинлар тутишини, бири янги шаҳар учун режа тузишини таъкидлаш билан уларнинг тараққиётимиз суръатини тезлатиш омили эканлиги ҳақида ёрқин тасаввур беради.

Шеърдаги иккинчи йўналиш ҳам ғоят қизиқарли. Шоир бадий тафаккуринга кўра электр-ҳисоблаш машиналаридаги ибратли томонлардан яна бири шундаки, кибернетика оламида режа бор, иш бор, ғайрат бору фитна йўқ, ғийбат йўқ, тамагирилик йўқ. «Ҳеч қачон Қ—14 Д—5 устидан Б—3га ёзмайди юмалоқ хатлар... Темирлар юртида мажлисбозлик йўқ, соатлаб маъруза этмайди ҳеч ким, асаблар торини узмас таҳқир — ўқ, ҳеч кимса йиқилмас кўксин ушлаб жим». Бу образлар ўзининг мажозий маънолари билан одамда кучли ассоциация, нчки бир қаҳқаҳа уйғотади.

Кўринадики, шоир, бир томондан ақлли электрон машиналари амалга ошираётган ишлар тасвири орқали уларнинг ижодкори бўлган инсонни улуғлайди. Иккинчи томондан, одамлар фаолиятидаги айрим нуқсонларни ўткир кесатиқлар, заҳархандалар орқали фош қилади. Шу билн шеър бадий қиммат касб этади.

Эркин Воҳидовнинг «Армон» шеъри кичкинагина поэтик қатра:

Кеча керак бўлдинг,  
Болалик чоғим,  
Сенга қўл узатдим,  
Йўқ, етолмадим.  
Ошкора фирромлик қилди  
Ўртоғим,  
Мен, бор, ўйнамайман,—  
деб кетолмадим.

Бунда шоир ҳаётдаги қарама-қаршиликларнигина эмас, ўз қалбидаги зиддиятлар курашини ҳам юзага олиб чиқади. Яъни фирромлик қилган бир ўртоғига ач-

чиқ ҳақиқатни рўйирост айтиб, қўл силтаб кета олмаганлигидан надомат чекади. «Бор, сен билан ўйнамайман, деб кетолмадим», дейди у беғубор болалигини эслаб. Ана шу надоматда курашчан қалб исёни бор.

Эркин Воҳидов ана шундай кундалик оддий ҳодисалар ҳақида шеър ёза олиш билан бирга жаҳон халқлари тақдири билан боғлиқ катта ижтимоий ҳодисаларни бадний ўзлаштиришда ҳам маҳорат кўрсатади. «Шарқий қирғоқ» шеърисида катта ижтимоий салмоққа эга бўлган поэтик мазмун бор. Унда ҳикоя қилинишича шоир белоруссиялик дўсти шоир Иван Новиков билан поездда Будапештга жўнайди. Купеда қизгин суҳбат давом этади. Дунай дарёсидан ўтаётганда Фарбий ва Шарқий соҳиллар ҳақида гап чиқади. Иван Новиков ҳамма дарёларда ҳам гарбий соҳиллар тикроқ, Шарқий соҳиллар ётиқроқ экани, шунга кўра Улуғ Ватан урушида Фарбий соҳилларни қўлга киритиш жуда катта қурбонлар эвазига амалга ошганлигини изтироб билан гапирди. Иван Новиков гапи: «Ёв ўқи тугади, биз тугамадик, Фарбий соҳилларни олдик ниҳоят», деган хаяжонли поэтик хулоса билан тугайди. Аммо шеър бу билан тугамайди. Эркин Воҳидов Фарбий ва Шарқий соҳиллар ҳақидаги илмий-тарихий гапни бадний тафаккур қозонида қайнатиб мажозий поэтик гапга айлантиради. Яъни Шарқий соҳиллар ҳақидаги гапни Шарқий ярим шарга нисбат беради-да, Шарқ мамлакатларида хору зорликдан қийналиб яшаётган халқларнинг дарду аламини ифодалайди. У Ҳиндистон шаҳар, қишлоқларида неча минглаб жон очлик азобини тортиб, ўлаётганлиги, инсоният «ҳар кун, ҳар лаҳза минглаб одамни шарқий қирғоқларда қурбон» бераётганлиги ҳақида оғир дард билан гапирди. Одамлар тақдири учун жавобгар курашчиларнинг, жумладан, шоирларнинг юраги шарқий қирғоқларда порлаб турувчи машъал бўлмоғи керак, деб ҳисоблайди шоир.

Ана шу шеърларнинг ҳар биридаги ва ҳаммасидаги лирик қаҳрамон теран фикрли, қайноқ қалбли совет кишисидир. У яхшиликлар, гўзалликларнинг оташин ҳимоячиси, ёмонликлар ва қабиҳликларнинг қаттол душмани ва курашчиси.

Эркин Воҳидовнинг 70 ва 80-йиллар ижодидаги янгиликлар ва юксалишлардан бири шундаки, унинг шеъриятида лирик қаҳрамон образи мукаммаллашиши билан бирга лирик персонажлар — лирик характерлар яратиш тенденцияси кучайди ва у яхши самаралар бер-

ди. Қатор шеърларида лирик қаҳрамондан ташқари муайян касбу кор, феъл-атвор эгаси бўлган одамларнинг характери лирик планда тасвирланади.

«Биз ишляймиз» шеърида пахтакор образи яратилди. Лекин у 50—60-йиллар шеърлятида авж олган қаида усулидан эмас, пахтакорнинг мухбир билан мунозараси усулидан фойдаланиш асосида яратилди. Бу пахтакор ўз касбининг чинакам устаси, билимдон, тажрибали, мартабали деҳқондир. Шунинг учун ҳам у пахтакорни баландпарвоз сўзлар билан таъриф-тавсиф қилувчи мухбирнинг мадҳиябозлигига эътироз билдиради. «Бунча баландпарвоз сўзламас эдинг, билсайдинг кўнглимиз, одатимизни», деб мурожаат қилади мухбирга. У пахта етиштиришнинг, деҳқон меҳнатининг қийинчиликлари ҳақида рўйиност сўзлаш тарафдори. «Пахтакор саховати», «Дала полвонлари», «Чавандозлар», «Жонбозлар», «Зафар марраси» каби сўз ва иборалар унга эриш туюлади. Унинг «Қўл қадоғи бору иш адоғи йўқ», «Пахтанинг дўстидан душмани кўпроқ, қурт тушса қўл билан терамиз баъзан, қайтадан экамиз дўл урса паққос», деган гапларида пахтакор деҳқон меҳнатининг қийинчиликлари бирма-бир очилади. Лекин бу ҳам ҳаммаси эмас. Саҳарги ширин уйқудан воз кечиб, гўза суғориш, саратон иссиғида, чопиқ қилиш роҳат эмас, жон азоби эканини очик-ойдин айтади. У айрим хатолар, камчиликлар учун район партия комитетида эшитадиган гапларининг оғирлигини ҳам, терим пайтида райком секретарига йигирма тўрт соат вақт камлигини ҳам, раислар ҳафталаб уйда ётмаслигини ҳам яширмайди. У катта қийинчиликлар билан етиштирилаётган пахта «юртнинг газнасига жарақ-жарақ олтин бўлиб» тушишини ҳам яхши билади. «Кўпкарида отни қамчилаб бир бор «ҳайт» десанг, губоринг чиқиб кетади», «Камимиз йўқ, уйга келганда меҳмон битта қўй сўйишга етар қурбимиз», деган гапларида машаққатли меҳнат ортидаги роҳатларни ҳам ажиб бир мамнуният билан ифодалайди.

Пахтакорнинг оғир меҳнати, гаштли турмуши қирраларини ана шундай ҳар томонлама очини, характерлаши ва баҳолаши натижасида унинг мукамал характери намоён бўлади.

«Бир бурда пон» шеъридаги лирик персонаж ҳам жуда ибратомуз миллий образ бўлиб чиққан. У етмишга киргани учун етти пуд гуруч дамлаб элга ош берган, бадавлат кексалик гаштини сураётган чол сифатида

намоён бўлади. Шеърнинг ғоявий-бадий юксак бўлиб чиқишида шоир маҳорати яққол намоён бўлган. Биринчидан, чолнинг ерда ётган нонни олиши, ўпиши, чет эллик сайёҳнинг уни суратга тушириши, газетада илгогарона ёзув билан чиқариши ҳодисасининг шеър учун поэтик мазмун қилиб олинганлиги шоирнинг ҳаётдан шеърбон материални таплаш ва ишлашдаги ўткир назарлигини кўрсатади. Иккинчидан, шу кичик ҳодиса орқали шоир капиталистик ва социалистик система ўртасидаги аёвсиз ғоявий-сий қурашни кўрсатишга муваффақ бўлган. Учинчидан, ҳолат ва манзарани ифодаловчи мисралар ҳам, ўтмишни эслатувчи байтлар ҳам, мамлакатимизнинг тўқ-фаровонлиги, чет эллардаги оч-юпунларга ёрдам бераётганлиги ҳақидаги сатрлар ҳам гоят ихчам, образли, таъсирбахш. Масалаи, чол билан боғлиқ асосий ҳодисани тасвирлаш учун баъзи бир шоирлар ўнлаб мисраларни сарфлаши ҳам мумкин эди. Бу шеърда эса у ҳодиса бор-йўғи тўрт мисрада ихчам бир шаклда суратга олинган:

Мўйсафид йўл узра бир бурда нонни  
 Тунроқ орасида кўрдию ногоҳ.  
 Аста қўлга олди, ўлди, бу онни  
 «Шилқ» этиб суратга туширди сайёҳ,

Ёки шу чолнинг тўқ, фаровон ҳаёт кечириётганлиги ҳақида ҳам гоят характерли битта деталь орқали ёрқин тасаввур берилган:

Қаёқдан ҳам билсин ғофил одамлар,  
 Бир бурда нон узра энгашган шу чол  
 Кеча ош берганин етти пуд дамлаб,  
 Етмишга етгани учун безавол.

Шоир халқимизнинг оғир уруш йилларида очлик-зорлик азобини тортганлигини тасаввур қилдириш учун ҳам оғир, ҳаяжонли, образли картина яратади:

Уртада бир бўлак қора кепак нон,  
 Очликдан ичига ўтирган кўзлар...

Чет эллардаги муҳтож халқларга ҳаминша ёрдам бериб келаётганлигимиз, у халқлар билан интернационалистик қардошликка асосланган муносабатларимиз, унинг ғоявий асослари қўйидаги содда, ихчам, таг маъноси чуқур ва асосли мисраларда умумлаштирилган:

Биз йўқсил бўлганмиз, йўқсил бу жаҳон  
 Заҳматини тотиб бораётимиз.

Ана шу гоёвий-бадиний фазилатлар туфайли шеър бақувват, ҳаяжонбахш бўлиб чиққан ва чол образи ҳам табаррук миллий одатлар соҳиби, камтарлик, меҳнаткашлик ва виждон тимсоли бўлиб гавдаланган.

Эркин Воҳидовнинг 70-йиллар лирикасида муайян нуқсонларга, иллатларга эга бўлган салбий типлар характерици яратиш ҳам муҳим ўрни тутди. «Манфаат фалсафаси» шеърн одамлар билан муносабатни шахсий манфаат асосига қурувчи салбий типни фош қилишга қаратилган. Шеър бир одамнинг ўз дўстига кинояли насиҳатлари усулида ёзилган. Унинг дўстига хитобан айтаётган сўзларида ўртага қўяётган принциплари шоир идеалига, меҳнаткаш халқ идеалига мутлақо зид. Мана, унинг дўстига айтаётган гаплари: «Тўғрилиқка ҳам ҳад бор, бунчалар ҳалол бўлма», «Сендан ул ва мендан бул», «Нафи йўқ, жиян келса, тоға ҳам қувар», «Қимга тишлатиб қўйсанг, унда тил-забон бўлмас», «Мартаба кулоҳига етса бир куни бошинг, аввало яқин тут хеш ила қариндошинг», «Қимда бўлса истеъдод, кўзласа узоқларни, сен унинг танобин торт, қўллагин пачоқларни», «сув юзида ўйнатсанг, қалқитиб пўчоқларни, ўз йўлин топиб сендан бир сари равон бўлмас»... Лекин шеърда бу одам ана шу сўзларни тагдор киноя билан айтаётганлиги аниқ:

Ушбу фалсафа билан  
Сен узоққа боргайсан,  
Яъни бир кунн жарга  
Е тузоққа боргайсан!  
Манфаатпарастлик бўл  
Маслагинг омон бўлмас,  
Сенга... билмадим, аммо  
Элга ҳеч ёмон бўлмас.

Демак, шоир кинояли насиҳат усулидан фойдаланиб ўз ҳаётиши манфаатпарастлик асосига қурган типнинг характерици очган. Лекин салбий тип характерицини барча қирраларини очишни мақсад қилиб қўймаган. Фақат унинг характерицидаги бир хусусият инсонларга бўлган муносабатни манфаатпарастлик асосига қуриш иллати бош ирода йўналиши сифатида олинган.

«Сен менга тегма» номли манзумада эса айрим бошлиқлар характерицидаги бошқа бир иллат фош қилинган. Ўз мавқеинга футур етишидан қўрқиб, қўл ос-



тидаги ходимлар қилаётган жиноятларга, хиёнатларга бепарқ қараш, «сен менга тегма, мен сенга тегмай» принципи жосида иш кўриш иллати бу. Шоир ана шундай иллатга эга бўлган бошлиқ характери ни фош қилишда мажозий образлардан усталик билан фойдаланади. Бу манзумада тасвирланишича шоир бир хўжаликдан чарчаб келиб, ухлаб қолади ва туш кўради. Тушда намоён бўлган беэга фермада «ҳар ким ўзига излар ўлжалик», «кўнгли чоғ тулки товуқхонада, мушуклар бунда ухлаб семирар, сичқонлар тунда буғдой кемирар. Қўй сўйиб, ёзиб тўкин дастурхон, Қалқирини Този қилмоқда меҳмон». Бу аҳволдан ташвишга тушиб, дод солган туш эгасига чўпон хотиржамлик билан «Мен сенга тегмай, сен менга тегма», дея жавоб беради ва боғни кўрсатади. Боғда ҳам аҳвол шу: «Девпечак учун баланд сўрилар, асал қутида қовоқарилар... Кийиниб укпар чўп ушлаб қўлга, қўшиқ ўргатар Укки Булбулга». Боғбон ҳам «Мен сенга тегмай, сен менга тегма» дейди. Шеърдаги лирик қаҳрамон телефон қўнғироғидан уйғониб эшитса, бошлиқ идорага чақирмоқда. У ўйлайди: бу кун бўладиган мажлисда ташкилотимиздаги камчилик, нуқсонларни очиб ташласаммикин ёки бошимга бало сотиб олмаганим яхшими? Охирида унинг шубҳаларидан виждон даъвати устун келади:

Мени чорлади  
 Ички бир садо:  
 «Агар ҳалолсан  
 Тилингни тийма!  
 Битсени, йўқолсин —  
 Сен менга тегма!»

Шеърдаги тасвирлар шоирнинг мажозий образлар топишида. Уларда айрим шахслардаги иллатларни мужассамлаштиришда, ҳар бир мажозий воқеа замирига аниқ ҳаётний мазмун сингдиришда катта маҳорат кўрсатганлигидан далолат беради. Шоир асар охирида мажозийликдан тўғри маъноликлик усулига ўтади ва лирик қаҳрамоннинг келишувчилик иллатидан воз кечиб, камчилик ва нуқсонларга қарши кескин кураш йўлига ўтганлигини айтади. Шу тарзда истиқболга ишонч билан қараш, курашчанлик туйғусини шеърнинг бош гоёсига айлантиради.

«Оқсоқол» шеърдаги тип ҳам шеърятимиз учун янгилик бўлди. Бу шеърдаги оқсоқол оғир уруш йил-

ларида дўкондаги нон навбатини тартибга келтиришида гўё «катта хизматлар» қилган. Нон олишга шоширган, навбатни бузган болакайлар бошида у шафқатсизлик билан қамчи ўйнатган. Ана ўша пайтларда унда қандайдир оқсоқоллик, хўжайинлик психологияси қарор топганлигини шоир поэтик кузатиш орқали пайқайди.

Эндиликда эса аҳвол бошқача, ҳеч ким ундан қўрқмайди. У одамлар бошида хивчин ўйната олмайди. Лекин у ҳозир ҳам нон дўкони олдида кирган-чиққанларга тикилиб ўтиради. Аммо атрофда қўрқув туйғуси кезмайди. «Қувноқ хандалар» янграйди.

«Оқсоқол» қалбида шукрона борми ёки «хўжайинлик»дан маҳрумлигидан ўкинч туйғуси борми бу ноаён бўлса ҳам, барибир, ҳар бир қулай пайтдан фойдаланиб, одамларга шафқатсизлик билан хўжайинлик қилишни пойловчи одамларни шоир нафрат билан тасвирлайди. Бу шеър ҳақида Иброҳим Ғафуровнинг «Лириканинг юраги» китобида айтилган фикрлар ҳам Эркин Воҳидовнинг лирик характер яратишдаги маҳоратини англашда муҳим аҳамиятга эга.

Эркин Воҳидов чет элларга қилган саёҳатларидан олган таассуротлари асосида бир қанча шеърлар ёзиб, уларда капиталистик дунёдаги оғир қисматли одамлар образини яратди. Канада туркумига кирувчи шеърлар ана шу жиҳатдан характерлидир. «Арслон ўргатувчи» номли шеъридаги образ бир жиҳатдан гўё мамнун ва бахтиёр. Унинг циркдаги ҳар бир сеанси томошабинларнинг гулдурас олқишлари билан қарши олинади. Лекин унинг юрагига чуқурроқ кирилса, ғам-аламлар қатла-ниб ётганлигини кўриш мумкин. Шоир шеърда ўз қаҳрамонни юрагига чуқурроқ киришнинг ажойиб йўлини топган. Бунинг учун у қамчи зарбидан ғазабланган арслонни гапиртиришдек шартли усулга мурожаат қилади. Бу шеър масал эмас, арслон ҳам аллегорик ёки рамзий образ эмас. Аммо арслонни тилга киритиш орқали ўйнатувчининг ҳам гапиртириб, унинг юрагидаги ғам-аламларни тўкиб солиши учун йўл очган. Арслон «ҳалол кучга завол берган, ҳийлага қудрат» берган ва ўзини «банди қафас қилган дунёга лаънат» ўқийди, бошида қамчи ўйнатаётган одамни тилка-пара қилмоқчи бўлиб, даҳшат солади, созуқ тикилади. Олов чамбардан ҳатлаб ўтмайман, дея қайсарлик қилади. Шунда арслон ўргатувчи ўз кўнглини очади. Унинг сўзлари хўжасига қарам бўлган санъаткорнинг оҳу зоридир, нола-фарёдидир. У арслоннинг кучу қудратини, ҳамла

қилса, тилка-пора этишини яҳини биледи. У арслонга нисбатан қув, доғули эканлигини ҳам, лекин тирикликнинг қули эканлигини ҳам тан олади. «Ҳолатимни тушун, исён қилма биродар, чарх олдида инкисимиз ҳам асли баробар. Гарчи арслон ўйнатаман, гарчи мен—одам, ой сўнгида қант кутама хўжамдан мен ҳам», дея зорланади. Шундан сўнг Арслон «Бўлди бас қил, юрагимни қон қилма Инсон! Ут олсин бу чархфалакнинг ризқ-рўзини», деб ўзини олов чамбарга отади. Кўринадики, шоир капиталистик дунё даҳшатларини, меҳнаткаш инсон қисматининг оғирлигини лирик персонажнинг арслон билан «сирланшини» воситасида усталик билан очган, меҳнаткаш элнинг аччиқ тақдирини бор фожиаси билан кўрсата олган.

«Унутиш қўшиғи» шеъридаги одам тақдири янада аянчлироқ. Бу шеърда ҳам шоир образ ҳолатини, психологик тебранишларини унинг ўз сўзлари орқали очади. У кўчага улоқтирилган одам. Унинг сўзларидан англашилшича, у одам бир вақтлар ишлаган, лекин сармоядорлар унинг сувини сўриб, пўчоғини пуфлаб ташлаган. У зулму истибдод «қурбони». Капиталистик жамиятдаги шафқатсизлик, «одам одамга бўри» принципи уни ишдан чиқарган, у олдинги фазилатларини йўқотиб, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бепарво, бепарқ, лоқайд бўлиб қолган. У руҳан мажруҳ бўлиб, йўл четида дунёдан умид узиб ётибди. У ўз ҳолатини юзаси сокин, гаги тўлқинли гаплар билан изҳор этади. У инсоний муносабатлар фақат пул билан ўлчишини, ҳис-имон топталишини кўравериб, шундай аҳволга тушганки, энди дунё кул бўлса ҳам унга бағрибир. Унинг сўзлари аччиқ ва аламли:

Жоним бору юрагим ўлган,  
Очиқ туриб кўрмайди кўзим.  
Қарнидошлар менам қутилган,  
Қутилганман дўстлардан ўзим.

Не наф ўқинч, не фойда алам,  
Дардларимни жим ютмоқчиман.  
Дунё мени унутди, мен ҳам  
Энди уни унутмоқчиман.

Йўл четида беҳол ётибман,  
Не бўлди деб сўрар одам йўқ.  
Олам учун йўқман тамоман,  
Бундай олам мен учун ҳам йўқ.

Капиталистик тузумдаги «Одам одамга бўри» принципи бир гуруҳ одамларни ана шундай фожиали аҳволга, тирик туриб ҳаётдан воз кечиш ҳолатига солиб қўйганлиги бу аччиқ эътирофларда бор даҳшати билан очилган. Бу—фожиали тақдир, фожиали характер. «Кўча четидаги аёл» шеъриси эса яна бошқача тақдир. Кўрсатилган. Бу шеърисидаги образ ишратхона аёли. У ҳам ўз аҳволини, ўз ақидаларини ўз сўзлари билан изҳор этади. Унинг ақидасига кўра «Бу дунёда ҳамма нарса сотилади, мартаба ҳам, истеъдод ҳам, эътиқод ҳам». Шунинг учун у ўз танини пуллашни ор деб билмайди. Лекин бу аёл характеридаги энг кучли бир хислат шуки, у ўз касбини шартли равишда оқлагани ҳолда юқори мансабларда ўтирганларнинг олди-сотди принципи асосида иш кўришларини ўз жамиятининг энг аччиқ ҳақиқати деб ҳисоблайди. Унинг «Аслин олсанг бу ўлкада энг юқори курсиларда ўтирибди ҳам-касблари. Бойваччалар уларга пул сарф қилади. У жаноблар олдида мен пок бир санам», деган сўзларида ана шу аччиқ ҳақиқат кескин фош қилинади.

Бир қанча шеърлар таҳлили шундан далолат бериб турибдики, «Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ» тўпламлари Эркин Воҳидов лирик ижодининг янги босқичи сифатида майдонга келди. Уларда камчилик ва нуқсонларни аёвсиз фош қилиш ҳам, дунё миқёсидаги ижтимоий ҳодисаларга муносабат билдириш ҳам, табиат ва жамият гўзалликларидан, меҳнат бунёдкорликларидан завқланиш ҳам мавжуд. Тўпламдаги шеърлар тематик жиҳатдан ҳам, ғоявий мундарижа эътибори билан ҳам, вазнлари ва бандлари системаси билан ҳам ранг-баранг.

«Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ» тўпламларидаги шеърларнинг поэтикаси ҳам ғоят ранг-баранг. Бу ҳам шоир маҳоратининг юксаклигидан далолат берувчи адабий факт. «Ифтихор туйғуси» бармоқ системасининг 7—7 туроқли баҳрида, тантанавор оҳангда, ҳар банди олти мисрани ўз ичига олувчи мусаддас шаклида ёзилган:

Инқилоб Ватанисан, Ленин мамлакатисан,  
 Эркесвар халқлар учун энг биринчи мададор.  
 Биродарлик мулкисан, дўстлик салтанатисан,  
 Олам мақтаганида мақтанишга ҳаққим бор.  
 Осмон гумбази эмас, гурур тўла кўкракдир,  
 Қуёш эса осмонда дўппимдек чамбаракдир.

В. И. Лениннинг 108 ёшига бағишлаб ёзилган «Боқийликнинг эллик тўрти» сарлавҳали шеърда биз яна бошқача бир формани кўрамиз:

Доҳий яна  
Эллик тўрт ёш  
Бу дунёда яшадн.  
Мангуликдан

Бобо қуёш  
Эллик тўрт йил санади.

Кўринадики, бу шеърнинг бандлари ҳам олти мисрالي. Лекин биринчи, иккинчи, тўртинчи, бешинчи мисралар тўрт бўғинлик, учинчи, олтинчи мисралар етти бўғинлик. Ҳар бандда иккинчи билан бешинчи, учинчи билан олтинчи мисралар қофияланган. Бу ҳам янги бир шакл сифатида дарров эътиборни тортади.

Тема ва мазмуннинг, вази ва бандлашнинг ранг-баранглиги гоят катта аҳамиятга эга. Бу зерикарли бир хилликдан қутилиш йўли, китобхон онги ва туйғусига таъсирни кучайтириш йўлидир. В. Маяковский ўзининг эстетик принциплари ҳақида гапирганда: «Ҳар бир асарда материал ва усулнинг янги-янги бўлиши шарт» деган принципни алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди (СС в 8 томах, 5 том, М., 1968, с. 449).

Материал ва мазмуннинг, шакл ва барча поэтик воситаларнинг ранг-баранглиги талант диапазонининг кенглигидан далолат беради. Эркин Воҳидов лирикасида ҳам ана шундай ранг-баранглик кўзга яққол ташланиб туради. «Тирик сайёралар» 4—5 туроқли ўлчовда, мурабба қофияланиш системасининг абаб шаклида, ижтимоий-фалсафий мушоҳада усулида ёзилган бо-сиқ оҳангли шеър бўлса, «Бонг уринг» шеъри 9 бўғинли бармоқ вазинининг 3—3—3 туроқли ўлчовда зинапояли қилиб ёзилганлиги туфайли мутлақо бошқача ритм ва оҳангларда жаранглайди:

Овозлар,  
борича  
бақиринг,  
Одамлар!  
Ё ҳаёт,  
ё мамот!  
Сим қоқинг,  
ноль бирин чақиринг:  
«Ёгинг» денг,  
«керак» денг,  
«тез нажот!»

Мунозара усулида, жўшқин публицистик услубда б—5 туроқли ўлчовда ёзилган «Бизлар ишляймиз» шеърининг оҳанг, интонациясидан «Матмусонинг дутори» шеъри оҳанги шеърий ҳикоя жанри талабларига мослиги билан яққол ажралиб туради. Мапа, қуйидаги бандларни чоғиштириб кўринг:

1. — Гапнинг бўлса

Мендан тўғрича сўра.

Микрофонингни қўй,

Мухбир укажон!

Мен учун темирга сўзлашдан кўра,

Эртдан-кечгача ер чопган осон.

(«Бизлар ишляймиз»)

2. Матмусо қўй сотгани

Бозорга келиб қолди.

Қайтишда битта қўйнинг

Пулига дутор олди.

(«Матмусонинг дутори»)

Бу иккита шеърдаги ритм, оҳанг, бандлаш система-сида ғазал мисралари поэтикаси яна бошқача эканлиги билан ажралиб туради, албатта:

Шаҳр аро кўзлардан ўзга

Дилкушо маскан топай.

Унда ўзни сен билан

Бир жон кўрай, бир тан топай.

«Шарқий қирғоқ» тўпламида 17 та асар бор. Ана шу 17 асарда 10 хил вазндан (ўлчовдан), шунингдек, ўн хил бандлаш ва қофиялаш шаклидан фойдаланилган. Бу эса шоиримиз поэтик мазмун салмоқдорлиги йўлида қанчалик изланган бўлса, бадний шакл ранг-баранглиги хусусида ҳам шунчалик жон куйдирганлигидан далолат беради. Масалан, «Янги йил орзулари» шеъри 7 бўғинли бармоқ вазнида бўлиб, ҳар банд 8 мисрадан иборат. Биринчи билан бешинчи, иккинчи билан олтинчи, учинчи билан еттинчи, тўртинчи билан саккизинчи мисралар ўзора қофиядош бўлиб келган. Ана шу поэтика воситалари шеърнинг ўзинга хос шакл қурилишини ҳосил қилган:

Дўстлар, биз шу мамлакат

Сафдаги ўғлонлари,

Биз қилган тилакларда  
Унинг шони муддао.  
Юртнинг ташвишу заҳмат  
Севинч ҳаяжонлари  
Бизнинг ҳам юракларда  
Садо берар доимо.

«Сирдарё ўлани» шеърининг поэтикаси яна янгича. Биринчидан, бу шеърда 11 бўғинли бармоқ вазнининг жуда кам учрайдиган 4—4—3 туроқли шакли қўлланилган. Иккинчидан, ҳар банд беш мисрали бўлиб, ундаги тўрт мисра ўзаро қофияланади. Натижада халқ ўланларига мос оҳанг тасаввурни сеҳрлаб олади:

Сен борсанки, кенг воҳада ҳаёт бор,  
Демак юртнинг лабида бол, набот бор.  
Сенда элим саботидек сабот бор,  
Сабит бўлган она сойдан нажот бор,  
Оқиб тургин, қуриб қолма онажон.

Хуллас, Эркин Воҳидовнинг «Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ» тўпламларидаги шеърлар ҳам тематика, ҳам ҳаёт материали, ҳам мазмун, ҳам поэтик воситалари эътибори билан шоир ижодида янги босқич эканлигидан, шоир маҳорати муттасил равишда юксалиб бораётганлигидан далолат беради.

1983 йилда «Ёш гвардия» нашриёти Эркин Воҳидовнинг «Келажакка мактуб» тўпламини нашр этди. Тўпламнинг «Ватан соғинчи» бўлимидаги шеърлар Эркин Воҳидовнинг «Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ» китобларида бўртиб кўринган ижтимоий салмоқдорлик ва кўламдорлик хусусияти ривожланиб бораётганлигидан далолат беради. Чунки унда халқимизнинг катта ҳаёт ҳодисаларига бўлган муносабатини ифодаловчи, гражданлик тафаккури асосига қурилган ижтимоий-публицистик шеърларга кенг ўрин берилган. «Ўзбекистон коммунистлари» ана шундай алангали ижтимоий-публицистик қасидалардан биридир. Унда Ўзбекистон коммунистларининг халқ бахту саодати учун босиб ўтган шонли кураш йўли кучли ифтихор туйғуси билан улугланган ва ёш коммунистлар муқаддас анъаналарни кўз қорачиғидек асрашга даъват этилган. Мен бу шеърни ижтимоий-публицистик шеър деб ҳам, қасида деб ҳам атайман. Бунда қарама-қаршилик бор деб ўйламайман. Чунки бу шеър ўз пафоси, тасвир объекти, яъни Ўзбекистон коммунистларини кўтаринки услубда улуглаши билан қасида жанри талабларига мос келади. Шу

билан бирга уни ижтимоий-публицистик шеър деб аташ ҳам ундаги жанр белгиларига зид эмас. Чунки қасидалар ижтимоий-публицистик ҳам, ҳажвий ҳам, рамзий ҳам, интим-лирик ҳам бўлиши мумкин. Бу ўринда шеърнинг қасида сифатидаги хусусиятлари билан ижтимоий-публицистик шеър сифатидаги хусусиятлари бир-бирига айнан мос келган.

Ватанпарварлик мавзуида ёзилган шеърларнинг сонаноғи йўқ, албатта. Аммо худди ана шу мавзуда Эркин Воҳидов «Ватан соғинчи» номли янги шеър яратди.

Партия, ҳукуватимизнинг мустақиллик ва ривожланиш йўлидан бораётган хорижий мамлакатларга беғараз ёрдами совет мутахассисларининг чет элларга бориб ишлаётганлигида ҳам яққол кўринади. Шунинг учун ҳам Эркин Воҳидов «Ватан соғинчи» шеърини «чет элларда хизмат қилаётган ўзбек биродарларига» бағишлайди. Бу шеърнинг поэтик мазмунини шоирнинг ўз ватандошларининг чет элларда олиб бораётган қаҳрамонна меҳнатидан фахрланиш туйғуси ташкил этади. Бу қандайдир оддий, қуруқ ифтихор эмас. Балки Улуғ Ватан йўлланмаси билан чет эл мамлакатларида қурувчи ё ирригатор, механизатор ё врач, инженер ё таржимон бўлиб ишлаётган ватандошларимизнинг фидокорона меҳнати улуғловчи ифтихор туйғусидир, катта ижтимоий ватанпарварлик туйғусидир. Шоирни тўлқинлантирган ҳодиса фақат ватандошларининг чет эллардаги меҳнат қаҳрамонлиги эмас, балки уларнинг ўз кўнглидаги ватан соғинчи туйғусини енгиб, ҳижрон азобиға бардош бериб яшаётганлигидир. Ана шу поэтик фикрнинг ўзи ватанпарварликни гоят оригинал, ҳаётий, янги шаклда ифодалаш намунасиға айланган.

«Олег Кошевойнинг нидоси», «Райком секретари», «Максим Горький билан суҳбат», «Келажакка мактуб» каби шеърлар ҳам ўз материали ва мазмунининг салмоқдорлиги, туйғулари ва поэтик фикрларининг жўшқинлиги билан, шакли ва поэтик воситаларининг жозибадорлиги билан эътиборни тортувчи ҳаяжонбахш лирик асарлардир.

«Келажакка мактуб» тўпламидаги бундай шеърлар «Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ» тўпламларидаги ижтимоий эстетик салмоқдорлик тамойилининг давоми бўлса, «Биз Дониш қишлоқданмиз», «Дониш қишлоқ латифалари» туркумидаги шеърлар Эркин Воҳидов ижодидаги яна бир тамойилнинг ривожланганлигидан, янги босқичға кўтарилганлигидан далолат беради. Бу шоир-



нинг мутойиба ва ҳажвий шеърлар яратиш маҳорати билан боғлиқдир.

Лирик шоирлар қалами остидан яхши оригинал ҳажвий шеърлар чиқиши мумкин деган тушунча бор. Эркин Воҳидовнинг «Келажакка мактуб» тўпламидаги мутойиба, ҳажвий шеърлар бу ақиданинг тўғрилигини яна бир марта тасдиқлайди. Чунки бу шеърларда энгил табасумдан тортиб аччиқ кулгугача, қувноқликдан тортиб қаҳқаҳагача кулгининг ғоят турли-туман даражаларидан моҳирона фойдаланилган. Масалан, «Соф ҳавонинг фойдаси» шеъридаги эр-хотин муносабатлари ва ҳолатлари энгил кулгу ҳосил қилади. Бу шеърдаги лирик қаҳрамон аввал «келишиб олганмиз гўшангадаёқ,— жаҳлдан жунбишга келсак биримиз ҳавога чиқамиз бошқамиз шу чоқ», дея эр-хотин муносабати билан боғлиқ оддий сирни ошкор қилади. Кейин эса «Хотин билан қирқ йил яшаган бўлсам, қирқ йил соф ҳавода кечди ҳаётим» дея яна бир жиддий «сир»ни очади. Натижада вужудимизни «беозор» кулгу қамраб олади. «Елим айтар» шеърида эса умрини лаганбардорлик билан ўтказувчи «елим»лар аччиқ заҳарханда билан фош қилинади.

«Мажлис қилинг» шеърида В. Маяковскийнинг «Мажлисбозлар» шеъридаги анъаналар аруз ва мухаммас поэтикаси воситаларидан фойдаланиш асосида давом эттирилади. Лирик қаҳрамон турли тоифадаги одамларга «мажлис қилинг» деб хитоб қилар экан, бу хитоблар замирига кесатиқли кулги оҳангини сингдиради. Шоирнинг «Овчилар, сиз отгани қуш бўлмаса, мажлис қилинг, Аҳли бозор, сотгани гўшт бўлмаса, мажлис қилинг» каби мисралари ғоят кучли, ўткир, нишонга урадиган кесатиқлар билан оригиналлик касб этади. 8 бандлик бу мухаммасда бундай кучли кесатиқ ва заҳарханда билан йўғрилган тасвирлар кўп. Улар асосий ишни мажлисбозликдан иборат деб билувчи, асосий вақтини беҳуда мажлисларда исроф қилувчи ходимларни аёвсиз фош қилади.

«Донш қишлоқ латифалари»да шоир халқ оғзаки ижоди анъаналаридан, эртақлар, латифалар усуллари билан усталик билан фойдаланади ва ғаройиб шеърый латифалар яратади. Бир латифада Матмусонинг бозордан сотиб олган сувсар телпагини дўстлари билан ювиш ниятида ресторанда ичишиб, охирда пул етмай, телпакни топшириб юбориши кулги уйғотса, бошқа бир латифада Матмусонинг кўчадаги бўялган симёғочга осиб қўйилган қоғозни ўқиш мақсадида тирмашиб чиқиши, «Симё-

ғоч бұялган» деган ёзувни ўқиб тушиши давомида янгина шим-кўйлагини булғаша қаҳқаҳа ҳосил қилади. «Матмусо рассом», «Тандир кийган Матмусо» латифаларида баён қилинган воқеалар ҳам ғоят кулгили ва ибратомузлиги билан ажралиб туради.

«Тандир кийган Матмусо» латифасида ҳикоя қилинишича, у бозордан тандир сотиб олади-да, бошига қоплаб эшагига минади. Эшак эса уйга йўл олиш ўрнига қаёқда ўтлоқ яхши бўлса, шу томонга қараб кетаверади. Матмусо уйига етолмайди. Бу латифа воқеасига шоир охирида мажозий маъно беради:

Аё дўстлар адашган  
Бир мўминдан кулмайлик.  
Матмусодек ўзимиз  
Тандир кийган бўлмайлик.

Бу охириги мисраларда «Матмусодек ўзимиз тандир кийган бўлмайлик» дейиш билан шоир умуман ғафлатга ботиб, тараққиётнинг катта йўлидан четга чиқиб адашиб юрган, орқада қолган одамларга кесатиқ қилмоқда, уларни ғафлатдан огоҳ қилмоқда.

Хуллас, «Келажакка мактуб» тўпламида Эркин Воҳидов юморист ва сатирик шоир сифатида бўй кўрсатди, ўз истеъдодининг янги бир қиррасини кенг кўламда намоён қилди, деб айта оламиз.

Унинг қаламидан нозик қалб торларини чертувчи лирик шеърлар, ғазаллар ҳам, катта гражданлик туйғуларини ифодаловчи ижтимоий-публицистик шеърлар ва қасидалар ҳам, йиғлатувчи марсиялар ва кулдирувчи ҳажвиялар ҳам ипакдек эшилиб чиқмоқда. Булар ҳаммаси шоир ижодининг кенг кўламли ва ранг-баранг жиқли бўлиб ривожланаётганлигидан далолат беради.

## ШИРИН ВА АЧЧИҚ ДОСТОНЛАР

Эркин Воҳидов ижодининг салмоқли бир қисмини достонлар ташкил этади. Унинг турли йилларда ёзилган «Буюк ҳаёт тонги» (1960), «Орзу чашмаси» (1964), «Нидо» (1964), «Палаткада ёзилган достон» (1966), «Чароғбон» (1970), «Қуёш маскани» (1972), «Рухлар исёни» (1980), «Кўҳинор» (1982) каби достонлари ана шундан далолат беради.

Эркин Воҳидов республикамизнинг иккита катта мукофотини достонлари учун олди. Унга 1967 йилда «Буюк ҳаёт тонги», «Нидо», «Палаткада ёзилган достон» номли

достонлари учун республика Ленин комсомоли мукофоти, 1983 йилда «Шарқий қирғоқ» тўплами ва асосан ундаги «Рухлар исёни» учун Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофоти берилди.

«Буюк ҳаёт тонги» В. И. Ленин ҳақидаги достондир. Гарчанд адабиётимиз В. И. Ленин ҳақида Ойбек, Ф. Гулом, Ҳ. Олимжон, Миртемир ва бошқа шоирларнинг оташин шеър ва балладалари, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Уртоқ Ленин», Асқад Мухторнинг «Мангуликка дахлдор», Ҳ. Шариповнинг «Қуёшга ошиқман» каби достонлари бўлса-да, Э. Воҳидов достони Володя Ульяновнинг Симбирск гимназиясида ўқиб юрган пайтларидаги ҳаётдан баъзи бир лавҳаларни акс эттирувчи асар сифатида ўзига хос ўрин тутди.

Шоир тўқиган лавҳалар, ҳаяжонли тасвирлар Володяда инсон эрки учун, яхши ҳаёт учун кураш орзуси ёшлигиданоқ туғилиб, ўсиб борганлигини очишга хизмат қилган. Гимназист Володя Симбирскда гуллаган баҳор фаслида табиат гўзаллигига шайдо бўлиб кезиб юрар экан, «қани, бўлса ҳаёт ўзи, турмуш ўзи бир баҳор! Меҳнат севган одамни у хор-зор этиб қўймаса, бу ҳаётда инсон мангу яшаса-ю, тўймаса!» деб орзу қилади, ширин хаёлларга берилади. Шу пайтда Свяга дарёси қирғоғидан «Дод, ёрдам беринг!» деган қичқириқ эшитилади. Володя ўзини сувга отади ва Петя деган ўсмирни ҳалокатдан қутқаради. Ана шу ўйлар ва конкрет лавҳа орқали шоир Володяда туғилаётган донолик ва жасурлик куртакларини кўрсатишга муваффақ бўлади.

Балиқчи чол мужикларнинг оғир қисмати ҳақида Володяга сўзлаб берган ҳикоя унинг онги ўсишида муҳим роль ўйнайди. Чунки унда тун бўйи китоб ўқиб, жумбоқ саволларга жавоб излаш янада кучаяди. Мушфиқ, меҳрибон онаси эрталаб ўғли ётоғига кирганда Володянинг кундалик дафтарида шундай ёзувларни кўради:

Инсон дарё ёқасида,  
аммо ўзи сувга зор.  
Инсон ўзи боғ ўстирар  
тотиб кўрмас мевадан.  
Инсон ўзи бино қураар  
умри ўтар беватан.

Бу ёзувлар унинг тушунчаси, ақли, билими конкрет ҳаёт воқеа-ҳодисалари таъсирида ва китоблардан олган

сабоқлари асосида юксалиб борганлигини кўрсатади.

Володянинг акаси Саша билан шахмат ўйнашини, уни мот қилгандан сўнг ваъда қилинган китобни талаб қилишини тасвирловчи эпизод ҳам ғоят чиройли ва мазмундор. Унда Володянинг жуда кўп бадийий сиёсий китоблардан лабардорлиги очилади. Лекин акаси унга бу гал К. Маркснинг «Капитал» китобини беради.

Достон Александр Ульяновнинг Петербургга бориб, подшога қарши уюштирилган суиқасдда қатнашиши, қамоққа олиниши, қатл қилиниши ва Володянинг «Биз бошқа йўлдан борамиз» деган сўзлари билан тугайди.

Бу достон Эркин Воҳидов ижодининг бошланғич даврида ёзилган эди. У 1960 йилда бошланган. Ҳали бирор шеърый тўплами босилиб чиқмаган бир даврда бу достонни бошлашнинг ўзи катта жасорат эди. Шунинг учун ҳам Эркин Воҳидов достонни бошлар экан, юрагига ваҳима тушганини эътироф этади:

Куч синамай шеърятда  
Бирор достон битмасдан,  
Дурустроқ шеър ёзиб ҳатто  
Элга манзур этмасдан,  
Бу чамандан узмай бир гул,  
Қамол топмасдан ҳали,  
Қандай журъат этди кўнгил  
Бу ишга қўл ургали?

Ўзининг бу саволларига жавобан шоир В. И. Ленинга бўлган буюк бир муҳаббат шундай достон бошлашга ундаганлигини ёзади.

Ёш шоир ўз достонини ана шундай иккиланишлар билан ваҳима ичида бошлаганлигига қарамай, гимназист Володя ҳаётидан ҳикоя қилувчи ҳаяжонли бир асар яратишга муваффақ бўлган. Ундаги лавҳалар, тасвирлар Володянинг серғайрат, доно, билимли, узоқни ўйловчи йигит бўлиб ўсганлигини ёрқин гавдалантиради.

Эркин Воҳидов 1970 йилда «Чароғбон» достонини ёзди. Бу буюк Ленин образини яратиш йўлидаги яна бир қадам эди. Уни шоирнинг ўзи достон деб аташдан қочиб, «Лавҳа» деб атаган. Ҳақиқатан ҳам асар В. И. Лениннинг рус олими Глеб Кржижановский, инглиз ёзувчиси Герберт Уэлс билан суҳбатини ҳамда Қашино қишлоғига бориб, меҳнаткашлар билан учрашувини тасвирловчи иккита кичик-кичик лавҳадан иборат, холос. Лекин ана шу кичик лавҳаларда шоир В. И. Ленинни келажакни ўз тасавурида аниқ жонлантирувчи буюк

даҳо сифатида, шу билан бирга меҳнаткаш эл билан бир тан бир-жон бўлиб кетадиган оддий одам қиёфасида гавдалантиришга ҳаракат қилади. В. И. Лениннинг мамлакатни электрлаштириш, ГОЭЛРО планини амалга ошириш йўлидаги фаолиятини даҳоликнинг муҳим бир қирраси сифатида тасвир этади шоир. Шунинг учун ҳам доҳийнинг, оддий меҳнаткаш инсонлар хонадонини электр нури билан ёритиш йўлидаги чароғбонлигини гоят кучли ҳаяжон ва ҳарорат билан улуғлайди.

«Қуёш маскани» Ленинча миллий сиёсатнинг, улуг социалистик дўстликнинг тантанаси ҳақидаги янгроқ тарона сифатида туғилган дostonдир. Бу дostonдаги дўстлик, қардошлик ҳақидаги илғор гоёлар, муҳим фикрлар лирик қаҳрамоннинг самимий ташаккурномасидир. У Останкино минораси кафесида ўтириб ўй сурар экан, жонажон Ўзбекистоннинг қардошлик оиласида камол топганлигини хаёлидан ўтказди. Шундан ўз қалбида пайдо бўлган қувонч ва ифтихор туйғусини лирик ҳарорат билан ифодалайди.

«Нидо» Улуғ Ватан уруши жангларида шаҳид бўлган оталарнинг қаҳрамонлиги ва гўдакликда етим қолиб, азоб-уқубатда вояга етган фарзандларнинг замон олдидаги масъулияти ҳақида ёзилган дostonдир.

Дoston туйғулар туғени жўш урганда, шунга сабаб бўлган воқеа-ҳодисаларнинг характерли лавҳалари шоир тасавурида аниқ жонланганда туғилади. Фақат воқеанинг чиройли тасвири, ёки фақат туйғунинг узундан-узоқ ифодаси билан чекланиб, яхши дoston яратиш имкони йўқ. Дoston эпик ва лирик тасвирнинг ўриш-арқоғдай бир-бирига йўғрилишини талаб қилади. «Нидо» да ҳам биз бу қонуниятнинг ўзига хос бир тарзда намоен бўлишини кўраимиз.

Фалон темада битта дoston ёзай деган ақл кўрсатмасидан эмас, отани қўмсаш ва ота руҳи олдидаги масъулият ҳисси ором бермаслигидан «Нидо» дostonи туғилган. Шунинг учун ҳам асар фронтда ҳалок бўлган отасини соғиниб ўртанаётган ўғилнинг безовта хаёллари ва изтироблари билан бошланади:

Ҳайқираман,  
Тоғлар бағридан  
Гумбурлага садо келади.  
Она-Ернинг оташ қаъридан  
«Ўғлим» деган нидо келади,  
«Ўғли-и-им!»

Вужудимни қоплар аланга,  
Бўғзимга тиқилар ҳаяжон.  
— Мана, мен ўғлингиз,  
Дардли оламга  
Сиздан танҳо ёдгор  
Сўйланг, отажон!

Истеъдоднинг кучи шундаки, шоир ана шу мисралардаёқ ўз юрагида кучли бир армон тугён қилаётганини ўта ҳаяжонли бир тарзда ифодалаб, шу дардга ўқувчини дарҳол шерик қилиб ола билган. Муқаддимани ўқиган китобхон қалби алам ва изтироб билан тўлади.

Хўш, фронтда ҳалок бўлган ота дийдорини кўриш, сўзларини эшитиш армони юрагида қайнаган одам ҳаёлига шу пайт нималар келиши мумкин? Албатта, отанинг ва оталарнинг ҳарбий хизматга жўнаши манзаралари ҳаёлга келиши табиий. Шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон тасавурида қишлоқ кўчаларида елиб-югуриб юрган олов болалиги ва шу пайтда сон-саноқсиз одамларнинг этниклар зарбидан ерни титратиб, саф-саф бўлиб ўтаётганлари жонланади. Унинг дадаси ҳам ўшалар орасида. Ёш бола «Дада! Дада!» деб қичқирганча қолади. Беш-олти яшарлигида кўрган бу манзаралари унинг тушида давом этади.

Хаёл ҳаракати ҳам, хаёлда жонланган воқеаларнинг дoston сюжетидан ўрин олиши ҳам табиий, ҳаётий, реал. Она ўғлини юпатар экан, Ватanning узoқ сарҳадларида ёв қузғунлари ўлим сочаётганлигини, отаси ана шу қаттол ёвга қарши жанг қилаётганлигини, нурафшон келажакка ёшлар эга бўлажagini ўғли қулоғига қуяди. Шу билан севимли ёрини соғиниб ўртанаётган садоқатли аёл эканлиги ҳам очилади. Босинқираб уйғонган болани юпатиш муносабати билан айтилган сўзлари онанинг, мушфиқ, меҳрибон, мўътабар, доно сиймосини гавдалантирувчи ҳароратли монолог бўлиб чиққан ва сюжет доирасининг ғоят зарур ва табиий ҳалқасини ташкил қилган.

Ана шу монологда аёл, биринчидан, азиз боласини «Нега, йиғлаяпсан ёлғизим, қўзим, тун узoқ, ухлай қол, кўзларингни юм. Ором ол, мен сенга аллалар айтай, тонгда пешонангдан ўпиб уйғотай», дея юпатаётган оддий, ҳаётий, меҳрибон, ширин сўз она сифатида кўрилади. Бу тасвирда «Сен етим эмассан» шеърининг таъсири сезилиб туради. Иккинчидан, умуман, авлодларни эзгулик, муқаддас инсонийлик руҳида тарбияловчи, ер ва инсониятни ҳалокатдан сақлаб, жаннат-бўстонга ай-

лантиришга даъват этувчи умумлашма романтик образ қиёфасида гавдаланади. Унинг қуйидаги сўзларида буни яққол ҳис қилиш мумкин:

Бизлар ҳам ўтамиз,  
Вақт келиб бир кун  
Сизларга қолади  
Муқаддас замин.  
Сиз уни авайлаб  
Кафтда тутасиз,  
Шараф йўлларидан  
Олиб ўтасиз.  
Оташ-алангага  
Тутмайсиз уни,  
Даҳшат уммонига  
Отмайсиз уни.

Боласини юпатаётган оддий реал онанинг бундай умумлашма қиёфа касб этиши, барча мўътабар оналар номидан барча болаларга мурожаат қилиши, авлодлар вазифаси ва масъулиятини уқтириб насиҳат қилиши — бу фақат шеърятдагина, дostonлардагина содир бўлиши мумкин бўлган адабий қонуниятдир, поэтик идрокнинг нодир ҳодисасидирки, у китобхонни ишонтиради, юрагига эзгулик уруғларини сочади.

Достондан яна беш-олти яшар боланинг ўйин-кулгида вақт ўтказиши билан боғлиқ лавҳалар ўрин олади. Аммо бу ўйин-кулгилар ёш боланинг ва вояга етган йигитнинг кўзи ва идроки билан қориштириб таҳлил қилинганлиги учун катта мазмун ташувчи контрастларга тўла:

Бурчаклардан бир-биримизни  
Ёғоч милтиқ билан отамиз.  
Биз билмаймиз қай биримизнинг  
Уққа учди бу вақт отамиз.  
Кўксимизни ушлаганча жим,  
Илқиламиз, ўлган бўламиз,  
Биз дунёда ростакам ўлим  
Борлигини қайдан биламиз.

Ўғилнинг мактабга бормасдан олдин алифбе ўрганиши, сўнг жилд кўтариб мактабга бориши, савод чиқариб, дадасига хат ёзиши, бу хатга жавоб ўрнига қоракхат келиши, отасининг ёв қисми томон разведкага бориб, қаттол жангда ҳалок бўлганлиги каби воқеаларни акс эттирувчи лавҳалар ихчам бир тарзда тасвирланади ва сюжет чизгидан ўрин олади.

Тўртта разведкачи йигитнинг қаҳрамонона жанги ва фидокорона ўлими тасвирида ўзига хос табиийлик ҳам бор. Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун» балладасининг таъсири ҳам бор.

Жангчи Турсун ўлимининг тасвири:

Эркаланиб ётади  
У Ватан тупроғида.  
Ёш бола ётганидек  
Онанинг қучоғида.

«Нидо»даги разведкачилар ўлимининг тасвири:

Тунги оғир жангдан сўнг,  
Гўё тин олар бари.  
Она бағрида ётган  
Масъум гўдак сингарн.

Разведкачи ота ўлимини тасвирловчи эпизодда сюжет воқеалари ўз ниҳоясига етади, аммо дoston ҳали тугамайди. Сюжет воқеаларидан таъсирланиб, чуқур ўйга чўмган йигитнинг фалсафий поэтик мушоҳадалари дoston хотимасини ташкил этади. Охир-оқибатда ана шу хотима — монолог дostonнинг юксак ижтимоий ва эстетик қимматини белгилаб беради. Лирик қаҳрамон тенгдошларига хитоб қилади:

Ерни тепма,  
Аста бос қадам,  
Етар унинг чеккан озори.  
Биз турган ер,  
Биз кезган олам,  
Улкан коммунистлар мозори.

Бу нидо кимни ҳаяжонлантирмайди, қайси бир қалбга ларза солмайди, кимни ўйлантирмайди. Тўрт мучали соғ ҳар қандай одам бу мисраларни ўқиганда Улуғ Ватан уруши қурбонларига юрак-юрагидан таъзим бажо келтиради, улар жонфидо қилиб сақлаб қолган Она-Ватан тупроғи муқаддаслигини янада чуқурроқ ҳис қилади, унинг дахлсизлиги учун оёққа туради. Бутун ер юзида тинчликни сақлаб қолншга ўзини масъул деб билади. Хуллас, «Нидо» ҳажм эътибори билан жуда кичик, мазмун ва ғоя эътибори билан улкан поэмадир.

Эркин Воҳидовнинг «Палаткада ёзилган дoston»и ўзбек поэзиясини янги услубдаги бир дoston билан бо'йитди.

1966 йил 26 апрель соат бешу 23 минутда Тошкентда 7—8 балл куч билан ер қимиради. Бу табиат стихия-



сининг энг фожиали томони шунда бўлдики, биринчи зилзиладан сўнг ҳам кўп ойлар давомида сутканинг турли соатларида ер қайта-қайта силкиниб турди. Апрель, май ойида ер 500 марта қимирлади. Шунинг учун зилзилага дош берган уйларда ҳам одамлар яшай олмай қолдилар. Кўчаларга қатор қилиб палаткалар ўрнатилди. Оилалар қаватлардаги уйларда тинч ётолмай, ана шу палаткаларда яшашга мажбур бўлдилар.

Тошкентда зилзила узлуксиз давом этиб турган, одамлар тинчини йўқотган, асабийлашиб қолган, партия ва ҳукумат зилзила оқибатларини йўқотиш учун шошилиш чоралар кўраётган, барча қардош республикалардан янги-янги қурувчилар отрядлари келиб иш бошлаган, шаҳар катта қурилиш майдонига айланган бир пайтда Эркин Воҳидов бу ҳодиса ҳақида ёзишни ният қилди. Бу материал асосида турли шаклларда дoston ёзиш мумкин эди, албатта. Аммо Эркин Воҳидов юрагида у дoston — репортаж сифатида туғила бошлади. Шунинг учун ҳам дostonда газета тили ва стилидаги расмий ахборотлар билан шеърий репортажларни, зилзила билан боғлиқ ҳаётий ҳодисалар тасвирини ёнма-ён ва кетма-кет бериб бориш асосий усул сифатида қўлланилади ва бу усул мўъжазгина оригинал бир дoston яратиш учун асос бўлади. Расмий хабарлар, шеърий тасвирлар қўшилиб, зилзила даҳшати ва фожиаларини ёрқин гавдалантирувчи манзаралар ҳосил қилади. Қулаган деворлар, қалқиб турган ер, «Бола қичқирғи, аёлнинг доди, итлар вовиллаши, «сирена овози» — булар қисқа-қисқа репортаж-тасвирлар сифатида китобхон асаб торларининг тарапг тортилишини таъминлайди.

Шоир ана шу даҳшатли ҳолат муносабати билан ўзини турли хил тутган одамлар ҳақида тасаввур ҳосил қилувчи штрихлар чизади. Баъзи бир расмий амалдаги одамлар шиорлар ва плакатлар тайёрлаб, бинолар пештоқига илишни ўз вазифалари деб биладилар. Шошилиш илинган ана шундай плакатлардан биттаси тушиб кетиб, бир чолнинг пешонасини ёради. Баъзи одамлар ваҳимачиликларини ошкор қиладилар. Шундайлардан бири Қаршига телефон қилиб, «Тошкентда ер ёрилиб кетди, энди шаҳар тамом», деб ваҳима қилади. Бошқа бири қўрқиб, Қримга учиб кетади. Яна бири атеист бўлишига қарамай, ош дамлаб худойи қилади. Бир мулла: «зилзила гуноҳкор одамлар бошига худо юборган жазо», деб тушунтира бошлайди. Яна бир шахс зилзилада

уйи айтарлик зарар кўрмаган бўлса ҳам, аризабозликка ўтади, янги уй ундириб қолиш пайида бўлади. Хуллас, бу штрихлар турли хил характердаги одамларнинг ички дунёсини очади, демак, муҳим ғоявий-бадий вазифани бажаради.

Лекин шоир халқнинг асосий қисми сабот ва матонат кўрсатиб, ўз ишини тинч ва вазминлик билан давом эттираётганлигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам «Одамлар, одамлар — мужассам сабот» — дея ифтихор билан таъкидлайди шоир. Достондаги «Т—34», «Болаларни жўнатиш», «Келинчак», «Ўзбек қизи Любовь Тимченко», «Шаҳар ижрокомининг раисига ошиқлардан ариза» деб номланган боблар Тошкент зилзиласи билан боғлиқ энг характерли ҳодисалар ҳақида ёрқин тасаввур берувчи шеърини лавҳалардир. Улар мавзунинг турли қирраларини ёритувчи қисмлар сифатида бир-бири билан узвий боғлиқ, улар бир-бирининг давоми, бир-бирининг ривожидир. Бу лавҳаларнинг ҳар бирида қанчадан-қанча ҳаётини материал ва мазмун, қанчадан-қанча изтироб ва алам, қанчадан-қанча умид ва шукрона бор...

Масалан, «Т—34» бобида шоир танкнинг ўзини «гапиртириш» усулидан фойдаланади. Танк зилзила оқибатларини йўқотишда қатнашаётганлигидан фахрланади. «Юбордилар майдон тозалаш учун. Кўриб турибсанки уй бузмоқдаман, кетмон хизматини қиляпман бу кун», дейди у қурувчи йигитга. Лекин Танк монологининг моҳияти шундаки, унда ўтган уруш даҳшатлари қайта хотирланади ва янги уруш оловини ёқиш йўлидаги уринишларга қарши исён руҳи ифодланади.

Улуғ Ватан уруши fronti ва зилзила fronti ҳодисаларини бир-бирига турли хил боғланишларда қиёс қилиб тасвирлаш бобларнинг ва умуман достоннинг теран мазмунли ва ҳаяжонли бўлиб чиқишида муҳим роль ўйнаган. «Т—34» бобида бўлганидек, «Болаларни жўнатиш» бобида ҳам бу яққол кўзга ташланиб туради. Шоир тошкентлик болаларни уч ойга Москва, Киевга жўнатиш манзарасини тасвирлар экан, чорак аср олдин эшелонларнинг урушда хонавайрон бўлган оилалар болаларини олиб Тошкентга келганлигини хотирлайди. Уруш кунлари ўша эшелонларда келган болалар, балки бу кун ўз боласини ғарб томон жўнатаётгандир, дейди. Шоир Подмосковье ўрмонларида дам оладиган болалардан илтимос қилади:

Мабодо кўрсангиз танҳо қабри,  
Майли ким бўлмасин,  
Гуллар терган дам,  
Укалар, мен учун бир чечак қўйинг,  
Ўша ерда қолган менинг ҳам акам;

«Келинчак» бобида гўзал ёш келинчакнинг эс-ҳушини йўқотиши, гоҳ йиғлаб, гоҳ кулиши зилзила фожиаларидан бири сифатида аччиқ алам ва изтироб билан тасвирланади. «Доктор, мана, менинг юрагим, олинг Ва лекин ҳаётга қайтаринг уни, усиз ёруғ дунё ҳувиллаб қолар», дея ўртанади шоир.

«Ўзбек қизи Любовь Тимченко» боби ҳам катта ҳаётини мазмунга эга бўлган бир қиссадир. Тошкентни қайта қуриш учун Украинадан келган бу қиз уруш йилларида Ўзбекистонда Абдураззоқ ака ва Шарифанисо опа оиласига қиз қилиб олинган ва тарбияланган. Уруш тугагандан сўнг дадаси келиб, Украинага олиб кетган. Лекин куз кечаларидан бирида унинг дадасини олиб кетадилар. (У асирликда бўлган эди). Қиз вояга етиб, ҳунар мактабида ўқиб, пайвандчи бўлган. Тошкент зилзиласини эшитгач, кўплар қатори бу ерга келган. Любовь кун бўйи қурилишда ишлаб, кечқурун шаҳар кезади, тошкентлик онаси Шарифанисо аяни излайди, ё ўзини, ё қабрини топиб қучай деб ўртанади. У «Ёш бўлсам ҳам менинг бутун ҳаётим чорак аср давом этган зилзилада» дер экан, китобхон қалбига ларза солади.

«Шаҳар ижрокомининг раисига ошиқлардан ариза» боби ажиб бир табассум, ёруғ бир ҳазил-мутойиба билан ёзилган. Ёшлар бу аризада шаҳарда ошиқлар шаҳарчаси қуриб беришни сўрайдилар, унда «Вафо» номли кўча, «Аҳд-паймон» номли майдон, «Висол» номли хиёбон бўлишини илтимос қиладилар, у шаҳарчада Фарҳод, Ширин, Тоҳир, Зухра, Ромео, Жульетталарга ҳайкал ўрнатишни орзу қиладилар. Хуллас, бу боб ширин бир ҳаёл, эзгу бир орзу сифатида юзага келган бўлиб, шоир фантазиясининг ажойиб маҳсулидир.

«Шаҳри Дилором» бобидаги воқеа ҳам ўзича қизиқ, оригинал ва ҳаяжонли. Бу боб Ўш шаҳрида яшайдиган Дилором исмли ўн бир яшар қизнинг Ўзбекистон Компартияси номига хати ва атлас кўйлақ учун йиғилган беш сўм пулини болалар боғчаси қуриш учун деб юбориши ҳодисаси асосида вужудга келган. Бу ҳодиса шоир қалбида янги туйғулар туғенини ҳосил қилади.

Жаҳон подшолари хазинасидан  
Олтин юборганда ҳамки беадад.  
Дилором,  
Дилором,  
Жажжи сингилчам,  
Сенинг ёрдамингча бўлмасди мадад,—

деган ҳаяжон тўла сўзлар билан мурожаат қилади Дилоромга.

Ана шу боблар ҳаммаси йиғилиб, ғоят ҳаяжонли, оригинал, сермазмун бир дostonнинг юзага келишини таъминлаган. Гарчанд «Ниҳоя»да «Булар дoston эмас, булар барчаси зилзилада кўчган шеърлар парчаси» дейилган бўлса-да, асар китобхон қалбида катта ҳаяжон уйғотувчи, тасаввуримизда зилзила даҳшатлари, одамлар шижоати ва саботи, совет кишиларнинг дўстлик ва интернационализм муносабатлари ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилувчи оригинал дoston бўлиб чиққан.

Ўзбек классик адабиётимизда дoston жанри жуда ранг-баранг, бой компонентларга эга. Асосий сюжет воқеаларидан ташқари, фалсафий ўй-хаёллар, ривоятлар, афсоналар, лирик чекинишлар, тарихий ҳодисалар ёки шахслар ҳақидаги шоирона мулоҳазалардан ташкил толувчи боблар, қисмлар бирлашиб, дostonнинг ғоявий-бадний мукамаллигини, таъсир қувватини оширар, асар палитрасини ғоят сербўёқ, ғоят сержилва қилар эди. «Фарҳод ва Ширин», «Сабъан сайёр», «Садди Искандарий», «Чор дарвиш» каби дostonлар ана шундай хусусиятлари билан гўзалдир.

Эркин Воҳидовнинг «Шарқий қиргоқ» китобига кирган «Рухлар исёни» асарида дostonчилигимизнинг ана шу бой анъаналари янгидан кашф этилди. Шоир ҳинд шоири Назрул Ислоннинг фожиали тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи айрим воқеаларни дoston сюжетига асос қилиб олган. Лекин ана шу сюжет линияси билан чекланиб қолмасдан, эрк ва тенгликни, фидойилик ва мангуликни, ҳақиқат ва тўғриликни улуғлаш, сохталик ва риекорликни қоралаш, содиқлик ва хиёнатни қарама-қарши қўйиш каби юксак ғояларни ифодаловчи ривоят ва афсоналар, тарихий ҳодисалар ва фактлардан ташкил топган, ғоят гўзал мукамал боблар яратган ва уларни дoston композициясига усталик билан сингдириб юборган. Шунинг учун ҳам «Рухлар исёни» дostonи Назрул Ислон фожиасидан ҳасрат чекувчи шоирнинг марсиясигина эмас, балки барча ёвузликларга

қарши эзгулик учун курашга чорловчи шоирнинг қалб қўшиғи, юрак исёни, алангали ҳаяжонидир.

Узоқ тарих давомида адолат ва ҳақиқат учун зулм ва истибдодга қарши курашган барча фидойилар руҳи шоирни руҳлантиради. Достоннинг «Муқаддимаси»даёқ бу руҳ балқиб туради. Инсон учун турли-туман ғам-ҳасратларнинг барчасидан ҳам истибдод дарди оғирлиги беқиёс бир изтироб билан ифодаланади.

Тўлгогида бу аламнинг  
ёлғиз ингроқ, хонниш бор,  
Абадият жаҳаннамнинг  
оташида ёниш бор,—

дея ўртанади шоир. Ҳа, Назрул Ислом дарди, истибдоднинг дарду алами эди, унга қарши кураш дарди эди.

Эркин Воҳидов курашчи шоир Назрул Исломнинг фидойи қалбини, исёнкор руҳини бутун улуғворлиги билан очиш учун достоннинг «Биринчи фасли»да жамиятдаги қарама-қаршиликлар диалектикасини умумлаштирувчи фалсафий-поэтик трактат яратади. Шу қисмда тун билан кун, ўт билан сув, қоронғилик билан ёруғлик, ҳаёт билан ўлим, ёвузлик билан эзгулик ўртасидаги зиддиятни таъсирли контраст образлар воситасида ёритар экан, «еру уммон, буржлар аро хоҳ ошкор, хоҳ пинҳон, ибтидодан то интиҳо ҳукм сурган ғалаён» дея хулоса чиқаради. Шоир бу фалсафий ҳақиқатни Назрул Ислом қалбида ёшлигидан зулмга қарши кураш нияти мустаҳкам ўрнашганлигини асослашга хизмат қилдиради.

Назрул Исломнинг Хусрав Деҳлавийдек романтик достонлар, Бедил ва Бобурдек ғазаллар, рубойлар эмас, балки курашчанлик руҳи билан тўла янгича исёнкор шеърлар ёзганлиги, ҳаёт талаби эканлигини таъкидлайди шоир.

Ўзга эди аммо фурсат,  
Ўзга эди эл дарди,  
Замон унинг ёниб турган  
Юрагини сўрарди.

Эркин Воҳидов Назрул Ислом қалбида исёнкор руҳининг туғилиш сабабларини шунчалик содда ва шу билан бирга шунчалик кучли қилиб ифодалайдики, камоли истеъдоднинг самараси бўлган бу мисралар китобхонни лол қолдиради:

Шоирни у туғилмасдан  
Гадо қилган эдилар,  
Ўз юртида ўз юртидан  
Жудо қилган эдилар.

Ана шу истибдод, ана шу ёвузлик Назрул Ислон қалбида исёнкорлик шеърларини туғдирганлигини таъкидлар экан, Эркин Воҳидов бу ҳақиқатни шоирликнинг буюк идеали даражасига кўтаради ва Назрул Ислоннинг «Исён қўшиғи»ни ўзбек тилида ёниқ бир дард ва изтироб билан ифодалайди. Бу қўшиқ изтироб — эрку тенглик йўлида жонфидо қилиб курашишни улуғловчи оташин чақириқ мисралар билан якунланади:

Эрк бонгин ур,  
сен интиқом  
Таблин баланд чал.  
Туғилгансан озод, мудом  
Озод бўлиб қол!

Калькуттада 1926 йилда ҳиндлар билан мусулмонлар ўртасида брахманлар ва имомлар фатвоси билан бошланган хунрезлик Назрул Ислонни изтиробга солади. У диний, ирқий низоларга қарши кўксини қалқон қилиб чиқади, ҳинд ва мусулмонларнинг биродарлигини қардошлигини тиклаш учун курашади: «Ҳинд — мусулмон, биродармиз, айт, нима бор низога», дея ҳайқиради у.

Мустамлакачилар ва маҳаллий маъмурларнинг Назрул Ислонни мусулмонлар билан ҳиндлар ўртасига диний низо солишда айблаб ҳибсга оладилар. Эркин Воҳидов бу ҳодисани риёкорлик ва адолатсизликнинг энг қабиҳ кўринишларидан бири сифатида тасвирлайди. Унинг оташин мисралари китобхон қалбига ларза солади, ёвузликка қарши кураш оловини алангалатади:

Айбномани тингланг, ҳатто  
Фарёд қилар тошлар ҳам.  
«Ҳинду билан муслим аро  
Қутқу солган шул одам».  
Бу дунёда бор қабоҳат,  
Бу дунёда бор ёлгон,  
Аммо бундай ошкор тухмат  
Бўлмагани ҳеч қачон.



булоқдан обиҳаёт сувини ичиб қўйиб, минг йил давомида ўлмай яшаётган бир кимсанинг азоблари, унинг ўз ҳамсухбатлари, тенгқурлари, қариндош-уруғларидан айрилиб, ёлғизликда қийналиши, ўзини бўйнигача қумга кўмиб, ўлимни кутиб ётиши тасвирланади. Шу булоққа дуч келган иккинчи одам ҳалиги одам ҳолидан ибрат олиб, обиҳаётни ичмай чўлга сепади, чўлдаги бир уруғга нам етиб, чинор униб чиқади. Бу ривоятдан кўп хулосалар чиқади. Инсон ўлмай, боқий яшаш билан эмас, фидойилик қилиш, яхшилик қилиш билан абадият касб этади, деган ғоя ана шу ривоят орқали гўзал бир тарзда ифодаланади.

Достонда «жаҳолат ҳақида ривоят» бор. Бу ривоят ўзининг ғоят таъсирчанлиги ва ибратомузлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Ана шу ривоятда ҳикоя қилинишича бир донишманд ҳаким табобат илмига ўзини фидо қилиб, минг бир мушкул дардни даволаш даражасига кўтарилади. Наштар ва малҳам билан кўрларнинг кўзини ҳам очади. Аммо хурофот вакиллари уни тақдирга шак келтирувчи «шайтон»га чиқарадилар. У гулханда куйдиришга ҳукм қилинади. Кенг майдонда уни устунга боғлаб ёндирадилар. Жоҳил бир чол ҳам бир боғ похол ташлар экан, ўз дардини айтади. У асли кўр бўлиб, гадоликда кун ўтказар экан. Ҳаким унинг кўзини очгач, одамлар унга аввал берадиган бир бурда нонни, чақани ҳам бермай қўйишибди. У ёнаётган ҳакимга хитоб қилиб айтади:

Уйлар эдим, дунёда бор  
Мусаффолик, соддалик.  
Кўзим очиб кўрдим илк бор  
Бераҳмлик, сохталик.  
Уғрилнгу фаҳшни кўриб  
Жим юраркан одамлар,  
Ўз дўстига кулиб туриб,  
Тиф ураркан одамлар.

Дердим, юртни бир бор кўрсам,  
Кўрдим, орзу тўқ энди.  
Пўлда ётган кўрчаллик ҳам  
Эътиборим йўқ энди.  
Бу дунёдан тўйдим охир  
Адо бўлсам майлига.  
Ё қайтадан ўша басир  
Гадо бўлсам майлига.



Бу фожиали драматизм қанчалик даҳшатли бўлса, бу сўзларни эшитган донишманд ҳақимнинг фарёди ундан ҳам даҳшатлироқдир.

Тезроқ кетай

бу дунёдан

Ҳеч тоқатим қолмади.

Мендан шифо олди одам

Олам шифо олмади.

Одамларга мен яхшилик —

Қилмоқ бўлдим,

нетайин,

Манглайда шу экан битик,

Ёқинг, куйиб кетайин.

Уҳ... юракдан фарёд отилади. Ахир, кўзи очилган басирнинг нола-фарёди бир фожиа бўлса, уни даволаган ҳақимнинг аҳволи ундан ҳам оғир фожиа. Бу фожиалар узоқ замонлар ва давронлар фожиасини умумлаштиради, ўқувчини узоқ тарихнинг антагонистик қарама-қаршиликлари қаърига олиб киради, ўйлатади, фикрлатади.

Бу ривоят Назрул Ислонни кофир деб таҳқирлаган мусулмонлар, «жабон» деб ҳақоратлаган буддистлар жоҳиллиги билан чамбарчас боғланиб кетади. Ривоятлар ва сюжетнинг реал воқеалари бир-бири билан ана шундай уйғунлашади. Достондаги лирик чекинишлар ҳам шу жиҳатдан жуда катта ғоявий-бадий қимматга эга.

Масалан, «Жаҳолат ҳақида ривоят»дан кейин берилган чекиниш ўзининг лирик самимийлиги, ширинлиги билан қалбга қуйилиб киради ва ривоят туфайли ҳосил бўлган мусибат изтиробини бир оз енгиллатади.

Ҳар бир ривоятнинг сўнгида берилган лирик чекинишлар «Рухлар исёни» достонига ажиб зийнат бўлиб тушган. Улар даврлар, замонлар ўртасидаги алоқалар, зиддиятлар, ўзгаришларни ифодалашда ўзига хос поэтик ҳалқалар бўлиб хизмат қилган.

Лирик чекинишлар ривоятлар ва нақлларни достоннинг адолат, ҳақиқат, қаҳрамонлик, фидойилик, тўғрилиқ, софлик, эзгулик каби асосий ғоялари билан боғлашда муҳим роль ўйнаган. Бунини «Жаҳолат ҳақида ривоят»дан сўнг берилган чекинишда кўрганализдек, «Олий руҳлар тўғрисида нақл» бобидаги «Биз мабодо

қилсак гуноҳ ҳар қанчаки хилватда, олий руҳлар бўлур огоҳ, жазо берар албатта» каби мисраларда ҳам яққол ҳис қиламиз. Кўринадики, шоир ҳозирги замон кишиларини соф ва тўғри бўлишга, кучли имон ва эътиқод билан яшашга даъват этишда руҳлар тўғрисидаги нақлдан усталик билан фойдаланади.

Эркин Воҳидов дoston ниҳоясида ҳар бир одамни халқ бахту саодати йўлида курашга ундовчи оташин мисраларни лирик чекиниш орқали беради, ўз талантини, истеъдодини, жонини халқ учун фидо қилган Назрул Ислomни ҳақиқий инсонийликнинг, олижанобликнинг тимсоли сифатида улуғлайди, ҳар бир замондошини ана шундай фидойиликка чорлайди:

Кўтаролмай  
Дардли юкин  
Замон қалқиб турибди.  
Назрул Ислom  
Руҳи букун  
Олам кезиб юрибди.  
Шоир бўлиб элга букун  
Даркормисан, дер менга,  
Фидоликка халқинг учун  
Тайёрмисан, дер менга.

Шу тарзда дoston гоёлари ҳозирги куннинг катта гоёлари билан боғланиб кетади: Чили, Никарагуа каби ўз эрки, мустақиллиги учун курашган ва курашаётган халқлар руҳига ҳамнафаслик касб этади.

Қисқаси, «Руҳлар исёни» дostonи тема ва гоёси, вазн ва қофияси, сюжети ва композицияси, бадий нутқи ва ифода-тасвир воситалари жиҳатидан мукамал бўлиб, ўзбек совет дostonчилигида янги ҳодисадир.

Эркин Воҳидовнинг 80-йиллардаги ижодида поэтик жанрлар ва формаларнинг ранг-баранглилиги янада кучайди. «Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ», «Келажакка мактуб» тўпламларидаги аксарият асарлар, шеърӣ новеллалар, воқеабанд шеърлар, эртақлар, латифалар сифатида оригиналлик касб этгандир. Шу билан бирга унинг сўнгги давр ижодида айрим асарлар қасида — поэма; ривоят — поэма сифатида юзага келди.

1983 йилда «Гулистон» журналининг 9-сонида босилган «Тошкент садоси» гоёт ширин, равон қасида — поэма сифатида эътиборни тортди. Унда Тошкентнинг ўтмиши, бугуни, келажаги ҳаяжонли лавҳалар ва монолог-

ларда ифодалаб берилган. Тошкент совет ҳокимияти йилларида ўсиб, камол топиб, чинакам Шарқ машъа-лига айланганлигидан, Осиё ва Африка прогрессив мам-лакатлари халқларининг тинчлик, озодлик, демократия учун кураш руҳини ифодаловчи сиёсий, маданий марказ сифатида дунёга доврўқ таратганлигидан фахрланиш қасиданинг асосий пафосини ташкил этади.

«Шарқ юлдузи» журналида босилган «Жаҳонгир ва сартарош» асарида Амир Темур билан боғлиқ бир ривоят ҳикоя қилинади. Аммо бу асар Эркин Воҳидовнинг олдинги асарларидек кучли ҳароратга эга бўлиб чиқма-ган назаримда. Бунинг сабаби шунда бўлса керакки, шоир жуда машҳур тарихий шахс — Темурланг ҳаёти-дан муҳим бир лавҳани танлаб, уни сюжет учун асос қилиб олган бўлса-да, лекин ўша лавҳага ҳатто салмоқ ва чуқур мазмун бахш этувчи поэтик ғоя ва проблемани яхши аниқлаб олмаган. Натижада сюжет ривоятнинг оддий нақлидан иборат бўлиб қолгандек туюлади. Бу асарда ҳаяжонбахш фикр ва ғоялар, жиддий масала ва проблемалар ғоявий мазмун марказига қўйилмаганлиги учун унинг таъсир кучи, ҳарорати сустроқ бўлиб қолган.

Эркин Воҳидов «Олтин девор» номли комедиянинг ҳам муаллифи. Бу асар билан кулгили-драматик ҳолат-лар, драматик ситуациялар тўқишда ҳам ўзига хос та-лантга эга эканлигини кўрсатди. Асар Ҳамза номидаги республика драма театрида саҳналаштирилди ва катта муваффақият қозонди.

Хулоса қилиб айтганда, Эркин Воҳидов ғоят мурак-каб ижодий йўл машаққатларини енгиб, олға силжиш-да давом этмоқда. У ўзининг латофатли шеърлари, ҳая-жонли ғазаллари, хушчақчақ латифалари, тўлқинли манзумалари, қасидалари ва дostonлари билан халқимиз орасида кенг шуҳрат қозонди ва севимли шоир деган шарафга муяссар бўлди. У юлдузлар билан тўла ижод осмонидан ўзига мос ва хос ўрин эгаллади. У ўз бружидан ҳамиша порлаб, китобхонни ўзига чорлаб туради.

## МУНДАРИЖА

<i>Дилбар Мўминова</i> <i>Улмас Муҳиддинов</i> Шоир дунёси. . . . .	3
<i>Лазиз Қаямов</i> <i>Талғат Солиҳов</i> Меҳри дарё адиб. . . . .	59
<i>Ҳакимжон Каримов</i> Ижод ва истеъдод. . . . .	109
<i>Озод Шарафиддинов</i> <i>Абдуғафур Расулов</i> Олим ва таржимон. . . . .	165
<i>Нуриддин Шукуров</i> Шоирнинг юлдузи . . . . .	220

---

*На узбекском языке*

### СБОРНИК

### ЛИТЕРАТУРНЫЕ ПОРТРЕТЫ

Туроб Тўла, Раҳмат Файзий, Одил Еқубов, Шоислом Шомуҳамедов, Эркин Воҳидов.

Тақризчилар У. Норматов, Б. Акрамов, М. Тенглашев.

Редактор М. Жалилов

Рассом В. Шумилов

Расмлар редактори Ю. Габзалилов

Техн. редактор М. Мирражабов

Корректор О. Турдибекова

ИБ № 3132

Босмахонага берилди 13. 03. 85. Босишга рухсат этилди 19.08.85 Р 14932 Формати 84x108<sup>1/2</sup>. Босмахона қоғози № 3. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 15,54 Шартли кр.-оттиск 15,75 Нашр л. 15,9 Тиражи 2000. Заказ №1786/1166. Баҳоси 80 т. Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129 Тошкент. Навоий кўчаси. 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.